


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И. М. МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ИНСТИТУТИ

БАХТИ ОЧИЛОВА

**ШАХС МАЪНАВИЙ
КАМОЛОТИДА
ИХЛОСМАНДЛИК
ВА ИБРАТ БИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ — «ЎЗБЕКИСТОН» — 2004



87.7 Этика (Ахлоқшунослик)

Китоб маънавий меросимиз, халқимиз қадриятлари, миллатимизнинг ўзига хос фазилатларига ихлосмандлик масаласини ўрганишга қаратилган бўлиб, унда ихлос, ихлосмандлик ва ибратнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва уларнинг шахс маънавий қиёфасини шакллантиришдаги ўрни, ихлосмандликнинг юзага келишидаги миллий хусусиятларнинг ўзига хос томонлари аجدодларимизнинг бой маънавий меросига мувожаат асосида таҳлил этилган. Китобда ихлос ва ихлосмандлик тушунчасига илк бор таъриф берилган ҳамда ўта мураккаб муаммо саналмиш ихлосмандликнинг ўзгарувчанлик хусусиятларини очиб беришга, бу хусусиятнинг миллатимиз менталитети билан боғлиқ жиҳатларини курсатишга ҳаракат қилинган.

Масъул муҳаррир: фалсафа фанлари доктори **А. ЖАЛОЛОВ**

Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори, профессор **Т. ОРТИҚОВ**
фалсафа фанлари доктори, профессор **Х. АЛИҚУЛОВ**


Муҳаррир: **К. БУРОНОВ**

1031523
29,

ISBN 5-640-03204-9

III 0301040200 - 125 2004
M351(04) 2003

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2004 й.



МУҚАДДИМА

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида, қатор долзарб ижтимоий масалалар пайдо бўлдики, уларни ҳал қилмасдан тараққиётга, бозор муносабатларига ўтиш мумкин эмас. Ана шундай масалалардан бири — халқ онгини ўзгартириш, миллат тафаккурини уйғотиш, миллий ўзликни англашдан иборатдир.

Зеро, йиллар давомида собиқ коммунистик мафкура таъсирида онгимизга сингдирилган одамни олижаноб қилмоқ учун у яшаётган жамиятни инсоний қилиб қайта қуриш лозимлиги ҳақидаги “ақида” бугунги кунда ўз мазмун-моҳияти билан ҳаётий ҳақиқатга янгича қараш асносида ўзгарди.

Бинобарин, одамни яхшиламай туриб жамиятни яхши қилиш мумкин эмаслиги ҳам аён бўлиб қолди. Одамларни руҳан покламасдан, неча ўн йиллар давомида илдиз отган маънавий носозликларни бартараф қилмасдан туриб, жамият тараққиётида жиддий муваффақиятларга эришиш қийин.

Ўз даврида азиз алломаларимиздан бири — Сулаймон Боқирғоний, “маним хор бўлишим — ўз ғафлатимдан” деган сатрларини бежиз ёзмаган. Бу жумла замирида Боқирғоний, инсон ўз миллати, маърифати, маданияти, маънавий мероси, қадриятлари олдида ғафлатда экан, ул қалб ҳаминша хорликка маҳкумдир, деган умуминсоний ғояни илгари сурган.

Яқин кунларгача биз аввало, мустақил эмаслигимиз, сўнгра мустабидчилик исканжасида қолганлигимиз боис ўз маънавий меросимизни хоҳлаганча ўрганиш имкониятига эга эмасдик. Эндликда уни теран ўрганиш, тарғиб қилиш, биз учун ҳаёт-мамонт масаласида ундан хорижий тадқиқотлар орқалигина хабардор бўлишга чек қўйиш миллий қадр-қимматимиз, шаънимиз, ор-номусимиз, юксак ватанпарварлик бурчимиз ишига айланди.

Эртанги кун истиқболлари томон йўналтирилган саъй-ҳаракатларимиз айни маънавиятимиз, дунёқарашимиз, тафаккуримиз, ақлзаковатимиз, фалсафий саводхонлигимиз кўлами, даражаси, қамровига боғлиқ бўлиб турган бугунги шароитда бу соҳадаги ишларимизнинг биз учун тақдириломон аҳамиятини кўрмай сира иложимиз йўқ. Қолаверса бу иш аждодларимиз руҳи поклари олдидаги қарзимиз, бугунги вазифамиз ва келажак авлод олдидаги масъулиятимиздир.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларга эга бўлган кишиларни шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, Ватанга, истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Маданиятимиз пойдевори бўлган аждодларимизнинг тарихий меросига ихлосманд бўлиш, уни ўрганиш фақат илмий жиҳатдан катта аҳамият касб этибгина қолмасдан, айни вақтда, халқимиз яратган маънавий хазинадан баҳраманд бўлишда, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишда ва инсоннинг ҳар томонлама камол топишида ҳам ўта муҳим ўрин тутаети.

“Табиийки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доимо ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди”¹.

Инсон ҳеч қачон ташқи дунёдан, ўзини қуршаб турган оламдаги ўзгаришлар, ривожланишлар, рўй бераётган ҳодисалар, воқеалар, жараёнлардан ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган ҳолда яшай олмайди. Дунёдаги давлатлар, халқлар, миллатлар, ижтимоий-сиёсий кучларда бўлган турли мазмундаги ҳодиса ва жараёнлар, айниқса, мафкуравий таъсирлар одамлар онги, тафаккури ва дунёқаршига таъсир этмасдан қолмайди. Бу таъсирлар кишилар кайфиятида, интилишларида ҳам, уларнинг муайян дунёқарши, қизиқишлари, маълум нарса ҳодисаларга нисбатан ишончи ва ихлосининг шаклланишида ҳам кўзга ташланади.

Қўйингки, инсоний фазилатлар шахс маданияти такомили ҳам бевосита у яшаб турган муҳит, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамда мафкуравий жараёнлар уйғунлиги асосида юзага келади. Бошқача айтганда, биз тадқиқ этмоқчи бўлган ихлосмандлик ва ибрат муаммоси ҳам жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган, кишиларни мақсад-муддаолари йўлида бирлаштираётган, сафарбар этаётган миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг асосий тамойилларининг ҳаётга нечоғли жорий этилиши билан узвий боғлиқдир.

Сир эмас, собиқ шўровий тизимнинг ноинсоний ғояси, миллий ва диний туйғуларимизни қўпол равишда камситар, тарихий тадқиқотни бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятни, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожиясига айланиб қолган эди. Миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этилар эди. Наврўз, Рамазон, Қурбон

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — 216-бет.

хайити каби кўплаб байрамлар тақиқ этилган эди. Амир Темури, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Хожа Аҳрор Валий, Абдулхолиқ Ғиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Усмон Носир каби миллий озодлик фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди.

Айтиб ўтилган ва бошқа сабабларга кўра, одамларнинг коммунистик мафкурага бўлган ишонч ва эътиқоди батамом сўниб, аксинча, унга нисбатан нафрати, қаҳр-ғазаби кучайиб кетган эди.

Республикамиз олимларининг жиддий тадқиқотлари натижасида юзага келган илмий хулосаларга кўра, ушбу меросни ўрганишнинг қуйидаги асосий жиҳатларига диққат-эътиборни қаратмоқ лозим:

— аждодларимиз яратган, улар бизга мерос қилиб қолдирган маънавият дурдоналари халқимиз, миллатимиз илдизларининг нақадар бақувват, чуқур эканлигидан далолат беради. Мустақиллигимиз биниси балки, худди мана шу пойдеворга таяниши билан ҳам мустаҳкам, мангуликка даҳлдор бўлса ажаб эмас;

— зотида буюк алломалар бўлган халқ барибир вақти келиб, ўз тарихидан ибрат олади, илҳомланади ҳамда мана шунга монанд хатти-ҳаракатлар қилишга, фаолият кўрсатишга ўзида етарли замин, шижоат ва жасорат топа олади;

— ўтмишдан биз ҳамма нарсани ҳам қабул қила олмаймиз, чунки унинг ҳамма томонлари ҳам ибратли эмас. Биз ўтмишдан кулни эмас, балки чўғни, оловни олмоғимиз зарур. Бунинг учун игна билан қудуқ қазигандек, енгни шимариб, астойдил меҳнат қилиш тақозо этилади. Бундай меҳнат мутахассисларнинг, олимларнинг йиллар давомида тинмай изланишларини талаб қилиши турган гап. Ҳар қандай мерос, у қандай мафтункор бўлмасин, янги давр учун ўз-ўзидан хизмат қила олмайди. У ҳаминша чуқур танқидий таҳлилга, ижодий бойитилишга, ривожлантирилишга муҳтож бўлади. Фақат мана шундагина замона ўтмишдан озуқа ола билиши, ўтмиш эса замонага хизмат қила бошлаши мумкин¹.

Ҳақиқатан ҳам аждодлар меросини ўрганиш давримизнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисаларини чуқур идрок этиш ва тушуниб етишга, озодлигимиз, мустақиллигимиз ва равнақимизни қадрлашга даъват этади.

¹ Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. (Сиёсий-фалсафий қирралар). — Т.: Ўзбекистон, 1996. — 193-бет.

ИХЛОСМАНДЛИК, УНИНГ МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА МАЪНАВИЯТ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲДИЛИ

1-§. ИХЛОС, ИХЛОСМАНДЛИК ТУШУНЧАЛАРИ, УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ НЕГИЗЛАРИ

Жамиятнинг турли тарихий тараққиёти даврлари жараёнида маънавият соҳасида эришилган билимлар, тажрибалар ундан кейинги авлод учун тарихий тажриба, хотира бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, аждодлар тарихий тажрибаси, қадриятлари, урф-одат ва анъаналаридаги ижобий фазилатларга нисбатан кишида шаклланидиган ихлос, аввало, тарихий ворисийлик, ана шу фазилатларга чуқур меҳр-муҳаббат асосида юзага келади.

Зеро, ихлос тушунчаси унинг ижтимоий-тарихий негизларини, ихлосмандликнинг амалий аҳамиятини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам айнан тарихий хотирани уйғотиш, унутилаётган миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклашга бўлган табиий эҳтиёж натижаси эканлиги фикримизнинг далилидир.

Халқимизнинг ўрганишга, ўзлаштиришга, тарғиб этишга лойиқ фалсафий мероси, анъаналари бор. Аммо бу меросга ихлосмандлик масаласи, айрим сабабларга кўра, назардан четда қолиб келди. Шўро даврида, тарихий, миллий, маънавий қадриятларимизга ёндошишда муайян ижодий ишлар билан бир қаторда, кўпроқ бир томонламаликка йўл қўйилди. Авваламбор, бу борада амалга оширилган ишлар халқимиз бошидан кечирган тарихий жараёнга мутаносиб бўлмади. Мутафаккирларимиз яратган асарларга, таълимотларга ноҳолисона баҳо берилиб, улардаги ижобий, умуминсоний мазмун тўла-тўқис пайқалмади, маънавий, миллий маданиятимизнинг бутун бир қатламлари йўналишлари динийликда, бидъатчиликда, хурофотда, идеализмда айбланиб, улар жиддий тарзда ўрганишга молик, деб ҳисобланмади¹. Бошқача айтганда, турли ваз-қарсонлар билан маънавий меросимизни ўрганишга сунъий тўсиқлар қўйилган.

Шу ўринда қадимги юнон афсонасидаги бир ҳикояни эслаш ўринлидир. Бу афсонада тавсифланишича, тоғлар орасида тор йўлда туриб, ҳеч кимни ўтказмаётган ёвуз Прокруснинг андозали темир кровати бор экан. Прокрус йўловчиларнинг барини ўша кроватга ётқизиб кўрар экан. Бўйи етмаса, чўзиб ўлдирар, агар кроватдан бўйи ошиб кетса сиғмаган қисмини қирқиб ташлар экан. Собиқ тузум мафкураси ҳам ўтмиш маънавий меросига, айниқса, миллий, диний-ахлоқий қадриятларга ана шундай муносабатда бўлди.

¹Қаранг: Жалолов А. Мустақиллик масъулияти.— Т.: Ўзбекистон, 1996.—231-бет.

Бундай шароитда аждодларимиз меросига ихлос ва ихлосмандлик тўғрисида бирон-бир фикр ёки назарий қараш билан чиқиш мушкул иш эди.

Иккинчи томондан, деярли 130 йилдан ортиқ мустамлака ис-канжасида бўлган миллат эътиқодида муайян ғояга садоқат, келажакка ишонч билан қараш ўрнини мутелик, фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эгаллаган эди. Миллат маънавиятини кўтаришга уринган илғор фикрли фидоий миллатпарварлар турли баҳоналар билан йўқ қилинар эди. Мана шу сабабларга кўра, ихлос ва ихлосмандлик мустабид тузум даврида кишиларимизнинг табиий эҳтиёжига айлана олмади. Тўғрироғи, гарчи бу эҳтиёж мавжуд бўлсада ижтимоий муҳит ва тарихий шароит бунга изн бермади.

Зеро, ихлос тез ўзгарувчан, кишилар ижтимоий-руҳий ҳолати асосида юзага келадиган, уларнинг кайфияти, дунёқараши билан боғлиқ жараёндр. Шунинг учун ҳам баъзан кишилар “энди ихлосим қолмади”, “ихлосимдан қайтдим”, деган сўзларни айтадилар. Ихлосдан қайтиш бирор ижтимоий-маънавий муаммонинг шахс ва жамият манфаатларига мос келмаслигини амалий фаолият заминидан аниқлаш ва унга нисбатан янгича муносабатни белгилашдир. Айни шу маънода олиб қараганда собиқ мустабид тузумдан кишиларимизнинг том маънода ихлоси қайтганлиги ҳам ихлос ва ихлосмандликка нисбатан бефарқ қолишимизга сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Нима учун биз маънавий меросга ихлос ва ихлосмандликнинг шаклланиш жараёни ҳақида фикр юритаётганда ихлосдан қайтиш масаласига ҳаттоки унинг ижтимоий маънода кишилик ва жамият ҳаётига таъсирига кўпроқ эътиборни қаратмоқдамиз? Чунки, бунинг боиси кишиларнинг индивидуал ҳаётида ҳам, ижтимоий муносабатлар тизимида ҳам, уларнинг муайян нарса ва ҳодисага нисбатан қизиқиши, ишонч ва эътиқоди, бир сўз билан айтганда, унга бутун вужуди билан, қалбидаги меҳр кўри билан муносабат бўлмас экан, уларда ўша нарсага нисбатан ихлос ҳам бўлмайди. Ихлос — инсон қалбининг нодир бисоти, у инсоннинг энг қимматли туйғуси, виждони, шарафи, имони, лафзидир.

Ихлос тушунчасининг таҳлилидан келиб чиқиб, унга қуйидагича илмий таъриф бериш мумкин.

Ихлос ижтимоий-фалсафий категория бўлиб, у кишиларнинг муайян нарса ва ҳодисага қизиқиши, ишончи унинг бирор ғояни, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мақсадларни, ахлоқ-одоб нормаларини, қадриятларни ўз фаолияти ва маънавий камолотига асос қилиб олишга интилиши, унга меҳр билан муносабатда бўлишидир.

Ихлос ўзининг ижтимоий илдизига эга, чунки инсоннинг ҳар қандай амалий фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнлар ўзининг узоқ ўтмишига эга бўлиб, йиллар ва асрлар давомида ҳаётий тажри-

балар асосида такомиллашиб борган сари муайян инсон учун ихлос кўйиш манбаига айланади.

Шунингдек, ихлос ижтимоий-руҳий (психологик) асосга ҳам эга бўлиб, инсон ҳиссиёти ва туйғулари билан узвий боғлиқдир.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, ихлосни бир қатор категориал тушунчаларга: инсоннинг инсонга ихлоси, дўстга ихлос, касб-корга, ҳунарга ихлос, динга ихлос, илмга ихлос каби турларга ажратиш мумкин. Аждодларимиз меросига ихлос деганда, мана шу ихлоснинг барча турлари мужассамини кўрамыз.

Ихлоснинг яна бир хусусияти — у инсон эҳтиёжи ва манфаатлари билан узвий боғлиқликда кўринади. Ихлос инсон қалби ва руҳияти билан боғлиқ жараён экан, у ҳолда ихлосмандликнинг умумий ва хусусий жиҳатлари нималардан иборат? — деган табиий савол туғилади.

Фикримизча, ихлос алоҳида шахс амалий фаолияти, интилиши, қизиқиши ва маслаклари мажмуини англатса, ихлосмандлик аждодлар меросига бутун бир авлоднинг табиий интилиши, унга бўлган меҳр-муҳаббатининг ижтимоийлашган шаклини ифодалайди. Ихлосда шахс фазилатлари устувор аҳамият касб этса, ихлосмандликда муайян миллат менталитети, урф-одатлари, тамойиллари, диний-ахлоқий қадриятларини такомиллаштира бориш етакчилик қилади.

Шу боис, миллий урф-одатларимизда инсонга, кексаларга, устоз-мураббийга, меҳмонга, меросга ҳурмат-эҳтиром ва ихлосмандлик энг яхши хислатлар ҳисобланган. Шунини алоҳида таъкидлаш жозик, инсонни фаолиятга ундовчи энг муқаддас туйғу-эътиқод ҳам ихлос ва ихлосмандлик замирида шаклланади. Лекин, ҳар қандай интилиш ҳам ихлос бўла олмайди. Ихлос инсонда шаклланаётган қизиқиш ва интилишнинг муайян йўналиши, унинг аниқ манфаат, мақсад йўлида намоён бўлиб боришидир. Қизиқиш маълум тажриба асосида шаклланиб, инсон эҳтиёжи ва манфаати билан боғланганда ихлосга айланади.

Ихлос тушунчаси, унинг моҳиятини теран англаш, аввало, бугунги кун ҳамда давр эҳтиёжларини қондириш билан ҳам узвий боғлиқдир.

Демак, ихлоснинг шаклланишида аждодларимизнинг инсонпарвар ғоялари, уларнинг бебаҳо меросига қизиқиш асосий омил бўлиши шубҳасиз.

Бу хусусда тасаввуф илмининг йирик вакили Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг (1103-1179) “Васиятнома”сидаги кишини инсонларга хизмат этишга чақирувчи “Жамоага мулозим бўлғил”¹, деган

¹ Фахриддин Али Сафий. Рашоҳат айнул ҳаёт // Мулоқот. 1995.— №7-8.—60-бет.

даъватининг ўзи унга ва унинг меросига нисбатан чуқур ихлос қўйишга етарли асос бўла олади.

Ғиждувоний одамларнинг ҳаётий фаолиятларига ҳамфикр бўлиш ва яқиндан ёрдам кўрсатиш, тоат-ибодат, уларни ҳимоя этиш билан Оллоҳ кўрсатган йўлдан бориш ва унинг раҳматига сазовор бўлишни жамиятга, инсонга хизмат қилишнинг асосий тамойилларидан бири деб ҳисоблайди.

Айтиш мумкинки, Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний жамиятга хизмат қилиш тамойилларини асослаб берган. Булар халқ манфаатига зид иш тутмаслик, ҳеч кимдан ҳеч нарсани талаб қилмаслик, кишига хизмат буюрмаслик, бойликка ҳирс қўймаслик, барчага шафқатли бўлиш, ўздан кичикларга паст назар билан қарамаслик, ташқи гўзалликка зеб бермаслик, ота-онага, катта-кичikka миннатдорчилик, мансаб эгаллаш, раҳнамо бўлишга тиришмаслик, илм ўрганмасдан туриб, ишга қўл урмаслик..., тариқат йўлини маҳкам тутиш ва бошқалар.

Унинг сўзларидан бирида қуйидаги ибратомуз фикр таъкидланади ва у бугунги кун учун ҳам ғоят қадрлидир: “Хилват эшигини ёпғилу, суҳбат эшигини оч, шайхлик эшигини ёпғину, ёрлик эшигини оч”¹.

Қизиғи шундаки, имом Ғиждувонийнинг илм ўрганиш, икки дунёни бирлаштирувчи саодат ҳақидаги фикрларига, инсоннинг ўз моҳиятини англаш, ўз “мен”лигини қадрлаш ҳақидаги нуқтаи назари билан, ундан деярли 300 йил кейин яшаб ижод этган италян мутафаккири Франческо Петрарканинг ўз дўсти, маърифатпарвар Дионисийга мактубида, саодатли Августиннинг “Дил изҳори”да айтилган фикрларини маъқуллаб, инсон ўз дилига назар ташлаш, руҳий оламига юз буриш ўрнига теварак-атрофдаги жуда кўп ишлар билан шуғулланиб, фикри тарқалиб кетишини² ёзиш ўртасида ажиб бир уйғунлик бор.

Яна бир мутафаккир — Муҳаммад Ғаззолийнинг фикрий мукамаллиги, том маънода, бутун инсоният учун ибрат намунаси, миллатимиз учун эса унинг донишмандлигига эътиқод қўйиш ҳам ибрат, ҳам ихлос намунаси бўла олади.

Муҳаммад Ғаззолий фикрича, инсон маънавий, руҳий оламини камол топтириш учун дил подшо, ақл вазир, руҳ мамлакатни бошқариши керак³. Бундай қараш замирида инсон, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда, тоза юрак билан соғлом тафаккур орқали, инсоннинг руҳий эркинлигини қадрлаш асосий ўрин тутати.

¹ *Фахриддин Али Сафий*. Раҳоҳат айнул ҳаёт // Мулоқот.— 1995.— № 7-8. 60-бет.

² *Гордон Эуджино*. Проблемы итальянского возрождения.— М.: Проссе, 1986.— С.45.

³ Қаранг: Ғаззолий Абу Ҳамид. Кимёи саодат // Камалак.—1994.—13-бет.

Демак, инсон руҳиятидаги ижобий сифатларни такомиллаштириш, кўп жиҳатдан, тафаккур қувватига ҳамда кишининг амалий фаолиятига йўналиш берувчи ибрат ва ихлос даражаларига бевосита боғлиқдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ С. А. В. бир қанча ҳадисларда тафаккур фазилатларини тушунтириб, “бир соатлик тафаккур минг ракат намозга тенгдир” деган ҳикматни баён қилган эди. Тафаккур қилиш асосида эса илм ва ихлос бирлиги туриши ҳеч кимга сир эмас.

Илм-маърифатга ихлос қўйиш, аввало, оилада шаклланади. Бинобарин, ихлос ва ихлосмандликнинг шаклланиши оилада ота-она ибрати ҳамда тарбияси асосида юзага келиши табиийдир, бу хусусда маърифатпарвар мутафаккир Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг қуйидаги тўртлиги фикримизни янада ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Келди асҳоби жаҳон авсофи гафлат мужиби
Не учун ким уйқу ҳосил бўлғуси афсонадан
Сидку ихлос ўлса кимда жамъ ўлур ҳосил мурод
Ким туғор мундоғ ўғил ондоғ атоу онадан¹.

Айниқса ёшларга билим бериш ҳамда уларни тарбиялашда қунт ва ихлосни сусайтирмаслик ҳақида Огаҳий яна шундай ёзади:

Талаб йўлида айлар кишида бўлса гар ихлос,
Муроду манзилига бўлғусидир раҳбари ихлос,
Комил аҳли аро албатта, тобгай рутбаи олий
Маоний касбида ҳар кимсаким қилди ҳунарга ихлос.

Етсанг ихлосдин бир сидқ ажаб эрмас,
Ки, ул боғ ичра экилли бир ниҳоли борвари ихлос
Муродингдин нишони тонг эмас ихлосдин топсанг
Ки толибга берур матлуб васлидин хабар ихлос².

Юқоридаги фикрлар орқали Огаҳий кишида ихлос бўлса, у ўзининг мурод-мақсадига эришиш учун катта имкониятларга эга бўлишини алоҳида уқтиради. Аждодларимиз меросининг ҳар бирида кишини буюк гоёларга даъват этувчи юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлишга ундовчи панду насиҳатлар, ўғитлар борки, улар бевосита ҳар бир кишида бу меросдан баҳраманд бўлиш, уни ўрганишга ихлос ва иштиёқ уйғотади. Ислом илми ва маънавиятининг машҳур намояндаси — Сўфи Оллоҳёрнинг асарларида ҳам ихлос масаласига алоҳида эътибор берилган.

Хусусан, у илму толиблар, диний илоҳий илмлар соҳиби бўлишга уринган муридларни денгиз тубида дуру жавоҳир қидирувчилар-

¹Ҳасанов С. Хоразм маърифати — олам кўзгуси — Т.: Ўзбекистон, 1996.—246—247-бет.

²Огаҳий. Асарлар. II жилд.— Т.: 1972.—268—269-бетлар.

га қиёс этиб, уларнинг илмга бўлган ихлосини улуғлар экан, айрим ҳолларда, ана шундай ихлосманд муридлар етарли эмаслигидан куйиниб ёзади.

Топилганда мунингдек лужжаи хос
Қани ихлоси кўп ҳимматли ғоввос?

Яъни, айтадики, зикр қилинган муридлар топилиб турган шундай пайтда ихлосу ҳиммат дарёсига чўмгучи муридлар қани?

Чўмиб олғай илмга дуру мақсуд,
Ва гар на, қул солиб қочмоқ нечук суд.

Ихлосий мурид аввал чўмиб мақсуд инжусини олур, шундан кейингина ўзини кўрар. Чунки, шайхнинг ўзигагина қўл бериб, мажлисида турмай қочиб кетмоқдан фойда йўқдир, шундай экан, мажлисда ўтиришда давом қил, ундан сўнг, етилиб камолот топарсан¹.

Демак, инсоннинг камолот йўли ўз устозига, илм ва ҳунарга ихлос билан такомилга етади. Илм-маърифатга ихлосмандлик машҳур мутафаккирларимиз ҳаёти ва ижодини асосий мезони бўлган.

Аслида, маърифатни ҳам, унга ихлоснинг илк йўли ҳам ибратдир. Гўдак ёруғ дунёга келиб, яшаш ишқи билан ҳаётга интилар экан, ишни ибратдан бошлайди. Она ибрати, ота ибрати, оналар ва опалар, бувилар ва боболар ибрати билан воқеликка ўз муносабатини шакллантиради. Бу дунё асли инсонга ибрат учун яратилган. Дарахтларнинг Қуёш сари бўй чўзмоғи — ибрат, жониворларнинг ўз тақдиридан ризолиги — ибрат, тоғлар улуғворлиги — ибрат, уммонлар теранлиги — ибрат, Қуёш ва Ой хизмати, кеча ва кундуз навбати — ибрат, ошиқлар ишқи — ибрат, эранлар жасорати — ибрат, зоҳидлар тақвоси — ибрат, ташаббускорлар ғайрати — ибрат, оқиллар тадбири, ҳаё эгалари андишаси, сиддиқлар ибоси, оналар меҳри, оталар бағрикенглиги, гўдаклар бегуборлиги, кексалар улуғворлигининг барча-барчаси инсон учун ибратдир.

Ёмондан ёмонликни кўриб, англаб, ундан қайтмоқ — ибрат, яхшидан яхшиликни англаб эргашмоқ — ибрат, ўғрининг тақдири — ибрат, фоҳишанинг фожиаси — ибрат, фотиҳлар умри — ибрат, сотқинлар тубанлиги — ибрат. Нима ибрат эмас? Барчаси ибрат.

Ибрат ола билмоқ — маънавият, кўриб ибрат олмаслик маънавий сўқирликдир².

Аммо, ибрат тақлид эмас. Ибрат ўрнига тақлид — дил кўзининг кўрлигига далолат. Қачонки, кимдаки, қаерда, қайси замонда ибрат

¹ «Рисолаи Азиза» — «Саботул ожизин» шарҳи. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. — Т., 2000. — 244—245-бетлар.

² Қаранг: М. Имомназаров. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. — Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1998. — 79-бет.

ўрнини тақлид эгалласа, маънавиятнинг ўлгани ана шу. Маърифатнинг яна бир буюк ўчоғи илмдир. Илм — асли ажодлар ибрати, ўтганлар, биз кўрмаганлар ҳақида хабар орқали ибратдир. Пайғамбаримиз ҳаёти — ибрат, имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти — ибрат, “Жомеъ ас-Саҳиҳ” китоби эса илмдир. Форобийнинг илм йўлидаги фидоийлиги ибрат, “Фозил шаҳар фуқароларининг қарашлари” рисоласи эса илмдир. “Қонун-фи-т-тиб” — илм, Ибн Синонинг илмга чанқоқлиги эса ибратдир. Зеро, илм туфайли инсон ҳаётда қоқилмайди, хавф-хатарли йўлдан юрмайди.

“Маърифатчи (ориф),— дейди мутафаккир,— ботир одам бўлади..., у барча беҳуда нарсаларга хирс кўйишдан узоқ ва барча адашганларга меҳрибондир..., у ўз нафсонияти билан улуғвор бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди”.¹

Модомики, шундай экан, биз ўзимиз Форобий ва Ибн Сино илмини ўзлаштиришга астойдил киришмасанг-у, аммо фарзандларимизга уларни ибрат қилиб кўрсатсак, “Жомеъ-ас-Саҳиҳ”ни ўзлаштирамасдан пайғамбаримизга меҳру садоқатдан лоф урсак, бу риёдир, мунофиқликдир. Бу билан фақат ўзимизни инсонлар ва Оллоҳ олдида шарманда қиламиз. Ибрат, илм-риёзат, унга меҳру муҳаббат ва ихлос маърифат йўли бўлганлиги учун у бугунги кунда биз учун миллий ва, ўз навбатида, ижтимоий эҳтиёж бўлмоғи керак.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу эҳтиёжлар бизнинг ажодларимиз удумлари, хайрли ишлари, меҳр-оқибатлари билан ҳамоҳанг тарзда шаклланади. Умрни дўстлар хизматига бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамаслик, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриб, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш зоҳиран ва ботинан пок юриб, ҳалол, покиза инсонлар суҳбатини қозониш...

Шундай сифатларни ўзида мужассамлаштирган кишилар тарихимизда кўп бўлган. Улар жамоа бўлиб уюшиб, ўз эзгу ниятларини амалга оширар эдилар. Уларни жавонмардлар, аҳийлар ёхуд фотийлар, деб атардилар. (“жавонмард” — мард йигит демакдир. “Фатхий сўзи ҳам шу маънони билдиради, “ахий” — биродар, дўст демак”) уларнинг тариқати маслағи эса жавонмардлик ёки футувват, деб юритилади².

Бу таълимот Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўпгина мамлакатларида кенг тарқалган, унинг вакиллари ижтимоий тенглик, адолат учун курашганлар, хўрланган ва таҳқир этилганларни ҳимоя қилганлар.

Бир одамдан: “Қандай киши жавонмард аталишга лойиқдир?” деб сўраганларида, у “Нуҳ пайғамбарнинг яхши хулқи, Иброҳим-

¹ Ҳикматларга тўла бу дунё.— Т.: Ўқитувчи, 1997.—35-бет.

² Комилов Н. Тассавуф. Биринчи китоб.— Т.: Ёзувчи, 1996.—113-бет.

нинг ишончи, Исмоилнинг тўғрилиги, Мусонинг самимияти, Абу Бакрнинг ҳамдардлиги, Усмоннинг уятчанлиги, Алининг билимдонлигини ўзида мужассамлаштирган киши жавонмарддир, деб жавоб берган экан. Шулар билан бир қаторда, у одам ўзини тергаши, яъни бор нарсасидан мағрурланмаслиги, ҳеч пайт шахсиятпрастлик қилмаслиги, мақтовга учмаслиги, ҳамиша ва ҳамма жойда ўз сифатларидан фақат камчиликларини, биродарларининг хулқидан эса фақат яхшиликларини кўрсатиши шартдир”¹ — деган экан. Бу таълимотнинг ибратли томони яна шундаки, у ҳақиқатни яшашнинг бош моҳияти, деб билади. Бу оқим кишиларининг эътиқоди бўйича ҳамма вақт ҳақиқатни сўзлаш зарур. Негаки, дунёнинг ҳамма ишлари ҳақиқатан ҳақиқат томонга юришдир. Ҳақиқатгина адолат ҳамда диёнатга чин посбондир. “Қобуснома”да жавонмардликнинг асоси уч нарсада, деб белгиланган. Бири — айтган сўзни бажариш. Иккинчиси — тўғриликка асло хилоф иш қилмаслик. Учинчиси — хайр-эҳсонни кўзлаш. Жавонмард — ваъдасига вафо этувчи, софдил ва ростгўйдир.

У бечора, муҳтож ғарибларга мадад етказишдан мадад олади. Ёмонлардан яхшиларни ҳимоя қилиб роҳатланади.

Навий бир фардида:

Мурувват барча бермакдир, емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдир, демак йўқ.

— деб ёзганида ҳам жавонмардлик эътиқодининг шартларини қайд этган эди.

Халқимиз тилидаги: “Агар яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик қилма”, деган нақл ҳам жавонмардликдан бизга мерос қолган бўлса, ажаб эмас.

Бинобарин, ажодларимизнинг мана шундай инсонийликка йўғрилган саъй-ҳаракатларидан ибрат олиш, уларнинг меросига ихлосманд бўлиш бугунги, биз умргузаронлик қилаётган даврнинг ҳаётий эҳтиёжидир.

“Абдулмаъоний”, яъни “Маънолар отаси” деган шарафга эга бўлган Мирзо Абдулқодир Бедилда шундай ажойиб пурҳикмат рубоий бор:

Ҳар кўзки, агар олмаса ибрат кўрдир,
Ҳар луқма, агар бермаса лаззат, шўрдир,
Ҳар тўн, агар ўзгармаса, тўнмас, у кафан,
Ҳар хонаки бирдек тураверса, гўрдир².

¹ Ҳаққул И. Адл оёғин тутки, бўлиб шод ичай... (Ибрат чашмаси) // Жамият ва бошқарув. № 1—2.—2001.—15—16-бетлар.

² *Ғайбуллоҳ ас-Салом*. Сайди Умр. Толибнома.— Т.: 1997.—53-бет.

Ҳаёт бор экан, ўзгариш, ривожланиш, маънавий юксалиш, айрим ҳолларда эса инқирозлар, депсинишлар, маънавий қашшоқланиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланиб туради. Ана шундай ҳолатларни бартараф этиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси, аввало, атрофга ибрат кўзи билан қараши, ҳаётнинг ўзидан, хусусан, гайри инсоний воқеликдан ҳам инсоний маъно топиши лозим. Бу эса ундан жараёнлар ичига чуқур кириб боришни, теран ақл-идрокни, мазкур жараёнларни бир қанча муҳитларда синаб кўриш, муқояса этиш (чоғиштириш) қобилиятига эга бўлишни талаб қилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳаёт ҳақиқатидан ибрат ола билишга ўрганиш зарур. Зеро, мутафаккир шоир Рудакий ёзганидек:

Ҳар киши ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим.

Биз бу ташбеҳларни бекорга келтирганимиз йўқ. Чунки, ибрат орқали воқеликдаги маълум ҳодисаларнинг моҳиятини теран англаш, ҳаётий масалаларнинг ечимини топишга ёрдам берувчи маънавий-ахлоқий ҳамда тарбиявий аҳамиятга молик жараёнларга ихлос билан қараш, уни ўрганиш, халқимиз ва миллатимизнинг ихлосмандлик анъаналарига садоқатини янада мустаҳкамлаш мумкин бўлади. Ўз навбатида, ихлосмандлик миллий урф-одатларимизнинг моҳиятини ҳам ташкил этади. Жумладан, инсонга, дўстга, кексаларга, мураббийга, меҳмонга, меросга ҳурмат-эҳтиром халқимизнинг энг яхши хислатидир. Яхшиликка ихлос қўйсанг, ёмонликдан халос бўласан, дейишади донолар. Инсонга ихлос, аввало, салом беришдан бошланади. Салом дилни дилга улайдиган меҳр кўприги, меҳроқибат ва одоб-ахлоқли қиладиган каломи-шариф. Одам одамни кўриши билан “Ассалому алайкум”, деб хитоб қилади. Бу билан одам бошқаларга тинчлик, осойишталик, саломатлик тилайди. Алик олувчи ҳам “Ваалайкум ассалом” дея саломлашувчи кишига тинчлик, осойишталик, саломатлик тилаётганини билдиради. Шундан сўнггина дилга меҳр, юзга табассум югуради. Салом-аликдан сўнг одамлар ўртасидаги “бегоналик” пардаси кўтарилиб, ҳол-аҳвол сўрашга йўл очилади. Кексалар болаларга ёшлиқдан салом беришни ўргатадилар.

Яхши оилада тарбия кўрган болалар қўлини кўксига қўйиб, ҳурмат-эҳтиром билан катталарга, у танишми-нотанишми, бундан қатъи назар, салом беради. Салом-алик инсоний муносабатларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Агар одамлар бир-бирига ихлос қўйса, бир-бирова билан дўст бўлса, самимий соғинч билан кўришади, аксинча, одамлар орасида совуқчилик, гина-кудурат ўтган бўлса, қўл учигагина кўришади-

лар ёки тил учиди салом-алик қилишади, баъзан, ҳатто, саломлаш-майдилар ҳам¹.

Инсон руҳий кечинмаларининг тарозуси бўлмиш салом-алик сеҳр-ли кучга эга. Зеро, у инсоннинг кўнглини юмшатади, кишиларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муруввати ҳамда ихлосини оширади.

Салом бериш тил, дин, ёш ва катта-кичикни танламайди.

“Ассалому алайкум”, — деб таниган ва танимаган кишиларга салом берилади. Тартиби: ёши кичик — ёши каттага, от, улов минган — пиёдага, пиёда — ўтирган кишига, озчилик — кўпчиликка салом беради. Пайгамбаримизга: — Аввал ким биринчи бўлиб салом бериши керак? — деб сўраганларида: — “Кимнинг Оллоҳдан умиди кўпроқ бўлса, ўша, — деб жавоб берган эканлар”².

Бинобарин, одамни ҳайвондан ажратадиган белгиларидан бири ҳам — ўзаро саломлашишдир. Инсонга меҳр қўйиш — ихлосмандликнинг юксак ифодасидир. Бирор одамни ёмон кўриш осон, лекин унга меҳр қўйиш қийин. Меҳр йўқ жойда шафқат ҳам бўлмайди.

Одамларнинг бир-бирига меҳр қўйиши учун улар бир-бирларининг дилларига йўл топа билишлари керак. Ривоят қилинишича, жаҳонгашта сайёҳдан бир донишманд: “Шунча жаҳон кезасан, умрингда бирон-бир ғарибнинг кўнглини овлаганмисан?” — деб сўрабди. Шунда сайёҳ: “Одамлар кўнглини кезолмаганим учун жаҳон кезиб юрибман,” — деган экан. Ҳақиқатан ҳам инсон кўнглини овлаш учун, аввало, кишида унга нисбатан меҳр-шафқат бўлиши керак.

Меҳр ҳам бебаҳо инжу, уни ҳеч қандай моддий бойлик билан алмаштириб бўлмайди. Меҳрга фақат меҳр билан жавоб бериш мумкин, холос. Бировга ихлос қўйиш учун киши уни севиши керак. Ўшандагина унинг меҳрини қозониш осон бўлади. Кишига меҳр қўйиш уни ҳурмат қилишдан, унинг меҳнатини эъзозлашдан бошланади.

Ихлос ва ихлосмандликнинг такомилида ўзаро ишонч ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ишонч одамларнинг дил ришталарини боғловчи катта куч. Кишилар бир-бирларига ишонмоғи, ихлос қўймоғи керак. Ҳалоллик, адолат, соф виждонлилик, поклик, сўз билан иш бирлиги — ишончнинг бош шартларидир. Аждодларимиз ишончнинг ҳам, меҳр-оқибатнинг ҳам замирида илм-маърифат ҳамда маънавият тушунчаси ётишини ўзларининг ўғитлари ва ибратли ҳаётлари билан бир неча бор тасдиқлаганлар.

Ихлосмандлик аъъаналарига эҳтиёжмандликнинг бош сабаби ҳам, бизнингча, ана шу олижаноб инсоний фазилатларга эга бўлишга интилиш бўлса керак.

¹ Жавлиев А. Аъъаналар ҳаёт сабоғи. — Т.: Ўзбекистон, 1992. — 65–66-бетлар.

² Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим. — Т.: Мовароуннаҳр, 2001. — 426-бет.

Иқтисодий мўъжизалар макони бўлган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, қаерда маънавият, илм-фан, техника каби соҳалар ривожига асосий эътибор берилса, ўша ерда ижтимоий юксалиш, тараққиёт тез ва самарали ривожланади. Маънавият асосида топилган моддий бойлик, иқтисодий ишлаб чиқариш хосиятли, баракали, серунум, самарали бўлади. Маърифатсизлик эса пулпарастликни, мешчанликни, шафқатсизликни келтириб чиқаради, меҳроқибатни, саховатни йўқотади, миллий онгни сўндиради. Маънавий қашшоқлик моддий камбағалликдан бир неча баробар оғирроқдир.

Замонасининг илғор маърифатпарварларидан бири бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг “Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли” асарида жаҳолат, илмсизлик офатини жуда теран изоҳлаб берган.

Асарда воқеа бой билан унинг ўғли Тошмурод (ота-бола) ўртасидаги оддий бир мулоқотдан бошланади...

Асар мазмуни давомида шу нарса аниқ бўладики, балоғат ёшига етган бўлсада, ҳеч ерда ўқимаган илмсиз Тошмурод ўз отасини ўлдиришгача етади. Бунга эса отасининг ўзи айбдор эди. У пул топишдан бошқа бирон нарсани ўйлашга қодир эмас, қодир бўлишни ҳам истамасди. Ана шу табиати ўз бошини еди... Мана, бойнинг табиати: “Менинг саводим йўқ, бовужуд шу шаҳримизнинг энг катта бойларидандурман”; “Бой ўзини яна жуда билимдон ҳисоблаб, “ҳар ишни билурман”, деб кўяди.

Беҳбудий, аслида, Туркистоннинг барча аҳолисини бой-бадавлат қилиш йўлларини излайди. Оммавий равишда фаровонликка эришмоқ учун эса кишиларнинг маънавий дунёсини кўтариш керак, зеро, шундагина моддий бойликни ҳам кўтариш имконияти туғилади. Беҳбудий танқид қилиб кўрсатган бойлар, уларнинг оилаларидаги аҳвол ҳозир ҳам рўй бераётган айрим “ясама бой ва бойваччалар қиёфасини эслатиб турмайди”¹.

Кўп ҳолларда, ҳозирги мешчанларча турмуш кечираётган, фақат ўзининг тор шахсий манфаатлари доирасидан ташқарига чиқа олмайдиган айрим бойваччалар тасаввурида ҳам “Падаркуш” даги бой хаёлидан ўтган фикрлар бўлса, ажаб эмас: “Менинг хаёлимда дунёнинг сабаби, иззати — бойлик. Охиратда бўлса, худонинг қилган тақдири бўлур. Чунончи, биз кўрамизки, одамлар бойни муллодан зиёда иззат қиладурлар, хусусан, мана банклар кўпайди. Катта бойлар член бўлиб, ҳар ким членларни иззат қилур... Ҳатто мусулмонлар нари турсун, ўрус ва армонларда иззат қилур”².

Бундай мулоҳаза эса, кўп ҳолларда, илм-маърифатни менсимаслик, маънавиятнинг саёз бўлиши туфайли туғилади. Худди шунинг

¹Қаранг: *Аҳмад Алиев*. Истиқлол ва адабий мерос.— Т.: Ўзбекистон, 1997.—200-бет.

²Қаранг: Ўша асар —201-бет.

учун ҳам халқимиз ва миллатимизнинг бой маънавий меросидан атрофлича баҳраманд бўлиш, унга юракдан ихлос қўйиш зарур.

Фикримизнинг тасдиғи учун Кайковуснинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли: “Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа саъй кўргизгилки, мол билан бой бўлгандан ақл билан бой бўлган яхшироқдир, аммо мол билан ақл ўрганиб бўлмас. Билгилки, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувда оқмас”¹.

Халқимиз “пул қўлнинг кири”, деб бежиз айтмаган. Моддий бойлик ўткинчи, уни тежаб-тергаб сарф қилмаса, қўлдан бой бериш осон. Маънавий бойлик эса бебаҳо ва туганмас. Уни бировга берган билан камаймайди. Маънавиятли одамларнинг эътиқоди бутун, имони тоза, руҳлари пок бўлади. Бундай одамлар савобни гуноҳдан, яштини ёмондан, диёнатни хиёнатдан, адолатни разолатдан ажрата оладиган, инсофли, оқибатли, саховатли, мурувватли кишилар бўлганига тарихнинг ўзи гувоҳ.

Кишиларнинг бир-бирларига ихлос қўйиши учун, аввало, ижтимоий жиҳатдан тенглик ҳам зарур. Ҳоким ва тобе, бой ва камбағал ўртасида тенглик ҳам, дўстлик ҳам, ўзаро ишонч-ихлос ҳам бўлмайди.

Мутафаккирлар тенгликни айрим шахсларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан тенг бўлиши маъносида эмас, балки ҳамма вақт ижтимоий тенглик маъносида тушунганлар.


Одамларнинг бир-бирига ихлос қўйиши учун адолат, ҳақиқат бўлмоғи керак. Ҳақиқатга, адолатга интилиш ҳар бир пок инсонга хос хусусиятдир. Алдамчи, ёлғончиларга ҳеч ким ихлос қўймайди. Бу жиҳатдан Берунийнинг қуйидаги фалсафий хулосалари жудаям ибратлидир: “Ҳақиқатни билиш учун, аввало, ўз руҳини кўпчилик кишиларни йўлдан оздирадиган (ёмон) хусусиятлардан, одамни ҳақиқат олдида кўр қилиб қўювчи сабаблардан, хирсга бўйсунуш, ҳокимлик учун кураш ва шу кабилардан тозалаб олиш лозим”².

Бу эса унчалик осон иш эмас. Зеро, инсон табиатида хою-ҳавасга интилиш, бойлик кетидан қувиш хислатининг устунлиги бунга доимо ҳалақит бериб келган.

Ихлос ва ажодлар меросига ихлосмандликни биз шахс маънавияти, унинг илм-маърифатга қай даражада боғлиқ эканлигини ўрганиш асносида яна бир ҳақиқатни ҳам англаб етдикки, замонавийлик, “юксак цивилизациялашган турмуш” тарзига интилиш, ай-

¹ Вафоев О. Аждодлар ибрати // Иқтисод ва ҳисобот.— № 5—6. —1995.—70-71-бетлар.

² Қаранг: Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.— Т.: Фан, 1989.—47-бет.



рим ҳолларда, ахлоқ-одобимизга, миллий тарбиямизга, маънавий меросимизга бўлган қизиқиш ва ихлосимизга ҳам бир оз соя солиб турибди.

Айниқса, йирик тадбиркорлар, халқаро иқтисодий муносабатлар натижасида, моддий манфаат кўрганларнинг барчаси хориж (асосан ғарбча) ҳаёт тарзига интилиб яшашга уринмоқдалар. “Ғарбча яшаш асосан европача тусда ҳовли-жой қуриш ёки уйни “евротаъмир” қилиш, шунга мос равишда кийиниш, бундан ташқари, аёлларнинг ҳам машина бошқаришлари ва уяли телефон олиб юришлари каби жиҳатларда намоён бўлмоқда. Шу ўринда кейинги йилларда хориждан кириб келаётган мода жамиятимизга шу қадар тезлик билан таъсир қилмоқдаки, турмушимиздан узоқлашиш янада чуқурлашмоқда. Бошқача айтганда, бугунги кунда хориждан янгича бозор қадриятларининг кириб келиш тезлиги ўртасида катта тафовут бор”.

Албатта, бозор қадриятларига нисбатан (асосан, ғарбча) маданий қадриятлар катта тезлик билан ўрнашиб бормоқда¹.

Бир қарашда, бунинг жамият ва миллат тараққиёти учун ҳеч қандай зарари йўқдек туюлади. Зеро, бутун дунёдаги барча кишилар моддий жиҳатдан яхши яшашга интилади, бунга барча қатори ўзбеклар ҳам ҳақли, қўлидан келганча яшасин. Иккинчи томондан эса, миллийлигимизни тиклаш, миллий давлатчилик анъаналаримизни такомиллаштириш, миллий ғоя ва истиқдол мафқурасини жамиятимиз ҳаётига кенг жорий этиш учун қатъий ҳаракат қилинаётган бир пайтда, ғарб маданиятига, турмуш тарзига кўр-кўрона тақлид қилиш миллий қиёфасизлик, миллий ғурур ва нафсониятнинг оёқ ости бўлишига олиб келмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Миллий уйғониш жараёни тезлашаётган ҳозирги кунларда бундай ҳолларнинг кучайишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бунинг учун эса жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, аввало, унинг етакчилари, раҳбарлари кўп жиҳатдан масъулдир. “Ватанимиз тақдири, унинг ёруғ келажаги учун ёниб яшашни ўз ҳаётини маъно-мазмунли, деб англайдиган ҳар бир раҳбар, — деб таъкидлаган эди И. А. Каримов, — ҳар бир мутахассис буни доимо ёдда тутиши ва ана шу эзгу ишда фаол иштирок этишни ўзи учун шараф ва ифтихор, деб билиши лозим”².

Ўзгаларнинг бахти учун курашган одамнинг ўзи ҳам ҳақиқий бахт эгаси бўлади.

¹Жалилова А. Миллий истиқдол мафқурасини иқтисодий ва ҳуқуқий негизи тўғрисида // Ижтимоий фикр — инсон ҳуқуқлари. — №1. — 2002. — 42-бет.

²Қ а р а н г: Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2002. — 426-бет.

Бинобарин, аждодларимиз илм-ҳикматида мужассамлашган улуғ инсоний фазилатларга, касб-кор ҳамда ҳунарга ихлос билан ёндоша олсак, биз, том маънода, кишиларимиз ташвиши, орзу-интилишларига монанд яшаш имкониятига эга бўламиз.

2-§. ИМОН, ЭЪТИҚОД, ИХЛОСНИНГ ЎЗARO БИР-БИРИГА ТАЪСИРИ ВА УЛАРНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Шиддатли суръатларда ўзгараётган, тўхтовсиз янгиланаётган замон, ҳаётимизда муттасил равишда рўй бериб турган воқеа-ҳодисалар, жараёнлар, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини бундан мустаҳкамлаш ва барқарорлаштиришга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжлар маънавий, маърифий-мафкуравий ишларни янада жалаллаштиришни, янги босқичга кўтаришни, бу соҳадаги барча ишларни мувофиқлаштириш ва ягона мақсад йўлида сафарбар этишни тақозо этмоқда.

Ўз навбатида, жамият тараққиётидаги янги тарихий шароитлар, заруриятлар янги маънавий эҳтиёжларни ва уларни руёбга чиқариш учун кенгроқ имкониятларни ҳам юзага келтиради. Маънавиятнинг доимий равишда тараққий этиб бориши объектив қонуният бўлса, шахс маънавий камолоти ҳам тарихий жараён ҳисобланади ва унинг ривожланиши учун доимо янги имкониятлар, эҳтиёжлар пайдо бўлаверади. Бу имкониятлар воқеликка айланиши учун кишиларни янгича тафаккур, янгича дунёқараш билан қуроллантириш зарур.

Бинобарин, шахсни ҳар томонлама камол топтириш ҳамма вақт жамиятнинг муҳим ва асосий мақсади бўлиб келган. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги пайтда уни амалга оширишнинг усуллари ва воситалари тубдан ўзгартирилиши, яқин ўтмишимизга хос бўлган жимжимадорлик ва қотиб қолганлик ўрнини аниқ инсоний мазмун-моҳият эгаллаши зарур. Буни амалга оширишда ҳар бир халқ ва миллат инсоният ўз тараққиёти давомида эришган ва яратган маданий бойликлардан, ахлоқий қарашлар ва қоидалардан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Демак, ўтмиш маданий меросини ўрганиш жамият тараққиёти учун зарур бўлган долзарб масалалардан биридир. Чунки, аждодларимиз қолдирган маданий меросда барча даврлар учун керак бўладиган ажойиб, илғор фикрлар борки, улар бугунги тараққиёт учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Бир сўз билан айтганда, инсон маънавиятини, ундаги инсоний фазилатларни ривожлантирмай туриб, умуман, жамият истиқболи, унинг фаровонлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

“Барчамиз яхши биламизки, — деб таъкидлаган эди И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II чақириқ IX сессияси (2002 йил 28 август) даги маърузасида, — фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми — маънавият ва маърифат соҳасида шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат. Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, одоб-ахлоқ, маърифат каби ўчмас қадриятлар турмоғи керак”¹.

Жамият тараққиёти ва инсон камолоти жараёнида маънавиятнинг барча қирралари ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади. Ахлоқ ва одоб инсон ҳаётга қадам қўяётган дастлабки даврданоқ шаклланиб, унинг камолотига замин яратувчи ички руҳий омил бўлади. Инсон тарбия кўриб, муайян одоб ва ахлоқ меъёрларини, билим ва илмларни эгаллайди, меҳнат қилиб тажриба орттиради, касб-хунар соҳиби бўлади, малака орттиради, ўз қобилияти ва истеъдодини бирор ёки бир неча соҳада тўла намоён этиш имконига эга бўлади. Ахлоқ, одоб, билим истеъдод заминида эътиқод, ихлос, виждон, имон шаклланади.

Инсоннинг ахлоқий камолоти, одоби, ҳуқуқий маданияти, бурч ва масъулият туйғуси, билими кундалик фаолияти жараёнида синовлардан ўтиб, шаклланиб ва ривожланиб, инсоф, имон, виждон, ихлос сингари маънавий фазилатлар мустаҳкамланишига олиб келади. Шу ўринда шахс ахлоқий фазилатларнинг ўзига хос мезони бўлган ахлоқий тушунчалар — имон, эътиқод, ихлос ва ибратнинг мазмуни, улар ўртасидаги узвий алоқадорлик масалаларига қисқача изоҳ бериб ўтиш биз тадқиқ қиладиган мавзунинг моҳиятини ёритиб беришга хизмат қилади.

Имон арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси ишончдир. Имон, шахснинг ўз эътиқодига таянган ҳолда, бошқаларнинг нияти, қилмиш-қидирмишига, ўзининг ишларига, хатоларига муносабат билдиришдир².

Бинобарин, имон билан эътиқод узвий алоқадорликда келади ва бири иккинчисини тўлдирувчи компонент вазифасини ўтайди. Инсон руҳияти ва фазилатларидаги бу икки муҳим жиҳатни бизнинг ажодларимиз жуда қадимданоқ яхши илғай олганлар. Буюк меросимиз ҳисобланмиш “Авесто”да имон ва эътиқоднинг ўзаро алоқаси

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. — 33-бет.

² Қаранг: Юсулов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. — Т.: Университет, 1998. — 51-бет.

ва унинг инсон тафаккур тарзи, маънавий дунёси билан боғлиқлиги хусусида шундай дейилади:

Эътиқодман, Митраман,
Мудом сабоқ бермоқчиман,
Имон билан фикр айласин
Имон билан сўз сўзласин
Ва имонга амал қилсин.

Имон келтириш ёки ишонч шундай психологик ҳолатки, унда шахснинг эътиқодига мос келадиган, шундай нарса ва ҳодисалар таъсирида онгда ўрнашиб қоладиган тасаввурлар мажмуи етакчи ўрин тутади¹.

Имон киши учун ҳаётда тўғри йўл топишнинг муҳим омили ҳисобланади. Имонга асосланган руҳий ҳолатларнинг мазмуни, аҳамияти шахс маънавий камолоти даражаси билан белгиланади. Муҳими шундаки, имон эътиқод асосида барқарорлашиб боргач, кишида унга юракдан ихлос қўйиш, ажодларимиз меросига диний-ахлоқий қадриятларга ихлосмандлик ҳам шакллана боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, имоннинг нима экани, кўпинча, шахс томонидан чуқур таҳлил қилинмайди, текширилмайди, чунки, унда инсоният тажрибаси, шахс эътиқод қилган ижтимоий гуруҳнинг қарашлари мужассам бўлади. Иккинчи томондан эса, кўпроқ имон диний тушунча сифатида кишиларимиз онги, тафаккурига ўрнашганлиги боис, унинг дунёвий талқинига нисбатан эҳтиёж нисбатан камроқ бўлган. Аслида эса имоннинг диний ва дунёвий талқини мавжуд.

Шунга кўра, имон тушунчасига фақат диний тушунча сифатида қараш тўғри эмас. Чунки, ҳар куни фойдали бир амал, савоб иш қилиш, солиҳ хулқ соҳиб бўлиш, бутун инсониятга меҳр-муҳаббат билан қараш, жамиятдаги хулқ меъёрларини қалбан ҳис қилиб, уларни бузмасликка интилиш ҳам имондир.

Имоннинг диний талқинида кўплаб ўзига хос томонлари бор. Лекин, булар, биринчи қарашда, қанчалик мавҳум бўлиб кўринмасин, имоннинг диний талқини ҳам инсон фаолиятини оқилона бошқариш, жамият ҳаётида тинчлик, адолат, инсонпарварлик, ҳалоллик сингари фазилатларни шакллантиришга қаратилган.

Имоннинг диний мазмунида унинг илм билан боғлиқлик жиҳатларига алоҳида эътибор берилади. Илм нурга қиёс этилиб, имонлиликнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Хусусан, қуйидаги оятда (257-оят) “Оллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик-нурга чиқаради”², дейилган.

¹Қаранг: Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари.— Т.: Ижод дунёси, 2002.—13-бет.

²Қуръони Карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Аловуддин Мансур).— Т.: Чўлпон, 1992.—544-бет.

Илм ва имон тушунчаларининг нисбати бир оятнинг ўзида нақадар чиройли тарзда таърифлаб берилган! Таърифларда “нур” сўзи — имон, ҳидоят, маърифат каби тушунчалар билан шарҳланган. “Зулмат” дан мурод эса — нодонлик, жаҳолат, куфрдир. Илм, кўпинча, нурга қиёс этилади, юқоридаги оятда Оллоҳ имонли кишиларни зулматдан, яъни жаҳолатдан нурга, яъни илмга ҳидоят этиши таъкидланмоқда. Нега? Чунки, имон — ҳақ олдидаги олий масъулиятдир. Ислом динида имон ҳақида гап борганда, унинг қуйидаги шартлари тилга олинади.

Биринчидан, Оллоҳга, охиратга, фаришталар, муқаддас китоблар (Қуръони Карим) илоҳийлигига, пайғамбарнинг ҳақлигига ишониш, иккинчидан, сахий ва мурувватли бўлиш, учинчидан, беш вақт номозни ўқиш, тўртинчидан, закот бериш, бешинчидан, аҳду паймонга, сўзига содиқ қолиш, олтинчидан, сабр-тоқатли, бардошли бўлиш.

Ана шундай талаб ва шартларни адо этган кишини имонли, деб аташади.

Олимларнинг ёзишларича, имон уч нарсанинг бир бутунлигидан ҳосил бўлади.

Булар: эътиқод, иқрор ва амал.

Эътиқод — ич-ичидан чуқур ишонч, иқрор — сўзда буни тан олиш;

Амал — яхши ишлар билан олдинги икки ҳолатни исботлаш демакдир.

Ислом динида имон тушунчаси амалиёт билан бевосита боғлаб тушунтирилади. Бинобарин, ҳадисларда “Имон билан амал бир-бирига жуда яқиндир, улар бири-бирисиз дуруст эмас”, — деб ёзилган.

Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, одам фақатгина дин ёрдамида имонли, инсофли, диёнатли бўлади, деб айтиш масаланинг бир томони, холос.

Тарихдан маълумки, динлар ҳукмрон мафкура бўлган чоғларда ҳам имонсиз, инсофсиз, диёнатсиз одамлар бўлган.

“Савоб ишлар” соҳасида диний экстремизм ва ислом фундаментализми турли хилдаги диний оқимларнинг яқин қўшнилари — Афғонистон, Тожикистон ҳамда мамлакатимизда амалга оширган хунрезликлари фикримизнинг далилидир.

Шундай экан, бугунги кунда, имоннинг диний ва дунёвий мазмунидаги инсонпарварлик тамойилларини кишиларимиз онгига янада чуқурроқ сингдириш зарурияти ўта долзарб вазифа бўлиб турибди. Бинобарин, имоннинг дунёвий-илмий маъноси юксак инсоний-ахлоқий қоидаларни ўз ичига олади.

Имон тушунчаси, нафақат якка-ёлғиз инсонга, балки, бутун бир жамият, миллатга хос бўлган жиҳатларни ҳам ўзида ифода эта-

ди. Имон индивид онгига хос бўлиб қолмасдан, у давр руҳи, ижтимоий онг ва ижтимоий руҳият шаклида ҳам мавжуд бўлади. Якка одамнинг онги ва фаолияти шуларнинг бевосита таъсирида шаклланади.

Шу ўринда имон ва эътиқод тушунчаларининг ўзаро алоқадорлигини таъкидлаб ўтиш керак. Имонни эътиқод ва ишонч тушунчалари билан бир хилда қўллаш одат тусига кирган. Ҳолбуки, улар ўртасида муайян тафовутлар мавжуд. Имон эътиқоднинг олий шаклидир. Бошқача айтганда, эътиқод, фақат шахс томонидан, уни ихтиёрий, эркин танлаб олиб қабул қилинганда, чинакам имон даражасига кўтарилади¹.

Инсон кўп нарсага эътиқод қилиши мумкин: яхшилик, ҳалолликка, тўғрилиқка, айна вақтда, ёмонлик, ҳаром-харишлик, эгри йўллар билан кун кўришга ҳам эътиқод қўйиш эҳтимолдан йироқ эмас. Имон эса якка-ягонадир, яъни имонли инсон бўлиш — фақатгина бир ғояга, таълимотга, динга, ахлоққа амал қилиб содиқ қолишдир.

Бинобарин, тилда ёки дилда бир неча таълимотларни тан олиш, уларга амал қилиш иккиюзламачилик, мунофиқликдан бошқа нарса эмас. Ўзини ватанпарвар, миллатпарвар, дину диёнатнинг садоқатли ҳимоячиси қилиб кўрсатиб, амалда мартаба, сиёсий мавқега, ҳокимиятга эга бўлиш учун ўз имонини, миллати-ю ота-онасини сотишга тайёр турган кишилар маънавий тубан кимсалардир.

Имон инсонлардаги, жамиятдаги энг эзгу ниятларни амалга оширишга, адолат ва ҳақиқатга ишонишдир; жамиятда одамлар орасида энг олижаноб муносабатларнинг қарор топишига, инсоннинг қадр-қиммати, ота-она, оила, Ватаннинг муқаддаслигига мустаҳкам ишонч ва эътиқоддир.

Имон кишининг онги, руҳи ва қалбига сингиб кетган, “она сути билан кирган” ахлоқий тушунчалар, идеаллар, ахлоқ-одоб қоидалари йиғиндисидир. Шу маънода, имонлилик инсонийликнинг бош белгиси, деб эътироф этилиши зарур. Имон-эътиқод инсоннинг маънавий қадрияти, турли ҳаёт қийинчиликларига дуч келганда ҳам ўз инсонийлигини сақлаб қолишга, қийинчиликларни енгишга куч бахшида этади, руҳий тушкунликдан сақлайди. Шунга кўра, имон-эътиқод инсоннинг энг юксак қадриятидир.

Имоннинг ўзига хос хусусияти шундаки, у фидойилиқни, мақсадни амалга ошириш йўлида фаолликни тақозо этади. Зотан, у инсон ўзи ишонган нарсани дилга мустаҳкам жойлаши билан чекланмайди, айниқса, уни рўёбга чиқариш учун кескин курашга бел боғлашини талаб қилади.

¹ Абдуллаев М., Ҳусанов М. Маънавият.—Фарғона, 1999.—219-бет.

Имон ва эътиқоднинг мустақкам бўлиши инсоннинг муайян ғояга ишончини ҳам мустақкамлайди.

Шунинг учун у қудратли ва ҳаракатлантирувчи маънавий куч ҳисобланади. Ҳар қандай ғоя инсон учун дастуриламал бўлиб, унинг маслағига айлангандагина, таъсирчанлик касб этади.

Маслак муайян гуруҳ, шахс ва касб эгаларининг бир хилдаги ақидаси, ўзгармас қонун-қоидаларидир. Бошқача айтганда, имон-эътиқод, маълум қадриятлар, диний ёки дунёвий маслаклар, муносабатларнинг инсон қалбида яшаш фалсафаси, фаолият дастури сифатида қабул қилинишидир. Агар шу жараённинг оқибати ўлароқ, одамда диний ёки дунёвий маслак, ишонч каби турғун муносабатлар шаклланган бўлса, биз уни эътиқодли одам, деб атаймиз. Инсоннинг инсонийлиги, унинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ҳам, маълум маънода, унинг эътиқоди билан белгиланади.

Эътиқодли инсон нима қилаётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётганлигини жуда яхши билади. Шу боис, ҳақиқий эътиқод эгаси илмга интилади, ўз олдига аниқ мақсад кўйиб яшайди, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, яхшиларга ошно бўлиш, буюкликка ҳавас унинг ҳаётий шиорига айланади. Ҳақиқий эътиқод соҳиби ўздан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдиришни истаб яшайди. Шунинг учун ҳам эътиқод шахсдаги журъат, мардлик, фидойилик, ирода, виждон, қатъият, ҳалоллик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик фазилатлари билан боғлиқдир.

Эътиқод муайян фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ғоялар, қарашларнинг инсон онгига сингиб, унинг тафаккур услуби ва фаолиятига йўналиш берувчи мезонга айланиши ҳамдир. Ҳар қандай ижтимоий ғоя, ахлоқ-одоб тизими, билим, дунёқараш, мафкура инсон томонидан муайян мақсадлар ва эҳтиёжлар билан боғлиқ равишда англаниб, унинг онгига чуқур сингиб, фаолиятига мақсад ва йўналиш берадиган маънавий замин бўлгандагина, эътиқодга айланади. Эътиқод бирор ишни қилиш ёки мақсадлар тизимини аниқлашда кишига ишонч, умид бахш этади. Эътиқод — умидли бўлиш, ишончли мақсад сари билимлар, ғоявий қарашлар тизимига асосланиб бориш демакдир.

Ҳар қандай эътиқод, аввало, ихлос заминиде шаклланади. Ихлос эса инсон амалий фаолияти, интилишлар замирида юзага келадиган қизиқиш, муайян мақсад ҳамда манфаат йўлида шаклланидиган, инсон табиати, ва, ҳаттоки, маънавияти билан узвий алоқадор бўлган ижтимоий жараён маҳсулидир.

Қизиқишнинг ихлосга айланиши мураккаб амалий руҳий синовлар орқали юз беради.

Ихлос бўлмаган жойда эътиқод ҳам бўлмайди. Ўз навбатида, ихлос, ўз хусусиятларига кўра, турли шаклларда намоён бўлади.

Масалан, илм-фанга ихлос, хунарга ихлос, эзгу амалга ихлос, диний ахлоқий қадриятларга ихлос, бадий адабиёт, шеърятга ихлос ва ҳ.к.

Ихлоснинг шаклланиши шахс маънавий камолотининг барқарор, ўзигагина хос булган фазилатларнинг намоён бўлишига олиб келса, иккинчи томондан, у узоқ даврий жараёнлар, воқеа, ҳодисаларнинг инсон томонидан умумлашган таҳлили асосида шаклланиб, маълум маънода, у ирсият билан боғлиқ бўлган жиҳатларга ҳам алоқадор эканлигини унутмаслик керак.

Зеро, оиладаги тарбия ҳамда муҳитдан ташқари, ота-онада ирсий йўл билан маълум ҳодиса, жараёнларга, касб-корлик ҳамда хунарга ихлос фарзандларнинг барчасига бўлмаса ҳам, айримларига ўтиши халқимиз тилида “ота касбини эгаллабди”, “онасига тортибди”, деган иборалар билан изоҳланади.

Айрим ҳолларда, ихлос ҳаётий масалаларни ечишда ҳам етакчилик қилади. Хусусан, “Она кўриб қиз ол, қирғоқ кўриб бўз ол” мақолида ҳам, қуда-андачиликнинг азалий қадриятларини эъзозлаш, унга ихлосмандлик, онасининг ибрати асосида бўлғуси келиннинг фазилатларини аниқлаш назарда тутилган.

М. Имомназаров ёзганидек, “Инсон руҳияти икки асосда шаклланади. Бири ирсият ва иккинчиси ижтимоий таъсир ва тарбия. “Ҳаромдан ҳазар”, дейди халқимиз. Ҳар бир инсон бу синов дунёсида ҳалолга интилиб, ҳаромдан четланиб яшашга уринмоғи лозим. Бу маънавият қоидасининг ирсиятга ҳам бевосита алоқаси бор. Унинг бу алоқаси икки жиҳатга эга. Биринчиси шуки, эр киши аҳли оиласини, фарзандларини ҳалол касб билан едириб-ичириятими ёки ҳаром-харишдан ҳазар қилмасликка уриятими. Ҳаромдан бўлган ҳар нарса ҳаромга тортади”¹.

Бу хусусда Шарқнинг машҳур ахлоқшунос алломаларидан бири Мирзо Бедилнинг қуйидаги мисраларига мурожаат қилсак, биз мулоҳаза юритаётган масала моҳиятини янада равшанроқ англаб олиш имконияти юзага келади:

“Ҳароми бандаларга ҳаромлик хос бўладир,
Неча қилма тарбия — ўйлама соз бўладир,
Бундоқ таги пастрларни чўмилтирмоқдан наф йўқ,
Магар итлар чўмилиб баттар ифлос бўладир”².

Бундан чиқариладиган ягона хулоса шундан иборатки, инсоннинг хулқига ҳаром аралашса, унда ҳаром ишларга мойиллик уй-

¹Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. — Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1998. — 74-бет.

²Муҳандис. Фарғона политехника институтининг кўп нусхали газетаси. — 2001 йил 31 август.

ғонади. Демак, фарзандини ҳалол ризқ билан боқмаган киши унинг маънавий камолини ҳам хатар остига қўяди. Ирсият бузилади. Бундай кишиларда чинакам инсоний фазилатларни улуғлаш, унга ихлос қўйиш, аждодларимиз меросига ихлосмандлик ҳам бўлмайди.

Зотан, ихлос шахсда, аввало, эҳтиёж, қолаверса, тинимсиз меҳнат, машаққатларга чидамлилиқ, ирода ҳамда олдига қўйган мақсадга эришишдаги қатъийдилиқ асосида шаклланади. Мутафаккир ва мураббий шоир Аваз Ўтар ёзганидек:

Ҳар одамнинг талаб йўлида гар ихлоси комилидур,
Гумансиз жумлан мақсуд бирла коми ҳосилдур¹.

Ихлоснинг мукамал бўлишида ибрат ҳам алоҳида ўрин тутади.

Зеро, ибрат, илм, риёзат, меҳр, маърифат инсонга уларнинг барчасини босиб ўтмай туриб, баркамол мукамал маънавий қиёфа касб этмайди.

Бинобарин, ибрат йўли бугун ҳам шахс маънавиятини шакллантирувчи муҳим йўналишлардандир.

Жаҳонга машҳур авлиё Жалолиддин Румий “Маснавий маънавий” дostonида ажойиб ибратли ривоятларни келтиради. Шу ривоятлардан бирида айтилишича, Муҳаммад пайғамбар намоз учун таҳорат олаётганларида, бир пой этикларини бургут олиб кетади. Бургут ҳавога кўтарилганида, этик ичидан бир илон тушиб қолибди. Расуллулоҳ шунда ўз-ўзларига: “Мен фақат ўзимни ўйлаб, бургутдан хафа бўлаётган эдим, унинг яхшилиқ қилаётганини билмай қолибман, аслида, этигим йўқолганига қувонишим керак экан”, дебдилар. Бу воқеадан Жалолиддин Румий шундай хулоса қилади: “Барчамиз ҳам молимиз йўқолганига ёки камайганига хафа бўлмаслигимиз, қувонишимиз керак. Чунки, молларимиз ичида илонлар яширингандир”².

Аммо, афсуски кўпчилик одамлар бу ибратга амал қилмайдилар, ҳар қандай йўл билан бойлик орттиришга интиладилар.

Ибрат, намуна ёки ўрнак кўрсатиш бирор воқеа, ҳаракат воситасида амалга оширилади.

Бу ҳаракат, воқеа мазмуни тарбия мазмунини ёхуд тарбия воситаси мазмунини ифодалайди. Аждодларимиз меросида ибратга муносабат амалий фаолият ва авлод тарбиясида унга таяниш муҳим ўрин тутган.

Ибрат ва намуна кўрсатиш йўли билан кишиларни фидойиликка, жасурлик ҳамда ватанпарварликка чорлаганлар. Бу хусусда “Бобурнома” катта манба ҳисобланади.

¹ Аваз Ўтар. Сайланма. Асарлар.— Т.: 1984.—153-бет.

² Оқилжон Ҳусан. Олимнинг ибратли олами: Хужжатли-фалсафий қисса.— Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1999.—176-бет.

Академик В. Зоҳидов “Бобурнома”нинг 1960 йил нашрига битган “Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси” номли кириш сўзида шундай ёзади: “Бобур ўзининг ботирлиги ва қўрқмаслиги билан ўз атрофидаги бошқа кишиларга ҳам намуна кўрсатди”¹.

Бобур турли мураккаб ҳолатларда кўпчиликка ибрат кўрсатар, намуна бўларди. У фарзандларига, қўл остидаги беклар ва лашкарларга талабчан бўлиши, топширилган ҳар бир ишнинг ўз вақтида бажарилишини назорат этиши билан бошқаларга намуна бўлар эди. Унинг ибрат кўрсатиши ёки амалда намуна бўлиши, уруш шароитида, мураккаб топшириқни бажаришда, иссиқ-совуққа бардош беришда, оз куч билан ғалаба қозонишда, айниқса, асқотарди. Ибрат ва намуна кўрсатиши учун тарбиячида етарли тажриба ҳам бўлмоғи керак. Бобур эса, ҳарбий санъатнинг машҳур арбобларидан, ўз замонасининг тadbирли лашкарбошилари билан бири сифатида бой тажрибага эга эди. Унинг муваффақиятлари асосида ҳам ибрат кўрсатиш, намуна бўлиш ҳолатлари турганлиги сир эмас.

Бобурнинг бир ҳарбий юриши пайтида қаттиқ совуқ эди. Совуқ шундай зўр эдики, ҳатто, унинг қўшинларидан бир неча киши совуқдан ўлади. Шунда Бобур анҳорнинг музини синдириб, 16 мартта сувга шўнғийди. Бобурнинг бундай жасорати тарбия бериш усулигина эмас, балки, тарбия воситаси ҳам эди. Шунинг учун ҳам баён этилган воқеа қутилган натижани берди. Бобур қўшинида тетиклик, қувноқлик қарор топади.

Совуқдан кўрқиб, ҳарбий юришдан бош тортиш каби ҳолатларга чек қўйилади. Олға интилиш кучаяди².

Бобурнинг юқоридаги каби қаҳрамонларга хос ибратли ҳаракатлари, унинг жасорати таъсирчан нутқи билан қўшилиб, шундай бир намунали ибрат кучини намоён этар эдики, буни кўрганлар ва тинглаганлар лол қолар эдилар.

Бобур фаолиятидаги ибрат, ўзгаларга намуна бўлиб яшаш хислатлари фақат жанговарлик, чидамликда, ғалабага тўла ишонишдагина эмас, балки меҳнатсеварликда, ватанпарварликда ҳам кўзга яққол ташланар эди.

Яна шуниси ибратлики, 12 ёшли Бобур Андижонга сув қаердан, қайси ариқлардан келишини, у ерда қандай мевалар пишишини, қандай қушлар ов қилишини, қушларнинг оғирлиги қанча эканлигигача билган. Бобур, ибрат, намуна кўрсатиш усули билан бирга, тарбияда панд-насиҳат қилиш йўллари билан ҳам яхши фойдаланади.

Юқоридаги мисолларни келтиришдан мақсад, ибрат намунаси билан аждодларимиз бой меросини ёшлар онгу шуурига сингди-

¹ Бобур З. М. Бобурнома.— Т.: Фан, 1960.—22-бет.

² Мирзаев И. Бобур маърифати.—Т.: Ўқитувчи, 1996.—67-бет.

риш, уларни юксак маънавий фазилатларга эга инсонлар қилиб тарбиялаш муҳим вазифа эканлигига эътиборни қаратишдан иборат. Чунки, мамлакатимиз тараққиёти халқимиз фаровонлигини тиклаш, аввало, жамиятимиз ҳар бир аъзосининг интеллектуал билим салоҳияти, маънавият ва ахлоқий қадриятларини қай даражада ўзлаштириб олишига боғлиқ.

Мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, имон, эътиқод, ихлос ва ибратнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда уларнинг шахс маънавий қиёфасини шакллантиришдаги ўрни масаласини фалсафий тадқиқ этиш зарурияти қуйидаги муҳим омиллар билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Аввало, халқимиз ва миллатимиз, узоқ йиллар давомида, мустабид тузумлар таъсирида бўлганлиги боис, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, жанговарлик, аҳдга вафо, садоқат, ҳар ишда биринчи бўлишга кучли рағбат, сўз ва амал бирлиги сингари фазилатларга жиддий пугур етказилди. Миллатнинг манфаатлари инobatга олинмаганлиги, бефарқликка, аждодлар меросига нисбатан ихлоснинг деярли сўнишига, ихлосмандлик фазилатларининг жиддий сусайишига олиб келди.

Юрт бошига тушган қирғинбарот урушлар, иқтисодий ва маънавий хўрланишлар миллат табиатида бефарқлик, конформизм, мутелик, ҳар қандай зўравонликка кўникиш иллатларининг юзага келишига олиб келди¹.

Ўз вақтида бундай салбий ҳолатларнинг асл сабаби хусусида жадид маърифатпарварларининг етакчиларидан бири А.Фитрат шундай ёзган эди: “Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди. Тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди, молимиз таланди. Шарафимиз емирилди, номусимиз ғасб қилинди. Тузумли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар бир буйруққа бўйсундик. Бутун борлигимизни бердик”².

Миллат тақдиридаги бундай аянчли ҳолатни фақат мустамлака зулми, истибодод исканжасига боғлаб тасвирлаш ҳам унчалик тўғри эмас. Чунки, миллий мустақилликнинг қўлдан берилиши, мустамлакачилик асоратига тушиб қолишнинг ўзига хос сабаблари ҳам борки, у узоқ мозийга бориб тақалади. Биргина мисол. Агар Амир Темур эл бошини қовуштириб, қудратли салтанатга, мустақил давлатга асос солган бўлса, кейинги хон ва амирлар бу салтанатни бузиш, ўзаро низолар орқали вайрон қилиш билан машғул бўлдилар. Демак, миллат таназзулидаги энг асосий сабаб — ноаҳиллик, жаҳолат, қоқоқлик каби иллатлар билан боғлиқ бўлиб, у ўзининг

¹ Бекмуродов М. Ўзбек менталитети // Мулоқот.—2002.—13-бет.

² «Шарқ юлдузи» журнали.—1992.— № 10.—173-бет.

узоқ ўтмиши билан туташ илдишларга эга. Бунинг натижаси ўлароқ, кишиларда танбаллик, эртанги кунга ишончсизлик, ихлоснинг сўниши каби иллатлар ҳам томир ота борган. Буни А. Фитрат ўзининг “Ҳинд сайёҳи қиссаси”да қуйидагича тасвирлайди: Донишманд сайёҳ Қаршида алоча тўқувчи моҳир устадан Оврупода ўз ишларининг ўн-йигирма, ҳаттоки, юз-икки юз йил кейинги ривожини кўзда тутадилар. Сиз ҳам ҳунарингизнинг келгуси тақдирини ҳеч ўйла-сизми? — деб сўрайди. Шунда уста: “Ҳозир ишимиз яхши, ўн йилдан кейин ким тиригу, ким ўлик”¹, — деб жавоб беради.

Ана шундай хушёқмаслик касали миллатнинг, ҳатто энг илғор намоёндалари, моҳир ҳунарманд усталар руҳиятига ҳам сингиб кетган эди.

Узоқ ўтмиш билан боғлиқ ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги бу ҳолат эса халқнинг ташқи тазйиқлар, хавфларга қарши тура олиш, курашчанлик каби хусусиятларини, миллий иммунитетни сусайтириб юборди. Натижада, халқимиз табиатида айрим салбий хусусиятлар пайдо бўлди.

Хусусан, турли ижтимоий, сиёсий ва ҳаётий ҳолатларда аҳолининг муайян қатламлари вакилларида сўз ва иш бирлиги маълум даражада бузилди.

Одамлараро мулоқотлар тизимида шахснинг ўз кучига, жамият тузилмаларига нисбатан муносабатда ишончсизлик ҳисси юзага келди.

Ҳолбуки, одамлараро мулоқотнинг ўзи, бусиз ҳам ўта мураккаб, серқирра жараён эди. Инглиз драматурги Бернард Шоу ёзганидек: “Ҳозир биз самода қуш бўлиб учишни, сувда балиқ каби сузишни ўрганиб олганмизу, аммо ерда инсондай яшашни ҳали ўрганиб олганимизча йўқ”².

Мулоқотдаги ана шундай мураккаблик мустабид тузум таъсирида янада чигаллашган эди.

Бунинг оқибатида эса маънавий меросга ҳурмат, ворислилик анъаналари сусайди. Миллий бирликка интилишдан кўра, гуруҳий, этник, маҳаллий ва ҳудудий айирмачиликка берилиш кучайди.

Халқ феъл-атворида янгиликларга интилиш, яратиш, бунёдкорлик ҳисси эмас, тақдирга тан бериш, тангридан ланоҳ излаш, қаноат, сабр-бардош, кўниқиш, ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, ҳамма нарсага лоқайдлик майли устунлик қилиб, бу умумий ҳолат тусини олди. Ҳаётга рационалистик, яъни оқилона ва хушёрлик билан, англаб, ёндашувдан кўра, иррационал, яъни нооқилона ёндашув устунлик қила бошлади.

¹Қаранг: *Ғафуров И.* Ижтимоий онг ва Фитрат // *Жамият ва бошқарув.* — №1. — 1997. — 27-бет.

²*Гусейнов А. А., Апресян Р. Г.* Этика Гордорики.— М.: 1999.— С. 471.

Баъзи одамлар, маънавий паноҳ излаб, мутаассиблик, тажовуз-корлик оқимларига қўшила бошлади, уларда муайян нарсага ҳаддан ташқари берилувчанлик кучайди.

Ҳудудий, сулолавий, жамоавий негиздаги бегоналашув ва ажралиш тамойили юз кўрсата бошлади.

Маърифий таназзул чуқурлашди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўтмишдан мерос бўлиб ўтган ана шундай салбий ҳолатларга янгича кўз билан қараш, ялпи тикланиш, умуммиллий маънавий ислоҳотларни амалга ошириш имкони туғилди.

Истиқлол мамлакатни ялпи соғломлаштириш, миллий бир бутунликни таъминлаш, маънавий яхлитликни юзага келтириш, ажодлар меросига меҳр ва ихлос билан қараш, ихлосмандлик анъаналарини қайта тиклаш масаласини кун тартибига қўйди. Бугунги кунда ҳаётий заруриятнинг ўзи халқимиз феъл-атвори, менталитетини янгилашга жиддий эътибор қаратишга ундайди.

Фикримизча, ушбу вазифаларни ҳал этишда яна бир муҳим жиҳатни — халқимизнинг табиий фазилатларини эътиборга олиб иш тутмоқ керак. Маълумки, халқимиз табиатан яхшига ҳавас қилади, ибратга мойил бўлади, каттага эҳтиром кўрсатади, кичикни иззат қилади, шу билан бирга, унда эргашувчанлик майли кучли. Ана шу эргашувчанлик, ибратга мойиллик хусусиятларини миллат манфатларига бура олиш, уларни Ватан равнақи йўлида сафарбар этиш, бу фазилатларимизни нопок кимсалардан, шубҳали сиёсий оқимлардан муҳофаза этиш, ғанимларнинг кирдикорларига қурбон бўлишдан сақлаш киради¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз ҳаёт тарзини, келажагини ажодларининг тарихий тажрибаси асосига қуради, ҳеч бир халқ бегона қолиплар, бегона андозалар асосида **эмин-эркин яшаб тараққий эта олмайди.**

Ҳар бир хонадоннинг ўз тартиб-қоидалари бўлганидек, ҳар юрт ҳаётини ташкил этишнинг ҳам ўз андоза-ўлчовлари, расм-қоидалари бўлади. Улар ўша юртнинг табиий-жуғрофий шарт-шароити, тарихий тажрибаси, миллий феъл-атвори билан боғлиқ тарзда шаклланади.

Бинобарин, шахс маънавий қиёфасининг шаклланиши миллатимиз менталитети, халқимиз табиатидаги ижобий фазилатларига ихлос, эътиқод ва ибрат асосида юзага келиши ҳам сир эмас.

Ҳолбуки, маънавият инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, имони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган, муштарак тизимидир².

¹ Бекмуродов М. Ўзбек менталитети // Тафаккур.—2002.— № 2.—16-бет.

² Қ а р а н г: Вафоев О. Аждодлар ибрати // Иқтисод ва ҳисобот.— № 5—6.—1995.—70-бет.

Унинг шаклланиши ҳамда такомиллашувида ажодлар меросига ҳурмат, ундан ибрат олиш ва унга ихлос қўйиш оила, ижтимоий муҳит, ота-она намунаси ва тарбия алоҳида аҳамият касб этади.

Юртбошимиз И.А. Каримов сўзлари билан айтганда: “Маънавият — инсонга она сути билан, ота намунаси ва ажодлар ўгити билан сингади”¹. Юқорида таъкидланганидек, маънавият ривожиди, хусусан шахс маънавиятининг юксалишида эзгу шарқона қадриятлар — инсоф, имон, эътиқод, ихлос ҳамда ибратнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

3-§. ИХЛОСМАНДЛИК ВА УНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ихлосмандлик масаласи хусусида фикр юритилар экан, энг аввало, бу ижтимоий-фалсафий тушунчага берилган изоҳлар мазмунидан келиб чиқиб, унинг, кўпроқ бизнинг халқимиз ва миллатимиз менталитетининг узоқ тарихий ўтмиши билан ҳам боғлиқ жараён эканлигини англаймиз.

Шу боис халқимиз табиати, урф-одатларини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда тиклашга жамиятимиз ҳар бир фуқаросида маънавий эҳтиёжни шакллантира олсак, ихлосмандлик тамойилларини такомиллаштиришга йўл оча оламиз. Бунинг учун биз мустақиллик берган неъматлардан ўз ўрнида самарали ва меъёрида фойдалана олишимиз керак.

Чунки, Президентимиз И. А. Каримов бир неча бор таъкидлаганидек: “Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматини, бўй-бастини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдиради”².

Бинобарин, миллат тақдирига бефарқ бўлмаслик, унинг келажаги учун курашмоқ учун бугун шу миллатга мансуб бўлган барча фуқароларга беқиёс имкониятлар яратилган. Аммо, бунинг учун, аввало, миллатнинг ўзини ўзи англаш даражасидаги маънавий-маърифий жараёнларнинг ўзаро уйғунлигини таъминламоқ керак.

Зеро, миллатимиз хусусиятларга хос бўлган орият, андиша каби инсоний фазилатларни устувор қўйиш билан бир қаторда, уларнинг меъёрини сақлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқ зарур.

Негаки, бу ихлосмандликни, ажодларимиз меросига ихлосни шакллантиришда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Меъёрни сақлай

¹Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1996.—80-бет.

²Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1997.—132-бет.

билиш кўп жиҳатдан илм-маърифат асосида юзага келади. Халқимиз табиатидаги самимият, меҳр-оқибат ҳамда саховат нақадар улуғ фазилат эканлигини фахр билан қайд этиш баробарида, уни ижтимоий жараёнлар, маълум ҳодиса ва воқеликка нисбатан меъёр даражасини билиб олиш ҳам, назаримизда, бугунги кунимиз учун гоят муҳимдир. Донишмандлардан бири (Абул Фотих ал-Бустий) ёзганидек, “саховатнинг ортиб кетиши заифликдир”¹.

Демак, саховатпешаликнинг ҳам ўз ўрни, мақсади ва муддаоси бор.

Бу хусусда мутафаккир шоир А. Навоийдан ибратли бир фикрни келтириш жоиздир. “Овқатим увол бўлмасин десанг — едир, либосим эскирмасин десанг — кийдир”², —деб ёзади аллома. Навоий фикрича, яхшиликни ўзига мақсад қилиб олган одам бахтли одам бўлади. Бундайлар сахий ва ҳимматлидирлар. Саховат нафақат инсоният боғининг ҳосилдор дарахти, балки у дарахтнинг фойдали мевасидир. Саховат нафақат одамийлик мулкининг мавж уриб турган денгизидир, балки, у тўлқинли денгизнинг бебаҳо гавҳаридир. Саховатсиз одам — ёғинсиз баҳор булутига ва ҳиди йўқ мушк-анбарга ўхшайди. Мевасиз дарахт ҳам бир-у, ўтин ҳам бир: ёғинсиз булут ҳам бир-у, тутун ҳам бир.

Саховат илм-маърифатда ҳам намоён бўлади. Илмли, саховатли кишилар илмсизларга қўлларидан келганча ёрдам берадилар.

Аммо, илмда ҳам ўринсиз саховат кўрсатиш шарт эмас. Халқимизда: “Сувни сингиган жойга сепадилар”, деган ажойиб нақл бор. Зеро, илмнинг қадрига етмаган, уни ҳаётий эҳтиёж, деб тушунмаган кишиларга илм ўргатиш учун ортиқча вақт сарфлаш, уларга меҳр қўйиш ҳар доим ҳам кутилган натижа беравермайди.

Шу ўринда яна ҳазрати Навоий ўғитларига мурожаат қиламиз. “Олим борки, илмнинг поя ва миқдорин асрагай, имтиҳон учун гавҳарни ерга урмагай”. Бу билан Навоий илмнинг қадрига етиш зарурлигини алоҳида уқтиради.

Эътибор берилса, биргина саховат каби умуминсоний фазилат бизнинг аждодларимиз ўчмас меросида ҳар томонлама чуқур таҳлил этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса, ўз навбатида, бизни ўтмиш тарихимизни ўрганиш, уларга ихлос қўйиш, халқимиз ва миллатимиз табиати, унинг хусусиятларига хос ажойиб инсоний фазилатларга меҳр қўйиш ва ундан ибрат олишга ундайди. Даҳолар халқ донишмандлиги ва ҳикматининг ўзига хос сарчашмасидир. Уларнинг ўғитларига қулоқ ошиш, бой илмий меросига ихлос қўйиш

¹Ўрта аср мусулмон маданияти.— Т.: 1993.—42-бет.

²Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.—62-бет.

муҳим ҳаётӣ зарурият, таъбир жоиз бўлса, миллий эҳтиёж ҳамдир. Зотан, инсон мол-дунё, пул сарфлаб топа олмайдиган маънавий — ахлоқий бойликларга ҳикматлар туфайли эга бўлади. Чунончи, шоир айтганидек:

Ўзаллик дунёси ҳикмат ичида,
Лаззатнинг асоси ҳикмат ичида.
Бузилган феъл ила айниган хулқнинг
Энг ўткир даъвоси ҳикмат ичида”¹.

Халқимизнинг миллий қиёфаси, феъл-автори, ўзига хос турмуш тарзи, қалби, одамгарчилиги, орзу-умидлари, удумлари, фазилату камчилиги, бир сўз билан айтганда, бутун борлиги, унинг тўй-ҳашамларида, оилавий тантаналарида, маърака ва маросимларида, марҳумларнинг хотираларига бағишланадиган тадбирларда яққол намоён бўлади. Буларни, ўзбек халқи, унинг маънавияти қандай эканлигини кўрсатувчи мисоли бир кўзгу, дейиш мумкин. Бундаги бош омил, бош асос, юртбошимиз таърифлаганидек, “Ўзбек халқининг азалдан жамоа туйғусига мойиллигидадир”².

Юртбошимизнинг халқимизга нисбатан айтган бу ибораси замирида чуқур маъно ётади. Жамоа туйғуси бўлмаган халқда сахийлик ҳам бўлмайди. Сахийлик бўлмаган ерда, тўй у ёқда турсин, уйига тўртта одамни чақириш ҳам бўлмайди.

Дарҳақиқат, жамоа туйғусидан саховатлилик келиб чиқади. Халқимиз саховатли халқ, топганини эл-юрт олдига қўйсам, дейди. Шундан завқланади, меҳмон чеҳрасидаги табассумдан маънавий роҳатланади.

Фикримишча, халқ табиатидаги жамоавийлик ва индивидуаллик омилларининг нисбати ҳам ўзбек менталитетидаги янгилиниши зарур бўлган яна бир муҳим жиҳат ҳисобланади.

Фарбда шахс жамоага ўзлигини юзага чиқариш, истеъдод ва имкониятларини намойиш этиш, муайян мақсадларга эришиш воқитаси сифатида қарайди. Жамоа инсоннинг ички ботиний дунёси, руҳияти ва шахсий ҳаётига мутлақо аралашмайди. Шарқда эса жамоа, асосан, инсонни ижтимоий назорат остида тутиб туриш, шахснинг жамоадаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлар доирасида иш тутаётганининг исботи сифатида талқин этилади.

Жамоадан айрича иш тутиш инсоннинг ижтимоий бегоналашуви сифатида баҳоланади.

¹Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони.— Т.: Фан, 1994.—3-бет.

²Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд.— Т.: Ўзбекистон, 1996.—11-бет.

Аммо, жамоавийлик нисбатини мутлақлаштириш шахс эркинлиги ва озодлигига хавф туғдириши мумкин. Шу боисдан ҳам, ўзбек менталитетига жамоавийликка меъерий боғлиқлик фазилатини сақлаган ҳолда, унинг бир қадар индивидуаллашуви, ўзи учун ўзи ҳисоб бера олиш, мустақил иш тутиш, шахсий масъуллик сингари хусусиятларини янада такомиллаштириш зарур. Бу ўзига хослик халқимиз вакилларининг жамоага қараб фикр юритиш, аммо, шахсга қараб иш тутиш хусусиятларидан иборатдир. Худди ана шу хусусиятлар, кўп ҳолларда, кишиларимиз орасида, “одамлар қандай бўлса, мен ҳам шундай” тамойилларидан кўра, фалончи қандай бўлса, мен ҳам шундай тамойилига кўпроқ мойиллик¹ билдиришига сабаб бўлади. Шу боис, кишиларимиз онгида янгича дунёқарашни шакллантириш, миллий хусусиятларимиздаги инсоний фазилатларга уларнинг ихлосмандлигини ошириш ғоят муҳимдир.

Ҳар бир давр учун ўзига хос тарзда шакллана борадиган ва биз ҳар доим ҳам тўла ҳис қила олмайдиган, маълум маънода, ҳар бир киши онги ва қалбида ўзига хос яширин туйғу сифатида томир отиб, вақтлар давомида бўй кўрсатадиган ихлос ҳамда ихлосмандлик миллат маънавий эҳтиёжи билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Зотан, маънавий эҳтиёжлар шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос миллий, минтақавий, диний ва умуминсоний жиҳатлари айнан мана шу ихлосмандликда ўз ифодасини топади.

Аммо, маънавий эҳтиёжнинг мазмуни, аҳамияти ва даражасини белгилаб берувчи мезонлари ҳар доим, ҳамма ерда бир хил бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқароларида шаклланаётган янги маънавий эҳтиёжлар мустақил давлатимизга, халқимизга меҳр-муҳаббат, танлаган йўлимиз ва юртимизнинг истиқболига ишонч билан суғорилганки, бу жараён миллат қадриятларига ихлосмандликнинг юзага келишига бевосита туртки беради.

Ихлосмандлик анъаналари ривожига туртки берувчи объектив асослардан энг муҳими, бу — мустақилликдир. Мустақиллик туфайли “Бугун... Ватанимиз муайян чегара ва қиёфа касб этди. Биз унинг куч-қудрати, ютуқлари ва муаммоларини аниқлаймиз ва бутун вужудимиз билан ҳис қиламиз... Бугун диққат қилсак, истиқлол қўлга киритилгандан сўнг биз ўз кучимизга, қудратимизга кўпроқ ишона бошладик, шу туфайли барчамиз вазминлашиб, ўз қадр-қимматимизни теранроқ англай бошладик”².

¹ Бекмуродов М. Ўзбек менталитети: кеча ва бугун // Тафаккур.—2002.—16—17-бетлар.

² Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд.— Т.: Ўзбекистон, 1996.—147-бет.

Миллий маънавиятимиз ва аждодлар меросига бўлган айнан ана шу вазминлик, миллат, халқ ва Ватан олдидаги масъулият ҳисси, ўз ўтмишимизга яна бир қарра назар ташлашга, қадриятларимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш, халқимизнинг бой меросини мукамал ўргана бориш ҳамда унга ихлос қўйишга маънан эҳтиёжманд қилиб қўймоқда. Бу эҳтиёжмандликнинг юзага чиқишининг ўзига хос тарихий илдизлари ҳам мавжуд.

У бевосита миллатимизнинг бир ярим асрга яқин зулм ва истибодод кишанлари билан боғлаб ташланганлиги, ўз тили, дини, маънавий неъматларидан тўла фойдалана олишдан бебаҳра эканлиги билан боғлиқдир.

Худди шунинг учун ҳам миллат ва халқимиз фидойилари истиқлол учун сабот-матонат, чидам билан курашиб келдилар. Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат ёзганидек: “Бир одамнинг саботи буюк бир миллатни ислоҳ этишга қодир. Ислоҳ этувчилар тоифаси учун саботдан бўлак асл қурол йўқ”¹.

Шуниси диққатга сазоворки, миллатнинг тараққиёти учун бел боғлаган кишиларнинг ҳаммалари — Беҳбудийдан Фитратгача, Авлонийдан Таваллогача, Мунаввар Қоридан Чўлпонгача сабот тариқини тутдилар. Чин маънода, саботни ўз ижтимоий курашларида қурол қилиб олдилар. Яна диққатга сазовор томони шундаки, улар бу саботдан охириги дамларгача айрилмадилар. Худди мана шу фазилат бугунги кун ёшлари, жамиятимиз кишилари учун ибрат намунаси, ўз маслак ва эътиқодини мустаҳкамлашда ихлос қўядиган омил бўлмоғи керак.

Уларгача ҳеч ким миллат руҳияти ва характери ичига теран ижтимоий мақсадларни кўзлаган ҳолда киришни хаёлга келтирмаган эди. Улар шу тариқа миллатнинг асл табиатига хос бўлмаган, фақат зулм ва зулмат ичида, зўравонликлар остида узоқ муддатларда ортирилган кайфиятлар ва одатларни фаҳмлаб етдилар. Шунинг учун ҳам уларни қаттиқ танқид остига олдилар.

“Миллат зулм остида орттирган кайфиятлардан бири: ҳамиятсизлик, иккинчиси: ғайратсизлик эди”², деб ёзади адиб Иброҳим Фафуров. Ижтимоий тараққиёт учун курашга бел боғлаганлар, шу икки ҳодисага қарши ва шу икки ҳодисадан ҳосил бўлган бошқа илмсизлик, жаҳолат, қизиқишларнинг ўлиши каби миллат табиатига ёт бўлган салбий хусусиятларга қарши, бир ёқадан бош чиқариб, жанг олиб бордилар.

¹ *Фафуров И.* Ижтимоий онг ва Фитрат // Жамият ва бошқарув. — № 1. 1997. — 24-бет.

² *Фафуров И.* Ижтимоий онг ва Фитрат // Жамият ва бошқарув. — № 1. 1997. — 24-бет.

Буларнинг сабабчиси, юқорида айтиб ўтганимиздек, хабарсизлик касали эди.

Хабарсизлик замирида эса нафақат ижтимоий ҳодисалар, жамиятдаги ўзгаришлар сабабини билмаслик, унга нисбатан бефарқлик, балки, шу билан бирга, илму маърифатга ихлоснинг суствлиги, чала муллалик, дину диёнатнинг маърифий асосларидан беҳабарлик ҳам бор эдики, бу ҳолатлар миллатимиз ҳаётидаги таназзул даврларининг юзага келишига ҳам сабаб бўлди.

Миллатимиз ифтихори, маърифатпарвар Мунаввар Қори Абдурашидхонов ўзининг “Никоҳ тўғрисида” деб номланган мақоласида шундай ёзади:

“Бул замондан юз йилдан зиёдроқ муқаддам замондан бошлаб, оҳишта-оҳишта, миллат деворининг ҳар бир тарафига рахналар пайдо бўлди. Мунга сабаб уламо ва умароларимизни ўз нафслари риоясида ҳаракат қилмоқлари бўлди. Подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатга қилгон хизматлари танҳо хотун олмоқ ва кучук уриштирмоқ-у бағайрат ва ҳаққоният диндор кишларни бадарға қилмоқ ва тутиб ўлдирмоқ бўлди. Миллат нима ва шаърият нима билмадилар, қарамадилар. Шунинг учун миллат деворининг рахналари тобора зиёда бўлди... Бу ишларни, алхол бизларнинг ота-бобомиз расмларидир, деб истеъмол қилмоқдадурлар”¹.

Бундай ҳоллар миллат ўз кучини қаерга ва қандай сарфлашни билмаганда, ҳақиқий ижтимоий ҳаётий қизиқиш ва инсоний баланд даражали манфаатларини йўқотиб қўйганда рўй беради. Ҳар қандай миллат шу ҳолга тушиши мумкин: Агар у туб ҳаётий, инсоний мақсадларини бой берса, йитирса... Бой бермоқликнинг оқибати эса ғоятда огирдир. Мунаввар Қори бундан шундай хулоса чиқаради: “...Охирулумр, бу афъол қабиҳларимизни сабабидан мулк-мамлакатимиз тоғйиру табдил бўлиб, асиру, хорузалил бўлдик”².

Асрлар давомида ўз ўтмишимиздаги қора доғлар хонликлар давридаги адолатсизликлар, чоризм зулми, шўро империясининг халқимиз бошига солган кулфатлари, маънавий емирилишлар, ҳақиқатда ҳам, миллат деворидаги рахнани янада кенгайишига бевосита таъсир ўтказди.

Юсуф Товослийнинг “Ҳикматлар хазинаси” китобида қуйидаги ибратли ҳикоя келтирилади:

Қадим вақтларда Бағдодда бир новвой бор эди. Ул замоннинг энг машҳур валиси, деб тан олинган Ҳазрат Шиблийнинг шуҳрати ҳар тарафга кетган эди. Новвой ҳам Шиблийнинг шуҳрати буюклигини билиб, унга ихлосманд бўлганди. Новвой кечаю кундуз Ҳазрат

¹ *Фафуров И.* Ижтимоий фикр ва Фитрат // *Жамият ва бошқарув.*— № 1. 1997.— 25-бет.

² *Ўша ерда.*— 25-бет.

Шиблий тўғрисида ихлос қилиб ўйлар, ҳатто, новвойлик қилишга ҳам қўли бормас эди. Бир куни муридлари Ҳазрат Шиблийга:

— Ҳазрат фалончи қасабада бир новвой бор. Ул зот сиз учун ҳасрат чекади. Сиз-Ҳазрат учун кўз ёш тўкади, — дейдилар.

Ҳазрат Шиблий:

— Бир оз муддатга бўлса ҳам ул новвой билан учрашиб кўнглини олурмиз, — деди.

Ҳазрат Шиблий бир куни эрталаб тўппа-тўғри ўша новвой яшайдиган маҳаллага борди. Узоқ йўл юриб толиққан муридлари:

— Ҳазрат, мана шу новвойхона сизга ихлос қилган одамники, — дедилар.

Ҳазрат Шиблий ҳорғин, чарчаб, мажолсиз бир аҳволда новвойхонага яқинлашиб, ҳазин овоз билан:

— Афандим, бир бурда нон беринг, Оллоҳ йўлида бир оз нон беринг, — деб ёлворди.

Новвой, Ҳазрат Шиблийни уст-боши чанг, кийимлари ямоқ дарвеш кўринишида кўриб:

— Овқат йўқ, нон йўқ, халақит берма, ишим кўп. Бошқа уйга бориб тилан. Бепул нон бермайман! — деб ҳайдади.

Ҳазрат Шиблий дарҳол у ердан нари кетди. Новвой нон ёпиш билан машғул экан, Ҳазрат Шиблий анча нарига бориб қолди. Ҳазрат Шиблийни таниган қўшнилари новвойдан сўрадилар.

— Қўшни, сен нима қилиб қўйдинг. Ҳозиргина сен хафа қилган, ранжитган, кўнглини оғритган ул зот ўзинг ихлос қўйиб, кеча-кундуз йиғлаб етиша олмай юрганнинг — Ҳазрат Шиблий эди. Унинг учун жонимни бераман, дер эдинг, нима бўлди сенга? Бир бурда нонни қизғониб, ундан айрилдинг! — дедилар. Новвой дод-фарёд билан Ҳазрат Шиблийнинг орқасидан югурди. Маҳалладан чиқиб кетаверишда етиб олди. Ҳазрат Шиблийнинг қўли, оёқларини ўпиб, авф этишини сўради: “Мендан ўтди, сиз кечиринг, деб ёлворди. Нима десангиз қилайин”, деди.

Ҳазрат Шиблий бу ақли калта одамга:

— Ушбу қилган айбингнинг кечирилиши учун бир катта зиёфат тайёрла. Менинг шарафимга бериладиган бу зиёфат учун юз олтин сарфлайсан. Маҳалланинг барча қарияларини, улуғларини таклиф қиласан, — деб жавоб берди.

Новвой:

— Бош устига, ҳазрат, — деди.

Новвой катта зиёфат тайёрлади, маҳалланинг барча қарияларини, улуғларини чақирди. Ҳазрат Шиблий ҳам келди. Уй соҳиби қувончдан боши осмонга етди. Ўзини қаерга қўйишни билмай хурсанд.

Овқатлар ейилди, зиёфат охирлаб, суҳбат бошланди. У ерда ҳозир бўлган маҳалла улуғлари Ҳазрат Шиблийдан: — Ҳазрат бир суҳбат

қилиб, бизга “жаннатий” ва “жаҳаннамий” инсонлар қандай бўлишини айтиб берсангиз, деб илтимос қилдилар.

Ҳазрат Шиблий:

— Жаннатий инсонни билмайман, жаҳаннамий бир инсонни кўришни истасангиз, мана шу зиёфат берган одам жаҳаннамийдир, — деди...

Оллоҳ йўлида бир бурда нонни садақа қилмаган бу одам Шиблий учун 100 олтин харажат қилди. Оллоҳ номига бир бурда нон бермаган бу нотавон мендай бир қул учун (Шиблий учун) юз олтин сарфлади. Бундан ортиқ жаҳаннамга олиб борувчи иш бўладими? — деди¹.

Қиссадан бу кунимиз учун ҳам ибратли ҳисса чиқади. Айрим давлатманд, одамлар хўжа кўрсинга, шуҳрат топиш учун ўзи каби бойларга зиёфат қиладилару, Оллоҳ йўлида бу муштоққа бир бурда нон ҳам бермайдилар. Ундайлардан яқин одамларига ҳам, жамиятга ҳам наф тегмайди. Хулоса қилиб айтганда, бу ибратли ҳикоят ҳам кишиларимизда инсоний фазилатларга ихлосмандлик ҳиссини юксалтиришга хизмат қилади.

Биз тадқиқот давомида, таҳлил этилган, мушоҳада қилинган нуқтаи назарларга таянган ҳолда, ихлосмандлик юзага келишининг қуйидаги омилларини алоҳида эътиборга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

— миллий менталитетимиздаги мустақиллик йилларида юзага келган ўзгариш ва янгилианишларнинг табиий, ижтимоий, тарихий илдизларини чуқурроқ ўрганиш, уни халқимизнинг ихлосмандлик анъаналарини бойитишдаги ўрнини кўрсатиб бериш;

— аждодларимиз меросидан ибрат олиш ва унга ихлосманд бўлишнинг табиий, ижтимоий зарурият эканлигини илмий-назарий таҳлил этиш;

— ихлосмандликда ҳар бир шахснинг қизиқиши, эътиқоди, маслаги ҳамда муддаосини эркин намоён этиш имкониятларини юзага чиқариш;

— халқимизнинг азалдан мавжуд бўлиб келган жамоа бўлиб яшаш туйғусини, кўни-кўшничилик удумларини янада такомиллаштириш асосида ёшларни хайрли ишларга, гўзал инсоний фазилатларга интилувчи, шижоатли, ўз қадр-қимматини биладиган, гурурли ва нафсониятли қилиб тарбиялаш услубини яратиш;

— ихлосмандлик ва маълум жараён, ҳодиса ва воқеликка инсон ихлосининг шаклланишини, Юртбошимиз асослаган уч қадрият — одоб-ахлоқ, маънавият, маърифат билан узвий алоқадорликда олиб қараш;

¹Қаранг: Юсуф Товослий. Ҳикматлар хазинаси.— Т.: Наврўз, 1994.—283—285-бетлар.

— ўзбек халқи эъзозлайдиган саховат, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат каби инсоний фазилатлар ихлосмандлик юзага келишининг миллий жиҳатлари эканлигини унутмаслик;

— илм-маърифатга халқимиз истиқболи ва интилишларини белгиловчи мезон ҳамда ихлос ва ихлосмандлик юзага келишининг асоси сифатида қараш;

— диний-ахлоқий қадриятлар ажодларимиз илмий-маданий меросига кишиларимизда эҳтиёжмандлик ҳамда ихлос ўсиб бораётганлигини инobatга олиш каби хусусиятлар илмий изланиш самарадорлигини таъминловчи энг муҳим таркибий қисмлардир.

ШАХС АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИДА ИХЛОСМАНДЛИК АНЪАНАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1-§. АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ИХЛОСМАНДЛИК — АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ТИКЛАШ ОМИЛИ

Халқимиз асрлар мобайнида авайлаб, сақлаб, сайқал топтириб келган урф-одатлари, удумлари ва анъаналари билан, бошқача айтганда, маънавий-маърифий, маданий дунёси билан ажралиб туради. Зеро, аجدодларнинг ўзи, умумбашарий маънавий-ахлоқий қадриятларимизнинг ижодкори, яратувчиси, соҳибидир. Ҳар бир киши дунёга келгандан тортиб, умрининг охиригача ўз халқининг турли-туман урф-одатлари замирида яшар экан, унинг тарбиявий йўналтирувчилик хусусиятини доимо ҳис қилади, бинобарин, унда уларга ихлос, ихлосмандлик туйғулари ҳам камол топа боради. Аммо, бу ҳолат барча учун бирдек кечади, деб айтиш унчалик тўғри эмас. Чунки, ахлоқий қадриятларни ким қандай эъзозлаши, аввало, унинг ўтмиш меросимизга муносабати, халқимиз тарихи, урф-одатлари, тамойиллари моҳиятини қай даражада англай олишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу жараёнда урф-одатларимизга оқилона ёндошиш жамият маънавий эҳтиёжига, шахс камолоти талабларига ижобий жавоб берувчи ахлоқий қадриятларимизни “териб” олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, барча халқлар ўз тараққиёти босқичларини турли шароитларда, ўзига хос имкониятлар асосида босиб ўтадилар. Лекин, жамият тараққиётидаги боғлиқлик ва муштараклик ҳеч вақт йўқолиб кетмаган. Иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар, одамзодга хос руҳий эҳтиёжлар ва имкониятлар уларни бир-бири билан боғлаб турган. Бир-биридан жуда узоқ яшаган халқларнинг ахлоқий анъаналарида яқинлик, ўхшашликнинг кўплиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Жамият ахлоқий қадриятларидаги бу бирлик ва боғлиқлик барча диний, дунёвий таълимотлардаги ахлоқий қадриятлар талқини яқинлигида ҳам ўз аксини топган. Бу яқинликнинг батафсил таҳлилига эҳтиёж сезмаганлигимиз боис, унга атрофлича тўхталмасдан, ахлоқий қадриятнинг барча учун баробар бўлган умумбашарий жиҳатларини ихлосмандлик анъаналари билан боғлаб изоҳлаш, нисбатан, биз тадқиқ этаётган масала моҳиятини батафсилроқ ёритишга имкон беради, деб ўйлаймиз.

Давр, замон, жамиятнинг янгиланиши дунёга ўзгача қарашни, мустақил фикр қилишни тақозо этмоқда. Демак, жамиятда ўз ўрни ва мавқеини таниш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш,

шунинг билан биргаликда, маънавиятни бойитиш лозим. Зеро, ўзлигини англаган инсон жамиятга, ундаги ўзгаришга тафаккур, танқид кўзи билан қарайди, ҳар бир ҳодисани таҳлил қилиб баҳолайди. Миллий ва умумбашарий қадриятларга ихлосманд бўлади, ундан ўз камолоти ва жамият равнақи учун унумли фойдаланади. Шунинг учун ҳам файласуф Сукрот “Ўз-ўзингни англаб ет” даъватини ҳаётнинг маънавий асоси, деб билган. Мустақиллик туфайли жаҳон маданияти ютуқларига улкан ҳисса қўшган авлод ва аждодларимизнинг бой меросини тиклаш давлат даражасидаги ҳаётий эҳтиёжга айланди. Миллий ва диний қадриятларга ҳурмат билан қараш, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бўлиш, уни ўрганиш, халқнинг миллий ўзлигини англаш, демократик, ҳуқуқий, адолатпарвар, инсонпарвар жамият, қудратли, иқтисодий салоҳиятли давлат қуриш учун яшаётган ва меҳнат қилаётган фуқароларни, айниқса, ёш авлоднинг фикрлаш маҳоратини, яхлит дунёқарашини шакллантиришда назарий пойдевор бўлди.

Мустақиллик бизга шундай имконият бердики, эндиликда, ҳар биримиз ўз “мен”имизни моҳиятан англаб етишда миллий ғурур ва нафсониятимизни юксакларга кўтара олишга маънан ҳақли бўлдик.

Шу билан бирга, ўзлигимизни англашда аждодларимиз меросига ихлосмандлик эҳтиёжи ҳам юзага келдики, бу эҳтиёж йиллар давомида собиқ тузум мафқураси ва сиёсати таъсирида дилимиздан тилимизга чиқмаган эди.

Бинобарин, биз миллатимиз мавқеи, халқимизнинг жаҳонда тутган ўрнини англамоқ учун ҳам, аввало, ўзлигимизни англашимиз зарур эди. Н.Г.Чернишевский ёзганидек: “Кимки инсонни ўрганишни ўз-ўзини ўрганишдан бошламас экан, у инсон ҳақида ҳеч қачон чуқур билимга эга бўла олмайди”¹.

Шунга кўра, бугунги кунда бу борада ҳам бизга кенг имкониятлар яратилган, ҳолбуки, собиқ тузумда инсоннинг ўз-ўзини англашга ҳар қандай уриниши “индивидуализм”, “эгоизм” каби номлар билан қоралаб келинган ва бунга изн берилмаган эди.

Маълумки, ҳар қандай эҳтиёж тури каби ихлосмандлик эҳтиёжи ҳам, аввало, киши фаолияти хатти-ҳаракатининг асоси бўлган моддий ва маънавий эҳтиёжлар билан узвий алоқадорликда бўлади.

Маънавий эҳтиёж, энг аввало, тарбия асосида шаклланади, аммо, айрим ҳолларда, унинг ирсият билан боғлиқ жиҳатлари ҳам борки, бу ҳолат кишидаги ўзига хос қобилиятлар, масалан, мусиқага, расм чизишга, техникавий ижодкорликка бўлган ихлосмандлик ва иқтидорда кўзга ташланади.

¹ *Ночевник М.Н.* Человеческое общение. — М.: Политическая литература. 1998. — С. 106.

Моддий эҳтиёж эса бевосита тарбиянинг ўзи билан боғлиқ ҳолда шаклланиб боради. Айрим ҳолларда, кишиларда бойликка хирс қўйиш, мешчанлик кайфиятининг вужудга келиши, моддий эҳтиёжларнинг маънавий эҳтиёжлардан устун келишига олиб келишининг сабаби тарбиядаги нуқсон туфайли ҳам юзага келади¹.

Эҳтиёж турлари қай вазиятда ва қандай шаклланмасин, у ижтимоий тузум характери, жамиятдаги моддий ва мафкуравий жараёнлар, жамият маънавий ҳаёти билан боғлиқ ҳодисаларни ўзида акс эттиради.

Шунга кўра, эҳтиёж ва эҳтиёжмандлик анъаналарини ўрганишда жамият ҳаётидаги туб сифат ўзгаришларига жиддий эътибор бериш кишилар кайфияти, интилиши ва хатти-ҳаракатларига унинг таъсирини мунтазам кузатиб бориш ғоят муҳимдир.

Бинобарин, ижтимоий онг шаклларининг ўзи ҳам жамият маънавий ҳаётининг бутун бир босқичлари, ундаги маълум ижтимоий муносабатлар, борлиқни англаш ва унга таъсир этиш услубларининг ўзаро таъсири асосида такомиллашиб борган.²

Зеро, жамият маънавият ҳаёти шахс маънавиятига, миллат истиқболига фаол таъсир этибгина қолмасдан, маълум маънода, шу жамиятда яшовчи ҳар бир кишига ўзини ва ўзгани қадрлай оладиган онгли, ориятли миллат вакилини ўз тили, дини, тарихига бe-фарқ қарамасликка ўргатади.

Шундай қилиб, мана шу тарзда аждодлар меросига ихлосмандлик анъаналари шаклланиб, нафақат алоҳида шахс, балки, миллат ҳам ўзлигини англаш имкониятларига эга бўла боради.

Миллий ўз-ўзини англаш кишиларнинг муайян миллатга мансублиги, миллий тарихи, маданияти ва мероси, урф-одатлари, миллий моҳияти, руҳияти, иқтисодиётини билиш демакдир.

Халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди.

“Тарих — миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда”³.

Дарҳақиқат, тарихий тажриба, анъаналар мерос бўлиб, авлодларни тарбиялайдиган қадриятлардир.

¹Қаранг: *Зюбин Л.М.* Психология воспитания.— М.: Высшая школа, 1991.— С. 10.

²Қаранг: *Нишонов М.Н.* Обновление духовной жизни наций.— Т.: Фан, 1992.— С. 13.

³*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд.— Т.: Ўзбекистон, 1997.—127-бет.

Азал-азалдан бизнинг маданиятимиз кўплаб инсонларнинг эътиборини тортган ва шундай бўлиб қолмоқда

Самарқанд, Бухоро, Хива фақат олимлар учун эмас, балки, тарих ва тарихий қадриятлар билан қизиқувчилар учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ. Улардаги қадимий обидалар нафақат руҳий гўзаллик инъом этади, балки, улар ўнлаб асрлар, хонликлар ҳақида маълумот ва сабоқ беради. Улар яна аждодларимизнинг теран тафаккури, ақли ва гўзал, тенгсиз истеъдоди, беқиёс ҳунармандлиги ҳақида ҳам гувоҳлик беради.

Эндиги вазифа — тарихимизни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиб, уни холис баҳолаш. Зеро, тарихчи алломаларимиз тили билан айтганда, “гафлатда қолган одамларни уйғотиш учун, аввало, унинг тарихий руҳиятини уйғотмоқ лозим”¹.

Бугунги кунда тарихимизни илмий ва ҳаққоний ўрганишга кишиларимизда эҳтиёжмандликнинг ўсиб бориши изн бермоқда.

Фикримизча, ўтмиш аждодларимиз қолдирган маданий меросга муносабат соҳасидаги ижобий ўзгаришлар кишиларимизни тарихий ҳақиқатни билишга ихлосининг ортиб бораётганлигини инobatга олиб, ихлосмандлик аънаналарига эҳтиёжмандликни қондиришни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

а) ихлосмандлик аънаналарини ривожлантиришда миллий ва умумбашарий қадриятлардан самарали фойдаланиш;

б) миллий тарихни ўрганишга оқилона эҳтиёжни шакллантириш;

в) шахснинг ўзини ўзи тўлиқ намоён этиши ва имкониятларини руёбга чиқариш;

г) ихлосмандликни ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг асоси қилиб олиш.

Ҳозирги кунда ўз тарихимиз, ижтимоий-фалсафий меросимизни ўрганишга бўлган муносабат, ёндашув, ҳақиқатда ҳам кескин ўзгарди, зеро, янгиланаётган, покланаётган жамият, янгича тафаккур айнан шундай жараённинг рўй беришини тақозо этади².

Бу эса илмий ва ижтимоий муаммоларни тарихий-фалсафий жиҳатдан янада ўткирроқ ҳамда мунтазам равишда мушоҳада этиш заруриятини ҳам юзага келтирмоқда.

Ана шу маънода олиб қаралганда, ихлосмандлик масаласи ҳам муҳим фалсафий тадқиқот объектига айланган десак, хато қилмаймиз.

¹ Мустақилликнинг етти наврўзи — истиқлолнинг оидин йўли.— Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1999.—98-бет.

² Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.— Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1999.—5-бет.

Янгича тафаккур шаклланмоқда, ammo унинг учун мавжуд шарт-шароитлар, маданий-маърифий асослар энди намоён бўлмоқда, ўтиш даври инсон тафаккурида жуда мураккаб кечаяпти. Уни шакллантиришда жамиятнинг ҳар бир бўғини — оила, боғча, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим, меҳнат жамоалари, ҳуқуқ-тартибот органлари, хуллас, барча сиёсий институтлар — ягона мақсад йўлида мустақиллик гоёсини янгича қарашлар, фикрлар хилма-хиллиги асосида инсонлар онгига, эътиқодига айлантириш тадбирларини кўришда фалоллик билан ёндашишлари зарур. Токи, инсонларда ўз она юрти шаъни, қадр-қиммати билан миллат ва халқ манфаатлари йўлида гурурланиш туйғуси шакллансин. Ихлосмандлик анъаналари ривожига эса худди ана шундай туйғуни шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бунинг учун эса ўтмишдан кўз юмиш, уни менсимаслик эмас, ундан сабоқ олмоқ ва уни ўрганмоқ лозим.

Мерос — халқ ўтмиши, бугуни ва келажакни боғловчи муҳим ҳалқа. Авлод ва аждод муносабатларининг узлуксиз занжири ана шу ҳалқалардан таркиб топган.

Агар авлодлар ҳалқаси узилса, жамият вайрон бўлади. Бугун ҳам, эртага ҳам шундай ҳол рўй беради. Аждодлар руҳи билан яшаган одамнинг замини (пойдевори) мустаҳкам бўлади.

Ҳар бир халқ ўз тарихига, тилига, юртига, миллий маданиятига, урф-одат ва анъаналарига эга. У ўз аждодларининг тарихини билишни истайди. Бу эса инсонпарвар, чинакам демократик жамият руҳига айнан мос келади. Зотан, аждодлар қолдирган бой ва қимматли миллий маданий меросни авайлаб сақлаш ва уни авлодларга етказиш тарихий заруриятдир.

Аждодларимиз мероси кишиларда миллий онг, миллий гурур туйғусини тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга. Биргина кишини охириги йўлга кузатиш маросими билан боғлиқ бўлган 80 дан ортиқ халқ удумлари мавжудлиги аниқланган бўлиб, дафн, видолашув, таъзия изҳор этиш ана шулар жумласидандир¹.

Буларнинг ҳаммаси авлодлар учун ўтмишдан ёдгорлик бўлиб хизмат қилади.

Аждодлар хотираси одамларни жипслаштириб, анъанавий қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилади.

Халқимиз удумига кўра, одам боласи ўзининг етти пуштини билиши шарт. Бу ҳам ота-боболар хотирасига ҳурматнинг бир кўриниши. Ҳалигача кексалар орасида: “Бахшиларнинг етти пушти шоир ўтган”, “Чопағонлик етти отасидан мерос”, “Етти пуштини билган эр етти юртнинг ғамини ер” каби нақллар сақланиб қолган. Бу анъа-

¹ Қаранг: *Жавлиев А.* Анъаналар ҳаёт сабоғи.— Т.: Ўзбекистон, 1992.— 76-бет.

нани тиклаш вақти келди. Шу боисдан ҳам, кейинги вақтларда, вақтли матбуот ва радио-телевидениеда авлодлар шажарасига доир чиқишлар, туркум кўрсатувлар, ибратомуз саҳна кўринишлари тез-тез намойиш этилаётганлиги ҳам айни шу мақсадга хизмат қилмоқда. Зеро, ўз шажарасини, унинг тарихини чуқур билиш — миллий ва байналмилал онгнинг, қолаверса, тарихий онгнинг қарор топиш шартидир.

Ҳар бир жойнинг, ҳар бир туманнинг атоқли кишилари фаолиятини билиш ҳам инсон хотирасига ихлосмандликнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Шуни ёдда тутиш зарурки, ҳаёт занжири бутунлай узилмайди, ворислик — келажак куртаги, бинобарин, аجدодларсиз авлодлар ҳам бўлмайди.

Аждодлар бунёд этган моддий ва маънавий бойликлар билан барҳаётмиз. Улуғ одамларнинг улкан ишлари тошга битилган ёзувларда, тасвирий санъат дурдоналарида, китоб зарварақларида, бадий образларда ўз аксини топади, уларнинг номлари оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар оша яшаб келмоқда. Хуллас калом, хотира билан тирикмиз, хотира билан бормиз.

Инсон хотирасига ихлос, меросига ихлосмандлик — халқимизнинг азалий анъаналарига, асрий қадриятларига эътиборнинг бир кўринишидир.

Юртбошимизнинг уқтиришича, “ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қандай, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий...

Тарихий илдинини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир”¹.

Бас, шундай экан, ўз тарихини эътиқод ва ихлос-ла ўрганган, қадрлаган халқ, маънавиятли-маърифатли халқдир.

Ўзбеклар — ана шундай халқлардан биридир. Кексаларга, устозларга ихлос қўйиш ҳам халқимизнинг энг яхши фазилатларидан биридир. Халқимиз удумига кўра, ёшлар қарияларга биринчи бўлиб салом беради, ўтирганда жой ва юрганда йўл бўшатади. Кексалар олдидан кесиб ўтиш ёки улар олдида баланд товуш чиқариб гаплашиш айб саналади. Ҳатто, от миниб келаётган йигит кексалар ўтирган гузарга етганда, отдан тушиб, саломлашиб ўтади. Буларнинг

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд.—Т.: Ўзбекистон, 1999.—137-бет.

ҳаммаси кексаларга зўр ҳурмат, эҳтиром рамзи. Ҳўш, ҳозирда мана шу ихлосмандликка ёшлар муносабати қандай? Айтарли, кўнгилдагидек эмас. Айрим ёшларимиз табиатига сингиб қолган оврупоча одатлар ана шу ихлосмандликка соя солиб турибди. Шунингдек, хусусан баъзи бир ёшларимиз орасидаги мулоқот маданиятидаги бачканалик, “дада” сўзи ўрнига “пахан” сўзини ишлатиш, “Ассалому-алайкум” ўрнига “Айва, чаво” каби тутуруқсиз саломлашишлар фикримиз далилидир. Улар орасида кексаларни, ўзидан катталарни ҳурмат қилиш ва қадрлаш ўрнига уларга беписандлик, эътиборсизлик каби нохуш ҳолатлар томир отаётганлиги, айниқса, ачинарлидир.

Маънавий қаҳатчилик, инсоний қадр-қимматни менсимаслик, лоқайдлик ва масъулиятсизлик каби салбий ҳолатлар инсоний фазилатларнинг кушандасидир, ҳолбуки, инсон қадр-қиммати ҳар нарсадан табарруқ ва азиздир. Шундай экан, ёшларга халқ анъаналарининг тарбиявий аҳамиятини, инсонийлик сабоқларини ҳам мунтазам ўргатиш зарурки, токи улар кексалар, ёши улуғларнинг инсоний фазилатларидан баҳра олишга ўргансин.

Покиза хулқ-атвор, гўзал ахлоқ — ҳалоллик, маърифат манбаидир. Ҳалол ва маърифатли инсонлар миллатнинг ёрқин кўзгусидир.

Ҳар бир алоҳида шахс ўз мустақил маънавий дунёсига эга, миллат маънавияти эса, мутлақ маънода, ушбу миллатга мансуб барча шахслар маънавияти асосида асрлар, балки минг йиллар давомида шаклланиб боради. Иккинчи томондан қараганимизда, келажакдаги ҳар бир шахс маънавиятининг шаклланишида миллат маънавияти етакчи мавқе эгаллайди. Миллат ўз маънавий бойлигини қанчалик унутса, ўсиб келаётган авлод шу даражада манқуртлашади, ўзлигини танимайдиган даражага келади. Миллат маънавиятини келажак авлодларга тўлақонли, мукамал етказишдаги бош омил унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигидир. Иккинчи навбатда, миллатнинг пешқадам кишилари унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳадаги илғор қатнашчилари руҳиятида уйғунлик, баркамоллик, Ватан ва халқ олдидаги масъулият ҳисси қай даражада эканлиги кўп нарсани белгилайди¹.

Миллатнинг ўзлигини таниши унинг томонидан умумбашарий миқёсдаги ўз ўрнини, мақом ва мавқеини, бурч ва масъулиятини қанчалик англаб етиши билан боғлиқ.

Мана шу сабабли ҳам аждодлар маънавиятига ихлосмандлик анъаналарини ҳар бир шахсда камол топтира бориш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

¹Қаранг: *Имомназаров М.* Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.— Т., 1998.—90—91-бетлар.

Ҳолбуки, ҳар бир инсон зоти маънавий қиёфаси туфайли шахс-дир, инсонни унинг маънавияти бақога элтади.

Инсон туғилганидан то умрининг охиригача яшаш ва яратиш учун курашади. Болалик, ўсмирлик, йигитлик даврлари, қалби қайноқ ёшлик йиллари, жисмоний ва ақлий камолот, оилали бўлиш... Шахс тараққиётининг турли босқичлари мураккаб ва зиддиятли жараён. Одам ўз ҳаёт фаолияти давомида гоҳ баландга чиқади, гоҳ пастга тушади, муваффақиятидан қувонади, омадсизликдан эса қайгуради. Хуллас, ҳаёт — чархпалак, омад билан омадсизлик унинг икки параги. Ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу. Айнан шу боис ҳам ёшларни инсонга, элу халққа, ҳаётга ихлосмандлик руҳида тарбиялашда беқиёс сабоқ мактаби бўлиб хизмат қиладиган миллий анъаналаримизни қадрлаймиз.

Шу билан бирга, миллий анъаналарга ихлосмандликни шакллантиришда ёшларни қалғитадиган, уларни миллий манфаатпарастлик ва миллий маҳдудлик кайфиятига солиб қўядиган ҳолатлардан доимо огоҳ бўлмоқ зарур. Бунинг учун эса миллий маҳдудлик билан миллатни севиш ўртасидаги фарқни кишиларимизга, айниқса ёшларимизга мукамал тарзда англатиб бормоқ зарур. Ўз даврида М. Беҳбудий, миллий урф-одатларни ҳимоя қилиш баҳонасида, миллий чекланишга бориб қолишдан сақланишни уқтириб, ёшларни кийинишда меъёр бўлиши, баъзи безарар янгиликларга интилишидан чўчимасликни алоҳида таъкидлаб, қуйидагиларни ёзган эди: "...Энди келайлук жузъий ташаббуҳлар мосъаласигаким, бу: курси (стул)га ўтирмоқ, қошиқ ва чинакча билан истеъмол этмак, медаль тақмоқ, ҳавонинг иссиқлиги учун бош яланғоч ўтирмоқ каби шайлардан иборатдир. Агар бу жузъий ташаббуҳлар ила-да киши кофир бўлаверса, бас, ер юзида бир нафар ҳам мусулмон қолмаслиги лозим келур..."¹. Зеро, ҳар бир бўлар-бўлмас гаплар билан таълим-тарбия, жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатишга қарши кураш олиб бориш ҳам Беҳбудий назаридан қочмайди. Бу соҳада, айниқса, миллий урф-одатлар орасида ҳам илғор нуқталарини ёқлаш, ортиқчаларни, аҳамиятсизларини йўқотиш ҳам янгиликни ривожлантириш учун зарурлигини Беҳбудий идрок этади, уларнинг тафовутини ажрата билишга даъват этади.

"Замонанинг марвари ила баъзи расм ва одатлар доимо ўзгариб турадики, — деб ёзади у, — бу ўзгариш бобомиз Одам замонидан бери воқе бўлиб келмоқдадур. Расм ва одатлар ичида яхшиси бўлғонидек, ёмон ва зарарлиси ҳам мутлақо бордир. Чунончи, бурунги замонда исрофли тўй ва аза ва базми жувон каби ёмон одатларимиз йўқ эди. Сўнгра пайдо бўлди: қабул этдик. Энди шунинг қўлидан осонлик ила қутула олмай турибмиз"¹.

¹Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар.— Т.: Маънавият, 2000.—87-бет.

Беҳбудийнинг бу фикрларида, нафақат ўша давр, балки ҳозирги замонамиз учун ҳам ибрат олса арзуғулик гоёлар мавжудки, бу гоёлар замирида инсонни тарбиялашда ҳамма нарсани қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш, унга ихлосманд бўлиш эмас, балки ёмон, зарарли одатлардан сақланиш, миллатимиз маънавиятини дарз кетгизувчи, халқимиз менталитетига зид хатти-ҳаракатларни ҳаётимиздан сиқиб чиқаришга қатъий даъват бор. Гарчи, унда жамият тараққиёти учун зарур бўлган ҳар бир янгилик, ўзгаришга ижодий ёндашиш талаб этилаётган бўлса-да, шахс маънавияти билан боғлиқ барча масалаларга ўта масъулият билан ёндашиш зарурлиги ҳам талаб этилади. Бинобарин, ҳаёт ўз йўли билан борар экан, унга муносабатда ҳар бир шахслар катта билим ва ақл-идрок билан ёндашишни ҳам тақозо этади.

Ана шундай ёндашув асосидагина халқ ижобий анъаналарига ихлосмандликни том маънода шакллантириш мумкин бўлади.

Аммо, инсон ўз-ўзини таҳлил этиши оғир, ўзига талабчан шахс хато-ю камчиликлардан тез хулоса чиқариб, вақтни бой бермай, нимаики ютқазилган бўлса, унинг ўрнини тўлдиришга, нимаики унутилган бўлса, уни тиклаб, авайлаб асрашга, ўз руҳий оламини гўзаллаштиришга шошилади.

Ўтаётган умр — улкан огоҳлик, ўз тарихимиз, аслимиз, ўзлигимизга жиддий ва чуқур назар солиб, ўзимиз билан шафқатсизларча, виждонан рўбарў бўлмас эканмиз, эрта учун, авлодлар учун нури из, ибрат, мерос, маънавий таянч қолдира олмаймиз¹.

Шунингдек, ҳар бир шахс “ўзини халқининг бир зарраси, деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб меҳнат қилгандагина”, халқнинг ўлмас меросига унда ихлосмандлик эҳтиёжи пайдо бўлади ва у такомилига етади.

2-§. ИХЛОСМАНДЛИКНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИК ХУСУСИЯТИ ВА УНИНГ ШАХС ФАОЛИЯТИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Инсон фазилатлари дебочаси, уни шаклланишининг бирдан-бир манбаи унинг онги, тафаккури бўлса, тафаккурни чархлаш, фазилату хислатларни бойитиш асоси эса халқимиз тарихий тажрибасига таяниш, ундаги миллатимиз маънавиятига дахлдор меросга ҳар бир жамиятимиз фуқаросини ихлосманд қилиб тарбиялашдан иборат.

Ихлосмандлик, фикримизча, уч асос — маънавият, ахлоқ-одоб, маърифатга таянган ҳолдагина юзага келади.

¹Қаранг: *Ғаниев И.* Комилликка фикрлаб эришилади. // Туркистон.— 2003. 24 сентябрь.

Аммо, инсоният тарихий тараққиёти шундан далолат берадики, барча даврлар ва шароитларда маънавий камолот имкониятлари бир хил, бир меъёрда бўлавермайди. Чунки, жамият тараққиёти ҳар доим ҳам текис, равон йўлдан кетмайди. Тараққиёт зиддиятли бўлгани учун унда бухронлар, турғунлик даврлари, кескин тарихий бурилишлар ҳам бўлиб туради. Ижтимоий зиддиятларнинг кучайиши айрим тарихий даврларда турли мамлакатлар ва халқларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиёти, имкониятини чеклаб ҳам қўяди.

Бу, айниқса, мустамлакачилик ва қарамлик асорати остига тушиб қолган мамлакат ва халқлар тарихида яққол кўзга ташланади.

Ана шундай шароитларда етук маънавият соҳиби бўлган кишиларгина жамият тараққиёти, фан ривожини билан боғлиқ бўлган янги муаммоларни ақл-заковат билан таҳлил этадилар, уларни ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Жамият ҳаётидаги барча юксалишлар, тараққиёт имкониятлари комил инсон шахсининг шаклланиши муайян маънавий муҳит ва имкониятлар билан боғлиқ бўлган. Барча тушкунликлар, турғунлик ҳолатлари, иқтисодий, сиёсий инқирозлар эса маънавий бухроннинг натижаси бўлган. Шунинг учун жамият тараққиётидаги тушкунликлар ва юксалишларнинг сабабини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллардангина эмас, балки кишиларнинг онги, эътиқоди, муайян мақсадга ишончи, ихлоси, ахлоқий камолот даражасидан ҳам излаш керак.

Шу ўринда шахснинг муайян воқеликка муносабати асосида юзага келадиган ихлосмандлик, унинг ўзгарувчанлик хусусиятлари ҳам киши савияси, дунёқараши билан узвий боғлиқ эканлиги эътироф этилар экан, ихлосмандликнинг биз юқорида тилга олган асосларини таҳлил этиш зарурияти ҳам юзага келади. Бинобарин, ихлосмандликнинг ўзгарувчанлиги масаласи ҳам айни мана шу заруриятни англаб етишни талаб этади. Аслида, ихлосга нарса, воқелик ва жараёнга нисбатан инсоннинг ишончи, ўзига хос тарздаги эътиқоди, интилишларининг муайян йўналиши, манфаат, мақсад йўлида шаклланган ижтимоий ҳодиса сифатида қарайдиган бўлсак, ихлосмандликдаги ўзгарувчанлик ҳақида гапириш мантиқсизликдек туюлади. Аммо, ҳар қандай эътиқод, аввало, ихлос асосида шаклланиши мумкин эканлигини ҳар доим ҳам тўғри англай олмаймиз.

Худди мана шу сабабли ҳам инсон амалий фаолиятида адашишлар, нотўғри, асоссиз ғояларга эътиқод қўйиш каби салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташланадики, буларнинг барчаси, халқимиз ибораси билан айтганда, “имони заиф” ликка, ўзи интилаётган мақсаднинг моҳиятини тўла англаб етмасликка, эргашувчанликка мойилликни юзага келтиради. Худди шундай вазиятда, ихлос ва ихлосмандликда шахс дунёқараши билан боғлиқ ҳолда ўзгариш юзага келади.

Демак, ихлосмандликдаги ўзгарувчанлик ўзининг ижтимоий тарихий илдиэларига эга бўлиб, шахсдаги ё ижобий ёки салбий иллату фазилатларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Бизнингча, ихлосмандликдаги ўзгарувчанлик жараёнини икки муҳим таркибий қисмга ажратиш мумкин. Улардан бири инсон маънавиятини юксалтиришга, руҳиятини поклашга, муайян ғоя ҳамда мақсадга нисбатан эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчиси, шахсда тушқунлик кайфиятининг юзага келишига, унда фаолиятсизлик, лоқайдлик, умидсизлик каби салбий руҳий ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, айрим ҳолатларда, шахснинг ихлоси қайтишига ҳам олиб келади. Ҳар иккала ҳолат ҳам инсонни, энг аввало, билими, савияси воқеликдаги ижтимоий ҳодисаларни қай даражада баҳолай олиши асосида, демакки, шахс тафаккур тарзининг шаклланиши тарихи билан монанд тарзда юзага келади, мана шунинг учун ҳам кишиларимиз тафаккур тарзини замона зайлига мос равишда тезда ўзгартиришга уриниш, одамларимизни эзгу ишларга ихлосманд қилиб тарбиялай олиш осон иш эмас, шунингдек эски тузумдан мерос бўлиб турган маънавий инқироз асоратлари таъсирини ҳам ҳис қилмоқдамиз. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, маънавий инқирознинг таъсири қанчалиқ катта бўлмасин, у инсон ҳаётининг барча томонини бирданига қамраб ололмайди. Маънавий инқироз шароитида ҳам инсон онги, эътиқодида, миллий руҳиятида меҳр-оқибат, одамгарчилик, меҳнатсеварлик, имон, инсоф, виждонлиликнинг белгилари сақланади. Одамлар қандай сиёсат таъсирида бўлмасинлар, етук инсонийлик фазилатларини бутунлай йўқотмайдилар. Биз худди ана шу фазилатлар устуворлигидан фойдаланиб, шахснинг ихлосмандлик хусусиятларида сифат ўзгаришлар қилишимиз, уларнинг интилишларини инсоний қусур ва иллатлар томонига оғиб кетишидан сақлаб, эзгу ишларга ихлосманд қилиб тарбиялашимиз зарур. Зеро, донишманд халқимизнинг “хом сут эмган банда”, “беайб парвардигор” каби ҳикматли сўзлари ҳам инсоний жамият яратиш борасидаги саяй-ҳаракатлар туфайли пайдо бўлган бўлса ажаб эмас.

Ихлосмандликдаги давр руҳига ҳамоҳанг ўзгаришларни эзгу мақсадлар сари йўналтиришнинг энг зарурий асоси кишиларимизнинг илму маърифатини янада юксалтириш билан бевосита боғлиқдир.

Зеро, билимга, илмга эҳтиёж ҳам объектив заруриятни онгли тушуниш билан боғлиқ бўлган маънавиятдир.

Инсон фаолияти турли даражадаги аниқ билимлар, илмий назариялар, ҳулосалар асосида амалга ошади. Бундай фаолият заминида инсон билими, илми, тажрибаси туради. Масалан, моҳир созанда қўлида танбур ушлагани учун эмас, балки узоқ тажриба натижасида орттирган малака, маҳорат соҳиби бўлгани учунгина ажойиб куй-

ларни чалади. Рассом ва ҳайкалтарош ҳам бармоқлари, ғояси бўлгани учун эмас, балки истеъдоди ва тажрибасига асосланиб, юксак санъат намуналарини яратади. Демак, инсон маънавиятининг ташқи (зоҳирий) аломатларининг юзага келишида тарбия, малака, илм, билим ва истеъдод етакчи ўринга эга. Шахс маънавиятида илм ва амалиётнинг бирлиги хусусида Абу Ҳамид Муҳаммад Фаззолий шундай деган эди: “Гумроҳ кишилар: “Илм бўлгач, амалга ҳожат йўқ қабилда фикр қилурлар. Бундай фикрлар илмни ўзи билан кифояланиб, шароитни инкор этувчилар бўлиб, улар учун илм ҳосил бўлса-ю амал бўлмаса. Бу каби илмдан фойда йўқлигини билишмайди. Ҳолбуки, ўқиб ўрганган илмга амал қилмаган кишининг қиёмат кундаги азоби икки ҳиссадир”¹.

Чиндан ҳам ҳазрат Алишер Навоий айтганидек:

Кимники билай десанг мақолин англа,
Аслини десанг англайин. фиолин англа.

Яъни, инсоннинг кимлиги унинг сўзларидан ва, айниқса, қилган, қилаётган ишларидан билинади. Баъзилар жуда чиройли сўзлар айтадилар, лекин, ўзлари бу сўзларга амал қилмайдилар. Мана шундай ҳолатларда бизга жуда маданиятли, билимдон, юксак маънавият соҳиби бўлиб кўринаётган шахснинг ички дунёси, ташқи кўриниши билан монанд эмаслиги яққол кўзга ташланади. Бинобарин, шахсдаги ҳар қандай ташқи маънавий гўзаллик ўзининг ботинидаги моҳият билан уйғунлаша олмас экан, у ўз қадр-қимматини йўқотади. Кишиларнинг ундан ихлоси қайтади. Кўп ҳолларда, кишилар, ўз билимсизликларини ниқоблаш, ўзларидаги мавжуд нуқсонларни яшириш мақсадида (айрим ҳолларда эса жамоатчилик назарига тушиш учун), ўзларини камтарин, ўз соҳасининг билимдони, маданиятли қилиб кўрсатишга уринадилар.

Баъзан эса тарбиядаги нуқсонлар шахсни такаббур, мақтанчоқ, ўз маслаги ва эътиқодига садоқатсиз бўлиб вояга етишига сабаб бўлади. Бинобарин, одамзоднинг турқи-тароватигина эмас, унинг ички олами, маслаги, инсоний қиёфаси ўзининг ҳозирги кўриниши ва ҳолатига етиб келиши узоқ тадрижий камолот натижасидир.

Бир сўз билан айтганда, шахс маънавиятининг зоҳирий кўриниши унинг ички маънавий дунёсини ҳар доим ҳам тўлиқ ўзида акс эттира олмайди.

Шахс табиатининг мукамал бўлмаслиги кишининг, баъзи ҳолатларда, алдамчи ҳиссиётларга берилиб қолишига олиб келади. Бу эса, кўпроқ, шахсда салбий хислатларнинг шаклланишига олиб келади.

¹Абу Ҳамид Муҳаммад Фаззолий. Охиратнома.— Бухоро, 1992.— 12-бет.

Турли қиёфада намоён бўлувчи мунофиқ кишилар маънавияти саёз, диёнати суст, халқ ва миллат манфаатини менсимовчи салбий ҳолатларни ўзига йўлдош қилиб олган шахслардир.

Керак бўлса, дину диёнати, эътиқодини ўз шахсий манфаатлари йўлида бир пулга олмайдиган манфаатпарастлар ҳам худди мана шулардир.

Бундай шахсларга баҳо берар экан, Файбуллоҳ ас-Салом

Тилда — ҳамду сано

Дилда — куфри зино, — дейди.

Яъни, тилда энг яхши фазилатларни доимо тарғиб қилиб, амалда ахлоқсизлик, гайри инсоний тамойилларга таянувчи, сўзи билан иши бир бўлмаган, субутсиз кишилар эканлигини алоҳида уқтирган эди.

Демак, шахс маънавиятининг (ташқи) зоҳирий сифатлари билан (ички) ботиний моҳияти ўзаро муштарак ҳолда такомиллашсагина, том маънодаги маънавиятли шахснинг шаклланиш имконияти юзага келади¹.

Бундан шу нарсга маълум бўладики, маънавият инсон онги-шуури, кўнгил кўзгусининг акс садосидир. Шу маънода олганда, гарчи ҳар бир шахснинг маънавияти ўзига хос тарзда мавжуд бўлса-да, унинг намоён бўлишига омил бўлувчи ботиний куч белгиловчи аҳамиятга эгадир.

Хусусан, ислом динида ҳам маънавиятнинг (ички) ботиний куч эканлигига ишора қилувчи бир қатор таъкидлар мавжуд. Ривоят қилишларича, Муҳаммад пайғамбар Ҳазрати Жаброилдан сўрабди: Сен каттами, мен каттами? Ҳазрати Жаброил жавоб берибди: Мен кўкда 30 минг йилда бир маротаба намоён бўладиган юлдузни 30 минг маротаба кўрганман. Шунда Муҳаммад пайғамбар, у ҳолда, мен сендан катта эканман, деб жавоб берибди. Чунки, пайғамбар туғилмасдан олдин унга нозил қилинган илоҳий нур шуъласидан Ҳазрати Жаброил ҳам баҳраманд бўлган экан. Инсофу диёнат, ҳалоллик, меҳр-шафқат каби инсоний фазилатларга йўғрилган бу нур, кейинчалик, кишилар қалби-шууридан ўрин олганлиги шубҳасиз.

Шунга кўра, шахс маънавияти ҳамда, умуман, маънавиятнинг минг бир сифати, беҳисоб жиҳати ва қирралари бор: ҳаё ва андиша, вафо ва садоқат, кўркамлик ва ташаббускорлик, ҳикмат ва саховат, журъат ва шижоат, орият ва хокисорлик, босиқлик ва камтарлик, фаросат ва заковат, балоғат ва фасоҳат каби ҳамда инсон фарзандининг, Яратганнинг наздида, ўзига мансуб миллатнинг кўз ўнгида ва олам аҳли ўртасида юзини ёруғ қилгулик, ажодларга ва улар-

¹ *Файбуллоҳ ас-Салом*. Оталар ва болалар (Маънавият, яна маънавият туркумидан). Эссе. // *Жамият ва бошқарув*.—1999.— №1—2.—32-бет.

нинг тақдирига нисбатан жавобгарлик ҳиссини барқарорлаштиргulik муҳим жонли фазилатлардир. Хуллас, жами инсоний фазилатлар — маънавият даракчиларидир.

Биз қуйида уларнинг айримларига қисқача изоҳ бериб ўтишни лозим топдик.

Шарм ва ҳаё. Шарм — бу ножўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси. Ҳадиси шарифлардан бирида айтилишича, одам, энг аввало, ўзидан уялиши керак. Ножўя қилмиши учун ўзидан уялган одам ўзгага ҳам ножўя хатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Мана шу шармдир. Ҳаё эса, бу — ўзбекча уятдир. «Бир кетган уят қайтиб келмайди», «Дилда доғ кўтариб юргандан кўра, бетнинг қизаргани афзал», дейди халқимиз. Лекин, ҳаёсиз ёки беҳаё дейилганда, уятсиз иш қилиб хижолат чекмайдиган, одобсиз кимса тушунилади. Ҳазрат Навоий ҳам ахлоқий фазилатлар ичида ҳаёлиликни биринчи ўринга қўяди.

Уч қисм ила иймонга бино фаҳм айла,
Аввалгисини анинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчиси дағи вафо фаҳм айла,
Учинчисини билмасанг саҳо фаҳм айла.

Мутафаккир инсон имон пойдеворининг биринчиси — ҳаё, иккинчиси — вафо, учинчиси — саховатлилик дейди. Уялиш, тортишиш — ҳаёнинг бир хусусияти бўлиб, у барча ёшдаги кишиларга хос бўлиши керак.

Ор-номус. Ор — бу ўзига номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, уят ва номус қилиш туйғусидир. Орият — бу ор-номусдан ташқари, иззат-нафс қадр туйғусидир. Одатда, ориятли одамлар ўзлари ва оилаларининг иззат-нафсларини, қадрларини юксак тутадилар ва ўзгаларни ҳам қадрлай биладилар. Номус — бу иффат, бокиралик маъноларидан ташқари, кишининг ўз мавқеини сақлаш, улуғлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғуларини, оила ва аждодлар шаънига доғ туширмаслик маъносини ҳам ифодалайди. «Қонун тақиқлай олмаган нарсаларни гоҳо номус тақиқлай олади», — деган нақл ҳам бежиз айтилмаган.

Андиша — бу оқибатини ўйлаб ёки юз хотир қилиб юритилган мулоҳаза, эҳтиёткорлик ҳиссидир. Андишали одам деганда: оқибатини ўйлаб иш қиладиган, юз-хотирни биладиган, ор-номусли, шарм-ҳаёли, иболи инсонни тушунамиз. Одатда, андишали одам бетга чопарлик қилмайди, фаросат билан иш тутайди.

Шахс гурури — бу фаҳрдир. Ҳар бир шахс ўзининг ютуқларидан мамнуният ҳиссини сезади. Ота-она қобил фарзандларидан, устоз истеъдодли шогирдидан, ёзувчи яхши асаридан, боғбон сўлим боғидан фахрланади ва ҳоказо. Инсон ўз кучига ишонган ва бу билан фахрлана олган тақдирдагина бирор нарсага эриша олади. Бу қадр-

қимматни англаш, ақлли одамни янада камтарин, янада саботли қилади. Киши учун ўз қобилиятидан ортиқ даражада ғурурланиш ҳам, ўз-ўзини ерга уриши ҳам ярамайди. Ўз-ўзидан қаноатлана билган одамнинг ғурури бус-бутундир.

Фаросат — ақл кўзи билан кўриш, воқеа-ҳодисаларнинг далилларини мушоҳада этиб, ҳақиқатни билишдир. Хусайн Воиз Кошифий: «Фаросатнинг луғавий маъноси анинг яхши ва ёмонини кўриб, танимоқ бўлур. Фаросат ҳукумат ишини улуғ шартидир», — деб ёзган эди. Ривоят қилишларича, Ҳазрат Сулаймоннинг олдига келган икки аёл бир чақалоқни талашиб, даъво қилиб, ҳар бири: “Бу менинг фарзандим” — дейдилар. Буни исбот қилиш мумкин эмас эди. Сулаймон алайҳиссалом буюрдики: “Бу гўдакни қилич билан иккига бўлинглар, бир қисмини буниси, бир қисмини эса мана буниси олсин” — деди. Қилич келтирдилар. Бу икки аёлдан бириси бетоқат бўлиб кўп йиғлади ва айтдики: “Мен ўз ҳаққимдин кечдим, бу гўдакни ўлдирмангизлар”. Лекин, иккинчи аёлда қеч қандай ўзгариш бўлмади. Сулаймон пайғамбар буюрдики: «Гўдакни бу бетоқат бўлган аёлга беринглар, чунки, фаросат тақозо қиладурки, онаси ул бўлғайким, шафқати жўш қилди ва ўлдирмоққа ризоси бўлмади». Фаросат тушунчасининг энг ихчам маъноси халқимизнинг «Ақл билан худони танибди», — деган ҳикматида мужассамлашган.

Сабр — инсоний фазилатлардан бири бўлиб, ҳаётда юзага келадиган қийинчилик ва муаммоларни оғир вазминлик билан қарши олиш, яъни тоқатлилик ва қаноатдир. Сабрнинг асосида инсон ироласи туради. Инсон ҳар бир нарсада сабр-тоқатли бўлса, у, охир оқибатда мақсадига етади.

Сабр қилмоқ эргадур яхши сифат,
Токи топгай ўз муродин оқибат.

Авф — кечиримли бўлиш. Авф — кечириш ҳам инсоний фазилатдир. Кечиришнинг маъноси шуки, у бирор кишининг билиб ёки билмай қилган хатоси ёки гуноҳини, англаган ҳолда, озор бермай, авф этишдир. Авф қила олиш қалби пок, ақл-фаросатли кишиларга хос фазилатдир. Гуноҳқорни авф этиш, айниқса, раҳбарларга, мамлакатни идора этаётган кишиларга обрў-эътибор келтиради. Авф эта олиш ҳар бир комил инсон учун ҳам хос бўлиши керак.

Камтарлик: ахлоқий фазилатларнинг энг муҳимларидан бири бўлиб, инсон ўзини оддий, камсуқум тарзда тутиши, бошқаларнинг иззат ва ҳурматини жойига қўйишидир. Кошифийнинг фикрича, тавозелик, камтар бўлиш — баланд мартабага эришмоқнинг сабабидир. У подшо Нафл ибн Аҳмаднинг ўғлига насиҳатини келтиради: «Кўп машаққат билан қўлга киритилган мамлакатим узок

сақланиши учун сен, аввало, хазинага эътиқод қўймайсан. Лашкарга ишонмайсан, тавозени зиёда қиласан. Агар ўзингни паст тутиб, тавозе билан муомала қилсанг, инсонларнинг кўнгил қуши сенинг тузоғингга илинади ва ҳеч қачон фармонингдан ташқари чиқмайди»¹.

Тавозедур кўнгулга рўшнолик,
Топар бегона андин ошнолик.
Тавозе кишини давлатманд этгай,
Тавозелик киши иззатга етгай.

Сахийлик инсоннинг энг юксак фазилатидир. «Сахийлик — қайтаришни талаб қилмайдиган эҳсондир. У риёкорлик ва таъмагирликдан узоқдир. Ривоят қилишларича, Искандар Арастудин сўрадики: «Дунёнинг саодати нимадандир? — Саховат ва эҳсондан, — жавоб беради Арасту. Кишилар саховат ва эҳсоннинг қулидир. Саховатлилик — бу олий ҳимматлиликдир. Кошифий айтганидек, «Зарни хор билган ҳар бир сахийни замонаси азиз деб билади»².

Ростгўйлик кишидаги яхши хислатлардан бири ҳисобланиб, у инсонни ўз қадр-қимматини тўғри тушуниш, нуқсонларни тўғри кўрсата олиш эҳтиёжи туфайли юзага келган ахлоқий фазилатдир. Ростгўйлик ҳалолликнинг бир хусусиятидир. Ростгўйлик содиқликни, кўнгли очиқликни, дангалчиликни, қатъиятлиликни ҳам англатади.

Шижоат — ботирлик, жасорат, довураклилик маъноларини англатади. Шижоатли одамни ҳамма ўзига дўст санайди. Ўз навбатида, бу анча кўп қиррали ва мураккаб фазилатлардан биридир, чунки ҳар қандай хизмат ва қаҳрамонликни ҳам шижоат, деб бўлмайди, балки, адолат қонунларига асосланган, жамият манфаатини назарда тутган хатти-ҳаракатларнигина шижоат деб аташ мумкин. Ҳазрат А. Навоий ёзганидек:

Керак бизга шижоат бирла шуҳрат,
Ки анингдин киши топгай шарофат.
Эл улдурким ўзини машҳур этгай,
Ки шуҳрат топилиб, жон кетса кетгай.

Собитқадамлик, қатъийлик, ирода. Собитқадамлик — ният қилган ишга жиддий киришиш ва охирига етмагунча ундан қадам олмасликдир. Бинобарин, собитқадамликнинг ўзига хос жиҳати шундаки, киши бир ишга киришса, уни охиригача етказиш талаб қилина-

¹Маҳмудов Р. Дегонимни улусга марғуб эт.— Т.: Ўзбекистон, 1992.—73-бет.

²Маҳмудов Р. Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқ-одоб ҳақида (А. Навоий ва В. Кошифий). Лекторга ёрдам.— Т.: 1990.—19-бет.

ди. Инсон, аввало, оғзига келган сўзни айтмайди. Агар сўзладими, шу сўзнинг уддасидан чиқиши керак, яъни бажариши шарт. Чунки, инсон сабр-матонатли, ҳар қандай қийинчиликлардан, машаққатлардан қўрқмаслиги керак. Шунинг учун ҳам саботлилик мардлик ҳам дейилади.

Хушмуомалалик — бу — кишиларга бўлган ички ҳурматнинг ташқи аломатларидир. Хушмуомалаликка амал қилган киши ҳамиша ва ҳар қандай ҳолатда кишилар билан одоб доирасидан чиқмасдан мулоқотда бўлади, ўзидан ёши катталардан огоҳ ва уларга нисбатан эътиборли бўлади, жисмоний куч талаб қиладиган ишда хотин-қизларга самимий ёрдам кўрсатади, уларнинг ҳурмат ва иззатини жойига қўяди. Хушмуомала одам ҳеч қачон бошқа кишини ноқулай аҳволга солиб қўймайди, унинг мулоҳазаларига баҳо беришда одобсизлик қилмайди, ундан ўзининг устунлигини асло пеш қилмайди, агар у кимнингдир айтган гапига қўшилмаса, ўша кишининг фикри нотўғрилигига боодоблик билан ишонтиришга, буни исботлашга ҳаракат қиладди, лекин, қўполлик кўрсатмайди, чунки қўполлик, дағаллик хушмуомала кишига асло мувофиқ эмас.

Сервантес таъкидлаганидек: «Бизда хушмуомалаликдан ҳам кўра қимматли ва қадр-қиммати баланд бошқа нарса йўқ».

Маънавият кушандаси бўлган иллатлар. Албатта, ҳаётда ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ҳар бирига зид бўлган қутбий томонлари ошқора ёки пинҳона тарзда мавжуд бўлади. Инсоний фазилатларга дахлдор нарсаларни бошқача изоҳлаганда, биз юқорида санаб ўтган ахлоқий категориялар ва оддий ахлоқий қоидалар мажмуини бир сўз билан яхши фазилатлар десак, бу инсоний муносабатларнинг биринчи қутбий томони яхшиликни ташкил этса, унга зид бўлган барча инсоний муносабатлардаги ҳолатлар унинг иккинчи қутбий томонини — ёмонликни ташкил этади. Истаймизми йўқми, бундан қатъи назар, ёмонлик тоифасига дахлдор: ёвузлик, ҳасад, дилозорлик, ёлғончилик, ғийбат ва тухмат, хоинлик, хасислик, адолатсизлик, худбинлик каби иллатлар бизнинг кундалик ҳаётимизда, объектив тарзда, кишиларнинг субъектив фаолиятларида яққол кўзга ташланади. Шоир айтганидек:

Замонам хислати жуда ажаб кўп,
Яхшиларга ёндош унда адаб кўп.
Хислат билан Иллат кураши авжида,
Нимасини айтийин жуда ҳам гап кўп.

Ҳасад — бошқаларнинг роҳатини кўролмаслик, ҳамма сифатларнинг пастроғидир. Ҳасад ҳиммат пастлиги ва кўнгил хасислигидан ҳосил бўлади. Булар эса жаҳолат натижаларидир. Ҳасад инсонни, олов ўтинни ёндириб-куйдиргандек, куйдиради. Ҳасадгўйлик одам-

нинг юзини қора қилувчи ёмон хислатдур. Бу тўғрида шундай ҳикоят бор: Искандар замонида бир жонивор пайдо бўлибди. Унга нима рўпара келса, ҳалок бўлар экан. Искандар олимларни йиғиб, чора топишни буюрибди. Лекин, ҳеч қандай чора топиша олмабди. Охири Арасту (Аристотель) унга чора топибди. Унинг буйруғига кўра, ойна ясадилар, ойнанинг орқасига бир одам яшириниб турди. Ҳайвон одамнинг исини билиб, у ойна томонга юрди ва ойнада ўз аксини кўриб йиқилди ва ўлди. Бу ҳолдан Искандар таажжубга тушиб, сабабини сўради: — Эй малик, бу жонивор неча йил ер остида банд бўлган бадбўй нажосотдин қудрат олган маҳлуқ эрди ва холо ер юзига чиқди ва ани кўзида заҳри қотил бор эрдик, назари ҳар кишига тушса, филҳол ул киши ўлар эрди ва ман анинг олдига ойна олиб бордим, акси анда пайдо бўлди, назари тушди ва ул назар бу акс воситаси бирла ўзига сироят қилиб ҳалок бўлди. Бундан шундай хулоса чиқадики, ҳасад ўти шундай ёмонки, у куйдиргани ҳеч нарса топа олмаса, у ўз эгасини куйдиради, яъни ҳасадчи ўз ҳасади таъсирида бир кунни ўзи ҳалокат чуқурига йиқилади.

Ғийбатчилик — энг ёмон иллатдир. Ўтмиш мутафаккирларини таъкидлашича, ғийбатчининг иши зино ишидин қаттиқроқдир, азоблироқдир. Куръонда келтирилишича, ғийбат қилувчилар «Мурдор гўштини ейувчи қуртлардир ва ҳар кишида одамийлик бўйи бордур-мурдор гўштин парҳез қилур»¹.

То иложинг бор эрса қилма кишини ғийбат,
Чунки ғийбатчи эрур эл кўзида беиззат².

Ёлғончилик. Халқ ичида қадимдан «Ёлғон — қалбни кемиради», — деган гап бор. Шунинг учун ҳам ёлғончилик жамиятдаги энг ёмон иллатлардан биридир. Ёлғончидан ҳамма жирканади, унинг гапига ҳеч ишонмайди. У кишилар назаридан қолади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, айрим пайтларда, ёлғон ва ёлғончилик орасида ўзига хос фарқ мавжуд бўлади. Айрим ҳолатларда, мажбурий ёлғон гапириш, муайян вазиятларда, оқланиши, айрим ҳолларда эса, албатта, шарт бўлиши мумкин. Босқинчилар қўлига тушган асирнинг ёлғон маълумот беришини қоралаб бўлармикан? Агар шифокор бемор манфаатини кўзлаб, унга нотўғри гапирса, уни ҳеч ким қораламайди. Маълумки, ёвуз ният билан ёлғон гапириш бор. Лекин, ёлғон «ёлғончилик» тушунчасидан тубдан фарқ қилади. Ёлғон — тасодифий нарсанинг бир маротабали бузилиши, ёлғончилик бўлса — сифат табиатли белги, меъёрнинг кўп марталаб бузилишидир. Биз юқорида айтиб ўтган ҳолларда, ёлғонга йўл қўйиш мумкин, лекин, ёлғон

¹ Маҳмудов Р. Дегонимни улусга марғуб эт. — Т.: Ўзбекистон, 1992.—50-бет.

² Ўша ерда.—50-бет.

гапириш одат бўлиб кетмаслиги, ёлғончиликка айланмаслиги, табиат (феъл-атвор) белгиси бўлиб қолмаслиги керак.

Бахиллик, нокаслик ва пасткашлик. Бахиллик инсондаги сахийликка тубдан қарама-қарши бўлган қусурдир, у саховатни йўққа чиқаради. Пасткашлик ва нокаслик эса бахиллик ва хасисликдан ўн чандон ёмонроқдир. Чунки, бахил кишидан бирон киши баҳра топмас, аммо мол-дунёсидан ўзи наф кўрар, хасис ўзи ҳам олмас, бировга ҳам бермас, нокас шундайки, у қўлидаги нонни бировга бермас, ўзи емас ва яна кишини кишига олижаноблик, эҳсон қилишига ҳам йўл қўймайди.

Фаразгўйлик — ёмонликни яхшилик дея кўрсатсалар, яхшиликни ёмонлик қилиб кўрсатадилар. Чунки, уларнинг қалби олижаноблик ва яхшиликни кўра олмаслик занги остида қолган. Шунинг учун ҳам кишилар улардан йироқроқ юришга ҳаракат қилишади. Уларнинг гапини рост, тўғри, деб қабул қилмаслик керак.

Яхшилик ва ёмонлик, ҳалол ва ҳаром. Бу икки тушунча қутбий характерга эга — яъни инсон ҳаётининг барча ижобий томонлари яхшилик ҳисобланса, ижтимоий тараққиёт, инсоний қадр-қимматларнинг ўсишига тўсқинлик қиладиган ва юқорида кўриб ўтган барча хатти-ҳаракатлар эса ёмонликка киради. Оллоҳ тарафидан қилинишига рухсат этилган нарса ҳалол дейилади. Ҳаром эса унинг акси қилинишига рухсат этилмаган, балки, қайтарилган ишлардир. Одатда, оддий кишилар орасида ҳалолни ейиладиган нарсаларга ишлатиб, ейилмайдиган, зарарли, нопок нарсаларга ҳаром иборасини ишлатиш расм бўлган. Ҳақиқатда эса шариятда ижозат этилган ҳамма нарсалар, ейиладиган озиқ-овқатлар ва қилинадиган ишлар ҳалол. Ижозат этилмаган нарсалар ва ишлар ҳаромдир.

Шахс маънавиятининг зоҳирий ва ботиний хусусиятлари ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг шаклланиши нафосатдан, гўзалликдан, хусусан, табиат гўзаллигидан озиқланишини ҳам унутмаслик керак. Зотан, “инсон хилқати ҳам хуршиди оламнинг бир зарраси. У ҳам қунишиб ўтирмаслиги, худди қуёш каби барчага баробар нур таратмоғи даркор. Юксакликни — юлдузлардан, саховатни — Қуёшдан, қудратни — чақмоқдан, хокисорликни — тупроқдан, серобликни — сувдан, кенг феълликни — самодан, салобатни — тоғлардан, гўзалликни гулдан, куй ва қўшиқни булбулдан олайлик”¹.

Бундай туйғуни англаш учун эса инсон табиат гўзаллиги ва ажиб бир мукамаллигини тушуниб етиши ва инсоннинг ўзи ҳам Аҳмад Дониш айтганидек: “Ер билан Коинот орасида ўрин олган мавжудот эканлигини” ҳис қилиши зарур.

¹ *Ғайбуллоҳ ас-Салом. Сайди Умр. Толибнома.* — Т. 1997. — 63–64-бетлар.

Қадим аждодларимиз нафосатга маънавият омили сифатида қарар эканлар, уйғунлик ва яратувчанликни биринчи ўринга қўйиб, ўзни ва ўзгани тушунишга интилиш, жумладан, табиат ва инсон муносабатларини асл моҳиятига мувофиқ англаб етиб, шунга яраша муносабатни шакллантиришга интилдилар. Навоий наздида, табиатнинг бирор унсурига онгли равишда зарар етказиш — Оллоҳга хиёнат даражасида тушунилар эди. Ватанга хиёнат ҳам фақат жанг пайтида душман тарафига ўтиб кетиш эмас, биринчи навбатда, Она — ер, сув, ҳаво, тупроқни қадр этмаслик, уларни булғаш, миллат мулкига зиён етказиш, авлодлар ҳақиқага хиёнат қилишда, деб англаган¹.

Миллий маънавиятимиз учун табиатга, нафосат оламига муносабатнинг Навоийдан кейинги ривожи Бобур ва Бедил каби алломалар ижодида ҳам ўз аксини топди.

Давлат ташвишларидан чарчаган, дилидаги эзгу орзу-умидлари амалга ошмаганда руҳан эзилган Бобур, ҳар замонда ёлғиз ўзи қолишни, гоҳида эса кўнгилтортар улфатлари билан табиат қўйнида истироҳат қилишни хуш кўрган.

Айниқса, Қобул шаҳри атрофидаги Ламғон, Гулбахор, Барон каби хушманзара ва хушҳаво жойлар Бобурни ўзлигига қайтишига, дунё ташвишларидан холи бўлиб, ором олишга чорлаган, табиат гўзаллигидан баҳра олган шоирга шеър ва ғазал мисралари қуйилиб келган

Менинг кўнглимки, гул гунчасидек таҳ-батаҳ қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондир.

Бу сатрлар инсоннинг табиат гўзаллигига ошиқлигидан, ҳар бир гиёҳи, тоғу тошдан завқ олишдан, ғаддор давр ҳамда ҳисобсиз бидъатлар қолдирган кўнгил ғуборини шу бемисл гўзаллик ифори ила поклаш туйғусидан яралган².

Бу каби мисолларни ўтмиш мутафаккирларимиз ижодида кўплаб учратиш мумкин. Ўз навбатида, инсон маънавияти, ҳис-туйғулари инсоний фазилат ва нуқсонларни табиат борлиғига даҳлдор омиллар билан ташбеҳ қилиш ҳам нафосат билан шахс маънавияти муштараклигини англатади. Хусусан, улуғ рус шоири Сергей Есенинда ҳам бу борада гўзал мисраларни учратамиз:

Бир сўзимга чидамасдан афсус дедингиз,
Энди бекор армон билан чимирмоқ қошни,
Не-не оғир кемаларни кўтарган денгиз,
Кўтаролмас ўз кўксига отилган тошни.

¹ *Имомназаров М.* Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.— Т., 1998.— 70-бет.

² Қаранг: *Қудратуллаев Ҳ.* Кўнгил гулининг бағридек қондир...// Тафаккур.— 2000.— 76—77-бетлар.

Фақат адабиёт соҳасида эмас, бадиий ижоднинг барча турида инсоннинг нафосатдан баҳра олиши асносида ўз маънавиятини бойитиб бориш, шахс сифатида миллат маънавиятини юксалтириш, ўзликни намоён қилиш имкониятлари юзага келмоқда.

Ҳар бир халқ, миллатнинг шаклланишида кишилар ҳаётидаги маълум одат ва анъаналар, уларнинг яшаётган муҳити, яъни турмуш тарзи, муайян тил ва маданияти ўзига хос шарт-шароит ҳамда манба бўлиб хизмат қилади.

Шу асосда ҳар бир миллат узоқ вақт давомида шаклланиб сайқал топган, такомиллашган, барқарор урф-одатларга, маросимларга, расм-русумларга, анъаналарга эга бўлганлар. Шу ўринда, ҳар қандай маросимлар, урф-одат, таомил ҳамда анъаналарнинг ўзаро алоқадорлиги асосида юзага келишини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунга кўра, маросимларнинг туб ички ва ташқи моҳиятини ўзида мужассамлаштирган юқоридаги тушунчаларга қисқача изоҳ бериш мақсадга мувофиқдир.

Анъана — ижтимоий ҳодиса бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб турадиган ва жамоатчилик томонидан асраб-авайланадиган урф-одатлар, маросим ва таомиллар, одат ва одоб қоидалари, меъёр ва талаблар мажмуасидир. Кўпгина илмий адабиётларда кўрсатилишича, анъана — “традиция”, лотинча сўз бўлиб, “давомийлик”, “изчиллик”, “тартиб” демакдир.

Анъананинг мазмуни ва моҳияти ижтимоий тузум табиати билан белгиланади. Анъана ҳам, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатади. Анъана халқ илдири, халқ тарихи, миллат қиёфасидир. Анъаналарни ҳеч ким ўйлаб чиқармаган ёки уларни мавжудлиги айрим кишилар иродасига ҳам боғлиқ эмас, улар турмуш талабидан, тарихий заруриятдан келиб чиққан.

Удумлар ёки **урф-одатлар** анъаналарнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Бироқ, урф-одат тушунчаси анъанага нисбатан торроқдир. Чунки, урф-одат ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаси билан чекланади. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасида амал қилувчи анъаналар одатда урф-одат дейилмайди¹. **Удум** ёки **урф-одат** ҳам авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган ижтимоий гуруҳ ёки жамият томонидан қабул қилиб олинадиган хулқ-атвор кўриниши, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқаришнинг маънавий омили. Ҳатто, бир қанча урф-одатлар ҳуқуқий меъёрлар даражасига кўтарилган.

Одат — ҳамма тан олган тартиб-ҳаракат тарзи, барча эътироф этган ахлоқ, кўникмага айланган ва ўзлаштирилган ҳаётий мезонлардир. Қисқаси, одат кишиларнинг меҳнат фаолиятида, турмуши-

¹ Жавлиев Т. Анъаналар — ҳаёт сабоғи. — Т., 1992. — 88-бет.

да, ижтимоий ва маънавий ҳаётида кўникмага айланиб кетган жараёнди¹.

Анъаналар моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда бир хил мавжега эга. Одат тўғрисида бундай деб бўлмайди. Чунки, одат меҳнат жараёнида, турмушда, оилавий ва шахслараро муносабатларда катта таъсир кучига эга.

Одатнинг хусусияти шундаки, у меҳнатда кўникмага айланади, барқарор усуллар, шахслараро муносабатлар, анъанавий турмуш муносабатлари ижтимоий тартибларни йўналтириб туради.

Таомил — халқимизнинг маросимлар билан боғлиқ бўлган азалий қадриятларини, намоён бўлиш шакли, удумлар йиғиндисиدير.

Анъаналарнинг яна бир кўриниши — маросимлардир.

Маросим — урф-одатнинг амалий ифодаси. Маросим қатъий тартиб-қоида, олдиндан белгиланган расм-русумлар, режалаштирилган таомиллар бўлиб, муайян меъёр асосида ўтказилади. Унинг қонун-қоидаларига барча амал қилишга уринади, озгина бўлсада, меъёрдан чиқиш жамоатчилик томонидан қораланади. Маросимда кўргазмалиликнинг аҳамияти катта. Бу эса одамнинг ҳис-туйғуларига, кайфиятига таъсир этади, Маросимлар тантанали ёки қайғули бўлиши мумкин. Тантанали маросимга ҳар бир киши, озода, ювиниб-тараниб, ясаниб келишга ҳаракат қилади. Бу маросим дўстлик, тинчлик, фаровонлик, дийдор кўришиш рамзи. Ҳозирги тўй-тантаналарни ўйин-кулгусиз, куй-қўшиқсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Буларнинг ҳаммаси одамни юксак ахлоқийлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Маърака ёки мотам маросимлари инсон ҳаётининг қайғули ва изтиробли дамлари. Бу пайтда одам ҳаётнинг барча икир-чикирларини унутади. Марҳумни хотирлайди, ҳаёт-мамотни таққослайди, яшашнинг моҳиятини ўйлайди, шундай қилиб, ўзининг инсоний бурчини астойдил ўташга уринади. Мотам маросимида — марсия, йиғи, йўқлов, бўзлов каби аза кўшиқларга жўр бўлади. Маросим ҳар қандай ғоя ва панд-насиҳатлардан, афсона ва ривоятлардан кўра киши қалбига чуқур, кучли таъсир этади ва мустаҳкам сақланади. Зеро, маросимларга муносабат одамнинг онги ва қалби орқали ўтади.

Мана шу хусусиятларга кўра, маросимлар одатлардан фарқ қилади. Маросимлар кўпроқ жамият, ижтимоий гуруҳ, халқ ва миллат ғоялари, меъёрлари, қадриятлари, ҳаётий фаолият намуналари ҳолида ифода этилади.

“Маросимлар анъананинг бадиийлашган рамзий белгилари бўлиб, образлар, мусиқа, рақс, кўшиқ, публицистик ва бадиий сўз воситасида англашиладиган ғоялар, ахлоқий қоидалар шаклидаги кўрини-

¹Маданиятшунослик.— Фарғона, 1997.—117-бет.

шидир. Маросим бир неча расм-русумлар, удумлар занжиридан иборат. У анъананинг тантанали бадиийлашган қисми ҳисобланади”¹.

Илмий адабиётларда маросим бир неча қисмлардан иборат эканлиги айтилган. Одатда, таомил (ритуал) ва маросим атамалари бир-галикда қўлланилади. Маросим таомилларнинг бирикувидан ташкил топади. Масалан, тўй маросими, у билан боғлиқ бўлган совчилик, нон синдириш, оқ кийди, фотиҳа тўйи, тўй, юз очди, меҳмон чақирди, куёв чақирди, ота кўрди ва шунга ўхшаш бошқа таомиллардан иборат.

Шу билан бирга, миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарм-ҳаё, ибо-иффат каби бетакроп фазилатлар ва халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оққўнгиллилик хусусиятлари ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин², бу инсоний фазилатлар бизнинг удум ва маросимларимиз моҳияти ва мазмунини ташкил этади.

Тўй ҳам, маърака ҳам, маросим ҳам шахсий иш эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. Ўз навбатида, халқимизнинг миллий қиёфаси, характери (фёъл-атвори), ўзига хос турмуш тарзи, салоҳияти, дунёқараши, тафаккури, онги, қалби, одамгарчилиги, орзу-умидлари, фазилату камчилиги, бир сўз билан айтганда, бутун борлиги ана шу тўй-ҳашамларда, оилавий тантаналарда, маърака ва маросимларда, марҳум ва марҳумаларнинг хотираларига бағишланадиган тадбирларда яққол намоён бўлади. Буларни ўзбек халқи, унинг маънавияти қандай эканлигини кўрсатувчи бир кўзгу, дейиш мумкин.

Шу сабабли халқимизни тўйсеварликда айблаб бўлмайди. Зотан, дунёга келган чақалоққа биринчи дуоимиз — “боламиз ўзидан кўпайсин, боши уй қуришдан, тўй қилишдан чиқмасин” — дейиш билан бошланади. Уйда ўғил бола туғилдими, терак экилади, қиз бўлса сандиққа сеп тушади³.

Бинобарин, тўйсеварлик барча халқлар табиатига хос хусусият бўлсада, ўзбек халқининг тўйга муносабати унинг келажаги, орзу-армони бутун бир тақдирини белгилайди, десак хато қилмаймиз. Ўзбекнинг ўзига хос фазилати ҳам ана шунда. Тўй қилмаган ёки тўйга бормаган ўзбек топилмаса керак. Биз кимошдига тўй беришларни назарда тутаётганимиз йўқ. Айниқса, тўй-маъракаларда йўл қўйиладиган исрофгарчиликлар бизнинг доимий муаммомиз бўлиб турибди. Ҳолбуки, бундай исрофгарчилик ва унинг ортидан келадиган муаммоларнинг айбдори ўзимиз. Унинг илдизида эса озгина шуҳратпарастлигимиз, кичкина манманлигимиз, пича калондимоғ-

¹Маданият ва жамият. Т., 1993.—22-бет.

²Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пиروвард мақсадимиз.—8-жилд.—Т.: Ўзбекистон, 2000.—303-бет.

³Содиқова Т. Соддалик билан буюклик сари // Тафаккур.—2001.— №1.—18-бет.

лигимиз ва керагидан ортиқ иззат-нафсга берилишимиз ётибди. “Меҳмон кутишда мен бошқалардан ўтказиб юбораман”, “Бир марта бўладиган тўйга ҳеч нарсани аяш керак эмас”, “Менинг фалончидан нима кам экан?” қабилдаги нафснинг замзамалари кўзимизни басир, қулоғимизни қар қилиб қўяди, инсоф-диёнатдан чекинтиради. Мана шу беҳуда чираниш йўлида оила аъзоларимизнинг ризқини қийиб анчагина маблағ, куч-қувват ҳамда сиҳат-саломатлигимизни “мардларча” ҳавога совурамыз. Шу нарсалардан огоҳ этган Пайғамбаримизнинг ҳадисларидан бири “никоҳнинг (тўйнинг) яхшиси енгилдир (камсарфлисидир)” дейилган. Адабиётчи олим Анвар Ҳожаҳмад бу ҳадисни тубандагича шеърӣй ифодалаган:

Исрофи тўй, билгил, инсофдан эмас,
Ҳар исрофни оқил саховат демас.
Тежамли тўй қилган савоб ҳам топар,
Тўйларнинг яхшиси енгилдир, бас!

Мусулмон киши шуни яхши билиши керакки, тўйлар, ҳар хил маросимларда қилинадиган хайр-эҳсонлар мустаҳаб амалдир. Уни шариат таълимотига мувофиқ ўтказиш эса шартдир. Акс ҳолда, ажру савобдан маҳрум бўлинади. Аммо нафақаи аҳли аёл фарз амаллардан ҳисобланади. Шунинг учун тўй қиламан деб, бола-чақанинг ризқини қийиш хато ва гуноҳдир.

Тўғри, тўй — халқимизнинг энг қадимий маросимларидан бири. Ўзбек борки, тўй қилиб, эл олдига дастурхон ёзишни орзу қилади. Энг яхши буюмларини тўйда ишлатиш учун сақлайди. Топган-тутганини тўйга атаб тўплайди. Яхши одамларни ҳам алқаб “Бошингиз тўйдан чиқмасин”, “Топганингиз тўйларга буюрсин” деб дуо қилдилар. Ҳозир тўйларимиз замон талаби билан бир оз тартибга тушиб, ихчамлашиб бораёпти. Лекин, ҳали ҳам айрим ҳавасманд шуҳратпарастлар ва бойваччаларнинг ўтказаётган тўйлари ақли расо халқимизнинг гашига ва нафсониятига тегадиган даражада дабдабали ва серчиқим ўтяпти. Айрим суннат тўйларида тўй боланинг бошидан сиқим-сиқим пул сочишади, болага атаб онасининг отаси (бобоси) томонидан усти қимматбахо гиламлар билан ёпилган от совға қилинади. 20-30 қоплаб ундан нон ёпилади, юзлаб кило гуручдан ош дамланиб, ўнлаб маҳаллаларга ош берилади. Наҳорги мастава, ошдан ташқари гўштли иссиқ нон, сомсалар тайёрланади. Дастурхон устини эса наҳорда ҳеч бир паҳлавон еб тугатиши мумкин бўлмаган турфа ноз-неъматлар безайди. Водий томонларда меҳмонлар икки ёки тўрттадан нон дурра ёхуд чорсига (булар энди меҳмоннинг “даражаси”га қараб, белгиланади!) тугиб берилади. Пойтахтдан машҳур хонанда ва созандалар оламжаҳон маблағ эвазига олиб келинади. Овозни кучайтиргувчи асбоблар воситаси билан қулоқни қоматга келтирадиган дангур-дунгур бир неча маҳалла аҳлининг оромини

бузади. Турли хил ичимликлар тўкиб ташланганидан ҳосил бўлган кайфу сафолар кўпинча уруш-жанжалларга айланади. Тўйдан кейин ортиб, айниб қолган овқат ва бошқа неъматлар ахлатхоналарга арава-арава қилиб ташланади.

Никоҳ тўйларимизда эса аҳвол бундан-да баттар. Куёв томондан совчилар қизнинг уйига “қулчилик”ка боришдан тортиб, уй кўрди, фотиҳа тўйи, “маъзар еди”, ун-гуруч бериш, тўй, юз очди, чарлар, йўқланди, кўрмана. Агар куёв қиз томонга маъқул бўлса, куёвни кига қиз томондан “уй кўрди”га икки хотин боради. Уларни қуюқ меҳмон қилинади ва дастурхонларига қимматбаҳо матолардан қўйилади. Кейин қиз томондан фотиҳа тўйи ўтказилади. Фотиҳа тўйига куёв томон, одатда, камида 2 та қўй, 4 қоп ун, 2 қоп гуруч, бидонлаб ёғ, сабзи-пиёз, қанд-курс, қовун-тарвуз, ўтингача беради. Куёв томондан қизни кига 30-40 нафар эркак ва бир қанча аёл боради. Уларга тўкин дастурхон ёзилиб, меҳмон қудаларга яхшироқ совғалар берилади. Кейин “маъзар еди” куёвни кига ўтказилади. Унга қиз томондан бир неча саватларда тайёр озиқ-овқатлар юборилади. Буларнинг бари айрим халқларнинг расмана тўйдан ҳам каттароқ миқёсларни касб этади. Ҳолбуки, ҳали тўйнинг ўзига анча бор.

ЗАГСдан никоҳдан ўтиш ҳам ўзига хос маросимга айланади. 10-15 энгил машинани банд қилган ўспирин йигит-қизлар кўчани ўзлариники билишиб шаҳар айланишади, бирор ресторан ёки чойхонада “ўтириш” ташкил қилишади, катталар назоратидан четда бўлганлари туфайли кўнгиллари тусаганча ичимлик ичишади. Баъзан бундай “бахт олдидан ўлтириш” лар кўнгилсиз ҳодисалар билан тугайди.

Тўй, турган гапки, алоҳида тайёргарликлар билан дабдабали тус олади. “Маслаҳат оши” га юзлаб меҳмонлар таклиф этилиб, дастурхон ёзилади. Баъзан, бели оғримай пул топадиганларнинг хонадонларида бу маросим ҳам ичкилик, кайф-сафо, қимор, ҳатто, ур-сурга сабаб бўлади. Тўй куни наҳорги ошга ўнлаб маҳаллалардан меҳмонлар чақирилади, карнай-сурнай, “машшоқлар” саҳардан бошлаб одамларнинг, ён-атрофдаги хонадонларда тўшакка миҳланиб ётган хаста кишиларнинг, юзлаб гўдакларнинг оромини бузади.

Кечки базм, ҳаддан ташқари шов-шув билан ўтади. Ичкилик, созанда-хонандаларнинг ахлоқсиз куй-қўшиқлари, талвасали ўйинга тушишлар, пул қистиришу отарчи ва ўйинчиларнинг бошидан пул сочишлар на мантиққа, на маданиятга алоқаси бор қилиқлар эканини биров ўйлаб ўтирмайди.

Шу тариқа, айрим тўйлар эҳсоннинг бир тури сифатида эмас, балки шон-шуҳрат орттириш учун ўтказилаётгани маълум бўлади. Баъзи тўйларга бўлса, яккаш бойваччалар, амалдорлар таклиф қилиниб, оддий меҳнаткашлар яқин ҳам йўлатилмайди. Бундай издиҳом туфайли тўй соҳиби ўзи сарфлаган улкан маблағи эвазига

савоб эмас, гуноҳи кабирани сотиб олаётганини хаёлига ҳам келтирмайди.

Бундай бойваччалар томонидан хўжақўрсинга ўтказилаётган маросимлар оддий меҳнаткашларнинг руҳиятига ёмон таъсир кўрсатиши, улар, асоссиз равишда, ўзларини камситилгандек ҳис қиладилар. Баъзи ўта гурурлилари “эл қатори” тўй қиламан деб, болачақанинг ризқини қийиб пул тўплашга, қарз-ҳавола қилиб бўлса-да дабдабалироқ тўй уюштиришга мажбур бўлади. Буларнинг бари, табиий равишда, тўйларимиз ҳақида жиддий ўйлашга, уларни замонага мослашга, маросимларнинг маънавий жиҳатлари, тарбиявий аҳамиятига алоҳида эътибор беришга барчамизни мажбур қилади, албатта. Тўю маъракаларда “мусобақа” эмас, хайри-саховат устувор бўлгани маъқул¹. Сахийлик замирида эса юксак ахлоқийлик ва мутасил маънавий ўсиш бор.

Халқимизнинг азалий маросимларидан яна бири йўқловдир.

Йўқлов — бу маълум бир муносабат билан қутлаш, эслаш ва ҳолаҳвол сўраш учун қариндош-уруғ, дўст ёрларнинг бир-бирларига ҳеч бир такаллуфсиз (тўй-ҳашамлардан йўқловнинг фарқи шуки, ташриф буюрувчи таклиф этишларини кутиб ўтирмайди) бориш одатидир. Йўқловнинг турлари кўп: келинни йўқлаш, фарзанд кўрган аёлни йўқлаш, муборак ҳаж зиёратидан, ҳарбий хизматдан, ўқишдан, саёҳатдан, дам олишдан қайтган кишини йўқлаб борилади. Йўқловнинг турларидан бири беморни касалхонага ёки уйига бориб йўқлашдир. Бемор йўқланганда, унинг ҳузурда узоқ ўтирилмайди, ўлимдан, ваҳимали гаплардан сўзлашилмайди.

Йўқлов билан борганлар азиз меҳмон сифатида кутилади, зиёфат билан кузатилади, беморни йўқлаш бундан мустасно.

Йўқловнинг энг буюги — бу таъзия изҳор қилгани боришдир. Шунинг учун ҳам халқимиз: “Йўқлов — тириклик зийнати”, — дейди. Маълумки, кишининг кайфияти ва ҳолати табиат билан, йил фаслларининг алмашиб туриши, табиат ҳодисалари билан мустаҳкам боғлиқ. Кўклам келиб, гул мавсуми бошланиши билан, киши кайфияти чоғ бўлади. Азиз одамларни яқин орада йўқотган кишилар учун гул мавсуми хотираларини қайта эсга солиб юборади. Шунда мотамли кишиларнинг кўнгли чўқади. Шу боис, уларнинг яқин қариндошлари, синашта кўшнилари, ҳеч бир такаллуфсиз, кўнгил сўрагани эшиқдан бирин-кетин кириб келадилар. Бу маърака марҳум ёки марҳумнинг гули-гул маросими дейилади².

Тириклараро меҳр-оқибат, аждодларнинг авлодлар томонидан хотирлана бориши халқимизни мустаҳкам жипслаштириб турувчи

¹ *Иброҳимов А.* Биз ким, Ўзбеклар. — Т., 1999. — 226-бет.

² Уша жойда. — 238-бет.

мисоли бир маънавий белбоғ, миллатни ўзига хос қиёфага эга миллат қилиб тутиб турувчи бош омилардандир. Инсоннинг туғилиши ва вафоти билан боғлиқ кўпгина маросимларимиз жуда қадим замонларда аждоларимиз томонидан ҳаётий зарурият тарзида жорий этилган ва булар минг йилликлар оша яшаб, йўлда учраган турли тўсиқларни енгиб келмоқда.

Туғилиш билан боғлиқ маросимлар кишига қувонч бахш этса, ўлимга боғлиқ маъракалар юпанч ҳосил қилади. Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида ёзилишича, Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссаломнинг тўққиз ўғли бўлган, тўнғичининг оти Турк эди. Ёфас вафот этгач, Туркнинг уйидан чиқарилади, келди-кетди маросимлар ҳам унинг хонадонида ўтказилади.

Олис-олисларга тарқаб кетган саккиз нафар инилари ва бошқа қариндош уруғлари Туркниқига келиб, таъзия билдирадилар. Бу келди-кетди бир йил давом этади. Шу тариқа, ота-онани дафн этишга тўнғич ўғил ҳақли бўлиши, бош таъзиядор ҳисобланиши ана ўша замондан қолган ва халқимиз орасида ҳануз сақланиб келаётган миллий одатларимиздир.

Марҳум ёки марҳумани ёллаб, етти, йигирма, қирқ маросимларини ихчам тарзда ўтказиш халқимиз даҳоси билан яралмиш яхши одатлар бўлиб, бошига оғир мусибат тушган кишилардаги айрилик дардини, бир оз бўлсада аритиш, одам тафтини одам олади қабилда иш тутиш асосида мотамзада киши ҳаётини мусибат ғамидан чалғитиш ва овутиш, кўнглини кўтариш мақсадида кашф этилган буюк маънавий топилмалардир, десак, арзийди.

Етти, йигирма, қирқ маъракалари вафот этиб кетган кишилар хотираси учунгина эмас, балки, улардан айрилиб қолган, кўзи ёшли, дили ғамли тириклар учун, марҳум ва марҳумаларнинг энг яқин ғамбодалари учун хотиравий ва зарурий маросимлардир. Қолаверса, бу маросимлар замон ва маконга оид фалсафий тушунчалар билан Коинот ва инсоният ўртасидаги, табиат ва одам ҳаёти ўртасидаги муайян даражадаги боғланишлар билан боғлиқ бўлган нарсалардир.

Халқ донишмандлиги билан вужудга келган, бунинг устига асрлардан бери яшаб келаётган миллий қадриятларни юксакликка кўтарган маросимларимизни асраш баробарида уларни ихчам ва камтарона ўтказиш, замонамизга ҳам, ахлоқ-одоб қоидаларига ҳам мувофиқдир.

Маросимларни замона эҳтиёжларидан миллат ва халқ руҳиятидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш халқимиз ўтмиши маданиятини эъозлаш ва ҳар бир шахс маънавиятини юксалтиришнинг ишончли асоси бўлиб хизмат қилади. Маросим, удум, таомиллар кишиларимизда ижобий халқ анъаналарига ихлосмандлик фазилатларининг камол топишига хизмат қилиши табиий, зеро ис-

тиқлол шарофати билан ёшларимизни халқимизнинг азалий қадриятларига ихлосманд қилиб тарбиялаш учун ҳам кенг имкониятлар юзага келди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги Ватанимиз тарихида ўзига хос давр бўлиб, республиканинг сиёсий, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Бу йиллар моҳиятан юртимиз тарихида ўта масъулиятли ва шарафли даврни ташкил этди. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Турмуш тарзимиз ўзгариб бормоқда, ўлигимизни англай бошладик. Юртимизда ва шахсий ҳаётимизда содир бўлаётган мураккаб ҳодисалар ва жараёнларни ҳаққоний таҳлил этадиган бўлиб қолдик. Миллий истиқлол ғояси бизнинг имконимиз мезонига айланиб, қарамлик, боқимандалик кайфиятидан озод бўла бошладик. Келажак тақдиримиз ўз фаолиятимизга боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Мана шу хусусиятларга кўра “Ўтган даврнинг ҳар бир йилини аҳамияти жиҳатидан тарихимизнинг ўн йилликларига, ҳатто асрларига тенглаштириш мумкин, десак муболаға бўлмайди”¹.

Истиқлол берган буюк неъматни асраб-авайлаш, уни бойитиш ҳамда мустаҳкамлаш жамиятнинг ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир. Бинобарин, “Мустақиллик, юртбошимиз таъкидлаганидек, бизнинг ор-номусимизга, фахру ғуруримизга, виждон ва имонимизга айланди”².

Ўз навбатида, истиқлол ёшлардан навқирон авлодга хос жўшқинлик, довжураклик ва шижоат, доноларга хос вазминлик ва идрок, тadbиркорларга хос етти ўлчаб бир кесиш ҳамда ҳар қандай қийин вазиятлардан ҳам чиқиб кета олиш, ҳар қандай муаммони ечишнинг бирдан-бир тўғри йўлини топиш, зукколикни талаб қилади”³.

Бу ерда юрак жўшқинлиги, қалб кўри, билак кучи, теран ақлидрок талаб қилинади. Ўз навбатида, ёшлар эски тузумлардан мерос бўлиб қолган ажойиб неъматлардан баҳраманд бўлиш билан бирга маънавий ва мафкуравий иллатлар таъқибидида иш кўришига ҳам тўғри келади. Нима бўлганда ҳам мустақиллик тараққиётимиз учун, маънавий юксалишимиз учун катта имконият яратди. Биз мана шу имкониятдан самарали фойдаланишимиз, истиқлолимиз пойдеворини туб заминидан мустаҳкамлаб боришимиз керак.

Жамият маънавияти мамлакат барқарорлиги, тараққиётининг муҳим шарти ва кафолатидир. Бирон-бир мамлакат ўз маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятлар-

¹Асрларга тенг йиллар.— Т., 2001.—3-бет.

²Фуломов С., Салимов О. У., Хаитов У. А. Ўзбекистон 10 йил мустақил тараққиёт йўлида.— Т., 2001.—3-бет.

³Қаранг: Ватан саодати.— Т., 1998.— 6-бет.

ни ривожлантирмай, халқнинг миллий руҳини уйғотмай ва мустақамламай туриб, юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди.

“Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бугунги дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди”¹.

Мана шундай вазиятда, халқимизнинг ҳаётбахш бой маънавияти ҳамда маданий меросига таянган ҳолда, мустақиллигимизнинг таянч туб илдизлари бўлган иқтисодиёт, маънавият, маърифат ва мафкурани янада такомиллаштириш асосида, кишиларимизда яхши иш ва амалларга ихлос ҳамда ихлосмандликни юксалтириб бориш энг муҳим вазифадир.

3-§. ТАРБИЯДА ИБРАТ, ИХЛОС, ИХЛОСМАНДЛИК БИРЛИГИ ВА ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Тарбия жараёни қийин ва нозик юмуш. Шу боис ҳам республикамизда миллий таълим ва тарбия тизимини такомиллаштиришга жиддий эътибор берилмоқда.

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 4-бандида маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни такомиллаштириш, унинг замонавий шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш, миллий тарихий анъаналар ва умумбашарий қадриятларга асосланиш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилган. Зеро, инсон шахсига таъсир қилувчи восита ва омиллар мантиқан изчил ва шаклан хилма-хилдир. Булар киши қалбини жумбушга келтириши, одамларнинг воқелик тўғрисида теран тафаккур қилишлари учун имконият яратиши керак. Шу билан донишмандларнинг инсоннинг ўз қалбининг унсиз садосини доимо тинглай билиши ҳаётий заруриятдир, деган фикрлари нақадар тўғри эканлиги ҳам кўзга ташланади.

Халқимизнинг миллий-маданий анъаналари ҳам қотиб қолган эмас. Балки улар янги сифатлар билан бойиши керак бўлган халқ маънавиятига озиқ бўладиган ва ундан озуқа оладиган шахсни шахсга, элатни элатга, миллатни миллатга яқинлаштирувчи ва боғловчи кучли омилдир.

Анъаналар бир авлоддан иккинчисига ибрат орқали ўтиб боради. Улкан шахслар ибрати, аждодлар ибрати, ота-она ибрати, намунаси бунга мисол бўла олади.

Инсон туғилиб, ёруғ дунёни идрок этишни бошлар экан, дастлаб атрофдагилардан, айниқса ёши улуғлардан ибрат олиб, маъна-

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд.— Т.: Ўзбекистон, 1997.—129-бет.

вий камолот касб этиб боради. Бу ўринда, биз юқорида таъкидлаганимиздек, ота-она, ака-опалари, кейинроқ, боғча ва мактабга борганда, устозлари унинг учун биринчи ибрат мактаби бўлади. Айтиш лозимки, бола катталарнинг қуруқ насиҳатларидан кўра, уларнинг ҳаётдаги хатти-ҳаракатидан кўпроқ ибрат олади.

Бошқача айтганда, инсон аввало, ўзи учун зарур ва қадрли бўлган маънавий эҳтиёжларини, қолаверса моддий манфаатдорлигини қондиришга хизмат қилувчи, аксарият ҳолларда фақат ижобий фазилатлардан ибрат олишга кўпроқ интилади.

Умуминсонийлик нуқтаи назаридан қараганда, ибратга юксак маънавий қадр-қиммат хос бўлмоғи керак. “Одамлар жисмоний куч, истеъдоди жиҳатидан тенг эмас ва, шунга қарамай, биз уларнинг барчасига нисбатан маънавий қадр-қимматни бирдек жойига қўйишга интиламиз. Шубҳасиз, маънавий этилитаризм, бу — ҳеч қачон етишиш мумкин бўлмаган орзу, бироқ биз унга борган сари яқинлашаётимиз”¹.

Бу яқинлашиш эса ибрат орқали амалга ошади. Фалсафий прагматизмнинг йирик намояндаси У. Жеймс ибрат ва қадр-қиммат масаласига тўхталиб, бундай дейди: “Ўзимиз билиш фаолиятимизда ҳам, амалий фаолиятимизда ҳам ижодқормиз. Инсон дунёдан ибрат олиб, янги ҳақиқат яратади”².

Ўтмиш аждодларимиз тарихига назар ташласак, улар барча инсоний фазилатлардан ибрат олиб яшаганлигини, қийинчилик, меҳнат у заҳматлардан чўчимаганлигининг гувоҳи бўламиз. Фикримизнинг далили сифатида Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг куйидаги фикрларини келтирмоқчимиз.

Мутафаккир шундай ёзади: “Ўтмиш даврларда ўтган олимлар фаннинг турли тармоқлари... соҳасида асарлар ёзиш билан ўзларидан кейинги келадиганларни назарда тутардилар... Улардан бири ўзидан аввалгиларидан қолган ишларни амалга оширишда бошқалардан ўзиб кетарди, уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қолдиради, бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди, бу билан қийинчиликларни осонлаштиради...ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди”³. Бу сўзлар барча олимлар, маърифатли кишилар учун ибрат манбаи бўлиши зарур.

Инсон жамиятсиз яшай олмаганидек, жамият ҳам инсонсиз мавжуд бўлмайди. Ҳар қандай жамият ўзини ташкил қилиб турган киши-

¹Дюркгейм Э. Ценностные реальные суждения. // Социологические исследования. — 1991. — № 2. — С. 109-110.

²Тафаккур. — № 1. — 2003. — 31-бет.

³Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар.— Т.: Фан, 1983.—59-бет.

ларнинг фаолияти, ўзаро муносабати ва умргузаронлиги билан тирикдир.

Шу маънода, инсон — ҳар қандай жамият бор бўлишини таъминлаб турадиган асосий ижтимоий унсурдир.

Бундай таъминланиб туриш инсоннинг индивидуал шахсий иш-тироқи, яъни бирор гуруҳ, қатлам, қавм, элат, халқ ёки миллат доирасидаги фаолияти, оила ва турмушдаги хатти-ҳаракати, амалга оширган ишлари, яратган бойликлари, ўзига ва ўзгаларга нисбатан муносабати орқали намоён бўлади. Бу муносабатларнинг энг муҳими, инсон шахсининг маънавий қиёфасини шакллантирадиган жиҳати — ибратдир. Шу ўринда, мустақиллигимизнинг таянч нуқтаси — кишиларимиздаги имон-эътиқодни такомиллаштириш омили бўлган миллий ғурур ва нафсоният, миллий феъл-атворни шакллантириш ҳам ибрат ва ихлоснинг ўзаро мутаносиблигида юзага келиши ҳеч кимга сир эмас. Миллий феъл-атворни шакллантиришда на ижтимоий институтларнинг, на ота-онанинг, на ўқитувчиларнинг ўрни ҳақидаги гапларга эътироз билдириш қийин. Лекин бир нарсани қатъий англаб олишимиз керакки, феъл-атворни панд-насихат, дашном, маъруза шакллантирмайди; уни муносабат ва ибрат шакллантиради¹.

Ҳар қандай шахс ҳаётда ўзига нисбатан қўлланган муносабат ва унга нисбатан кўрсатилган ибрат асосида ўзлаштирган тажрибасини қўллайди.

Бу ўринда, Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” китобида келтирилган бир ҳикоятни мисол қилиб кўрсатсак бўлади. Бир куни бир кўзи ожиз киши Ҳазрати Луқмони Ҳакимнинг олдига бориб; “Агар кўзимни очсангиз мен сизга қул бўлурмен”, дермиш. Ҳаким кўрнинг маърифат соҳиби эканлигини кўриб: “Кўзингнинг пардасини очмоқ мумкин, лекин назари ибратни очмоқ қўлимдан келмайди”, дермишлар. Кўр: “Сизнинг шухратингиз фақат парда очмоқдан иборат бўлса, Сизни Ҳаким демай, табиб демоқ керак экан”² деб Ҳазрати Луқмоннинг ибрат кўзини очмишдир.

Ибрат кўзи, яъни ҳар нарсадан яхши ибратли, керакли нарса, сифатни ажратиб ола билишдек, ахлоқий камолотнинг муҳим мезонидир. Анъаналарда эса худди шу томон жуда кучлидир, Анъаналар ва қадриятлар ҳар бир миллат, халқнинг шонли тарихи, илдизлари, миллий қиёфасидир.

¹ Қаранг: *Очилова Б. Мустақиллик ва миллий характер. (Миллий маънавият ва мафкура тўпламида).* — Т.: Минҳож, 2002. — 39-бет.

² *Ўзбекистон: мустақиллиқнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш масалалари. Халқаро илмий конференция.* — Самарқанд, 1997. — 131-бет.

Шунинг учун ҳам халқимиз бола тарбияси билан боғлиқ ибратомуз урф-одат ва анъаналарни қадрлаганлар. Демак, бола тарбияси соҳасидаги миллий урф-одатларни қунт билан ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш жуда зарур. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, катталарнинг намунали ҳулқи, меҳнат ва оилавий анъаналари, характер ва кайфиятлари ёш авлоднинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари ва ғояларини шакллантиришда муҳим ўрин тутаети. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бола тақлидчан бўлати. Шунинг учун ибрат тақлиддан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Тарбия ишида ҳамма нарса тарбиячининг шахсига, ички дунёси ва ташқи қиёфасига асосланиши лозим. Шу боис, айниқса, мураббийнинг шахсий хислатлари тарбияга кучли ғоявий-эстетик таъсир этаети. Тарбиячининг болага таъсири ўрнини ҳеч нарса боса олмайди: Характерни фақат характер, этиқодни фақат этиқод тарбиялайди, холос. Халқнинг, олма дарахтининг меваси шу дарахтдан нарига бориб тушмайди, деб гапириши бежиз эмас¹.

Миллий анъаналар одамда эртанги кунга ишонч, келажакка ихлос туйғуларини қарор топтиради. Зотан, одам боласи катта орзумидлар билан яшайди. “Туяни миниб, узоқни кўзла”, “Тоққа чиққан чўққини кўзлар”, — деган машойихлар. Бироқ инсон ўтмишнинг ёди ва келажакнинг орзуи билан яшаши керак. Модомики, ривожланган ҳар бир нарсада ўтмишнинг излари, ҳозирги ҳаётимиз негизлари, келажакнинг куртаклари мавжуд экан, демак, ўтмишнинг энг яхши томонларини, умумбашарий миллий қадриятларни авайлаб-асраб келажакка кўчиришимиз лозим. Зеро, инсон орзуларсиз яшамайди. Орзу-ҳаётдан қониқиш, унга ихлос қўйишга ундайди.

Орзуларнинг амалга ошиши эса инсонни меҳнатга, илмга, ўтмиш аждодларимиз касб-кори, ажойиб инсоний фазилатларига ихлосмандлиги асосида юзага келаети.

Бинобарин, бу ихлосмандлик заминида тарихий меросга ҳурмат, тарихий хотирани тарбиялаш каби олижаноб мақсадлар туради.

Ихлос ва ихлосмандликнинг ибрат билан алоқадорлиги шундаки, биз барча яхши амалларни, солиҳ ишларни диний-ахлоқий тарбия асосида ҳамда ижтимоий амалиётдаги инсонпарварлик тамойилларидан ибрат олиш асносида шакллантириб, ўзимизнинг амалий фаолиятимиз, мақсад ҳамда муддаоларимизга асос қилиб оламиз. Халқимиз ибораси билан айтганда: “Яхшини кўриб шукр қилиш, ёмонни кўриб фикр қилиш” ибрат меъёри бўлиши керак.

Зеро, истиқдол даврига келиб, комил инсонни вояга етказиш масаласи давлат ишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий тизимига айланди.

¹ *Жавлиев Т.* Анъаналар — ҳаёт сабоғи. — Т.: Ўзбекистон, 1992. — 69-бет.

Албатта, бундай шароитда тарбиявий-ахлоқий, маънавий воситаларнинг барча-барчасидан унумли ва самарали фойдаланиш зарурияти ҳам келиб чиқади.

Айниқса, собиқ шўролар тузумидан иллат сифатида сақланиб келаётган, миллий менталитетимиз ва табиатимизга ёт бўлган андишасизлик, беҳаёлик, кийиниш ва юриш-туриш ҳамда муомала маданиятида кўзга ташланаётган нуқсонлар, миллий қиёфасизлик ҳолатларини аста-секинлик билан бартараф этиш учун ҳам ўтмиш ажодларимиз ҳамда яқин тарихимиз зарварақлари битикларига мурожаат қилиш зарурияти яққол кўзга ташланмоқда. Бу шунинг учун ҳам зарурки, биз азалий қадриятларимизни, урф-одатларимизни билмай, улардан ибрат олмай туриб, гўзал хулқ ва муомала маданиятига эга бўла олмаимиз.

Хусайн Воиз Кошифий ёзганидек: “Яхши қилик, гўзал муомала бир йўлдирки, у йўл билан юрмасдан туриб, иззат ва шараф манзилига етиб бўлмайди. У йўлга қадам босмасдан туриб, вужуд юкини ҳайвоният биёбонидан инсоният дорилмулкига элтиб бўлмайди”¹.

Аслида, инсонлараро муомала маданияти кўп қиррали, ўта мураккаб жараён бўлиб, унинг вужудга келиши ҳамда такомиллашуви ижтимоий муносабатларнинг бутун бир тизими орқали шаклланади.

Бундай муомала маданиятини ўрганиш учун эса миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз ҳамда ажодларимиз, маънавий меросидан ибрат олишимиз, унга ихлосманд бўлишимиз тақозо этилади.

Узоққа бормайлик, бу борада яқин ўтмишимизнинг таниқли намояндаси Абдулла Қодирий ижоди ҳам биз учун яхши ибрат намунаси бўлади.

Биламизки, Абдулла Қодирий адабий тур ва жанрларнинг қайси бир кўринишида ижод қилмасин, ҳамиша ва ҳамма ҳолатда фақат ягона бир мақсад, орзу билан яшади. Яъни ўз халқининг жаҳондаги энг тараққий этган, юксак маданиятли, тенг ҳуқуқли халқлар каби камолотга кўтарилишини истади, бунга даъваткорлик қилди.

Бу борада фақат орзу ва даъват билан чекланиб қолмай, балки уларнинг амалий ва самарали ечимини ҳам топа олди. Хусусан, “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” каби романларида унинг мумтоз ва нафис бир тизимини яратди. Миллий маданиятимиз ва маънавиятимизнинг зарур бўлаги ҳисобланган миллий муомала маданияти, ўзаро муносабат этикаси ва меъёрини ишлаб чиқди ва тақдим этди. Ҳеч бўлмаганда, “Ўткан кунлар”да ифодаланган кундошлик муаммоси тасвирини эслайлик. Отабек Кумушбибига уйлангач, бироз муддат

¹Маҳмудов Р. Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқ-одоб ҳақида (А. Навоий ва В. Кошифий).—Т., 1990.—14-бет.

Марғилонда қолиб кетади. Ўзбекойим ташвишга тушиб, эри Юсуфбек ҳожига “Сиз отамисиз, нимасисиз, ахир ўғлингизни тийиб олиш ҳеч эсингизга келадими?” дея бобиллаганда, Юсуфбек ҳожи босиқлик билан: “Қўявер, хотин, ўзи соғ бўлса, бир куни эсини топар”, — деб ўзаро муносабатдаги узилиб, парчаланиб кетиши мумкин бўлган тарангликни юмшоқлик билан ҳал этади¹.

Бироқ, ўша жанжалкаш, хархашалик Ўзбекойим ўз мақсадига эришиб, Отабек Марғилондан келгунча, “бир яхши жойга унашиб” улгуради. Икки ўт орасида қолган ота — Юсуфбек ҳожи ўғли Марғилондан келгач, унга: “Ўғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми, ҳайтовур биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик”, — дея андиша билан мурожаат этганда, Отабек ота-онанинг нима иш қилиб қўйганидан хабардор бўлса ҳам, билмаганга олиб: “Ақлли кишиларнинг ўғиллари устидан қилгон ишлари албатта номаъқул бўлмас”, — деган андишани айтади. Ана шундай нафис муомала фақат бизнинг миллатимизга хос фазилат эканлиги албатта ибратлидир. Айтиш мумкинки, бундай ўзбекка, ўзбек миллатига хос муомала маданияти, ҳатто, бири ўт, бири сув бўлган кундошлар ўртасида ҳам мустаҳкам анъанавий маънавий тизимни сақлайди. Хусусан, Кумушбиби билан Зайнаб ўртасидаги муносабатда кундошлик таранглиги ҳар дақиқа сезилиб турса-да, ташқи кўринишда анъанавий ҳурмат, урф-одат тизимидан четга чиқилмайди. Баъзан, ҳаётда учраб турадиган бундай ҳолатларда содир бўладиган беандишалик очикчасига “сан-ман”га бориш, юз хотирсизлик қаҳрамонлар хатти-ҳаракатида кечмайди.

Ёки “Меҳробдан чаён” даги бир ҳолатни хаёлга келтирайлик. Унда: “Нега ерга қарайсан, Раъно?”, — деган оддий бир ибора, бир жумла бутун бир асар моҳиятини, бутун бир боб сарлавҳасини тайин этади. Ўйлаб қарасак, “Нега ерга қарайсан, Раъно?” саволида қанчадан-қанча маъно бор? Ўзбек аёлига хос андиша, итоат, латофат, тортинчоқлик, ҳаё, ибо — ҳамма-ҳаммаси жамулжамдир. Бундай одат ва белги миллатимиз аёлига, ўзбек аёлига хос фазилатдир. Ҳозир айрим ёшларимиз, йигит-қизлар орасидаги беҳаёлик, андишасизлик, ҳаддан зиёд оврупоча кийиниш, айниқса, қизларни аёликнинг бутун бир нозик қирраларини намойиш этишдан тортинмасдан, жуда тор шимлар, баданининг ярмини кўрсатиб турувчи усти-бошлар кийиши, ҳаё, иффат, назокат пардаларининг кўтарилишига олиб келувчи хатти-ҳаракатлар илдиз отаётганлигини ҳисобга олсак, А. Қодирий асарларидаги ижобий қаҳрамонлардан уларни ибрат олишга ўргатишимиз нақадар зарур эканлигини англаб олиш қийин эмас.

¹ Мирвалиев С. Адабиёт — маънавият демак // Мулоқот. — 2001. — №6. — 35–36-бетлар.

Бухоролик шоир Исроил Субҳоний ёзганидек:

Агар юрагингни юксак бандалар
Булгаса, ўртаса ва этса горат.
Қодирийни ўқи, “Ўтган кунлар”у
“Меҳробдан чаён” — бу руҳий таҳорат.

Ҳолбуки, ота-боболаримизнинг улуғ маънавий мероси, сабоқ ва ибрати борки, энг олий бахт, комилликка сабру қаноат, шукр, илм ва ҳалимлик, маърифат ва маданият орқалигина эришиш, чин маънода замонавий бўлиш мумкин.

Машҳур ёзувчи Стефан Цвейгнинг фикрича, икки кашфиёт инсоният тараққиётини бемисл тезлаштириб юборди: буларнинг биринчиси — гилдиракнинг, иккинчиси эса — китоб босишнинг кашф қилинишидир¹.

Ҳодисаларнинг моҳиятига чуқурроқ қарайдиган бўлсак, ҳар икки ихтиро ҳам инсоннинг дунёқарабини кенгайтириш билан уни бошқалар яратган моддий ва маънавий билимлардан хабардор этиш билан характерлидир.

Зеро, одамзод гилдирак туфайли товукдай ўз катагида тухум босиб ўтиришдан халос бўлиб, дунё кезиш, бошқа халқларнинг тараққиёт даражаси ва бу даражанинг сирлари билан танишиш, ўзига ва ўз ҳаётига чет нигоҳ билан қараш — бошқалар кўзгусида ўз ҳаётини кўриш имконига эга бўлган бўлса, китоб туфайли шуларнинг барчасини ўтирган жойида ўз тасарруфига кирита олди. Демак, бугун китоб ўқишга вақт топа олмаётган замондошимизни унинг гилдирак кашф қилинган замонлардан олдин яшаган ибтидоий боболарига ўхшатсак, унчалик асоссиз бўлмас. Биз нега бугун кам китоб ўқиётимиз? Одамзод ўзини оқлашга устаси фаранг. Бозор иқтисодиёти, турмуш ташвишлари, югур-югур, кўпдан кам бўлмаслик гами, техникавий тараққиёт, компьютер замони, вақт тифизлиги ва ҳоказо. Кечагина мук тушиб, энг оғир дамларда шам билан китоб ўқиган, ёзганларнинг турмуш ташвишлари йўқмиди? Уларнинг орзумиди, қорин гами, бола-чақа қайғуси йўқмиди? Бор эди. Керагича эди. Аммо, эртага нима бўлишини билиш, дунёни англаш, оламни гўзал кўра олиш, келажакни соғиниб, улуғ ниятларнинг ушалиши йўллари топиш, эътиқод ва иродасини тоблаш учун китоб ўқирди. Ўқий олмагани ҳикмат тингларди, ҳеч бўлмаса, меҳмонхонадагиларнинг ибратли ҳикматиға сомеъ бўларди. Буларнинг барчаси кишилар дунёқараши, маънавиятини юксалтиришга, ўз қадр-қиммат, иззат-нафсини юқори тутишга ички бир эҳтиёжни юзага келтирар эди.

¹ *Ғаниев И.* Комилликка фикрлаб эришилади // Туркистон.—2003.—24 апрель.

Барча иллатларнинг дояси — маърифатсизлик эса ўқишга, илм олишга ихлоснинг сустлиги, бадий адабиётдан ибрат олишга эҳтиёжнинг камлигидандир.

Шунинг учун ҳам буюк аллома Беруний: “Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади”¹, — деб бежиз ёзмаган.

Аmmo маънавий камолот йўли фақат ибратдан иборат эмас. Агар боланинг маънавияти 5-6 ёшгача, асосан, ўзгалардан ибрат олиб шаклланса, кейинроқ ўзи илмга интила бошлайди, яъни унинг руҳида ҳар бир ҳодисанинг моҳиятини мустақил англаб етишга интилиш кучаяди. Агар инсон илмга интилмаса, ибрат аста-секин тақлидга айланади. Зеро, илмнинг ўзи ибрат чашмасидир.

Илм инсонларга уларнинг аҳволини ва истиқболлини ойнадек кўрсатиб туради, одамнинг зехнини, фикрларини ўткирлайди, савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан айириб беради. Тўғри йўл ва амалларга раҳнамолик қилиб, бу дунё ва охирада масъуд бўлишимизга замин ҳозирлайди. Бизларни жаҳолат қоронғулигидан қутқаради, маданият, маърифат, маънавият манзилларига етаклайди. Ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтаради, ҳалим хулқ ва одоб соҳиби этади. Яратганга нисбатан муҳаббат ва эътиқодимизни мустаҳкамлайди. Доктор Альберт Макоб шундай эътироф этади: “Илмий ишлар билан шуғулланишим худога бўлган ишончимни мустаҳкамлади. Ҳаттоки, аввалгидан кўра мустаҳкамроқ, асослироқ бўлишига олиб келди. Ҳеч шубҳа йўқки, илм, албатта, инсонга Оллоҳнинг қудратини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Инсон ўз илмий изланишларида янгилик кашф қилгани сари унинг имони ҳам кучайиб бораверади”.

А. Эйнштейн: “Оллоҳга бўлган имон илмий изланишларнинг энг улкан самарасидир”², — деб ёзган эди.

Ҳақиқий олим бўлиш учун илмни, сени олим деб мақташлари, ҳурмат қилиб тўрга чиқаришлари учун эмас, балки холис Оллоҳ учун, уни фарзини адо этмоқ учун ихлос билан эгаллашга ҳаракат даркор.

Илм — асли ажодлар ибрати, ўқиганлар, биз кўрмаганлар ҳақида хабар орқали ибратдир.

Илм ва маърифат, инсоннинг иродасини тоблаш билан бир вақтда ҳаётда нимадан ибрат олиш ва нималардан ўзини тийиш зарурлигини ҳам кишиларга кўрсатиб туради.

Заҳматкаш инсонларнинг ҳаёт йўли, зиёли, маърифатли кишиларнинг шахсий намунаси ёшлар учун ҳамиша ибратдир. Уларнинг

¹Ҳамидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари.— Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1999.—37-бет.

²Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур.—Т.: Маънавият, 1999.—25-бет.

умр давомида қилган ишлари, машаққатли меҳнатлари авлодларга ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди¹.

Ҳар бир киши дунёга келгандан тортиб, умрининг охиригача, ўз халқининг турли-туман урф-одатлари замирида яшар экан, бу урф-одатлардан ибрат олиб, унинг айрим жиҳатларини онгу шуурига сингдира боради. Шу боис, урф-одатларимизни, тарбиявий йўналтирувчи хусусиятини доимо эътиборда тутиб, шахсни маънавий-ахлоқий камол топтиришда унумли тарзда тарбия жараёнига татбиқ этиш лозим. Ана шундай урф-одатларимиздан бири, бу — улфатчиликдир.

Келажакни ўйлаган хонадон бошлиқлари ўғилларини улус одамларининг улфатчилик ва бошқа давраларига хизматга қўйишга ҳаракат қилишган.

Эркаклар улфатчилигининг илдизлари жуда қадимий. Тарихий этнография уни ибтидоий даврлар билан боғлайди. Бундай улфатчиликларнинг жамиятдан сир тугиладиган ички-тартиб интизомлари, ўзига хос қонун-қоидалари бўлганки, уларнинг кўплаб белгилари ҳозирги ўзбек халқининг улфатчилигига хос анъаналарида давом этмоқда.

Мамлакатимизда улфатчилик муносабатлари бугунги кунда ҳам кенг тарқалган. Ҳатто, айтиш мумкинки, ҳаёти, турмуш аҳволи бир қадар қарор топган ҳар бир эркакнинг вақти-вақти билан тўпланиб турадиган анъанавий улфатдош дўстлари давраси бор. Улфатларнинг ўзаро муносабатларини, кўп ҳолларда, маълум тартиб-қоидаларига, энг муҳими, дўстлик анъаналарига содиқлик руҳидаги ўзига хос ижтимоий биродарликка ўхшатиш мумкин.

Улфат аъзолари бир-бирининг яхши-ёмон кунларида елкадош, оғирини енгил қилиш, ташкилий ва моддий ёрдамга шошилиш каби ҳислатларни сидқидилдан намоён этиш билан жамоат орасида ҳам ажралиб туришади².

Улфатчилик аслида ижтимоий тарбиянинг бир воситаси, десак хато бўлмайди. Улфатлар бир-бирига ҳавас билан эргашиб, ўзларининг ва дўстларининг ҳаётларини зийнатлаб келганлар. Улар ўртасидаги қадр-қиймат, эъозли муносабатлар доимо бошқаларга ўрناк бўлган.

Яхши улфатлар йиғилиши ҳар гал маърифий суҳбатлар даврасига айланган. Улфатчилик йиғинлари, аксарият ҳолларда, шеърхонлик, китобхонлик (машрабхонлик, яссавийхонлик, навоийхонлик, бедилхонлик кўринишларида) каби маърифий суҳбатлар шаклида

¹Қаранг: Одил И. Оталар ибрати — ҳаёт мактаби // Маърифат.—2003 йил 5 апрель.

²Қаранг: Исҳоқов М. Улфатчилик ибрати ёхуд ўғлингиз давра кўрганми? // Маърифат.—2002 йил.—13 апрель.

намоён бўлган. Улфатлар бир-бирларига муомала маданиятида ўрناк бўлишган.

Кейинги пайтларда қариндош-уруғ, бир авлодга мансуб кишиларнинг оилавий улфатчилик шакллари ҳам тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Бу янги кўриниш оқилона ва камтарона меъёрларда уюштирилса, албатта, қариндош-уруғ ичида оқибат ришталарининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Айниқса, авлоднинг янги аъзолари: куёв ва келинларни катта-кичик билан таништириш, қариндошлар ўртасида яхши муносабатларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Аммо, аёлларимиз уюштириб келаётган гап-гаштакларнинг кўпчилиги маънавий покиза, яхши ниятлар билан ўтаётган йиғинлар эканлигини эътироф этган ҳолда, баъзан, “хотинлар гапи” нинг ибратга зид жиҳатлари, меъёридан чиқишлар, айрим ҳолларда, эр-какча чапаниликлар, манманлик, мастоналикларнинг доғи аёлларимизнинг покиза, шарқона нафис табиатига соя ташлаётганлигини таъкидламасдан иложимиз йўқ.

Зеро, гап-гаштакларнинг маънавий-маърифий ҳолати қанчалик яхши ва ибратли бўлса, улардан элимизга шунчалик фойда келиши табиий.

Мазкур масалада яна бир муаммо бор, у ҳам бўлса, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида расм бўлган гап-гаштак, улфатчиликдир. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда, ўсмирлар ва ёшларнинг гап-гаштаклари, бу қадимий анъананинг моҳияти ва масъулиятини чуқур тушунмаган ҳолда ўтмоқда. Гап-гаштак, улфатчиликни, фарзандларимиз катталарнинг йиғинларида, баъзан кузатиладиган ичкилик ва бошқа номаъқул одатлар тақлидига айлантирмоқдалар. Уларнинг йиғинларида, кўпинча бирон мазмунли, ибратли суҳбат кузатилмаётир. Нутқ саёзлиги, мантиқ чалалиги, луғат қашшоқлиги, ўзаро муомала дағаллиги, чала жумлалар орасида кетма-кет таҳқиромуз сўзлар, мавзу торлиги, мушоҳада ва тасаввур ғариблиги бундай гап-гаштакларнинг асосий сифатларига айланди, десак, хато қилмаймиз.

Шу боис, фарзандларимизга улфатчилик тамойилларида, бундай давраларнинг ички тарбиявий моҳияти — бирдамлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва дўстликка садоқат руҳидан иборат эканлигини ўрганмоғимиз лозим. Қолаверса, мактабда, бу масала ҳақида гап очиш ўринли бўлган ҳолларда, эркин мулоқотлар ўтказиш, этнограф олимлар томонидан ҳаммабоп, ихчам рисоалар, суҳбат матнлари чоп этиш, ибратли намунавий тажрибаларнинг тарбиявий ва ижтимоий-ахлоқий томонларини ёритувчи мақолаларни оммавий нашр воситалари орқали кенг ёйиш чораларини кўриш фойдалидир.

Шунингдек, ҳар бир уй, ҳар бир хонадонда миллий маънавиятимиз теран томирлари ҳисобланган ижобий халқ анъаналарини,

таомилларни ўз ўрнида юксак савия ва ихлос асосида ёшларга ибрат бўларли даражада ўтказиш ва бу борада нуруний отахонларнинг ҳаётий тажрибаларига таяниш муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, миллат равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги авлодларимиз тарбиясига, уларнинг аجدодларимиз меросига бўлган ихлосмандлиги ва ундан ибрат ола билиш салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

ҒОЯ, МАҚСАД ВА МАНФААТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЭЪТИҚОД ВА ИХЛОС БИРЛИГИ

1-§. ШАХСАДА МАЪНАВИЙ МЕРОСГА ИХЛОСМАНДЛИК ЭЪТИЎЖИНИНГ ЎСИБ БОРИШИ

Инсон ўзининг шахс сифатида жамиятдаги ўрнини, муайян миллат вакили эканлигини англаб олиши учун унга фалсафий мушоҳаданинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун у ўз аجدодларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-ахлоқий ҳаёт соҳаларида эришган тажрибаларини, улар томонидан яратилган барча моддий ва маънавий қадриятларни пухта ўрганиб, ўз ҳаётий фаолиятларида улардан оқилона фойдаланиб бориши зарур.

Бунинг учун эса жамиятимиз кишиларида юксак миллий онг, истиқлол ва истиқболга қатъий ишонч, эътиқод, имон, аждодлар меросига чуқур ҳурмат ва унга ихлос қўйиш, ватанпарварлик, миллатпарварлик, фидойилик ҳам зарур.

Бинобарин, миллий меросимизнинг ғоявий негизи — шахс тарбияси, унинг маънавий эҳтиёжларига даъвогар бўлган омилларни ўрганишдан иборат, ушбу муаммо ҳозирда ҳам жамиятимизда олиб борилаётган сиёсатда энг муҳим масалалар сирасидан ўрин олиб келмоқда¹.

Аждодларимизнинг яратувчанлиги шахс манфаатларига қаратилган бўлса, айтилиши мустақил давлатимизда амалга оширилаётган барча янгиликларнинг ҳам инсон келажаги учун хизмат қилиши кўзда тутилган.

Демак, замонавий таълим-тарбия тизими ва миллий мерос асосидаги ғоявий уйғунлик миллий маънавий меросни ўрганишнинг амалий аҳамиятини асослаб беради.

Зеро, жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган мутафаккирларнинг инсонни маънавий-ахлоқий етукликка чорловчи таълимотлари бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдевори, маданиятимиз ва маънавиятимизнинг, ғоя ва миллий мафкурамизнинг таг заминидир.

Шу боис: “Миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олимуму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий меросини, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор”².

¹Қаранг: *Мирзаева М.* Ёшлар ва миллий мерос. // Мулоқот. — №6. — 2001. — 27-бет.

²*Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — 1-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996. — 41-бет.

Зотан, Турон замину Туркистонда қадим-қадимдан шаклланиб, ривожланиб келган миллий қадриятлар, маданий-маънавий анъаналар ва тамойилларга, қолаверса, башариятнинг ўтмиш даврларидаги ва ҳозирги замонавий билимлари, ютуқлари, анъаналарга асосланганлигини, шунинг учун ҳам унинг илдизлари ниҳоятда бақувватлигини кўрсатиб турибди.

Ҳар бир тарихий давр, конкрет шароит, эҳтиёж ва имкониятлар билан тақозо қилинган ҳолда, маънавиятнинг янги шакллари ва мезонларини яратади. Бу мезонлар қандайдир бир сунъий қоида эмас, балки, тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида инсон камолотининг янги йўналишларига бўлган имконият ва эҳтиёжларининг ифодасидир.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ривожланишнинг охириги нуқтаси бўла олмаганидек, маънавий ривожланишнинг ҳам сўнгги чегараси бўлмайди.

Зеро, ҳар қандай жамият тараққиётини тезлаштирувчи асосий куч — иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ривожланиш зарурияти билан белгиланган, маънавият билан муштараклашган эҳтиёждир.

Эҳтиёж бўлмаган жойда ҳеч қандай тараққиёт ва юксалиш бўлмайди. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам маънавиятлилик даражаси билан белгиланади.

Бу ўзаро таъсир жараёни, ҳар бир давр хусусиятига кўра шахсда маънавиятга ва маънавий меросга ихлосмандлик эҳтиёжини ҳам юзага келтириши табиий.

Бу жараённинг табиийлигини яна шу билан ҳам изоҳлаш мумкинки, у бевосита муайян жамиятнинг истиқболдаги мақсадни аниқлатувчи ғоя ва мафкура билан ҳам узвий алоқадорликда юзага чиқади. Чунки, ҳар қандай давлат ва миллат тараққиёти миллий мафкуранинг шаклланиш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Худди шу мафкура фақат давлат ва жамиятнинггина эмас, шу жамиятда яшовчи ҳар бир кишининг ўз истиқболини белгилаб олишга, шахс манфаатлар тизими механизмни шакллантиришга хизмат қилади¹.

Худди мана шунинг учун ҳам, кишилардаги табиий эҳтиёж билан бир қаторда, миллий маънавий меросни ўрганишнинг эҳтиёжи ўсиб бориши айнан миллий ғоя ҳамда мафкуранинг устувор тамойиллари билан ҳамоҳангликда намоён бўлмоқда. Ҳолбуки, миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистон халқини, оммани сафарбар этувчи буюк мақсадларга элтувчи кучдир. Ана шундай буюк куч-қудрат ва имкониятга эга бўлган миллий истиқлол мафкурасисиз Ўзбекистон

¹Коваленко В. И., Костин А. И. Политические идеологии история и современность // Вестник Московского университета. Сер. 12. Политические науки. — 1997. — С. 45.

ўз олдига қўйган вазифаларни бажара олмайди. “Бугунги кунда,— деб таъкидлаган эди И. А. Каримов, — халқни яқдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз”¹.

Бунинг учун эса бу ғоя моҳияти ва мақсадини жамиятимиз ҳар бир фуқароси теран англаши, унга меҳр қўйиши, ажодларимиз азалий қадриятлари билан йўғрилган миллий мафкурамизга ихлос қўйиши зарур. Биз юқорида қайд этганимиздек, ихлос бўлмаган жойда эътиқод ҳам бўлмайди. Бинобарин, ҳар қандай ижтимоий ғоя ахлоқ-одоб тизими, билим, дунёқараш, мафкура инсон томонидан муайян мақсадлар ва эҳтиёжлар билан боғлиқ равишда англашиб, унинг онгига чуқур сингиб, фаолиятига мақсад ва йўналиш берадиган маънавий замин бўлгандагина эътиқодга айланади.

Эътиқод — маънавиятнинг ўзак томири. Эътиқодсиз кишида маънавият бўлмайди, ташқи маданий кўриниши, олифтагарчилик, ҳатто, анча-мунча билим ҳам бўлиши мумкин, аммо мағзида маънавият бўлмайди. Эътибор берилса, бизнинг деярли тадқиқотимизнинг ҳар бир параграфида эътиқод масаласига қайта-қайта мурожаат қилишимизга тўғри келаяпти. Бу бежиз эмас, албатта.

Сабаби — барча инсоний хислат ва фазилатлар уйғунлиги эътиқод туфайли таъминланади. Эътиқоднинг қай даражада мустаҳкам бўлиши шахснинг руҳий матлаби, маънавияти ҳамда тарбияси билан кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бу, ўз навбатида, ҳар бир шахснинг маънавий меросга муносабатида ҳам намоён бўлади. Маънавий эҳтиёж инсоннинг фақат ички, соф руҳий, субъектив интилишигина эмас, балки унинг ҳар бир шакли объектив воқелик қонунлари ва заруриятлари асосида юзага келади. Лекин, бу объектив таъсир инсоннинг қўл ва оёғини боғлаб олиб, хоҳлаган томонга етаклаб кетавермайди. Инсон ҳар қандай ташқи таъсир ва заруриятни ўз ички эътиқоди, имон ва виждон тарозисига солиб, амалий фаолияти, мақсадлари билан боғлайди. Ташқаридан бўлган ҳар қандай даъватни тинглашга қодир бўлган инсонда ўз-ўзини англаш, ўз фаолиятига йўналиш бера олишдек субъектив имконият ҳам бор.

Маънавий камолот эҳтиёжларини қондириш жараёни шу йўсинда амалга оширилаверади. Эҳтиёжнинг шаклланиши объектив муҳит таъсирига асослансада, уни рўёбга чиқаришнинг йўллари, инсоннинг фаолиятига асос бўлган унинг маънавий оламига боғлиқ. Ҳар бир шахс ўзининг эҳтиёжларини имон, эътиқод, манфаат дунёқа-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — 1-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996.—15-бет.

рашидан келиб чиқиб амалга оширади. Бу хусусдаги масалаларни ўрганиш жараёнида кишини ихлосмандликка ундайдиган мотивлардан бири — унинг имон-этиқоди эканлиги шахс ва ҳар бир алоҳида инсоннинг ўз ўтмишига виждонан муносабатда бўлиши билан боғлиқлигини нафақат бизда, ҳатто хориждаги мутахассислар ҳам худди бизнинг менталитетимизга хос тамойиллар асосида ёндашилганлигининг гувоҳи бўламиз. “Ўз хулқи, хатти-ҳаракатлари ҳақида фикр қилувчи индивид учун ягона раҳнамолик қилувчи бирдан-бир тамойил унинг виждонидир. Унинг учун виждон, бу — ҳақиқат, охирги инстанциядир, уни ўзгартириш ўз-ўзини ахлоқий жиҳатдан ўлдириш билан баробар”¹, — деб ёзган эди инглиз руҳшуноси Чарльз Хартон.

Ҳолбуки, виждон барча инсоний фазилатларни тартибга солиб турувчи маънавийлик мезонидир. Бас, шундай экан, аждодларимиз анъаналари, бой маънавий меросига муносабатда ҳам виждонийлик ва масъулият етакчилик қилмоғи зарур. Шарқнинг, хусусан, Турон заминда ҳам бу ҳақда қимматли маънавий мерос қолдирилганлиги барчамизга яхши аён. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларининг маънавий меросини имкон даражасида ихлос ва ихлосмандлик учун қай даражада аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз. Ана шулардан бири Ҳазрат Навоийнинг замондоши ва шогирди Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифийдир.

Воиз Кошифийнинг “Ахлоқий Мухсиний” асари биз тадқиқ этаётган масалаларнинг деярли барча томонларига дахлдор муаммоларни ўз ичига олганлиги билан гоят муҳимдир.

Жумладан Кошифий ёзади:

“Виждони, номуси, диёнати бўлмаган киши дунёда бўлган ҳамма ёмонликни қилишга тайёрдир. Ёмонлик қилмаган, яъни яхши одам виждонлидир”².

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, комил этиқод ва соф виждон инсонпарварлик руҳи, юксак бурч ва фазилатлар билан боғлангандагина, у имон даражасига етади, имон, этиқод, виждон, инсоф инсон қалбида чуқур томир отган маънавиятдир.

Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлонийнинг виждон ҳақидаги куйидаги фикрлари масалани яна ҳам чуқурроқ тушунишга имкон беради: “Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қиладиган ҳиссиёт, яъни ёзув, туймакдан иборат қувватни айтур.

Биз ҳамма вақт фаол ва ҳаракатимизнинг яхши ва ёмонлигини, фойдали ва зарарлигини виждонимиз ила билурмиз. Виждон инсон ақли ва фикрининг ҳақиқий мезонидирким, бу тарози ила ўз кам-

¹ Чарльз Хартон Кули. Человеческая природа и социальный порядок. Дом интеллектуальной книги. Идея пресс.— М.: 2000.— с. 262.

² Маҳмудова Р. Дегонимни улусга марғуб эт.— Т.: Ўзбекистон, 1992.—56-бет.

чиликларимизни ўлчаб билмак ила баробар, бошқаларнинг ҳам фаол ва ҳаракатини сезурмиз. Агар иши шарият, ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлса, муҳаббат кўйур, агар қабоҳат ва ёмон ишлар бўлса, нафрат қилур. Биз жаноби ҳақнинг амри (маъруфи) ва наҳийини (тақиқларини) фикр ва руҳимиз мана шу қуввати билан виждонимиз ила айра бўлурмиз”¹.

Авлонийнинг мазкур фикридаги бир жиҳат: “агар иш шароит ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлса муҳаббат кўйур”, деган мулоҳазаси замирида муҳаббат кўйиш асосида шахсда муайян ҳодисага ихлос ва ихлосмандликнинг юзага келиши мумкинлиги, бу муҳаббат эса, кўп ҳолларда, виждон билан мутаносибликда пайдо бўлиши каби ҳолатлар бизнинг юқорида айтган, ихлос асосида виждонийлик туради, деган фикримизни тасдиқлайди. Виждон ва виждонсизлик тушунчасига муносабат билдириш асносида, биз яна бир ҳақиқатнинг моҳиятини ҳам теранроқ англаймиз. Бу манфаат ва манфаатпарастлик, унинг жамият ва шахс маънавиятига таъсири билан боғлиқ ҳақиқатдир. Айнан виждонсизлик айрим шахсларни ҳар доим ўз фаолиятига, бўлаётган воқеаларга лоқайдлик, шахсий манфаатлар билан чекланиб, жамият манфаати ва мақсадларига бепарво қараш миллат ва халқ манфаатини менсимасликка ҳам олиб келади. Одатда, бундай кишилар ўз манфаати зарарига иш қилмайдилар, улардаги виждонсизлик худбинлик билан боғланиб кетган. Улар ҳар масалага муносабатда шахсий худбинликдан келиб чиқиб ёндашадилар. Амалга интилиш шуҳратпарастлик, танбаллик каби қусурларнинг миллатимиз табиатига ёт бўлган иллатларнинг уруғини кўпайтирадилар, Абу Райҳон Беруний бундай кишиларни қаттиқ танқид қилиб, куйидагиларни ёзган эди:

“Ким учса саъий-жаҳд қилмай шуҳратга,
Карам либосига кўзи бўлса оч,
Ғафлат соясида шод бўлур аммо
Шараф кийимисиз қолар яланғоч”².

Алломининг фикрича, меҳнатсиз вақтинчалик кўркамли либосларга эга бўлиш мумкиндир, бироқ меҳнат ва касб-ҳунар билан инсон ҳеч вақт ғафлатда қолмайди.

Шунингдек, Беруний меҳнат ва касб-ҳунар ёшлар томонидан эркин, яъни ихтиёрий равишда, қобилиятига яраша танланиши зарурлигини таъкидлайди. Чунки, эркин ижодий меҳнат ва зўр қизиқиш орқали танланган касб-ҳунар фойдали бўлиш билан бирга касбни такомиллаштиради, ҳунар соҳибини улугликка кўтаради. Мажбурий меҳнат ва ихлоссиз эгалланган касб-ҳунар эса самарасиз бўлади, дейди.

¹ Авлоний А. Ўсон миллат. — Т.: —92-бет.

² Ҳасанов С. Хоразм маърифати — олам кўзгуси. — Т.: Ўқитувчи, 1996. 118-бет.

Мутафаккирнинг мана шу фикрларининг ўзиданоқ маънавий меросимиздаги меҳнат ва унга муносабатга дахлдор ажойиб ҳикматларга эга бўлиш, ундан ибрат олиш ва юракдан унга ихлос қўйишга етарли асос топиш мумкин. Қолаверса, бозор муносабатларига ўтиш шароитида кишиларимизнинг нафақат турмуш тарзи, иқтисодий тафаккурини, балки, шу билан бир қаторда, ўтмишдан бизга иллат бўлиб қолган боқимандалик кайфиятидан халос қилиб, уларда ишбилармонлик ва тадбиркорликка ихлосмандликни шакллантиришда ҳам улуғ алломаларимиз панду насиҳатлари бизга дастуриламал бўлса, айти муддао бўлган бўлур эди.

Ҳозирда республикамызда 25 млн.га яқин аҳоли истиқомат қилмоқда, мутахассислар ҳисоб-китобларига қараганда, оилалар 4,4 млн.га яқин. Агар мазкур оилалардан камида битта тадбиркор чиқса, бу, мамлакатимиз бўйича, яна 4,4 млн кўшимча иш ўрни дегани. Бу мамлакатимиз истеъмол бозорининг тўкин-сочинлигини таъминлашнинг муҳим омилдир.

Аммо, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ҳам илм керак. Ёлғиз олиб сотишни тадбиркорлик деб тушуниш ярамайди. Бундан ташқари, тадбиркорлик билан шуғулланмоқ, том маънода, унинг моҳиятини теран англамоқ учун ҳар бир ишбилармон, аввало, халқ манфаатини кўзлаши, хайрли мақсадларни ўз олдига қўйиши, меҳр-мурувватли, хайр-эҳсонли бўлиши керак. Бунинг учун эса, аждодларимиз диний-ахлоқий қадриятларини эъзозлай олиши, унга ихлос қўйиши ва фаолиятининг мезонига айлантирмоғи лозим. Чунки, диний-ахлоқий қадриятларда тижорат ва тадбиркорлик фаолияти масалаларига алоҳида ўрин берилган. Бу хусусда А.Фитрат ўзининг “Раҳбари нажот” рисоласида қуйидагиларни ёзади: “Инсоф қилинсинки, дунё юзида тижоратга бунчалик юқори даража берган ислом дини каби дин йўқ. Аммо қандай бахтсизликдирки, бу кун бизнинг орамизда эътиборсиз қолган ишларнинг бирида тижоратдир. Буни ҳам билув керакки, тижорат қилишдан мақсад фойда қидиришдир, ёлғиз олиб сотиш эмас. Бу кун тижоратнинг яхши фойда беруви учун бир неча илм керак. Минг йиллик чирик одат ва қоида бўйича тижорат қилиб фойда олув мумкин эмас ...”¹.

Айти мана шу фикрнинг ўзида бугунги ижтимоий ҳаётимиздаги реал воқелик ҳам ўз аксини топган. Пул топиш илинжида, айрим ҳолларда, инсоний қадр-қимматни тижорат воситасига айлантириб юбораётган, инсофу диёнатни унутаётган, юртбошимиз ибораси билан айтганда, баъзи бир “чаққонлар” халқ молини “туя” қилишдан ҳам чўчимаётганлиги, айниқса, аянчли ҳолдир. “Халқ сўзи” газетасининг 2003 йил 29 июл сонисида “Чаққонлар” рукни остида катта

¹ Фитрат. «Раҳбарнажот». — 1915. — 187-бет.

танқидий мақола эълон қилинган. Унда ёзилишича, “Узинкомцентр” ўзбек ташқи иқтисодий ахборот тижорат маркази, “Дар Ас-Салом” қўшма корхонаси билан ўзаро келишиб, Халқ таълими вазирлиги буюртмасига асосан, 2002 йил октябрь-ноябрь ойларида 2 та ўрта мактаб дарслигини чоп этишган. Натижада давлат корхонасида 825 сўм нарх билан чиқадиган дарслик нодавлат тижорат нашриётида 1241 сўм нарх билан чиққан. Бошқа тафсилотларга тўхталиб ўтирмасдан шундай хулоса қилиш мумкинки, 2 та дарсликнинг ўзидан 228 млн. сўмдан ортиқ бюджет маблағи кўкка совурилди, бошқача айтганда, инсофни унутган олғирлар томонидан ўзлаштирилиб юборилди. Дарсликнинг қимматлигидан норози ота-оналар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Хўш, мана шундай ҳолат юзага келишининг асл сабаби нимада? Энг аввало, ҳалоллик, адолат-инсоф каби халқимиз эъозлайдиган қадриятларни узоқ йиллар давомида кишиларимиз ҳаётига мукамал сингдира олмаганлигимизда, қолаверса, бойликка ружу қўйиш, икки дунё саодатини ўйламай, фақат бугунги кун роҳат-фароғатини устувор, деб билиш, айрим кишилар, ҳаттоки, муттасади раҳбарлар феъл-атвориға сингиб қолганлигидадир. Таъбир жоиз бўлса, бундай салбий иллатни инсон табиатининг азалий қисмати дейиш мумкин. Уни инсон онгу шууридан сиқиб чиқариш ғоят мушкул ҳамда машаққатли ишдир. Зеро, ҳадисларда айтилганидек: “Одам боласи, икки водий тўла мол-дунёси бўлса ҳам, мол-дунё тўла учинчи водийни орзу қилгайдир. Унинг қорнини фақат тупроқ тўйдира олгайдир”¹.

Аммо, ҳадисдаги ушбу фикрга асосланиб фаолиятсизлик ва тушкунлик кайфиятига берилмаслик керак.

Демак, ҳалол тадбиркорлик ҳамда тижорат билан шуғулланмоқчи бўлган кишиларнинг дунёқарашини ўзгартириш, уларда ватанпарварлик ҳиссини юксалтириш ғоят муҳимдир.

Аммо, халқимиз тили билан айтганда, “Ҳолва деган билан оғиз чучимаиди”. Бунинг учун кишиларимизда юксак ахлоқий фазилатлар билан уйғунлашган тадбиркорлик ҳиссини, ижодий ва жисмоний меҳнатга ички бир меҳр ҳамда ихлос билан қарашга масъулият туйғусини мунтазам тарбиялаб бормоқ зарур.

Истиқлол ва маънавият бир-бирига ғоят боғлиқ тушунчалардир. Зеро, маънавий-маърифий тараққиёт ҳам жамият эҳтиёж ва манфатлари маҳсули ҳисобланади. Шу маънода олиб қараганда, мафкура ҳам ижтимоий эҳтиёжларнинг юзага чиқишининг ўзига хос шаклидир. Айни шу эҳтиёжларни маънавий жиҳатдан қондириш учун

¹ *Имом ал-Бухорий*. Ҳадислар султони.— Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998.—38-бет.

хизмат қилувчи мафкура сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий-фалсафий, ба-
дий-диний қарашларнинг муайян тартибга солинган тизимидир.
Худди ана шу тизим бевосита маънавият тушунчаси билан алоқадор.
Бинобарин, жамият маънавий камолоти маданий, маърифий ва маф-
куравий ишларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошади.

Маънавий камолотнинг бу уч муҳим соҳасини бир-биридан аж-
ратиб бўлмайди. Агар маънавий омиллар заиф бўлса, маърифий
ишларни ҳам йўлга қўйиб бўлмайди. Маърифатсиз маънавият ҳам
инсон қалбига сингиб, унинг фаолиятига асос бўла олмайди. Маф-
кура эса маънавий ривожланишга, маърифий-тарбиявий тадбирлар-
нинг кенг қулоч ёйишига асос бўладиган, унга мақсад ва йўналиш
берадиган ижтимоий-сиёсий, миллий ғоя — мақсадлар тизимидир.
Ана шу сабабли ҳам мустақил Ўзбекистонда, ҳозирги даврда мил-
лат, жамият, давлатнинг бирлаштирувчи байроғи бўлган миллий
ғоя ва мафкурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдириш
юзасидан фаоллик билан иш олиб борилмоқда¹.

Ўта муҳим ҳаётий масала ҳисобланган миллий ғоя ва истиқлол
мафкурасини яратиш ҳамда такомиллаштириш масаласи бизнинг бой
тарихимизни, аجدодларимизнинг илмий, маданий меросини чуқур
ўрганишни ҳам талаб этади. Ваҳоланки, миллий мафкурамизга за-
мин, таянч бўлиб хизмат қиладиган фикрлар, қарашлар, ғоялар,
ҳикматлар ўлкамизда куни кеча пайдо бўлган эмас. Минтақамиз
халқларининг маънавият ва маърифати тўғрисидаги қарашлари ва
таълимотларининг пайдо бўлиб, ривожлана бошлаш тарихи бир неча
минг йилликларни ўз ичига олади. Дунёдаги энг қадимий цивили-
зациялардан бири бизнинг минтақада пайдо бўлган.

Бу қадимий ва табаррук тупроқда машҳур алломалар, фозилу
фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиқ-
қан. Диний ва дунёвий билимларнинг асослари мана шу заминда
яратилган, сайқал топган, эрализгача ва ундан кейин қурилган
мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини
йўқотмаган осору атиқаларимиз, қадим-қадимдан, юртимизда деҳ-
қончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсоз-
лик санъати юксак бўлганидан далолат беради.

“Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош
ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхонамиз хазинасида сақ-
ланаётган 20 мингдан зиёд қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих,
адабиёт, санъат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика,
кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб

¹Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (изоҳли кўргазма-
ли воситалар тўплами).— Т.: Янги аср авлоди, 2001.— 18-бет.

асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир, бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади”¹.

Ҳар қандай жамият маънавиятсиз ривожлана олмаганидек, мафкурасиз ва дунёқарашсиз ҳам ривожлана олмайди. Маънавият ва мафкура ўзаро диалектик алоқадорликда бўлади.

Шунингдек, ҳар бир инсонга ўз моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, турмуш маданиятини юксалтириш, ўз қобилияти ва истеъдодини тўла намоён қилиш, эътиқодли ва диёнатли бўлиши учун мафкура лозим.

Мафкура ҳамда унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ҳақида фикр билдирганда, аввало, унинг ўзига хос мезонлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бу хусусда олимларнинг турли хил нуқтаи назарлари бор. Масалан: С.Вафоевнинг фикрича, миллий мафкуранинг негизини етти мезон ташкил этиши мумкин:

Биринчидан, миллатнинг миллий ўз-ўзлигини англаши.

Иккинчидан, миллатимиз генофонди-истеъдод ва ақл манбаи булоқларини уйғотиш.

Учинчидан, ўзбек халқининг дунё тан олган юксак маънавиятининг асоси бўлган одоб-ахлоқ меъёрларини, инсонийлик, меҳроқибат, андиша, инсоф, диёнат, виждон, ҳалол-поклик, кексаларга ҳурмат, раҳм-шафқатни ҳамда миллий руҳиятимизнинг дебочаси бўлган шарқона фазилатлар: вазминлик, камсуқумлик каби бир қанча фазилатларни тиклаш ва янада ривожлантириш.

Тўртинчидан, илм-фан, маърифатга асосланган миллий ғурурни уйғотиш, шакллантириш ва ривожлантириш,

Бешинчидан, бебаҳо миллий, маданий, фалсафий, илмий ҳамда исломий меросимизни, қадриятларимизни чуқур ўрганиш ва ҳар томонлама ривожлантириш, она тилини мукамал билиш учун ҳамда бошқа халқлар тилларининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш.

Олтинчидан, тарихимизнинг турли даврларида ўтган, дунё тан олган, жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган машҳур алломаларимизнинг бебаҳо таълимотларини, ҳикмат ва қароматларини, айниқса, руҳият фалсафасини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш;

Еттинчидан, ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаши, келажаги буюк ўзбек давлатига сўзсиз ишонувчи, унинг гуллаб-яшнаши йўлида, фидойилик кўрсатишга ҳамиша тайёр, эзгуликни инсоний бурч, деб ҳисобловчи, чинакам миллатпарвар ва ватанпарварларни тарбиялашга қаратишдадир. Юқоридаги мезонлар

¹Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд.—Т.: Ўзбекистон. 1999.—132-бет.

тахлилидан келиб чиқиб, шахсда маънавий меросга ихлосни шакллантиришда мафкура масаласига жиддий эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишда ижтимоий ҳаётда содир бўладиган турли сифат ўзгаришларини, иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни тўғри идрок қилиш учун халқнинг ижтимоий тафаккури, миллий онги, маънавий-руҳий ҳолати ҳар томонлама илмий тадқиқ қилиниши зарур.

Миллий мафкура, собиқ мустабид, ақидалаштирилган мафкурадан фарқли ўлароқ, бирон-бир синф, партия, уюшманинг эмас, балки бутун бир жамиятнинг, эл ва юртнинг манфаати, мақсадини ифодалашни, мустақиллик ғоясига хизмат қилмоғи лозим. Унинг мағзини Ватан, миллат, мустақиллик ва мақсад бирлиги ташкил этмоғи лозим.

Халқимизнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ҳамда ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги, жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда, ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик бу борадаги ишларимиз ривожига кенг имкониятлар очди, маънавият тараққиётимизнинг ишончли таянчи ва бош омили бўлди. Бугунги кунда маънавиятга одамлар онги, руҳиятидаги ўзгаришларни, барча ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим гарови сифатида қаралаётганлигининг боиси ҳам ана шунда. Чунки, маънавият шахснинг, инсоннинг, халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг кучи ва қудратидир, тараққиётнинг имкониятлари ва истиқболларини белгиловчи ички инсоний руҳий омилдир.

Шунинг учун ҳам инсоният тарихининг барча даврларида олимлар бу жараённинг ички моҳияти, қонунларини англашга, уларга йўналиш беришга ҳаракат қилганлар. Барча даврлардаги давлатларда таълим-тарбия, маърифий ишлар тизими ҳам шу мақсадлар билан боғланганлиги сир эмас. Таълим-тарбия ишларининг заминиди муайян манфаатлар билан боғланган мақсадлар ётган. Бу мақсадлар тизими ва уларнинг моҳияти давлатлар, турли сиёсий кучлар яратган ва амал қилган мафкурада ифодаланган. Ҳар қандай илғор мафкура ҳам жамият маънавий камолотини, унга замин бўладиган таълим-тарбия ишлари тизимини муайян ижтимоий сиёсий мақсадлар билан боғлашга қаратилган ғоялардан иборат бўлган.

Бу борадаги тадбирлар маънавиятнинг жамият тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган катта омил эканлигини чуқур англашдан келиб чиқади. Шунга кўра, бугунги кунда олдимизда муҳим, ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтган

да, озод, ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир.

Шу ўринда атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов собиқ коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган даврда, Ўзбекистон ҳақида ўзига хос жасорат билан айтган қуйидаги фикрларини келтириш биз фикр юритаётган масалага ойдинлик киритишга имкон беради, деб ўйлаймиз:

“Қадимги Греция Оврупода цивилизация ўчоғи сифатида ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ҳам Марказий Осиёда бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган”¹.

Мазкур фикрга таянган ҳолда, шуни дадил айтиш мумкинки, зотида улкан алломалар бўлган халқ, барибир, вақти келиб, ўз тарихидан ибрат олади, илҳомланади ҳамда мана шунга монанд хатти-ҳаракатлар қилишга, фаолият кўрсатишга шижоат ва жасорат кўрсатишга интилади.

Зотан, миллий маънавиятимиз илдизлари узоқ ўтмишдаги қабил ва халқларимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, урф-одатлари, дунёқарашлари ҳақидаги афсоналар ва динлардан ташқари, қадимий ёзма ёдгорликлар билан тутшиб кетганлиги ҳам айни ҳақиқатдир.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” ва Ўрхун-Энасой ёзувлари ана шундай ёдгорликлар жумласига киради.

Қайси халқнинг маданий тарихи қанчалик қадимий бўлса, ўша халқнинг ахлоқий гўзаллиги, урф-одати, ранг-баранглиги, кўлами кенг таълим-тарбия тизими илдизлари ҳам шунчалик чуқур бўлади.

Эрамиздан аввалги VII—V асрлардаёқ, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини турли туркий халқлар ва қабилаларнинг урф-одатлари, эътиқоди, ижтимоий қарашларини ўзида акс эттирган Ўрхун-Энасой ёзуви, қабр тошларига ўйиб ёзилган тарихий лавҳалар, тошбосмалар халқимиз маънавияти заминига чуқур илдиз отган манбалардан ҳисобланади. Улар туркий тиллар тарихини ўрганишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ўрхун-Энасой ёзма манбаларида Олтойдан Мўғулистонга қадар чўзилган бепоён ерларда яшаган қирғиз, уйғур, ўғуз, манғит ва яна бир қанча халқлар, қабилаларнинг номлари тилга олинади, айрим хоқон ва бекларнинг қилган ишлари, урушда кўрсатган қаҳрамонликлари баён қилинади. Масалан, 732 йилда вафот этган Кул-Тегиннинг қабр тошига “Мен ҳалокатга учраган, қашшоқ халқни бутунлай (оёққа) турғиздим (йиғдим), қашшоқ халқни бой қилдим, оз сонли халқни

¹Иброҳимов А. Биз ким, ўзбеклар.—Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1999.—66-бет.

кўп сонли халққа айлангандим. Менинг сўзларимни бирор ёлғони бўлмас, деб ёзиб қўйилган. “Ўрхун-Энасой” ёдгорликлари ҳақида дастлаб XIX асрнинг биринчи чорагида рус олими Григорий Спасский маълумот беради. 1889 йилда рус сайёҳи ва ёзувчиси Н.М. Ядринцев Мўғулистондаги Қандай водийсида Ўрхун дарёси бўйларида ёдгорликлар топди. Кейинчалик, рус олими С.Е. Маловнинг бу борадаги хизматлари катта бўлди.

Биз юқорида тилга олган “Авесто”, “Ўрхун-Энасой” ёдгорликлари муҳим тарихий ёзма манба бўлиб, у халқимизнинг, аجدларимизнинг бой маданиятларидан дарак беради. Бу хусусда немис тарихчи олими Хардер шундай ёзади: “Овруполик бирорта халқ ўз ёзувини ўзи кашф этган эмас, японлар ёзуви ҳам Осиёдан олинган: Шимолий ва Ғарбий Оврупо маданияти юнон-румо-араб уруғидан униб чиққандир”. Шарқликлар алгебрани дунёга келтирдилар, инсон қўлига табобат сирларини очмоққа калит тутқаздилар. Физиканинг барча бўлимларини шу калит ёрдамида очдилар ва бу калит асрлар давомида амалда қўлланиб келинмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, қадимги юнон, ҳинд, рим, чин донишмандлари қатори, Марказий Осиё алломаларининг фан ва маданият олдидоги улкан хизматларини хорижликлар ҳам эътироф этишади.

Шуни алоҳида эътиборга олиш зарурки, халқимизнинг қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлиги, кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги республика аҳолисига хос хусусиятдир. Мана шу хусусият ўзбек халқининг қадимий урф-одатларига, анъаналарининг бой бўлишига хизмат қилган. Дарвоқе, Ўзбекистон тарихан шундай жой бўлганки, бу ерда кўҳна савдо йўллари (машҳур Буюк ипак йўли), дарёлар, воҳалар, водийлар аҳолининг ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Қўшни давлатлар билан ташқи алоқалар турли маданиятларнинг ўзаро бир-бирини бойитиш жараёнини келтириб чиқарган. Ана шу тариқа, асрлар давомида тўпланган, бойиган маънавий мерос бугунги кунда ҳам ва бундан кейин ҳам тараққиётга хизмат қилади. Маънавият, шундай қимматбаҳо меваки, у инсонга она сути, ота намунаси, аجدлар ўғити билан бирга сингади. Маънавият, ўз халқининг тарихини, маданиятини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида, миллион-миллион кишилар тақдири билан боғланган ҳолда шаклланган.

Бутун жаҳонга машҳур бўлган Имом Бухорий, Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг, ва айни вақтда, қисмати оғир сиймолардир.

Фикримизнинг асосли бўлиши учун қуйидаги мисолни келтирамиз: Ибн Синонинг замондоши, ундан 44 йил олдин туғилиб, 25

йил илгари вафот этган (936-1012) Абдулқосим Халаф Ибн Аббос ал-Захравий ўзининг “Китоб ат-тафиф ли ман ажаза ан-таъриф” асарида 200 дан ортиқ жарроҳлик асбобларининг расмлари ва изоҳлари билан уларнинг қандай ишлатилиши ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумот берган.

Қизиғи шундаки, булар замонавий жарроҳлар ишлатаётган, кашф қилган асбоблар билан деярли бир хил (масалан: эгик ништар). Қарангки, бундан қарийб минг йил аввал кашф этилган, амалда қўлланган ништарни биз яна қайтадан “кашф” этибмиз.

Умуртқа поғонаси сили Персинвал Потти шарафига “Пот” касали, деб аталган. Жарроҳ ал-Захравий эса бу касаллик ҳақида 700 йил илгари ёзганига бир эътибор беринг-а. Н. И. Пироговдан (1866 йил) 850 йил аввал ал-Захравий шундай деб ёзди: “Ичаклар жароҳатини кетгут ипи билан тикилади ва қорин бўшлиғига жойланади”. Ҳа, ал-Захравий ҳозирги пайтда кенг қўлланиладиган кетгутни, яъни ичакдан қилинган ипларни ҳам илк бор ишлатган.

Яна бир оддий ҳақиқатга назар ташлайлик. Француз жарроҳи Брюн 1934 йилда қовуқ ва пешоб чиқариш каналида тош туриб қолганида кузатиладиган белгини ёзганидан кейин бу белги унинг номи билан аталди. Ваҳоланки, бундан қарийб 900 йил аввал буни Ибн Сино етарли шарҳлаб берган. Хўш, нега бу белги Ибн Сино симптоми, деб аталмади. Ёки нега энди фанда, таботатда шунча хизмат кўрсатган ал-Захравий шарафига унинг номи билан кашфиётларидан бирортаси айтилмайди?

Шарқнинг машҳур файласуфи Абу Наср Форобий (870-950) ҳам биргина Аристотелнинг “Метафизика” асарига шарҳлар ёзганининг ўзи ўша даврнинг улкан кашфиёти эди. Ҳатто, Ибн Синодек инсон Аристотелнинг бу асарини бир неча мартаба ўқиб тушунолмасдан, Форобий ёзган шарҳларни ўқиб тушунганлиги ҳам сир эмас-ку. Ҳа, Форобий ҳам йирик энциклопедист олим бўлган. Жаҳон астрономия фанининг тараққиётига беҳисоб ҳисса қўшган даҳо математик, улкан аллома Мирзо Улуғбек ўзининг “Зижи Кўрагоний” асарида 1000 (минг)дан ортиқ юлдузларни таҳлил қилиб ўрганиб чиққан. Ўрта аср шароитида бу изланишга тан бермасликнинг иложи йўқ.

Бугунги кунда Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг илғор, маданий, ижтимоий фалсафий мероси, ундаги умуминсоний, ахлоқий қадриятлар, ҳурфикрлилик ва, айниқса, диний орифлик анъаналарини янада чуқурроқ ва ҳар тарафлама ўрганиш кун тартибига қўйилмоқда. Бинобарин, маънавиятнинг асосида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги туради.

Халқнинг миллий хусусиятлари, унинг турмуш тарзи, уй-рўзғори, одоб-ахлоқи, кийим-кечаги, ейиш-ичиши ва ўзлари яратган моддий-маънавий ва маиший қадриятларида намоён бўлади. “Узоқ

асрлар давомида шаклланиб келган юқори даражадаги маданий замин бўлмаганда, илк феодализм даврида, яъни IX-XII асрларда, бутун Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда фан ва маданият гуркираб ўсиб, жаҳонга Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий каби фаннинг кўп соҳаларини мукамал эгаллаган улуғвор сиймоларни етказиб бериш мумкин эмас эди¹.

Демак, ҳали Ўзбекистоннинг моддий-маданий мероси, маънавияти тўла-тўқис ўрганилмаган, зотан, миллий қадриятларга эҳтиёжи катта.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида моддий-маънавий меросимиз, маънавиятимиз, бой қадриятларимизнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки, маданий, маънавий мерос ҳар қандай миллат, халқнинг улкан хазинасидир. Бу хазина инсонга унинг ҳаётига барқарорлик бағишлайди, фаолиятида шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.

Аждодларимиз асрлар давомида яратган маънавий мерос шу қадар улкан, шу қадар кенг қамровлики, уларнинг умумий хусусиятларинигина таҳлил қилиш, ундан ибрат олиш ва бу меросни ворислик асосида маънавий тизимнинг келгуси ривожи учун асос қилиб олишимиз мумкин.

Аммо, бу маданий бой меросимизни йиллар давомида ўрганиб бориш моҳиятан, ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш жуда кўп меҳнат ва машаққатни талаб этади. Энг муҳими шундаки, маънавиятимизни миллий ва умуминсоний тамойиллар асосида ривожлантиришда, шарқона ахлоқ-одоб, инсофу диёнатни қарор топтиришда бу мерослардан кенг фойдаланиш имкониятлари очилмоқда.

Ўз навбатида, бу маданий ва маънавий меросимиз миллий истиқлол ғояси ҳамда мафқурасини такомиллаштириш жараёнида алоҳида ўрин тутати. Чунки, бу мафқуранинг маънавий асосларини Ватан туйғуси, миллий фидойилик, аждодлар мероси ва руҳиятига эътиқод, илмий дунёқараш, умуминсоний қадриятлар, имон ва ҳалоллик ташкил этиши керак. Зеро, мафқуранинг муҳим вазифаси миллат қиёфасини шакллантиришдир. Бу янгича тафаккур ва ахлоқни қарор топтириш, бой маънавий меросни англаш, билиш, асраш туйғуси миллий мустақиллик дарди билан яшаш демакдир.

Аждодларимиз томонидан яратилган мерос, хусусан, диний ва ахлоқий манбалар — том маънодаги илмий ва маънавий хазинадир. Бинобарин, қадимги маданий меросимиз, анъана ва урф-одатлари-

¹Қараганг: *Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.* — Т.: Фан, 1964. — 18-бет.

миз бўлмаганда, ҳозирги турмуш тарзи ҳам бўлмас эди. Бугунги куннинг қадрига етиш учун одам ўтмишни яхши билиши керак.

Биз ўтмишда халқ манфаати йўлида фидойилик қилган мутафаккир, аллома, санъаткор, уста ҳунарманд, миришкор соҳибкорларнинг, маърифатпарварлар, дин илмининг билимдонлари, уламоларнинг улкан хизматларини қадрлаймиз ва улардан сабоқ оламиз. 30—40-йилларда ўзбек халқининг кўп асрлик маданий мероси, анъана ва урф-одатларини сақлашга ва бойитишга ҳаракат қилган Чўлпон, Фитрат, А.Қодирий, Усмон Носир каби кўплаб таниқли олимлар, адиблар ўтмиш сарқитларига қарши кураш ишлари остида асоссиз равишда қатағон қилинди¹.

Фақат мустақиллик туфайлигина жамиятда адолат, ҳақиқат тикланди, халқнинг бебаҳо маданий мероси яна ўзига қайтди.

Шаклан миллий, мазмунан умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган халқ анъаналари ажодларимизнинг диний ва ахлоқий меросидаги бой манбалар жаҳон маданияти хазинасига кўшилган буюк ҳисса бўлиб ҳисобланади, унинг кўп томонлари маҳаллий қобикдан чиқиб, халқаро аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек халқининг миллий-диний анъаналари, ахлоқий мероси авлоддан-авлодга, бободан-отага, отадан-болага ўтиб келмоқда ва ёшларни тарбиялашда катта ўрин тутмоқда. Зеро, халқимизнинг маданий меросини чуқур билмасдан, миллий ўзликни англаш, миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини такомиллаштириш, миллий ғурур туйғусини қарор топтириш мумкин эмас. Тарихий тажриба шундан далолат берадики, ўтмиш маънавий меросини ўзига сингдирмаган, ажодлар меросини қадрлай олмаган миллатнинг эътиқоди суст, ғояси ноаниқ бўлади². Маълум маънода, ажодлар мероси унга ворисликни теран англаш, ҳар бир миллат ёки халқнинг келажагини аниқ белгилаб олиш имконини ҳам беради.

Улуғ маърифатпарвар М.Беҳбудий “Мозий — истиқболнинг таъризи”³, деб бекорга таъкидламаган эди. Мана шу хусусиятларга кўра, ажодлар меросини ўрганиш давр тақозоси, ижтимоий эҳтиёж сифатида намоён бўлмоқда.

Шу билан бир қаторда, мустақил давлатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бораётган бир шароитда айрим ёшларимиз онгида, хатти-ҳаракатларида салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда⁴.

¹Қаранг: *Жанлиев Т.* Анъаналар — ҳаёт сабоғи.— Т.: Ўзбекистон, 1992.—3—4-бетлар.

²Қаранг: *Назаров М., Тоҳиров О.* Маънавият — ибрат.— Т.: Минҳож, 2000. 4-бет.

³Шарқ юлдузи.—1992.— №10.—173-бет.

⁴Қаранг: Истиқлол йиллари: Миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши.— Т., 2002.—32-бет.

Уларни бартараф қилиш учун эса, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги вазифалар билан бирга, мафкуравий жараёнлардаги вазифаларни қатъият билан ёшларимизнинг онги, қалбига синдириб, миллий истиқдол мафкурасининг асосий тушунча ва тамойилларини уларнинг ҳаракат дастурларига айлантириш зарур. Зотан, азал-азалдан аждодлар меросининг ғоявий негизи — шахс тарбияси, унинг маънавий эҳтиёжларига даъвогар бўлган оилаларни ўрганишдан иборат бўлиб келган. Ушбу муаммо ҳозирда ҳам жамиятимизда олиб борилаётган сиёсатда энг муҳим масалалар қаторидан ўрин олиб келмоқда. Аждодларимизнинг яратувчанлиги шахс манфаатларига қаратилган бўлса, айна вақтда, мустақил давлатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг ҳам инсон келажаги учун хизмат қилиши кўзда тутилган¹.

Демак, замонавий таълим-тарбия тизими ва миллий, диний ҳамда ахлоқий мерос асосидаги ғоявий уйғунлик — аждодлар меросини ўрганишнинг амалий аҳамиятини асослаб беради.

Собиқ Иттифоқ мафкурасининг таназзулга маҳкум томонларидан бири шунда эдики, у муайян миллатнинг маънавий мероси, диний-ахлоқий қарашларини ўрганишга бўлган ҳар қандай уринишни “миллатчилик” ва ёки “нигилизм” тамғасини қўйиш билан қоралар, айниқса, диний-ахлоқий меросни ўрганишни қатъиян ман қилиб, динни “афюн”, деб эълон қилган эди ва бу мафкурадан манфаатдор кучлар коммунистик сохта ақидани зўрлаб онгимизга сингдирар эди.

Аслида эса ўтмишни идеаллаштириш ёки ўтмишдаги адолатли ижтимоий тенглик, маънавий поклик замонларига қайтиш — инқилобий халқ ҳаракатларининг кўпчилигига хос хусусият эканлигига барчамиз шохидмиз.

Ўтмишдаги яхши замонларга қайтишни орзу қилиш, аслида, янгиланишга бўлган эҳтиёжнинг оқибатидир. Бу муайян даражада тарихий тараққиётнинг бурилиш паллаларига хос қонуний жараёндир².

Ғарб уйғониш даврида ва кейинги даврлардаги халқ ҳаракатларида ҳам ўтмишга қайтиш талабларини кўриш мумкин.

Инглиз олими Гильберт Мубрей халқ ҳаракатларининг мана шу хусусиятини таъкидлаб, “янгиликнинг ўзини ўтмиш, деб таништириш барча буюк ҳаракатларда у ёки бу даражада намоён бўлади. Реформация тарафдорлари Библия (Таврот) замонида қайтишни, Олий черков ҳаракати илк черковлар даврига қайтишни тарғиб қилган. Ҳатто, ўтмишдаги энг буюк узилиш жараёни бўлган Француз ин-

¹ Мирзаева М. Ёшлар ва миллий мерос // Мулоқот.—2001.—№6.—26—27-бет.

² Қ а р а н г: Жакбаров М. IX—XII аср Мовароуннаҳр фалсафий фикрида ижтимоий идеал ва комил инсон муаммоси: Фалсафа фанлари д-ри ...дис. Т., 2000.—50-бет.

қилоби ҳам қадимги Римдаги республика даври фазилатларига ёки инсон ахлоқининг ибтидоий табиий даврларига қайтишга даъват қилган эди”¹, — деб ёзади.

Модомики, ўтмишдаги, хусусан, миллий тараққиётимиздаги яхши замонларга қайтишни орзу қилиш, диний ва ахлоқий меросимиздаги ворисийликни чуқур ҳис қилиш жамиятимиздаги янгилашнишларга бўлган эҳтиёжнинг оқибати экан, у ҳолда, динни маънавий меросимиз, миллий маънавиятимиз таркибий қисми сифатида ҳамда миллий истиқлол ғояси ҳамда мафкурасини такомиллаштиришнинг асосий омили сифатида ўрганиш зарурияти ҳам юзага келади.

Зеро, ўрта асрлар маънавий тараққиёти ҳозирги мусулмон халқлари тафаккурида ҳам, айрим Ғарб олимлари қарашларида ҳам ислом мафкурасининг инсонпарварлик, бағрикенглик, универсализм, барча халқларга ва ижтимоий ҳодисаларга, инсонни қадрлаш, яхшилик ва эзгуликни ҳимоя қилиш мезони сифатида ёндашувнинг, туси, дини, тили ва ирқи турлича бўлган халқларнинг ҳамжиҳатлиги ва ўзаро ҳамкорлигида ўзининг ёрқин ифодасини топган².

Бу хусусда Адам Мецнинг “Мусулмон ренессанси” китобида баътафсил гап боради ва жуда кўп далиллар келтирилган. Муаллифнинг ёзишича: “Мусулмон империяси (Араб халифалиги билан христиан динининг якка ҳукмронлиги остидаги ўрта асрлар Оврүпоси) ўртасидаги асосий фарқ жуда кўп сонли ғайриисломий халқларнинг мусулмонлар билан бирга яшашларида эди”³.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳатто, ўша замонларда ҳам, бизнинг даврдаги каби, инсоният тафаккури тараққиёти, фан-маданият ривожланиши йўлидаги асосий тўсиқ шўролар ўйлаганча диний таълимотлар эмас, балки, ақидапарастлик, мутаассиблик, оламни схоластик идрок этиш усулига асосланган дунёқарашдан иборат эди.

Динни ниқоб қилиб олиб, амалда, унинг эзгу ғояларидан жамиятда фисқу фасод, жаҳолат, хунрезликлар қилиш мақсадида фойдаланишга уринган айрим “билимдон” диндорларнинг жамиятга нақадар зарар келтириши хусусида XII асрда яшаб ўтган Ўрта Осиё фикҳ мактабининг етук сиймоси Бурҳонуддин ал-Марғиноний ўз шогирдларига ёзган тўрт қатор шеърда шундай ёзади:

Ахлоқсиз олим катта фасоддир
Тарки дунё қилган жоҳил ундан ҳам ёмон.

¹Қаранг: *Радхакришинан С.* Индийская философия.— М., 1956.— С. 34.

²Қаранг: *Жакбаров М.* IX—XII аср Мовароуннаҳр фалсафий фикрида ижтимоий идеал ва комил инсон муаммоси: Фалсафа фанлари д-ри ...дис. Т., 2000.— 50-бет.

³*Мец А.* Мусульманский ренессанс.— М., 1977.— С. 39.

Булар икки дунё кушандасидир
Ким улар ўртасида диндан топгайдир омон¹.

Демак, кимки олимлик даражасига муяссар бўлса-ю ўзи мунофиқ, ахлоқсиз, одамлар орасида ёмонлик, фасод тарқатиб юришни, ихтилофлар чиқариб, уларнинг ўртасида бир-бирига адоват қўзғатишни касб қилиб олган бўлса, бундай олим мусулмонлар учун ҳам, жамият учун ҳам, дин учун ҳам катта зарардир. Ўзи илмсиз жоҳил, лекин, дин рухсат этган неъматлардан баҳраманд бўлишдан беасос қайтарувчи зоҳидлар ундан ҳам ёмон. Бу икки тоифа одамларнинг амаллари икки дунё саодатининг ҳам кушандасидир. Бундай одамларга билиб ёки билмай эргашган кимсалар бу дунёда ҳам на обрў, на эҳтиром ва на эътибор топадилар, охират саодатларига путур етказиб ноумид қоладилар. Бас, шундай экан, бундай кимсалар бор замонда яшовчи ҳамзамондошлар икки дунё саодатига муяссар бўлиш учун ўз динларини маҳкам тутсинлар. Бунинг учун ўз динларини ўргансинлар, билсинлар, ҳар қандай ноқобил “алломаларга” эргашмасинлар, шундагина икки дунё саодатига муяссар бўлсалар шояд². Алломанинг мана шу фикрларининг ўзиёқ, динга, диний ахлоқий меросга муносабатда алоҳида масъулият билан ёндошиш зарурлигини англаб, жамиятдаги мавжуд ғоялар тизими, мафкуравий жараёнлар билан унинг алоқадорлигини ҳам маълум маънода асослаб беради.

Масалага мана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ҳозирги мустақиллик, миллий уйғониш даврида ҳам узоқ йиллар ҳукмронлик қилган коммунистик мафкура ақидалари диний ва миллий, инсоний қадриятларимизни тиклашга ҳамон тўсиқ бўлиб келаётганини теранроқ англаб оламиз.

Чунки, кўп йиллар давомида кишиларимизнинг онги-шуурига сингдирилган дин ҳақидаги нотўғри тасаввурлар, собиқ иттифоқ мафкурасининг тазйиқи остида ҳосил қилинган сунъий кўникма ва малакалар диний ахлоқий қадриятларни ўрганишга бўлган табиий эҳтиёжни қондиришга изн бермаслик, даҳрийликка мажбуран одатлантиришга олиб келди.

Одатланиш эса инсон табиатига жуда кучли таъсир кўрсатади. А.Навоий ёзганидек:

Табиатга ҳар неки одат бўлур.
Чу эскирди, одат табиат булур!³

¹ *Одил Қориев*. Ал-Марғиноний — машҳур фикҳшунос. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. — 29-бет.

² Қаранг: *Одил Қориев*. Ал-Марғиноний — машҳур фикҳшунос. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. — 29—30-бетлар.

³ *Навоий А.* Ҳикматлар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. — 62-бет.

Шунинг учун ҳам Ғарб ва Шарқда энг оқил, фозил одамлар динга, имонга қарши эмас, балки, ақидапарастлик ва мутаассибликка қарши курашган эдилар. Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкин: дунёвийлик, айрим ақидапараст кимсаларнинг даъволарича, асло даҳрийлик эмас.

Бу хусусда Юртбошимиз И.А. Каримов ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён қилган эди: “Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келаяпти, деб сўрашса, бу — аввало, муқаддас динимиз ҳисобидан, — деб жавоб берган бўлур эдим. Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик. Бинобарин, ислом дини ҳаётимизнинг туб замирига чуқур сингиб кетган. Бу — инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, миллий истиқлол мафкурасида муқаддас динимизнинг моҳияти, унинг инсонпарварлик ғоялари, динга соғлом муносабат масалалари ҳам ўзининг оқилона ифодасини топиши зарур”¹.

Бир сўз билан айтганда, диний-ахлоқий меросга ихлосмандлик, унга ворислик ҳиссини чуқур англаш, барча соҳаларда “етти ўлчаб бир кесиш”, оқилона фаолият юритиш бизнинг кундалик эҳтиёжimizга айланмоғи керак. Ақл билан иш кўрмаслик эса миллатнинг тарихан яратилган маънавий бойликларининг тақдирини нохуш ҳолатга олиб келади ва қадрсизлантиради. Бу эса диний-ахлоқий тамойиллардан бири бўлган инсонпарварликнинг емирилишига олиб келади. Оқибат натижада, жамиятда ижтимоий манфаатлар билан миллий қадриятсизликлар ўртасида чуқур жарлик вужудга келади. Қадриятлар емирилишининг ижтимоий тус олиши шу миллатнинг фақат маънавий қашшоқланишига олиб келмасдан, моддий қашшоқланишига ҳам олиб келади, жамиятда ишонч сусаяди, ишончнинг сусайиши эса эътиқодни йўқотади. Натижада, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-шафқат тушунчалари инсоний ҳиссиётдан узоқлаштирилади².

Бу хусусда бизнинг халқимиз ва миллатимиз тарихида аччиқ сабоқлар борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Эндиликда эса биз дунёни янги кўз билан кўриш, уни янгича тафаккур билан идрок этиш жараёнлари ичра улғайиб бораёпмиз. Бугун йўқотилган барча қадриятларни, бой берилган маданий ва маънавий бойликларни қайтадан тўплаш қадимий Турон замин анъ-

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсидимиз. 8-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 503—504-бетлар.

² Бойтўраев Т. Д. Инсонпарварлик ва маънавий қадрият ҳақида баъзи мулоҳазалар. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар соҳаларининг муҳим масалалари. Олий ўқув юртлари илмий ишлар тўплами. — Т., 2000. — 65-бет.

аналарини, ўз миллий қиёфаси билан жаҳон халқлари сафида муносиб ўрин олишдек гоят мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошироқдамиз. Зиммамизда йиллар давомида йўл қўйилган улкан хатолар ва келажак олдидаги қарздорликнинг залворли юки бор. Бироқ, буюк аجدодларимиз қолдирган меросини қайта тиклаш, ўзлигимиз, инсоний ҳис-туйғуларимизни, шаънимиз ва ориятимизни ҳимоя қилишга, уни ҳамиша баланд тутишга имконият туғилганининг ўзи барча машаққатлардан устунроқдир. Ана шу имкониятнинг ўзиёқ кишига беқиёс куч-ғайрат, қудрат ва журъат бахш этади. Халқимиз миллат сифатидаги беқиёс қадриятларини, асрлар мобайнида шаклланган маънавий руҳий бойликларни қанчалик чуқур англаса, миллий уйғониш ҳисси шунчалик кучаяди. Қалбдан миллат, Ватан, аجدодлар олдидаги бурч туйғулари қанчалик чуқур жой олган бўлса, ўзлигини англашга, ўз миллий қадриятларини тиклашга шунчалик кўпроқ эҳтиёж сезамиз.

2-§. МАНФААТЛАР ТИЗИМИДА ИХЛОС ВА ИХЛОСМАНДЛИКНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИКЛИГИ ВА ШАҲС ТАРБИЯСИ

Инсон ва жамият ўртасидаги кўп қиррали ва сермазмун муносабатлар тизимини ҳар томонлама ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиб боровчи манфаатлар муштараклиги қамраб олади. Негаки, киши ўз ҳаётининг энг муҳим омили бўлган меҳнат жараёнига киришар экан, бунда унинг мақсади фақатгина иш кучи бўлиб, меҳнати учун ҳақ олиши билан кифояланиш эмас, балки, айтиш пайтда, меҳнат фаолияти туфайли жамиятдаги мавжуд маънавий, ахлоқий, сиёсий, мафкуравий рағбатланишлик муносабатларида қатнашиш ҳамдир.

Бир сўз билан айтганда, кишилар миллатлар, халқлар ҳаётини, хатти-ҳаракатини, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, феъл-атворини ҳам манфаатлар бошқаради. Шу маънода олиб қараганда, кишида муайян касб-кор ва фаолиятга ихлос ва ихлосмандликнинг юзага келишига ҳам манфаатлар бевосита таъсир ўтказиши.

“Манфаатлар, — деб ёзади рус олими А.Г. Здравомыслов, — эҳтиёжлар каби ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос бир тури бўлиб, улар, ўз-ўзларича мавҳум ҳолда, шахслардан ташқарида, ижтимоий гуруҳ, синфлар ва қутқарувчи сифатий бошқа кучлардан холи равишда яшамайдилар”¹.

Бундай манфаатлар шаклига кўра кўзга ташланади ва манфаат каби бирор-бир объектга йўналтирилганлиги маълум бўлади. Манфаатнинг объектлари сифатида моддий ва маънавий қадриятлар,

¹Здравомыслов А. Г. Потребности, интересы, ценности.— М.: Политиздат, 1986.— С. 13—14.

ижтимоий институтлар, ижтимоий муносабатлар ва ўрнашиб қолган расм-русумлар, тартиботларни кўришимиз мумкин.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, аксарият ҳолларда, эҳтиёж ва манфаатлар тушунчаси бир қилиб олинади, тушунилади ва ишлатилади. Бундай ўлчов муайян маънода табиий ва тўғри ҳам. Негаки, эҳтиёж ва манфаатлар, аслида, бир-бирлари билан боғлиқ.

Бу категория, тушунчаларни нисбатан кенгроқ, атрофлича, моҳиятан англаб олиш учун уларни бир-биридан ажратиб, алоҳида тушунчалар сифатида ўрганилади.

Шунга кўра, “Эҳтиёж” тушунчаси организм, инсон шахси, ижтимоий гуруҳлар, умуман, уларнинг ҳаётий фаолиятини қўллаб-қувватлаш заруриятига муҳтожлик сезиш бўлса, “манфаат” ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос тури бўлиб, айрим инсоннинг, инсон гуруҳларининг, жамиятда рўй берадиган ҳодиса ва омилларда иштирок этиш натижасида вужудга келадиган ютуқ ва фойдани ифодалайди; у бошқа инсонларнинг ютуқ ва фойдаси ҳисобига юз беради¹.

Ҳаётда манфаатлар, эҳтиёжлардан кўра, ижтимоийроқ бўлиб, фаол тарзда амал қилади. Манфаатлар мундарижасида жамиятда шакланган ижтимоий номутаносиблик, мулкый тенгсизлик яққол ифодаланади. Манфаатларнинг ижтимоий жараёнларга таъсир этувчи, хусусан шахс маънавий қиёфаси, унинг эътиқоди, маслағи, урф-одатларга муносабати, маънавият ва қадриятларга, миллий-маънавий меросга ихлосининг у ёки бу даражада шаклланишига, айрим ҳолларда, муайян ихлосдан қайтишига сабаб бўлувчи моддий омиллари ҳам кўзга ташланиб қолади.

Мана шу ҳолат, маълум маънода, субъектларнинг жамиятдаги эгаллаган ўрни уларнинг ижтимоий нуфузи ва мавқеининг қай даражада эканлигини ҳам англатади.

Жумладан, кўпинча, жамият ҳаётида вақтинчалик юзага келган иқтисодий қийинчиликларга дош беролмаган айрим касб эгалари, хусусан, ўқитувчилар, врачлар, олий маълумотли (инженерлар) муҳандислар, ҳаттоки олимлар орасида ҳам ўз касбидан ихлоси қайтиш, моддий жиҳатдан кўпроқ даромад келтирувчи соҳаларга ўзини уриш ҳолатлари кузатилмоқда. Юзаки қараганда, бу табиий жараёндек кўринади ва биз осонгина “тирикчиликнинг айби йўқ”, деган ибора билан бундай ҳолатни оқлаймиз ҳам.

Агар масаланинг моҳиятига чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, фақат моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар эмас, кўпроқ, англалмаган, тўғрироғи, англашни онгли равишда истамаган ҳою ҳавас

¹Қосимов И. Бозор иқтисодиётига утиш шароитида эҳтиёж ва манфаатларни шакллантириш муаммолари. Фалсафа фанлари номзоди дис. ... автореф.—Т.: 1999.—13—14-бетлар.

ва эҳтиёжлар кишининг (албатта, барчани эмас) ўз касби ва танлаган фаолиятдан ихлосининг қайтишига сабаб бўлаётганлигини гувоҳи бўламиз. Бунинг замирида эса ўз касб-корига қўйилган ихлоснинг мустақкам эмаслиги, бойлик, моддий имтиёзларга интилиш ҳиссининг кучлилиги каби сабаблар туради. Айни мана шу сабаблар кишининг маънавий дунёсини бузади халқимизнинг асрлардан буён амал қилиб келаётган ихлосмандлик анъаналарига рахна солади.

Диний илмлар соҳиби, ислом ҳидоят йўлининг машҳур тарғиботчиси Сўфи Оллоёр ёзганидек:

Кишининг матлаби сийм бўлса ё зар
Халилнинг отаси ҳам бўлса, озар.

Агар бировнинг орзуси сийму зар бўлиб, Оллоҳ таолони истама-са, гарчи, у Халилуллоҳнинг отаси Озар бўлсада, йўлдан чиқади¹.

Бундай ижтимоий маънодаги ихлосмандликнинг юзага келишининг объектив сабаблари мавжуд эканлигини ҳам унутмаслик керак. Зеро, манфаат тушунчасининг, моҳияти сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий мақсадлар билан боғлиқ бўлибгина қолмай, конкрет тарихий шароитлар билан ҳам белгиланади. Турли даврларда, реал шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда, манфаатларнинг у ёки бу томонлари яққолроқ ажралди.

Буларга боғлиқ ҳолда манфаатнинг тузилиши ҳам ўзгариб борди. Инсон манфаати асосида киши меҳнатининг ўз қадр-қимматини топиши туради. Маълумки, собиқ шўролар даврида меҳнат ўз қадрини топмади. Мустабидчиликка асосланган у тузумнинг қизиқиши меҳнат маҳсулига қаратилган бўлиб, шу меҳнатни яратган, меҳнат маҳсулидан манфаатдор бўлган меҳнаткаш эса унутилган эди. Ўз ерининг ҳосилини, ер ости бойликларини сув-текинга бергани етмаганидек, ўзбек халқи меҳнати ҳам ўз муносиб ўрнини ва баҳосини топмади. Инсон меҳнатининг ҳақиқий қадр-қиммати, унинг муҳофазаси, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, рўёбга чиқди. Юқоридаги сабаблар ҳам ихлос ва ихлосмандликнинг маънавий заминларининг узоқ йиллар давомида ич-ичидан дарз кетишига олиб келганлиги айни ҳақиқатдир. Биз кўрсатиб ўтган омиллар сабабми, сўнгги йилларда манфаатлар муаммосига иқтисодчилар, руҳиятшунослар, ижтимоий фаннинг кўпгина бошқа соҳаси вақиллари ҳам алоҳида қизиқиш билан қарамоқдалар.

Мазкур мавзуга бағишланган илмий талқиқотларда турли ёндашиш мавжудлигига қарамасдан, манфаатлар муаммоси моҳиятини ўрганишда инсоншуносларимиз яқдил нуқтаи назарга эга бўлиб бормоқдалар. Манфаатлар жамият — шахс ўртасида, шахс ва ижтимоий

¹«Рисолати Азиза» — «Сабот-ул Ожизин» шаҳри. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. — 119-бет.

гуруҳлар орасида шаклланадиган объектив муносабатларнинг муҳим ижтимоий ҳолати, деб тан олинган нуқтаи назар сўнгги йилларда кенг тарқалди. Ушбу муаммо таҳлилига қаратилган илмий тадқиқотларни синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, ўтган асрнинг 90-йиллар ўрталаридан бугунги кунга қадар, манфаатлар муаммосининг табиати, таснифида тўрт нуқтаи назар мавжуд:

1. Манфаатлар — ўта субъектив бўлиб, маънавий ҳодисалик хусусиятига эга.

2. Манфаатлар — фақат объектив ҳодиса бўлиб, субъективлик манфаатлар тизимига тааллуқли эмас.

3. Манфаатлар — объектив ва субъективлик бирлигини ташкил қилади.

4. Манфаатларнинг икки тури: объектив ва субъектив кўринишлари тан олинади¹.

Юқорида келтирилган тасниф, маълум маънода, шартли бўлиб, у ёки бу тасниф гуруҳига киритилган нуқтаи назарларда манфаатлар муаммосидаги объективлиги ва субъективлик меъёри устида мунозарали баҳс борлиги аён.

Ана шундай баҳслардан бири ихлос ва ихлосмандлик анъаналарининг манфаатлар тизими билан қай даражада боғлиқлигини назарий тадқиқ қилиш услубиятини аниқлаш билан боғлиқ.

Фикримизни изоҳлашдан олдин ригалик олим М.Ф. Бединнинг қуйидаги характерли қарашларига эътиборни қаратмоқчимиз: “манфаат бу субъектив шартланган эҳтиёжларнинг йўналиши бўлиб, унинг фаолияти реал мавжуд бўлган объектив ва субъектив предметларни эгаллашга қаратилганлигидадир”².

Демак, манфаат бу субъект фаолияти орқали рўёбга чиқадиган қизиқишлар мажмуидир. Айти пайтда, у фаолият субъектининг туб мазмунини ташкил қилади ва шу фаолият туфайли субъективлик объективликка ўсиб боради. Манфаат, бу — барча соҳадаги субъектив яккалик дақиқаси ва фаолияти сифатида юзага келади. Шу боис, манфаатларни четлаб туриб, ҳеч нарса амалга ошмайди. Модомики, манфаатсиз на моддий ва на маънавий интилишлар на бир жарёнга қизиқиш ва ихлос пайдо бўлмайди. Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда биз манфаат категориясига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Манфаат инсон амалий фаолиятига йўналиш бахш этувчи, ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос тури бўлиб, ўзининг табиатига

¹Қаранг: *Иминов Б. К.* Манфаатлар тушунчаси таҳлили. «Миллий истиқлол ғояси ва Ўзбекистонда фан истиқболлари». Илмий-амалий анжуман материаллари. — Андижон: Ҳаёт, 2001. — 23—24-бетлар.

²Қаранг: *Бедин М. Ф.* Бытие человека, деятельность и смысл. — Рига, 1997. — С. 84.

кўра айрим инсоннинг, инсон гуруҳларининг жамиятда рўй берадиган ҳодиса ва омилларда иштирок этиш натижасида вужудга келадиган муайян ютуқ ва фойдани ўзида мужассамлаштиради. Манфаатдаги белгилловчи омил моддий ёки маънавий-жисмоний ёки руҳий “фойда”, “наф” кўришдир. Манфаат тушунчаси моҳият эътибори билан мураккаб бўлиб, у шахсий, гуруҳий, жамоавий, қариндош-уруғчилик, миллий, ҳудудий томонларни ўзида акс эттиради. Манфаат шахсга хос муаммолардан тортиб, то жаҳон цивилизациясининг тараққиётига қадар муаммоларни қамраб олади. Инсон манфаати узвий равишда шахсий, этник, миллий, ижтимоий, диний ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирганлиги боис ихлос, ихлосмандлик туйғулари билан шахс амалий фаолияти, қизиқиши, интилишларини уйғунлаштиришда ҳам таъсирчан омил ҳисобланади.

Шунингдек, манфаатлар тизимидаги устувор йўналиш асосини иқтисодий манфаат ташкил этади.

Рассомлар, шоирлар, мафкурачи сиёсатчилар, дин арбоблари файласуфлар — барча кишилар нон-тузга ҳамда ўз фаолиятини йўлга қўйиш учун моддий воситаларга эҳтиёж сезади. Ўз ўрнида, юқорида тилга олинган соҳалар унинг ўзига хос бўлган манфаатлар тизimini ҳам юзага келтиради. Иқтисодий манфаатлар шу тарзда ижтимоийга, иқтисодий-ижтимоий манфаатлар сиёсийга, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий манфаатлар маънавий манфаатларга ўтиб боради.

Бинобарин, манфаат инсон эҳтиёжларини қондириш мумкин бўлган ёки қондиришга хизмат қилувчи предмет, воқеа ва жараёнларга йўналтирилган ҳис-туйғу, фикр ва амалий фаолиятнинг ўзига хос шаклидир. Шу боис ҳам, манфаатлар тизимида муайян ҳодисага, жараёнга, гоё ёки маслакка нисбатан ихлоснинг шаклланиши шахснинг ана шу ихлосга табиий эҳтиёжининг юзага келиши ундан наф кўриши асосидагина рўй беради.

Манфаат тушунчасининг моҳияти ҳам айнан шуни англатади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да манфаат тушунчасига шундай таъриф берилган: “манфаат сўзи арабча бўлиб, моддий ёки маънавий, жисмоний ёки руҳий фойда, “наф”ни билдиради.”¹

Манфаатлар тушунчасини таҳлил қилар эканмиз, назаримизда, манфаатлар, субъективлар ҳолати ва хусусиятларига боғлиқ тарзда, улар ўртасидаги ва ижтимоий амалиётда содир бўладиган муносабатдир, деган фикрда тўхталсак, тўғри бўлади, деб ўйлаймиз. Зеро, манфаат тушунчаси, аввало, объект ва субъект орасидаги муносабатларда шаклланади.

Қизиғи шундаки, XVIII аср француз файласуфлари манфаат орқали ижтимоий ҳаётни тушунтиришга ҳаракат қилганлар.

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати.— I-жилд.— М.: Рус тили, 1981.—446-бет.

Улар инсонларнинг манфаатларини улуғлаб, унда одоб-ахлоқнинг, сиёсатнинг ижтимоий тузумнинг асосини оддий ва индивидуал манфаатлар туйғусидан иборат, деб нотўғри таҳлил қилганлар. Гегель манфаатни иштиёқнинг мазмуни, деб ҳисоблайди¹. Уни қондириш учун субъектнинг фаолияти йўналтирилиши керак. Фаолият, унингча, субъектнинг асосий белгиси бўлиб, у орқали объектнинг объективликка ўтиши содир бўлади. Демак, манфаат муайян объектив иш орқали ўз ниҳоясига етади. Аммо, манфаатлар чегараси ва тугал нуқтаси йўқ. Чунки, бир манфаат дастлаб шахсий манфаатдорликда намоён бўлса, иккинчи бир ҳолатда унинг мазмун-моҳияти кенгайиб, ижтимоий мавқеи ортиб, оилавий, жамоавий, миллий давлат ҳамда жамият манфаатларида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Бугунги кунда, жамиятимиз ҳаётида амалга оширилаётган иш-хотлар моҳияти миллий манфаатлар устуворлиги асосига қурилаётганлигини таъкидлаш билан бир қаторда, асло у миллий маҳдудликка, худбинликка ва ҳаётга ҳисоб-китоб билан қарашга асосланмаганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур.

Чунки, биз такомиллаштириб, кишиларимиз онги ва қалбига синдиришга ҳаракат қилаётган миллий ғоямиз ҳам умуминсоний тамойилларни, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассамлаштиргандир. Ана шунинг учун ҳам миллий манфаат заминида унинг устуворлигида шаклланаётган миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурага кишиларимиз ишончини мустаҳкамлаш, унинг пухта асоси бўлган маданий меросимизга чуқур эҳтиром билан қарашга ёшларимизни ўргатиш бугунги кунимизнинг энг долзарб вазифаларидандир.

Демак, миллий истиқлол ғоясида ихлос мезонлари, кишиларимизнинг яхши амаллар, эзгу ишларга ихлосмандлик тамойилларига эътиқодини кучайтириш билан бирга, миллий манфаатлар уйғунлигини таъминлаш имконияти ҳам юзага келади.

Миллий манфаат ҳам, миллат ва давлат бор экан, манфаатлар тизимида доимо ўз долзарблигини йўқотмайди.

Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бу муаммони ўрганиш сиёсий жиҳатдан ҳам фаоллашди. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда: “Республикани ҳақиқатан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқининг азалий турмуш тарзи анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларни ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди”².

¹Қаранг: Гегель Ф. В. Энциклопедия философских наук.—Т. 3.—М., 1977.—С. 321.

²Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд.—Т.: Ўзбекистон, 1999.—214-бет.

Мана шу фикрга аосланган ҳолда, миллий манфаатга қуйидаги-ча таъриф бериш мумкин. Миллий манфаат — муайян халқ таркибини ташкил этувчиларнинг, барча миллатларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий мақсадларини ифодаловчи ва конкрет тарихий шароитда ўзини намоён этувчи ижтимоий-фойдали мақсад, муддао, интилишлар мажмуидир.

Миллий манфаатларда ва, умуман, манфаатлар тизимида, ихлос ва ихлосмандлик масаласини тадқиқ этаётганда, яна бир масалани ҳам назардан қочирмаслик керак.

У ҳам бўлса, манфаатлар типологияси айрим муаллифлар ва тадқиқотчилар томонидан чалкаштирилиб юборилаётганлиги, яъни манфаатлар орасидаги умумийлик ва хусусийликка хос меъёрлар бузилаётганлиги билан боғлиқ.

Манфаатлар муаммоси таҳлилига боғишланган адабиётларда бу тушунчани ифодаловчи субъектлар асосан — шахс, оила, маҳалла, жамоа, миллат, давлат манфаатлари иборалари билан белгиланиб келинган.

Манфаатлар ижтимоий муносабатлар моҳиятига қараб эса, иқтисодий манфаатлар, ижтимоий манфаатлар, маънавий манфаатлар, сиёсий манфаатлар каби атамалар билан боғланган. Намоён бўлиш шакли ва мазмунига кўра ҳам манфаатлар таснифланган.

Шу ўринда, ҳақиқий манфаатлар ва сохта манфаатлар, туб манфаатлар ва ўткинчи манфаатлар, ҳудудий манфаатлар ва минтақа манфаатларини келтириш мумкин¹.

Шу ўринда ушбу муаммони муайян мақсадларда илмий тадқиқ қилган айрим муаллифлар, ўз олдига қўйган илмий изланиш вазифаларидан келиб чиқиб, манфаатлар типологиясининг умумийлик ва хусусийликка хос чегараларини чалкаштириб юборганлигини таъкидлаш жоиз.

Бунинг оқибатида, тушунчалар таърифида атамалар мазмунида маълум тушунмовчилик ва чигалликлар келиб чиққан. Муайян манфаат турларига турлича таъриф ва тасниф берилиши натижасида бир хил манфаатларга икки хил, баъзан, бундан ҳам кўп атамалар қўлланилган. Масалан, “иқтисодий манфаатлар”ни “моддий манфаатлар” билан бир, деб талқин этилган. Айрим ҳолларда эса ижтимоий манфаатлар тушунчаси таркибида манфаатларнинг барча турлари ҳаракатини кўришган. Баъзи тадқиқотларда “маънавий манфаатлар” тушунчаси таркибига руҳият, сиёсат, нафосат, ахлоқ ва ижтимоий соҳаларга хос манфаатларни киритганлар.

¹Қаранг: Миллий истиқлол ғояси ва Ўзбекистонда фан истиқболлари.— Андижон: Ҳаёт, 2001.—24-бет. Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий амалий анжуман материаллари.— Андижон: 2001.

Бундай нуқтаи назар, муайян маънода, тўғри. Бироқ, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва маънавий-сиёсий тараққиёт таъсирида манфаат турлари ўртасида ўзаро боғлиқлик сақланиб қолади. Уларнинг ҳар бир шакли, мазмунан, алоҳида маънога эга бўлган тарзда намоён бўлади ва ривожланади¹.

Манфаатларнинг субъектлар фаолиятида ҳам ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида иқтисодий манфаатлар инсон ҳаракати ва фаолиятининг объектив моддий асосини ташкил қилади. Худди шу муносабатлар замирида ижтимоий соҳанинг жамиятдаги ғоя ва мафкуравий жараёнлар билан узвий алоқадорлиги таъминланади.

Бинобарин, аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси мамлакатнинг фақат иқтисодий тараққиёт даражаси билангина эмас, балки ижтимоий соҳалар тараққиёти, миллий ғоя ва мафкуранинг мазкур соҳалар билан алоқадорлиги такомиллашуви жараёни билан ҳам боғлиқдир.

Маълумки, ижтимоий соҳада давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг натижаси табиий зарурият ва эҳтиёж сифатида юзага чиқади. Ўз навбатида, бу иқтисодий сиёсат эса барча аҳоли манфаатини кўзлайди².

Айнан ижтимоий соҳада давлатнинг инсонпарварлик даражаси ҳар томонлама яққол намоён бўлади. Ижтимоий соҳа тараққиётининг қай даражадалиги маълум жиҳатдан мамлакатдаги сиёсий ва психологик муҳитни, аҳолининг умумий кайфиятини, маълум ғоя ва мафкурага бўлган эътиқоди ва муносабатини ҳам белгилаб беради.

Лекин жамиятдаги ижтимоий индивидлар шахс ва ижтимоий табақаларнинг манфаатлари хилма-хил бўлгани учун улар бундай ижтимоий-сиёсий ғояларга, ҳаракатларга турлича муносабатда бўладилар, уларнинг бир қисми юқорида тилга олинган ғояларни воқеликка айлантириш учун курашса, бошқалари бунга бепарқ бўладилар, учинчи хиллари бетараф томошабин бўлиб турадилар.

Манфаатлар тизими, маълум маънода, ғоя ва мафкуралар шаклланишига таъсир қилар экан, бугунги кун ҳаётимизда яққол кўзга ташланиб турган иккинчи муҳим омилни ҳам унутмаслик керак.

Бу омил эса — ҳали кишиларимиз онгида боқимандалик кайфияти батамом барҳам топмаганлиги билан боғлиқ бўлган дунёқарашларда ўз ифодасини топмоқда. Шунга кўра, бозор иқтисодиётининг объектив талабларидан норози бўлган кишилар тоифаси борлиги ҳам сир эмас.

Демак, ундайларни йўлдан оздириш, роҳат-фароғатда яшаш имкониятларини яратиб беришни ваъда қилиб, ёт ғояларга эргашти-

¹Иминов Б. К. Манфаатлар тушунчаси таҳлили.— Андижон: Ҳаёт, 2001.— 24—25-бетлар.

²Қаранг: Мустақил Ўзбекистон.— Т.: Меҳнат, 2001.— 59-бет.

риш имконияти ҳам мавжуд. Бунинг устига, эскича фикрлаш оқиба-тида, баъзи кишилар бозор иқтисодиётининг объектив қонуниятла-рини жамиятга қилинаётган адолатсизлик, деб билмоқдалар. Шу боис, бугунги кунда маънавий-мафкуравий ишларимизнинг энг муҳим йўналиши кишиларни руҳий жиҳатдан бозор муносабатлари-га тайёрлаш, мослаштиришдан иборат бўлмоғи керак¹.

Бу ҳолат ҳам жамиятда етилган ижтимоий эҳтиёжнинг киши онги ва қалбини макон этган мафкуравий жараёнлар билан уйғун-лашганлигини англатади.

Зеро, жамиятдаги ҳар қандай интилиш, буюк мақсад ва ғоялар ўша давр эҳтиёжи туфайли юзага келади.

Фикримиз далили сифатида Шарқнинг улкан назарийтчилари-дан бири — Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғуний фаолияти ижодий ме-роси билан боғлиқ бир мисолни келтирамиз. Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) қорахонийлар давлатининг бош маслаҳатчиси (“Хос Ҳожиб”) бўлган ва “Қутадғу билиг” (Саодатга бошловчи илм) китобини 1069 йили ёзиб, қорахонийлар ҳукмдори Товғач Буграҳон (вафоти 1102 йил) га тақдим қилади. Ўша пайтда араблар босқинидан кейин илк туркий миллий давлат юзага келган бўлиб, бу давлатнинг ижтимо-ий асосларини ташкил этувчи кучли бир жамият лозим эди.

“Қутадғу билиг” ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида дунёга келди ва миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган эзгу-лик жамияти ғоясини тақдим этди².

Бу жамият ғоялари миллий ўзанларда туриб сўзлашиш билан эътиборга моликдир. Унда шарқона хусусият кучли. Лекин, 950 йил-нинг бу ёғида туриб, унга назар ташласак, бу ғоя ўша давр учун муайян хусусиятлари билан бугунги кун маънавийтимиз, миллий истиқлол ғояси ва мафкурамизни такомиллаштириш учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлади.

Бугина эмас, Юсуф Хос Ҳожибнинг жамиятда фаолият кўрсатиш тамойили кўпроқ диққатни тортади. У жамият фуқароларини бошқар-иш йўлини кўрсатиб: “Агар фуқароларнинг моддий манфаати қонди-рилса, интизомга бўйсунди”, — дейди. Уларнинг моддий манфаатла-рини қондириш эркинлик асосида юзага чиқади, деб ҳисоблайди.

Юсуф Хос Ҳожиб қарашларидаги эътиборли ҳамда бизнинг мил-лий манфаатларимизга бевосита дахлдор томонлар шундан иборат-ки, унинг ғоясида инқилобчиликни рад этиш устувор. Бу Шарқ назарийтчиларига хос бўлган хусусиятдир.

Чунки, саодатли жамият уруш-жанжал билан эмас, балки, фикр қаймоғини амалиётга татбиқ қилиш, фидойилик билан қурилади.

¹Қаранг: *Мамашокиров С.* Инсон, маънавият, зиддият //Тафаккур.— № 1. —2001.—20-бет.

²Қаранг: *Ёқубов А.* Юсуф Хос Ҳожиб. Эзгулик жамияти ҳақида //Жамият ва бошқарув.—№ 1—2.—1999.—58-бет.

Хўш, нега Шарқ алломалари, хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб тадрижийлик тарафдори? Чунки, тадрижийликда барча жамият аъзоларининг манфаатларини ҳисобга олиш устун туради. Инқилобда эса бунинг аксидир.

Бу ғоянинг замирида бугун биз орзу этаётган кучли демократик тамойиллар бор. Худди мана шу хусусият миллий истиқлол ғояси ва мафкураси тамойилларига ҳам тўла мос келади. Ҳолбуки, мафкуранинг ҳаётийлиги, унинг халқ талабига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос бўлиши, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади”¹.

Шу боис, истиқлол мафкураси концепциясини кўп минг йиллик миллий қадриятларимиз ҳамда ҳозирги замон умумбашарий талаблари билан ҳамоҳанг тарзда яратиш ва авлодлар, хусусан, ёшлар тафаккурига кўпроқ сингдириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир².

Бир сўз билан айтганда, миллий маънавиятимизнинг теран илдизларини мустаҳкамлашда манфаатлар ва оқилона эҳтиёжлар уйғунлигини таъминлаш, инсонни инсон орқали тарбиялашнинг ишончли омили ҳисобланган миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг ҳаётбахш томайилларини жамият ҳаётига кенг жорий этиш орқали, “кучли давлатдан кучли жамият сари” дадил одимлашнинг ишончли кафолатига эга бўламиз.

Бу кафолат эса, ўз навбатида, бугунги кун ижтимоий ҳаётимизда сув ва ҳаводек зарур бўлган мустаҳкам эътиқодни, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, маънавиятимиз асоси бўлган эзгу иш ва амалларга ихлосни тарбиялаш, аждодларимиз меросига ихлосмандликни камол топтиришга ҳам мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши керак.

Манфаат ва манфаатдорлик муносабати ҳам худди шу асосда тараққий этади. Манфаатдорликни адолатли, оқилона англаш ҳам маънавий камолот даражаси билан боғлиқ. Ўз манфаатини амалга ошираётган инсон Ватан манфаатларини нутиб юбориши мумкин эмас. Ўзбекистон мустақиллиги барқарор бўлса, ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилса, мамлакатимиз бой, обрўли, қудратли давлатга айлансагина, ҳаммамиз ўз манфаатларимизни рўёбга чиқара оламиз. Бинобарин, мустақил давлатимиз манфаатлари ҳақида қайгуриш ҳар бир фуқаро ўз манфаатлари ҳақида ўйлашидадир. Бу манфаатларни умуммиллий манфаатлар устуворлиги асосида таъминлаш учун ҳар биримиз ўзимиз бажараётган ишга масъулият, ихлос билан қарай олишимизга бевосита боғлиқдир.

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд.— Т.: Ўзбекистон, 2000.—491-бетлар.

² Қ а р а н г: Исмоилов Н. Миллий менталитетнинг туб илдизлари //Мулоқот.— № 4. — 2001. 28-бет.

IV боб

**ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА
ИХЛОСМАНДЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ НЕГИЗЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ШАХС АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ**

**1-§. ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР
ВА ИХЛОСМАНДЛИК**

Биз тадқиқ этаётган масалалар моҳияти у ёки бу жиҳатдан диний-ахлоқий қадриятларимиз билан узвий алоқада намоён бўлиши табиий. Зеро, ҳар қандай ихлос ва ихлосмандлик шакли муайян мақсад, гоя ёки маслакка, касб-корликка ишонч, эътиқод асосида юзага келади.

Дин ана шундай эътиқодлардан бири ҳисобланади.

Дин — эзгулик манбаи. У — табиат, жамият, инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тақдири, инсониятни бевосита қуршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни яратган, айна замонда, инсонларга бирдан-бир тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишонишни ифода этадиган маслак, қараш ва таълимотдир¹. “Дин” арабча сўз бўлиб, “ишонч” деган маънони билдиради.

Инсон ва жамиятнинг маънавий покланишида диний эътиқоднинг тутган ўрни алоҳидадир. У ислом қадриятлари ва руҳий билимлар мағзини, эзгулик ва покликка даъват этувчи ўғитларни одамлар дилига солади.

“Биз, — дейди И. А. Каримов, — мусулмончиликнинг улуғ маданий қадриятлари ҳуқуқини қайта тикладик. Бинобарин, қалбимиз бу бебаҳо хазинани чуқурроқ идрок қила боргани сайин халқнинг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан покизароқ бўла боради”.² Ислом дини асрлар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётининг дастуриламали бўлиб келган. Шу боис, бугун биз қураётган янги жамиятда Ислом дини миллий тараққиётимизнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, миллий маънавиятимиз ва қадриятларимиз исломий ахлоқ-одобнинг мазкур таъсирчан тарғибот воситасидан кенг фойдаланиш, истиқлол мафкураси ва ахлоқини шакллантиришга, жамият аъзоларини замонамиз талаб қилаётган юксак фазилатлар руҳида тарбиялашга ҳам яқиндан ёрдам беради.

Муҳими шундаки, ислом дини минтақа маънавиятининг пойдевори ҳисобланади. Машҳур аждодларимиз айнан шу пойдеворга тая-

¹Қаранг: Закурлаев А. Ғоялар қураши. Т.: Мовароуннаҳр, 2000.— 5-бет.

²Каримов И. А. Ватан-саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.— Т.: Ўзбекистон, 1996.— 283-бет.

ниб, бизга олий даражали, бой илмий-маънавий меросни қолдириб кетишган. Бу мерос нафақат бизнинг маънавиятимиз, балки жаҳондаги бошқа — Шарқ ва Ғарб давлатларининг ривожланишида ҳам ўз муносиб ўрнини топиб келмоқда.

Бинобарин, дин — эътиқод бўлиш билан бир қаторда, инсоннинг руҳияти билан боғлиқ, фикрий мушоҳадасини мунтазам бойитиб борувчи илоҳий неъматдир. Ақл ечолмаган мавзу ва масалалар, — деб ёзади Абдулхай Абдурахмонов, — фаннинг имкони ва вазифаларидан ташқари бўлиб, бу ишлар дин ёрдамида ҳал қилинади¹.

Дин Аллоҳ таолонинг инсонларга буюк эҳсонидир, фан, фалсафа ҳал қилолмаган ишларни, масалаларни дин еча олади. Европадаги янги давр файласуфларининг йирик вакилларида бири Фрэнсис Бэконнинг куйидаги фикрлари бежиз айтилмаган: “Юзаки файласуфлик инсон ақлини худосизликка етаклайди. Фалсафани чуқурроқ ўрганиш эса инсон идрокини динга йўналтиради”.

Бинобарин, динга, ахлоқий қадриятларга ихлосмандлик, бу зарурат ёки мажбурият эмас, балки, ҳар бир онгли киши олами, ундаги воқеа ҳамда ҳодисаларни идрок эта олувчи шахснинг табиий эҳтиёжидир.

Қолаверса, дин, инсон шахс маънавияти ҳамда ахлоқининг сайқалантириб турувчи ўзига хос зийнатдир.

Ғайбуллоҳ ас-Салом: “Худони, динни инкор этиш нуқтасидан бошлаб, ялпи ахлоқсизлик, емирилиш, ваҳшийликларга йўл очилди. Илм-фанни инкор этиш чизигидан бошлаб, сўқир қироатхонлик, онгсизлик, бидъат, жаҳолат ва мутаассиблик авж олади”², — деб ёзган эди.

Ислом ҳаёт фалсафаси экан, у жамият аъзоларини энг юксак башарий фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашни, инсонпарварлик, халқпарварлик, адолат, ҳалоллик, бошқа динларга эҳтиром, олижаноб ахлоқ, бу муқаддас динимиз тарихидан хабардор бўлиб, ватандош уламоларимизнинг ислом тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини билмоқ ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Одамларимизни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашда, умуминсоний қадриятлар қатори, ислом ахлоқи асосларини, замон талаблари заминиди, халқимизнинг динга бўлган чуқур эътиқоди ва ихлоси асосида тадқиқ этиш бугунги куннинг муҳим вазифаси бўлиб турибди³.

¹Қаранг: Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим.— Т.: Мовароуннаҳр, 2001.— 235-бет.

²Ғайбуллоҳ ас-Салом. Сайди Умр. Толибнома.— Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1997.— 140—141-бетлар.

³Қаранг: Ҳусниддинов З. Ислом ва мазҳаблар. Маъруза матни.— Т.: Маънавият, 2000.— 3-бет.

Зеро, дин, инсон қалбини ёлғон ва мунофиқликдан тозалаш билан бирга, юксак маънавий негизлар ҳамда ахлоқий фазилатларни тиклашга ёрдам беради.

“Биз, — деб уқтирган эди И. А. Каримов, — ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳамма нарсани вайрон қиладиган ва нодон даҳрийлик муҳитида дин қадриятларини билмай тарбияланганмиз. Менинг тушунишимча, ислом демократик дин бўлиб, сабр-бардошли бўлишни, маънавийликни, инсонга муҳаббатни, софдилликни тарғиб қилади. Тақводор киши муайян ахлоқий чегаралардан ташқарига чиқмайди. Хуллас, дин барча миллатлардаги ҳар бир инсон учун муқаддас қадриятдир”¹.

Шунингдек, ислом демократик қадриятларни ҳаётимизга кенг ёйишга ҳам хизмат қилади. Бу дин ўзининг маънавий поклиги туфайли янги демократик давр талабларига жавоб беради. Ислоннинг кундалик ҳаёт билан чамбарчас алоқаси унга ҳар бир одамнинг ўзлигини танишига таъсир кўрсатиш имконини беради, инсонда одамларнинг умумий биродарлигига мансублик ҳиссини тарбиялайди. Ислон маданияти бойлар ва камбағалларнинг тенглигидан таълим беради. Ислон фуқаролик жамиятининг демократик ҳодисаси сифатида, давлатнинг ҳақиқатни ёлғиз мен биламан дейишига йўл кўймайди.

Фикримизнинг далили сифатида Америка Олий Ислон Кенгаши (АОИК) бош котиби доктор Ҳадия Мираҳмаднинг фикрларини келтирмоқчимиз. У АОИК делегацияси билан Ўзбекистонда 2000 йил 9 январда бўлиб ўтган Президент сайловини кузатади. Ўзбекистондан ватанига қайтиб боргач, Америкада чиқадиган “The Muslim” журналида “Ўзбекистонда ислом ренессанси”, деган катта мақола эълон қилади. Ҳадия Мираҳмад ўз мақоласида, хусусан, бундай ёзади: “Биз мусулмонлар сифатида аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлардан иборат бўлган мамлакатнинг ҳукмдор ҳукумати исломнинг адолат ва қонун стандартларига риоя этаётганига ишонч ҳосил қилишни ўзимизга мақсад қилиб олдик. Биз Ўзбекистонда бу стандартларга амал қилинаётганлигига ҳақиқатдан ҳам амин бўлдик”².

Истиклол неъматини туфайли муқаддас динимизга ҳам кенг йўл очилди. Ушбу неъматлар самараси ўлароқ, ҳозирда юртимизда 10 та ислом ўрта махсус билим юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу зиё масканларида халқимизнинг 2500 дан зиёд фарзандлари диний ва дунёвий билимга эга бўлмоқдалар. Биргина пойтахтда “Имом ал-Бухорий” номидаги Ислон институти ва Тошкент Ислон

¹ Гафарли М. С. Касаев А. И. Ривожланишнинг узбек модели: тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт асоси. — Т.: Ўзбекистон, 2001. — 102-бет.

² Ўша жойда, 157-бет.

университети фаолият кўрсатмоқда. “Одатда қор тоғларга ёғиб, — деб ёзади Ҳабибуллоҳ Ҳожи Бўтабоев, — бу раҳмати илоҳий ирмоқлар орқали водийларга оқиб, ҳаёт бахш этиб, водийлар тоғлардан кўра кўпроқ манфаат топар экан.

Муқаддас динимиз Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварага ёққан раҳмати илоҳий бўлганидек, буюк Ватанимиз бу раҳмати илоҳийнинг ҳақиқий водийси ва уммони бўлиб танилди”¹.

Тарихга назар ташласак, фикримизнинг беҳисоб далилу исботларини топиш мумкин. Муқаддас китобимиз Қуръони Каримнинг биринчи муфассирлари ҳам юртдошларимиздан Исмоил аз-Замахшарий бўлган. Ислол оламида Қуръони Каримдан кейинги ўринда турадиган “Саҳиҳи Бухорий” тўпламини тузган Имом Бухорий ҳам юртдошимиз. Нажмиддин Комиловнинг таъкидлашича, олим бутун ҳаётини ҳадис жамлашга бағишлайди. Баъзи тадқиқотчилар Имом Бухорий йиққан ва хотирасида сақлаб қолган ҳадисларнинг сони етти юз мингдан ортиқ дейдилар.

Бу, албатта, бир мўъжиза, инсонга Парвардигор ато этган улуғ қобилиятдир. Аммо, Имом Бухорий бу миқдордаги ҳадисни фақат хотирада сақлаш ва қоғозга тушириб жамлаш билангина кифояланмайди, балки, уларни чоғиштириб, тўғриси ни нотўғриси дан, ишончлисини шубҳалисидан ажратган. Кейин уларни ишонарли ҳадисларга тақсимлаган².

Биз ғурур ва ифтихор қила оладиган томонимиз ҳам шундаки, “Ҳадис илмида амир ул мўъминин”, “Имом ал-муҳаддисийн — “Барча муҳаддисларнинг пешвоси”, деган шарафли номга сазовор бўлган Имом Бухорий айнан бизнинг заминда дунёга келган.

Бундай дунёда ислом ақидасининг улкан устози саналган, ҳақиқий соф ислом ақидасини талқин қилган Абу Мансур ал-Мотуридий ҳам шу юртда камол топган зотлардан биридир.

Ҳозирда ислом дорулфунунларида катта эътибор билан ўқитилаётган фикҳга (ислом ҳуқуқшунослигига) оид мўътабар аҳкомлар тўплами “Ҳидоя” асарининг муаллифи Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳам Аллоҳ назари тушган юртимизнинг ўғлонидир.

Шу ўринда, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг ибратли ҳаёти, соф эътиқоди, динга бўлган чуқур ихлоси ҳақида бироз тўхталиш зарур, деб ўйлаймиз. Чунки, алломанинг ҳаёти бошидан охиригача ҳар бир инсон учун ибрат намунаси бўла олади.

Ал-Марғинонийнинг таржимаи ҳолидан бизга маълум бўлишича, бу зот, ниҳоятда илмли ва зукко бўлиши билан бирга камтар,

¹Истиқлол йиллари: Миллий-диний кадрятларнинг халққа қайтиши // Ўзбекистон Республикаси имом Ал — Бухорий халқаро жамғармаси. — Т.: 2001. — 13-бет.

²Қ а р а н г: Имом ал-Бухорий — муҳаддислар султони. — Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 1998. — 31-бет.

меҳнаткаш ва юқори даражада тақводор киши бўлган. Бу зотнинг хислатлари “ал-Ҳидоя” таснифи жараёнида ҳам намоён бўлган. Бу асарни муаллиф ўн уч йил давомида ёзган. Эътиборли томони шундаки, мана шу узоқ муддат давомида аллома узлуксиз рўзадор бўлганлар. Шу билан бир қаторда, ҳазрат рўзадор эканликларини бировга билдирмаганлар. Ривоят қилишларича, овқат вақти бўлиб хизматчилар устозга овқат олиб келсалар, у киши бир сўз демай олиб қолар, хизматчи чиқиб кетгач, овқатни талабаларга едириб, яна бўшаган косани ўрнига қўйиб қўяр эканлар. Бўшаган идишни олиб кетгани келган хизматчи шу тариқа алломанинг рўзадор эканидан хабар топмас этди¹.

Ислом оламида шариатни балоғат даражасидаги мукамалликка етказган “Бурхон-уд-дин” (яъни Ислом ва шариатнинг рад қилиб бўлмайдиган, мутлақ исботи) фахрли унвони соҳиби ар-Риштоний ал Марғиноний ана шундай ибрат олиш ва ихлос қўйишга арзигулик сиймодир.

Бундай диний илм ва фаннинг ажойиб дунёга машҳур дарғаларидан кўплаб мисоллар келтириш, уларнинг исломий қадриятларни ривожлантиришдаги хизматлари ҳақида ойлаб, ҳаттоки, йиллаб таъриф у таснифлар бериш мумкин.

Аслида, бу қадриятлар илдиэлари ислом дини шаклланиши билан улуғвор мазмун касб этди. Ўрта аср араб-мусулмон жамияти, давлат, оиласи, умуман раъиятларининг сиёсий ва маданий, ижтимоий, ахлоқий, ҳуқуқий муносабатлари, дунёвий қадриятлари, талаб ва мажбуриятларига сиёсий ҳамда ҳуқуқий диний асослар яратиб берилди. Эндиликда, ислом фақат диний эътиқодгина эмас, балки, умуман, мусулмон жамияти фуқароларининг турмуш тарзи, руҳияти қадриятлари билан боғлиқ бўлган, ҳуқуқий, ахлоқий, илмий, тарбиявий, маданий, коммуникатив функцияларни бажара бошлади.

Бунинг боиси шундаки, авваламбор, дин минг йиллар мобайнида инсоният ҳаётининг ҳамма томонлари билан чамбарчас боғланиб, унинг турмуш тарзига айланиб кетган. Энг муҳими, дин таъсирида савоб ва гуноҳ ҳақидаги тасаввурлар турадики, кишилар бу маънавий ҳодисага ҳеч қачон бефарқ қарамаганлар. Бинобарин, савоб ва гуноҳ, шунингдек, савобли иш қилганда тақдирланиш, гуноҳкорларнинг эса жазоланиши ҳақидаги қарашлар кишилик жамиятининг илк даврларидаёқ шаклланган².

¹Қаранг: Одил Қориев. Ал-Марғиноний машҳур фиқҳшунос.— Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003.—30—31-бетлар.

²Қаранг. Абдуллаев М., Хусанбоев М. Маънавият.— Фарғона, 1999.—76—77-бетлар.

Ўз навбатида, диний эътиқодлар билан боғлиқ фаолиятлар инсон руҳиятига асрлар давомида кучли таъсир кўрсатиб келган.

Инсон маънавий камолотининг бир омили диний эътиқодга, мусулмон Шарқи учун эса ислом динига бориб туташади.

Бироқ, шўролар замонида айрим ўз муаллифларимиз (даҳрийлар, чала муллалар, замонасозлар ва бошқалар), кўп ҳолларда, хорижий муаллифлар томонидан ислом динига нисбатан гайриилмий, ўта сохта қарашлар ҳам баён этилди, совет давлати ва унинг коммунистик мафкураси чиппакка чиққунча барча диний таълимотларга, жумладан, ислом динига ва унинг раҳнамоларига ҳам, бу динга эътиқод қилувчи оддий аҳолига ҳам, тўхтовсиз хуружлар бўлиб келди. Ҳаттоки, ислом дини арабларга тегишли, уларнинг турмуш тарзларига мос, туркий тилли халқлар учун бу дин бегонадир, дейишгача бориб етилди. Ҳақиқатда эса ислом дини фақат арабларгагина тааллуқли эмас. Ер юзидаги қатор халқлар шу динга эътиқод қилсалар, ислом дини ўшаларнинг барчасига баб-баробар тегишлидир¹.

Инсон ва жамиятнинг маънавий покланишида диний эътиқоднинг тутган ўрни алоҳидадир. У ислом қадриятлари ва руҳий билимлар мағзини эзгулик ва покликка даъват этувчи ўғитларни одамлар дилига солади.

Ислом дини учун миллий ва ирқий тўсиқлар йўқ ва бўлмаган, бўлмайти ҳам. Туркий тилли халқларнинг аксарият қисми, XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, бу динга эътиқод қилиб келмоқда. Туркий тилли халқларнинг, жумладан, биз ўзбекларнинг кейинги 1—3 ярим асрлик турмушини, маърифати, маънавияти, маданияти, тарихи, хусусан, миллий давлатчилик тарихини ислом руҳониятисиз тасаввур қилиб бўлмайти.

Қолаверса, ислом мафкурасида, қадриятларида, мусулмончилик турмуш тарзи, руҳияти, онгида муайян мутаассиблик майллари мавжуд бўлиб келганлигига қарамай (бу ҳозирги замоннинг барча машҳур динларига бирдек хос), тарихан исломда доимо демократик майллар (Сунна, Раъй, Қиёс, Ижмоъ, Истихсон ва ҳоказо), шариат арконлари, талаб ва таъқиқларида эса — адолат, инсоф ва қонунийлик, инсонийлик етакчи устувор мавқеига эга бўлиб келган, зўрлик, зулмнинг йўли кесилиб, бир томонлама беҳад бойиш ёки қашшоқлашининг олди олинган². (Риъбонинг таъқиқланганлиги, Баъйини ҳалол, яъни ҳалол ишбилармонликнинг рағбатлантирилганлиги ва ҳоказо).

Ислом — шариат инсон олдида оқилона тадбиркорлик, ишбилармонлик қилишнинг кенг имкониятларини очиб берган ва рағ-

¹Қаранг: *Иброҳимов А.* Биз ким, ўзбеклар.— Т.: 1999.—149-бет.

²*Зоҳидий А.* Туркистонда Ўрта аср араб-мусулмон маданияти.— Т.: 1993.—60-бет.

батлантириб турган, инсоннинг ўз шаънига муносиб яшаш шарт-шароитларини вужудга келтириб, араб-мусулмон жамиятининг бутун ўрта асрлар мобайнида жўшқин ривожланиши, Фарбдан ҳар соҳада устун бўлиб қолишини таъминлаган.

Улуғ тарихий бурилишлар даври мафқурасини белгилаган жаҳоний динлар, инсоният тараққиётининг муайян босқичида янги маънавий-руҳий зарурият, фикрий ва ҳиссий изланишлар эҳтиёжига жавоб тариқасида пайдо бўлганлиги сабабли, маданий-маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳасини қамраб олиб, ижодий кўтарилиши, тасаввуротлар ва тафаккур олами, ақлий ва бадий фаолият тарзига таъсир этиб келди¹.

Айни вақтда, инсоннинг тўхтовсиз ижодий фаолияти динларнинг ўзига таъсир ўтказиб, улардаги синкретиклик (омухталиқ) хусусиятини кучайтириб турди, янги таълимотлар, мазҳаблар, қарашлар силсиласини вужудга келтирди. Ана шундай йўналишлардан бири ислом дини тарқалган юртларда юзага келган тасаввуфдир.

“Мафқуравий демократия”га изн берган инсон қалби ва руҳиятини нишонга олиб, жаҳолат ва худбинликка қарши ўлароқ майдонга чиққан ахлоқий покликни тарғиб этгани сабабли тасаввуф, моҳиятан, илму ижод ахлига яқин эди. Бу — бир томондан. Иккинчи томондан эса, шуни эътироф қилишимиз керакки, тасаввуф, гарчи, ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва Ҳадислар ҳикматидан озикланган, кўп ҳолларда шариат аҳқомига суянган бўлса-да, лекин, у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу ишратга фарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастлигига зид ранишда, меҳнаткаш халқ норозилигининг, ифодачиси сифатида юзага келди. Ушбу таълимотнинг эл орасида ёйилиб, фикрий янгиланишларга қанот бергани ҳақ ва ҳақиқатга ташна зиёлилар юрагини банд этганига сабаб шу, қолаверса, тасаввуфнинг айни шаҳар ҳунармандлари, қадимдан маданият ривожланиб келган илм-маърифат марказларида тараққий этгани ҳам бежиз эмас.

Тасаввуф мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борди, фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. XI асрдан бошлаб, Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва олимлари тасаввуфдан озикланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар. Шуни назарда тутиб, Е.Э.Бертельс, асримиз бошидаёқ, қайд этган эди: “Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас... бу адабиётдан хабардор бўлмасдан, Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин”².

¹Қаранг: *Комилов Н.* Тасаввуф.— Т.: Ёзувчи, 1996.—3-бет.

²*Бертельс Е. Э.* Суфизм и суфийская литература.— М.: Наука, 1995.— С. 54.

Бунинг учун эса, аввало, тасаввуфнинг ўзини билиш керак. Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Аввало, мазкур тушунчанинг моҳият-мазмунини тўғрисида, яъни тасаввуф ёки сўфи сўзининг келиб чиқишига тўхталсак. Бу хусусда турли хил қарашлар “Сўфий-сафо”да, яъни поклик тозаликдан олинган. Башрул Мофий: “Қалби пок кишиларни сўфий, деб атаймиз” деган.

“Сўфий” — сафф” (сафда туриш)дан олинган бўлиб), сўфийлар худога яқин турувчилар, шу сабаб, унинг наздида, биринчи қатор, биринчи сафда бўладилар, дейилган.

“Суф” — “Суфа” (суна), яъни Муҳаммад алайҳиссалом даврида Мадинадаги масжидларнинг шимолида катта бир супа бўлиб, унда ҳар тарафдан келган ислом динига эътиқод қўйган кишилар яшаган. Улар Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдида катта эътибор қозониб, муттасил ибодат билан машғул бўлганлар. Улар ҳар хил ноз-неъматлардан воз кечиб, қовурилган арпадан тайёрланган талқон истеъмол қилишган. Баъзилар “сўфий сўзи мана шу” аҳлисуфа”дан олинган дейишади¹.

Туя арабчада “суф” дейилади. Суфийлар туя юнгидан тайёрланган дағал кийим кийишган. “Сўфий” сўзи мана шу “суф”, яъни “туя юнгидан кийим кийувчи” сўзидан олинган, деган фикр ҳам бор.

Н. Комилов “Сўфийлар кўп ҳолларда жун чакмон қўй терисидан тикилган пўстинда юришни одат қилганлари учун уларни жун кийимчилар (форсчаси пашминапўш), яъни сўфий деб юритганлар. Бизнингча, шу кейинги этимологик маъно ҳақиқатга яқинроқдир, зеро, сўфий сўзининг “сўф” сўзидан ясалиши араб тили қонун-қоидаларига мос келади”², — деб ёзади.

Тасаввуф назарий жиҳатдан VII асрда Муҳаммад пайғамбар фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаклланганлиги манбаларда қайд этилган. Тасаввуф, даставал, Эронда IX асрда Туркистонда кенг ёйила бошлади. Унинг кенг қўламдаги таълимотга айланишида араб олимлари — Ҳасан Басрий, Робия Боязит Бистоний, Мансур Ҳаллож форсигўй алломалар Аттор, Румий, Санойй, Жомий, туркийзабон мутафаккирлар Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Машраб кабиларнинг хизмати каттадир. Демак, тасаввуфнинг назарий асослари уч тилда юзага келган ва ривожлантирилган.

Тасаввуфни, одатда, назарий ва амалий қисмларга бўладилар. Тасаввуф диний-фалсафий ва назарий қарашларнинг муайян тизи-

¹ Шокаримов С. И. Ҳақимов А. Х. «Маънавият ва маърифат асослари» курсидан маърузалар.— Андижон, 1998.—43-бет.

² Комилов Н. Тасаввуф.— Т.: Ёзувчи, 1996.—7-бет.

ми сифатида олам ҳақида фикр юритиб, уни ваҳдат ул-вужуд, яъни ягона борлиқдан иборат, деб тушунтиради.

Амалий тасаввуф ана шу ҳақиқатни англаб етиш ва унинг ёрдамида онгли яшаш фикрини тарғиб қилади. Шу мақсад йўлида маърифатга эришиш йўлини илгари суради. Бинобарин, билимнинг боши юксак ахлоқ-одобдан бошланади. Бошқача айтганда, ахлоқий меъёрлар, қоидаларнинг муайян тизими тасаввуфнинг амалий қисмини, моҳиятини ифодалайди. Демак, тасаввуфнинг назарий ва амалий жиҳатлари ягона бирликда ифодаланadi.

Марказий Осиё халқлари Уйғониш даври маънавий маданият шаклланиши ва тараққиёти, унинг фалсафий-илмий ва бадиий-эстетик йўналишлари моҳиятини тушунишда тасаввуфнинг ўрни ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак. Зеро, маънавият инсонийлик руҳи билан суғорилган экан, тасаввуф таълимотининг марказида инсон туришини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тасаввуф таълимотида комил инсон масаласи Аллоҳга яқин бир вужуд сифатида олиб қаралади...

Тасаввуф аҳлининг мақсади инсоний сифатлардан, деганимиз моддий вужуд билан боғлиқ сифатлардир.

Тасаввуфда алоҳида сифат — бу нафс дейилади. Нафснинг қутқулари кўп. Мана шу ёмон хислатларни секин-аста бартараф этилса, яхши фазилатлар шакллана боради. Бу йўлда курашган одам ана шу зайлда камол топади. Дунёвий билимларни ўрганиш, шариат илмини, илоҳий билимларни эгаллаш ва унга амал қилиш — ҳаммаси бизни камолот сари олиб боради¹.

Комил инсон сифатлари тасаввуфда, динда, илм аҳллариининг ҳар бирида ўзига хос талқин этилади. Дин шариат аҳли назарида комил инсон — фарз-суннатнинг амалларини адо этувчи мўмин-мусулмон ҳисобланса, дунёвий илм намоёндалари унга ақлли зот, деб таъриф беради, тасаввуфда эса комил инсон бўлиш учун буларнинг ўзи етарли эмас. У, фозиллик, ақллилик, одиллик, мўмин-мусулмонликни бекаму кўст бажаришдан ташқари, яна авлиё ҳам бўлмоғи керак, яъни у ўзгаларга ғойибдан хабар бериб турувчи кароматли киши мақомига кўтарилган бўлмоғи керак. Албатта, бу фазилатлар барчага бирдай насиб этадиган неъмат эмас. Аммо, илм-маърифат, меҳнату машаққат орқали инсон иродаси тобланиб, унда комиллик сифатлари шакллана бориши, шубҳасиз.

Тасаввуф илмининг йирик намояндаси Шайх Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: “Билгилки, комил инсон деб шариат ва тариқат ҳамда ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин;

¹Қаранг: Комилов Н. Комиллик йўли //Хуррият. —1997-йил 19-март.

билгилки комил инсон шундай инсондирким, ундаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маърифат”¹.

Тасаввуфдан энг яхши ахлоқий сифатлар ва уларни амалда қўллаш ахлоқи ҳамида, деб юритилади. Ахлоқи ҳамида муайян тамойилларга эга бўлиб, уларнинг амалий йўли билан инсон комиллашиб боради ва ҳақиқатгўйга айланади. Бу жараён тўрт босқичдан иборат бўлиб, улар инсонни шаърий ҳаётда (шариат) устоз раҳбарлигида умр ўтказишни (маърифатни) ва ниҳоят ўз мақсади (ҳақиқат) ни топишни ўз ичига олади. Мана шундай ҳаёт туфайли инсон ўз кўнглидан жой олган нурдан хабар топади, комиллик ва ўз-ўзини англаб етишнинг олий мартабасига эришади. Худди шунинг учун ҳам суфийлар маънавиятга инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, деб бекорга таъриф бермаган².

Тасаввуф қоидалари, асосан, қуйидаги ахлоқ унсурларида ўз ифодасни топган. 1) “талаб” — комиллик сари қадам, 2) “ишқ” — ўз мақсадига меҳр, 3) “маърифат” — инсон сирларидан воқиф бўлиш, 4) “истигно” — мақсадни тақдир, деб тушуниш, 5) “хайрат” — инсоний феъл-атвордан завқланиш, 6) “тавҳид” — мақсадга ишонч, 7) “фақру фано” — комилликка иштиёқ сезиш, ҳосил қилинган сифатларни амалда қўллаш³.

Инсондаги салбий хислатларни ифода этадиган одоб қоидалари йиғиндиси ахлоқи замима, деб юритилади. У инсонда бойликка ҳирс кўйиш, манманлик, нодонлик, жоҳиллик, кибр-ҳаво сингари ёмон феъл-атворларни ифода этади. Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, тасаввуф аҳли ахлоқ-одоб қоидаларини эълон қилиш билан чегараланиб қолмайди, айна вақтда, уларнинг моҳиятини ҳар томонлама баён этиб боради, шу асосда фаолият кўрсатишни тақозо қилади. Бу қоидалар, одатда, тариқатлар, деб аталиб, тасаввуф манзилени тутган кишиларни комилликка даъват этади.

Кўринадики, тасаввуф бир йўналишдаги таълимот бўлмаган, унинг шох-шоҳчалари кўп бўлган. Аммо, унинг маънавий баркамол инсон тарбияси билан боғлиқ бўлган инсонпарварлик ғоялари, адибларга берган софлик, ҳақиқат, гўзаллик, камолот ғоялари, мана шу ғояларга бўлган чексиз муҳаббат бу таълимотни бугунги кунда маънавий ҳаётимизга чуқурроқ сингдириш, ёшларни мана шу эзгу истакларга ихлосманд қилиб тарбиялаш заруриятини ҳам юзага чиқармоқда.

¹Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф.— Т.: Ёзувчи. 1996. —147-бет.

²Қаранг: Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.— Т., 1998.—14-бет.

³Қаранг: Ёқуб Абдумалик. Мактабда тасаввуф //Маърифат.—1995 йил 2 август.

2-§. ДИНГА ИХЛОСМАНДЛИК ВА ШАХС ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ БАЪЗИ БИР УСЛУБИЙ МУАММОЛАРИ

Инсон маънавий камолотининг муҳим омилларидан бири диний эътиқодга, мусулмон Шарқи учун эса ислом динига бориб тақалади. Ҳозир ер юзида 1 миллиард 300 миллиондан ортиқ мусулмон яшайди. Мана шу фактнинг ўзи ҳам мусулмон оламида, хусусан, бизнинг юртимизда ҳам ислом дини мазмун-моҳияти билан, одамлар руҳиятини соғломлаштириш ва халқни бирлаштириш ҳамда уни қийинчиликларни енгиб ўтиб, олий мақсадларни амалга оширишга йўналтириш учун хизмат қилишидан далолат беради. Маданий меросни ва тарихий ҳақиқатни тиклаш, миллий урф-одатлар ва анъаналарни ривожлантириш, яқин ўтмишдаги руҳий кушандалик мафкураси ҳисобланган ақидага зид ҳолда ислом динининг юксак маънавият ва маданият воситаси эканлиги, у одамларни инсофга, диёнатга, ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликка, яхши амал ва мақсадларга ихлос уйғотувчи жозибадор куч-қувват манбаи эканлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда динга ихлосмандликнинг шаклланишига кенг йўл очилди.

Муқаддас туйғулари топталиб, юраги зада бўлиб қолган халқ динга катта йўл очилгани, диний таълимотга катта эътибор берилганлигини зўр қониқиш билан кутиб олди.

Шу билан бир қаторда, динга муносабат диний маданиятни англаш мезонларида ҳам турфа хилликлар, зиддиятли дунёқарашлар ҳам юзага келди, бу бевосита давр силсиласи билан боғлиқ эди. Энг муҳими, динга ихлосмандлик табиий эҳтиёж сифатида шаклланмоқда. Ҳозирги даврда шахснинг динга нисбатан ўрни ўзгарди. Авваллари анъанавий жамиятларда дин шахсдан юқори туриб, унга ташқаридан берилса, эндиликда эса, диний эътиқод инсоннинг ўзидан кўтарилмоқда. Мажбур қилинмагандан кейин ихтиёрий бўлиши табиий. Бу борада инсон тарбияси ва орттирган тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Инсон эркини ўз қўлига берган ҳозирги дунёвий жамият инсон маънавиятининг камол топиши ва тўла рўёбга оширилишига ёрдам беради.

Аmmo шуни шуни ҳам унутмаслик керакки, сиёсатни фақат моддий ёки технологик асосларда қуриб бўлмайди. У инсоний қиёфага эга бўлиши керак. Акс ҳолда, инсон ўзини тараққиёт ва ҳаёт оқимидан четда қолган, деб ҳисоблайди ва шундай ҳиссиёт асосида, жамиятдан узоқлашади. Тўқ жамиятларда дин — маънавий юксалиш ва покланиш омили бўлса, иқтисодий танглик жамиятларида дин — қийинчиликларни ҳал этиш омили сифатида тақдим этилишга мойилдир. Иқтисодий аҳвол ёмонлашган жойда динга талаб ортади.

Яқин утмишимиздаги тарихий тараққиётнинг ўзига хос жиҳати шундаки, мустамлака даврларида ислом жамиятлари Фарб ютуқларини юқори билиб ўзлаштирган бўлсада, аммо маънавий-маданий соҳаларда ўз меросини устувор, деб билган ва фахрланган.

Шу ўринда, бугунги кунда икки ҳаддан зиёд кўринишдан эҳтиёт бўлиш зарурлигини ҳам эслатмоқчимиз.

Бири — мутаассибликка келтирувчи исломий қадриятларга кўр-кўрона ишонини ва ихлос қўйиш.

Иккинчиси — Фарб моделларини тўғридан-тўғри, ҳеч бир таҳлил қилмай, қабул қилиш¹.

Биринчи йўналишдаги дунёқарашга асосланган кишилар, айниқса, ёшлар ўз хатти-ҳаракатининг асосига, аввало, иқтисодий манфаатдорликни қўяди.

Ўз навбатида, турли мақсаддаги дин арбоблари ҳам ҳукмронликка интилишда айнан иқтисодий қийинчиликларни ўзига шиор қилиб олади ва халқни шу асосда ўз ортидан эргаштиришга интилади.

Шу асосда сектантлик ва миссионерлик ҳаракатлари гуллади. Фарбда ҳозирги пайтда иқтисодий аҳвол яхши бўлгани учун халқ диндан ўзи учун руҳий-маданий озуқа, камолот воситасини қидиради. Иқтисодий жиҳатдан қолақ давлатларда эса мавжуд тузумни ўзгартиришга чақириқлар янграши мумкин.

Бундай ҳолат мустақилликнинг илк кунларида бизнинг ёш давлатимизга нисбатан диний экстремистик хуружларда ҳам яққол кўзга ташланади.

Диний экстремизм бузғунчи ғоя сифатида вақтинчалик айрим ёшлар онгига кириб борган бўлсада, кейинчалик, унинг асосиз даъволари ҳокимият учун курашишдан иборат эканлиги аниқ бўлгач, кўпчиликнинг унга бўлган (айниқса, ёшларнинг ихлоси) ишончи йўққа чиққани ҳам маълум. Нима бўлганда ҳам Ўзбекистонда диний экстремизм ривожланишининг бир қатор объектив ҳамда субъектив сабаблари мавжуд.

Биринчидан, собиқ Иттифоқ даврида ҳам Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ўз мавқе ва ўрни бўлиб, Ўзбекистонни ўраб турган қўшни давлатларга илм-фан, маданий-маърифий, моддий томондан ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб келган, қўшни давлатларга қўшничилик ва қариндош-уруғчилик ришталари билан чамбарчас боғланган, шу боис ҳам, айнан Ўзбекистонда юқорида қайд этилган диний оқимлар ривожлантирилса, унинг таъсири тез кунда қўшни давлатларга ҳам ёйилади.

¹Қаранг: *Кароматов Ҳ. Диний қадриятлар миллий тараққиёт хизматида. Му-тақилликнинг етти Наврўзи, истиқлолнинг оидин йўли.*— Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1999.—76-бет.

Иккинчидан, Ўзбекистон халқи, табиатан, интилувчан ва диний алломалар айнан Мовароуннаҳр диёридан чиққан бўлиб, ислом динига ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшган, шу сабабли, бошқа давлатларга ҳам таъсир ўтказиш осонроқ кўчади.

Учинчидан, Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисмини илмга чанқоқ ёшлар ташкил этади ва давлат қурилиши жараёнида вақтинчалик ҳосил бўлган бўшлиқдан фойдаланиб, диний ниқоб остида экстремизм ғояларини ёшлар онгига синдириб, давлат томонидан олиб борилаётган изчил сиёсатни, демократик тамойилларни қоралаб, баъзи жузъий камчиликлардан фойдаланган ҳолда давлат билан омма ўртасида зиддият келтириб чиқариш имконияти бор.

Яққол кўриниб турибдики, бу минтақада пайдо бўлган зиддият бошқа минтақаларга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди ва ягона ислом давлати қуриш ҳақидаги мақсад бир вақтнинг ўзида катта минтақа мувозанатини бузилишига олиб келади.

Ғайрисломий диний ташкилотларнинг асосийлари — “Ваҳҳобия” оқими ва “Ҳизбутаҳрир ал-исломий” диний экстремистик партиялар бўлиб, бу йўналишлар мазмуни ва ҳаракати жиҳатдан ўз қамровига “Ислом уйғониш партияси”, “Адолат”, “Ислом лашкарлари”, “Тавба”, “Ҳизбуллоҳ”, “Таблиц”, “Узун соқол”, “Эътимодчилар”, “Ақромийлар”, “Нур”, “Ҳизбун-Нустра” кабиларни олади.

Уларнинг асл мақсади амалдаги конституциявий демократик тузумни ўзгартириб, исломий давлатни қуриш ва уни давлатнинг шариат қонунларига кўра бошқаришни татбиқ этишга қаратилган¹.

Бу мақсад йўлида улар ҳеч қандай хунрезликлардан, ваҳшийликлардан қайтмаслигини Тошкент шаҳрида (1999 йил февраль), Андижон вилояти, Избоскан туманида, Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун туманларида амалга оширилган қабиҳ ишлари яққол кўрсатиб турибди.

Президентимиз Ислом Каримов XX аср муаммолари, одамлар дунёқарашидаги жиддий ўзгаришлар ва унинг оқибатлари хусусида фикр юритар экан, ана шу юз йиллик охирида “Ислом уйғониши”, “Қайта исломланиш”, “Ислом феноли” сингари бир қатор ибораларнинг пайдо бўлиш сабабларини излайди ва унинг оқибатлари нималарга олиб келишини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб беради.

Дарҳақиқат, айна ана шу тушунчалар дунёнинг катта бир қисмига тарқалган ислом дини, унинг тараққиёти, истиқлоли ва жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ва аҳамиятининг тобора кенгайиб бораётгани натижасида келиб чиққан дейиш мумкин.

Бу жараён инсоният тақдири, Ер шари истиқболи ва тараққиёти учун маълум бир таҳдид ва таҳликадан холи эмаслигига, унга ҳушёр-

¹ Закурлаев А. Ғоялар қураши. — Т.: Мовароуннаҳр, 2000. — 23-бет.

роқ боқиш, тийрақроқ назар билан қарашга даъват этади. Чунки, ҳамма вақт соф исломий назария, ислом фалсафаси, шариати, унинг инсониятни комилликка даъват этувчи буюк таълимоти билан бирга, уни сохталаштирувчилар, ундан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчилар ҳам йўқ эмаслигини, аини ана шу салбий ҳодисалар жамият тараққиётида кутилмаган фожиаларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Хўш, инсоният ҳаётига ва жамият тараққиётига раҳна солувчи бу муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб нима?

Бизнингча, диний маърифат ва билимни мукамал билмасликда, билимсизлик ёки бошқача айтганда, ислом манбаларидан, том маънода, хабарсизлик, жаҳолатга эрк беришда, динга бўлган ихлос, Аллоҳга бўлган ибодат ва тақво имон ва эътиқод асосида чин дилдан амалга ошмаётганлигида, деб билиш мумкин. Кўпинча, биз қизиқ бир ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. Шундай одамлар борки, диний-тасаввуфий илмнинг алифбосини ўрганар-ўрганмас, ўзларини тақводор киши сифатида кўрсатишга уринадилар, сўзига қулоқ солиши мумкин бўлган ёшу кексага ақл ўргатишга уринадилар. Ҳатто, намоз ўқимаган, рўза тутмаган кишиларни жаҳаннам олови билан, тўққиз дўзахнинг лангиллаб ёниб турган кундалари ва даҳшатли гурзилари билан кўрқитадилар¹.

Ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун отани ўғилга ва яқинларни бир-бирига кофир, деб кўрсатишдан ҳам тоймайдилар. Ҳолбуки, ислом арконларида кофир ва мусулмонликни белгиловчи фақат тангри таоло эканлиги, ҳаттоки, инсонда 99 фоиз белги кофирликдан нишона бериб, унда фақат 1 та белги мусулмонликка мансуб бўлса ҳам, у инсонни кофир дейиш гуноҳи азим эканлигини билмайдилар ёки билишни истамайдилар.

Бундай диний номутаносибликнинг келиб чиқиш сабабларидан яна бири — динни моҳиятан англамаган бир шароитда жамият томонидан берилган демократия неъматларидан тўғри фойдалана олмасликдир. Шу боис, тараққиётнинг ҳеч бир босқичида мамлакат тақдирига лоқайд қараб бўлмайди.

Тараққиёт мавжуд экан, унинг ҳар қандай босқичида хавфсизлик ва барқарорликка жиддий эътибор бериш тарихий заруриятдир. Жамият барча ошқора ва хуфёна — яхши-ёмон таъсиридан халос бўла олиши мумкин эмаслиги боис, тараққиётнинг энг юқори босқичларида ҳам муҳофазага муҳтожлик сезади. Шу нуқтаи назардан, эътиборни Г.Честероннинг: “Деспория ривожланган ва, айрим ҳолларда, энг ривожланган, айниқса, турли-туман анархистик таъсир-

¹Қ а р а н г: *Оқилжон Ҳусан*. Олимнинг ибрат олами: ҳужжатли-фалсафий қисса.— Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни 1999.—13-бет.

лар остида чирий бошлаган жамиятда пайдо бўлади. Деспорияни “демократиядан чарчаш” сўзи билан ҳам ифодаласа бўлади...”¹, — деган фикрига қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бошқача айтганда, демократия, динга берилган эркинликни тўғри англамаслик ҳам ана шу фикрга монанд келади. Айни собиқ совет ҳукумати даврида динга муносабатдаги сохта демократиядан чарчаш барча иттифоқдош миллатлар тақдирида яққол кўзга ташланган эди. Динга муносабат ва унга ихлосни шакллантиришдаги нотўғри тенденциялар илдизларидан яна бири — бу бир неча асрлар давомида маънавиятдан узоқлашиш, уни қандайдир бир анъанавий, консерватизм, деб талқин қилиш амалиётининг кучайиши билан боғлиқ, деган фикрдамыз.

Узоқ вақтгача маънавиятга интилиш, бусиз ҳаёт тараққиётини тасаввур қилмаслик эзгулик эмас, балки, қолоқлик деб талқин қилиб келинди, дунё тadbиркор, уддабурон прагматиклар ва маънавий ҳиссиётларга берилган “қолоқлар макони” деб, қутбларга ажратилди.

Шу маънода олиб қаралганда, диний экстремизм нафақат атеистик давлатларда, айни пайтда бутун дунёда дин қадрсизланган, таҳқирланган давр муҳитида вояга етган одамлар тафаккурининг маҳсули, деб ҳисоблашга асос бор. Динни қалбан чуқур ҳис этган, чин инсоний фазилатларни қадрлаш қобилятига эга бўлган одам ҳеч қачон экстремистлар сингари динни қурол қилиб олмайди. Зотан, унинг инсоний ва ахлоқий туйғулари, тарбияси бунга йўл қўймайди.

Ижтимоий тафаккурда, — деб ёзади файласуф олим Ш.Пахрутдинов,- “диндан қолган одам”, “диндан четдаги одам”, деган тushунча бор. Назаримда, ана шу тоифа одамларнинг шаклланишида Европа маърифатчилик фалсафасининг кейинги 400 йил мобайнидаги амалиёти асосий ижтимоий шарт-шароит ва муҳит бўлиб хизмат қилди. Гап шундаки, худди шу тарихий давр ичида диний илдизлардан батамом йироқ либерал демократия ва кейинчалик, марксизм кишилар боғини, онги ва шууридан жой олиш имкониятига эга бўлган эди. Либерал демократия ва марксизм фалсафаси диний ҳиссиётга икки хил йўл ва услуб билан зарба берди.

Диний, ахлоқий, ботиний ҳис-туйғулар билан яшаб келган инсон ўрнида, улардан мутлақо ажралган, жудо бўлган, минглаб мейфистофиллар, моддиюнчилар шаклланди. Диний туйғулари поймол қилиниб, бугунги кун манфаати билангина яшовчи миллионлаб кишилар пайдо бўлди².

¹Экстремизм хавфи //Қонун ҳимоясида.— № 2 (62).— 2001.— 14-бет.

²Қаранг: Қўчқоров А. Религиозный экстремизм как источник вооруженных конфликтов в регионе// Давлат ва ҳуқуқ.— № 2.—2000.—57-бет.

Мана шу динсизлик, бир неча аср давомида динга бўлган ҳурматсизлик жараёни бир томондан, қарама-қарши кучга нисбатан норозилик уйғотган бўлса, иккинчи томондан, диний-ахлоқий кечинмалар нима эканлигини мутлақо билмайдиган кишиларнинг ўнлаб авлодини шакллантирди. Шунини таъкидлаш керакки, бугунги кунда диний экстремизм дунёдаги сиёсий ташкилотлар билан ҳам, сиёсий жараёнлар билан ҳам кўринмас иплар асосида боғланиб кетган. Бунинг боиси шундаки, агар сиёсий жараёнлар ривожда Овруподаги ривожланган давлатлар етакчилиги қилаётган бўлса, маълум маънода, диний фундаментализм ва экстремизм ҳам ўша давлатлар манфаати доирасида тарихан шаклланганлиги сир эмас. Айниқса, “мусулмон фундаментализми васвасаси”нинг келиб чиқишига бевосита Фарб сабабчи, деб айтиш мумкин.

Шунини ҳам ёддан чиқармаслик лозимки, “мусулмон фундаментализми”, деб аталган ҳодисалар мусулмон дунёсига нисбатан Фарбнинг зулми, адолатсизлиги, мустакамлақачилигига, талон-торож сиёсати, иккиюзламачилигига жавобан вужудга келган. Демак, “мусулмон фундаментализми” асосан, XVII—XVIII аср мобайнида Фарбнинг ўзи экиб парвариш қилган, ҳатто илдиэлари ундан ҳам қадимроққа, салб юришларига бориб тақаладиган “зироат” уруғи зўрлик, адолатсизлик ва риёкорлик сиёсатининг қонуний ҳосиласидир”¹.

Шахс дунёқарашини такомиллаштиришда динни восита қилиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки, бугунги дунё цивилизацияси Фарб ва Шарқнинг дин ва диний тамойилларига муносабатини чуқур таҳлил этиш, ундан кўзланган мақсад ва муддаоларни теран англаш асосида унга ёндашмоқ зарур.

Бинобарин, ислом дини жаҳонда мавжуд бўлган динларнинг энг сўнггиси бўлганлиги сабабли, унинг ғояларида, қадриятларида ахлоқ ва одоб, комил инсонни тарбиялаш, маънавий камолотнинг мезонлари масаласи анча мукаммал ифодаланган.

Маълумки, диннинг зоҳирий ва ботиний жиҳатлари бор. Ботиний жиҳат имон бўлиб, қолган ибодатлар — зоҳирий жиҳатлар, улар имонни муайян ташқи ҳаракатлар билан тасдиқлайди. Аммо, имон фақат тилда бўлса, исломий ҳаёт қонунлари билан ички маънавий уйғунлик ҳосил қилинмаса, унда маънавият нуқтаи назаридан даҳрийнинг ўз ақидасига эътиқоди мунофиқнинг ташқи диндорлигидан афзал бўлиб чиқади. Чунки, эътиқодли даҳрий дўзах азоблари хавфи олдида ҳам ўз билганидан қайтмайди.

¹Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти.— Т., 1993.— 60—61-бетлар.

Мунофиқ эса ўз ҳаёт тарзи билан ҳалол инсонларнинг динга ихлосини қайтаради. Диннинг зоҳири сақлаб қолинса-ю, ботинига эътибор етарли бўлмаса, дин хурофотга айланади¹.

Бунга тарихдан ҳам, кундалик турмушимиздан ҳам кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Демак, динга ихлос руҳ тарбияси, яъни тил билан дил бирлиги асосида шакллансагина, у инсонга ҳам, жамиятга ҳам наф келтиради.

Руҳ тарбиясида эса дилни поклаш, нафсни жиловлай олиш муҳим аҳамият касб этади, зеро, руҳ — Аллоҳдан, жисм бўлса тупроқдан. Аллоҳ жамики покизалик, мукамаллик ва олий ҳақиқат тимсолидир. Куръони Каримда: “Дарҳақиқат, уни (яъни ўз нафсини-жонини имон ва тақво билан)поклаган киши нажот топади, деб (“Ваш-шамс” сураси, 9-оят)таъкидлаганлиги бежиз эмас. Бинобарин, ўткинчи хою-ҳавас, хирс, нафс қули бўлган кимсалар эмас, имон ва тақво, яхши амаллар билан, Аллоҳ ризосини қозониш йўлида, жон куйдирганларгина чинакам ҳурмат ва эъзозга лойиқдир”².

Аммо мунофиқлик, диний хурофот, ақидапарастлик аждодларимиз диний ҳамда маданий меросига ихлоснинг мустаҳкам эмаслиги, имон сустрлигининг далолатидир. Айниқса, ўзларини “тоза ислом” тарафдорлари қилиб кўрсатаётган айрим кимсалар, кечагина ўзини ҳақиқий тоза демократ, деб атаган, худога ишонмаган, ҳаром-хариш йўлда юрган кимсалар бугунги кунда “ислом мухолифати”га бошчилик қилмоқдалар. Бундан ҳам ортиқ мунофиқлик бўладими?! Уларнинг ўтмиши нафақат “тоза ислом”га, ҳатто, энг оддий диний тушунчаларга ҳам мос эмас. Улар бизга дини исломни ўргатмоқчи бўладилар. Бу хусусда фикр билдирар экан, Ислом Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: “Аслида асрлар давомида дини исломни ким кимга ўргатиб келган? Муқаддас Хоразм заминидан етишиб чиққан улуғ аждодимиз Махмуд аз-Замахшарий дин равнақи йўлидаги беқиёс хизматлари учун “Жоруллоҳ”— яъни “Аллоҳнинг қўшнисини”, деган юксак мақомга сазовор бўлган. У яратган “Ал-муфассал” китоби араб тилининг граматикасига асос этиб олинган ва араб дунёсида унга ҳозиргача амал қилинади... Шундай буюк зотнинг авлодларига муқаддас эътиқодимизга ёт бўлган турли зарарли, заҳарли таъсирларга берилиш ярашадими?”³.

Ислом экстремизми, умуман, диний экстремизм ўз мақсадларига эришишнинг асосий усули сифатида танлаб олган террор ёрдами-

¹Қаранг. *Имомназаров М.* Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. — Т.: «Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998.—96-бет.

²*Шайх Нажмиддин Кубро.* Жамолинг менга бас. Рубоийлар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.—12—13-бетлар.

³*Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд.— Т.: Ўзбекистон, 1999.—363-бет.

да ҳокимият учун курашиш бу дин эмас, балки, кўпроқ сиёсатдир. Бу кучлар учун дин ниқоб, холос. Хўш, бугунги кунда бундай заррли ва хавфли ғояларга қарши курашиш, кишиларимизда тўғри исломий дунёқараш, инсонпарварликка асосланган диний бағрикенглик тамойилларини ривожлантириш учун қандай муаммоларни ҳал этиш зарур.

Фикримизча, бунинг учун қуйидаги вазифаларни мунтазам ва узлуксиз амалга ошириб бориш керак:

— кишиларимизда, аввало, ёшларда миллий ва диний қадриятларимизни эъозлаш, динга маънавий маданиятимизнинг кўзгуси сифатида қараш кўникмаларини ҳосил қилиш;

— диний таълимнинг норасмий шаклларига барҳам бериш ва хусусий таълим турларини чеклаш;

— бошланғич таълим тизимида аждодларимизнинг диний мероси, ахлоқий қадриятларимизни тегишли дастурлар асосида давлат таълим стандартлари тизимига киритиш;

— дин ва хурофотнинг бир-биридан асосий фарқларини ёшлар онгига мунтазам сингдириб бориш.

Ислоннинг ҳаётбахш қадриятларини эъозлаш, уларни кишилар дунёқарашини, онги ва тафаккурига сингдириш масалаларига жуда эҳтиёткорлик билан жиддий ёндашиш керак бўлади. Бу хусусда тўхта-лар экан, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар кўмитаси раиси Шоазим Минаваров қуйидагиларни таъкидлаб кўрсатган эди: “Ёшларнинг ислом ақидаларини билмаслигига қарама-қарши ўлароқ, оммавий суратда, исломга ўргатиш, яъни, сунъий равишда, исломлаштиришнинг ҳам салбий томони бор. Бунинг оқибатида, экстремистлар таъсирига осонгина тушиб қоладиган одамларни ўзига оғдириб олиш учун замин пайдо бўлади. Агар давлат сунъий равишда исломлаштириш учун бундай одамга диний таълим учун имкон берса, у кейинчалик, ислом давлати барпо этиш мақсадида, исломнинг яшил байроғи остига ўтиб қолиши мумкин. Ислонни сунъий равишда ўрганишнинг хавфи шундаки, Қуръонда ғайридинларга қарши муқаддас уруш — жиҳод ҳақида қоида бор. Баъзи бировлар исломни ўрганар эканлар, афсуски, фақат жиҳод ҳақидаги оятларнигина ёд оладилар. Ана шундай одамга экстремистлар жиҳод услубини ўргатадилар ва қўлга қурол олишга мажбур қиладилар.

Натижада, у ҳеч нарса қила олмай қолади, чунки экстремистлар унга Қуръоннинг қолган ҳамма қисмлари тинчлик ва меҳр—муҳаббатга, қон тўкмасликка чақиришни тушунтирмайдилар... Бугунги ислом экстремистларининг раҳнамолари эса 1300 йил бурунги ақида-ни оладиларда, сен жиҳод қилишинг керак, дейдилар. Экстремистлар жиҳод қоидаларига асосланиб, ўз сафларига қўшилиб қолган

ёш йигитларга ҳар куни беш маҳал масжидга чиқмайдиганларни бундайлар, ҳатто, ота-оналаринг бўлса ҳам ўлдириш керак, деб тунтирадилар. Агар бола боғчага борса, уни ўлдириш мумкин, чунки, боғча давлатники, давлат эса мусулмон давлати эмас ва ҳ. Шу сабабли, беистисно ҳаммага, айниқса, ёшларга динни зўрма-зўраки ўргатиш — ҳеч бир яхшиликка олиб бормайди¹.

Демак, динга ихлос қўйишнинг ҳам ўз меъёри бўлиб, уни инсонпарварлик томойилларига қараб ривожлантирмоқ зарур.

Халқимиз маънавий жиҳатдан кўпгина афзалликларга эга бўлган ислом динини қадрлаш билан бир қаторда, динни хурофот даражасига кўтаришга уринган кучларнинг ҳар қандай кирдикорларига қарши қатъий курашади, айниқса, ёшларни уларнинг таъсирига тушиб қолишдан сақлайди.

Шу мақсадда, Республика Вазирлар Маҳкамаси қошида Дин ишлари бўйича махсус қўмита тузилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги Қонунда давлатнинг дин ва диндорлар вакилларига муносабати ўзининг аниқ ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган, қайси динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”², — деб ёзилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 3- моддасида: “...Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди”³, — дейилган.

Шунингдек, Қонуннинг 7-моддасида таълим тизимининг диндан ажратилганлиги тасдиқланади, диний фанларнинг ўқув дастурларига киритилишига йўл қўйилмайди ва фуқароларнинг дунёвий билимлар олиш ҳуқуқи таъкидланади⁴.

Маълумки, Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлат бўлиб, полиэтниклик ва поликонфессионализм шароитларида ҳаётга секуляризм сиёсатини фуқаролик жамияти устунлиги, давлатнинг диндан устунлиги жорий қилади, динга ишонишда эркинликни, диннинг (хусусан, ислом — кўпчи-

¹ Гафарли М. С., Касаев А. И. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарор тараққиёт асоси.— Т.: Ўзбекистон, 2001.—192—193-бет.

²Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.— Т.: Ўзбекистон, 1998.—15-бет.

³Уша жойда, 10-бет.

⁴Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири).— Т., 1998.—10-бет.

лик аҳолининг дини) давлатдан, таълимдан алоҳидалигини эълон қилади.

Республикамизда, Ғарб ва Шарқнинг кўплаб мамлакатларидан фарқли ўлароқ, секуляризмнинг ўз модели шаклланди, у жамият эволюциясининг тарихий ва маданий ўзига хосликларини ҳисобга олади ва унинг мақсади, вазифаси инсонпарварлик ҳамда демократия ғоялари фуқароларнинг тинчлиги билан уйғунлашиб кетган, келажаги буюк давлат қуришдан иборат.

Бунда жамият кундалик ҳаётидаги исломнинг, мусулмонлар анъаналари, маънавият, маданий мероснинг халқ ахлоқий-маънавий тикланишидаги алоҳида ролини ҳисобга олган ҳолда, давлат динни назорат қилиш эмас, балки, уни мамлакатдаги ўзгаришларга мослаштириш, динга ишонувчиларни жамиятни интеграциялаш ва сиёсий консенсус йўлида миллий мустақилликни, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни мустаҳкамлашга жалб қилишга интилади. Бир сўз билан айтганда, ислом қадриятларининг кишиларимиз онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин олиши, диндаги юксак инсоний фазилатларга кишиларимизни ихлосманд қилиб тарбиялашдан давлатнинг ўзи ҳам манфаатдор.

Зеро, ҳар қандай дин шу жумладан ислом дини ҳам умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уни ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган, одамларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда.

Жамиятда дин, диний тасаввурлар билан бирга, дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам ёнма-ён яшаб, ҳар бир муайян шахс дунёқараши ва маънавияти учун мустаҳкам замин вазифасини ўтайди.

3-§. ИХЛОСМАНДЛИК – ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ихлосмандлик масаласига биз қанчалик батафсил тўхтамайлик уни миллат, маънавият, унинг ҳам ботиний, ҳам зоҳирий жиҳатларини чуқур таҳлили билан бирга қўшиб олиб бормасак, унинг ҳақиқий маъносини, шахс камолотидаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш имкониятига эга бўла олмаймиз. Шу боис, биз тадқиқ этаётган масаланинг деярли барча томонлари маънавият ва маънавий мерос билан алоқадорликда олиб қаралмоқда. Зеро, шахсни ихлосмандликка ундайдиган ички ботиний куч ҳам миллий маънавиятимизнинг илдиэлари билан туташ.

Миллий маънавиятнинг шаклланишида маънавий мерос, яъни ажлодаримиз неча минг йиллар давомида юзага келтирган маънавий бойлик асосий ўрин тутаети.

Шу сабабли, маънавий меросини унутган халқ ўзлигини унутаети, унинг маънавий дунёси кундан кунга ғариблашади, ёлғизликда

ривожланмайди ҳам. Элат ва миллатлар доимо бир-бири билан тур-лича муносабатда бўладилар ва тарих давомида бир-бирларига таъсир ўтказиб, бир-бирларини маънавий бойитиб борадилар. Аммо, ҳар бир халқ ҳеч қачон ўзлигидан буткул кечиб, бошқа халқ маънавияти ҳисобидан ўзини бойита олган эмас. Якка бир шахс буткул ўзга бир маънавий муҳитда тарбия толиб, унга тўлиқ мослашиши мумкин.

Бу инсон табиатига хос нарса. Шахс табиатидаги ана шу ўзига хосликнинг ижтимоий асосларини ўрганиш негизида унинг тарбиясига, дунёқарашига ижобий маънода таъсир ўтказиш унинг табиатида ниш ураётган қусурлар, нуқсонларнинг ўз вақтида пайини қирқишда ажлодларимизнинг бой маънавий меросидан самарали фойдалана олиш гоаят муҳимдир. Айниқса, бугунги кун ижтимоий воқелигида учраб турган реал ҳодисалар ҳам тарбия ва ибрат манбаи бўлган миллий-маданий меросга таяниш зарур эканлигини англашмоқда. Маънавий меросни ўрганиш ва унга ихлосмандлик — миллий гуруҳ туйғулари анча сўниб, ўзлиги ва насл-насабини англай олмай, довдираб турган, турли экстремистик оқимлар тўдасига тушиб қолаётган ёшларимизнинг қалбида ажлодларга муносиб ворислик шамчирогини ёқиш, уларнинг руҳига, онгига таъсир қилиш учун керакдир.

Ана шу сабабга кўра: “Ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт. Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади — имон-этиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, ажлодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат”¹.

Шу ўринда, тарбия ва ихлос хусусида бир оз тўхталиш зарур, зеро, ихлосмандлик анъаналарини такомиллаштиришда бу икки тушунчанинг ўз ўрни бор. Одамзод фарзандини боқиб ва таълим бериб катта қилиш, вояга етказиш учун қилинадиган меҳнат ва ғам-хўрликни тарбия, деб атайди. Шу сабабли, мазкур жараён таълим-тарбия деб ҳам аталади. Одамга иш-ҳунар ўргатиш ва, умуман, кишининг гоаявий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим тизими ҳам тарбияга киради. Таълим берувчини муаллим, тарбия берувчини мураббий дейилади. Агар муаллим ва мураббийлар маърифатли, маънавиятли, ўз касбу ҳунарларида моҳир бўлсалар, шогирдларига меҳрибонлик кўрсатсалар, беғараз иш тутсалар, устозлик шарафига ноил бўладилар.

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд.—Т.: Ўзбекистон, 2000.—341-бет.

Ўз навбатида, шогирд устоз илму фазилатига қай даражада чин дилдан ихлос қўйса, унинг ҳар бир сўзини жон озиғи, тафаккур неъмат сифатида қабул қилса, устоз ўтитларини ҳаётий фаолиятига дастуриламал қилиб олса, унинг илм, ҳунар ёки касб-корликка ихлосмандлиги шу даражада юксак бўлади.

Илм олиш бошқаю, уни уқиш, унга ихлос қўйиш бошқа.

Шу маънода, ихлос, аввало, ишонч ва эътиқод манбаидир. Шунинг учун халқимизда “гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга”, деган ҳикмат бор. Оташнафас шоир Огаҳий ёзганидек:

Эй кўнгил, одам хаёл айлаб, дема нодонга сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз!

Демак, ҳар қандай ихлос ва ихлосмандликнинг заминиди, аввало, ишонч, интилиш қизиқиш туради. Одамга соғлик керак бўлса, шифокорга ихлос қўяди. “Ихлос қилсанг, дарддан халос бўласан”, деган гап шундан қолган. Илм олишга орзуманд бўлган шогирд устозга ихлос қўяди.

Халқимизда уста-шогирд аънаналари кенг ёйилган бўлиб, бу ёшларимизни устоз ва мураббийларга ихлосмандлигининг ёрқин намунасидир. Кексалар “устоз отангдан улуг”, деб бежиз айтишмаган. Зеро, ота-она боланинг жисмоний қиёфасини вужудга келтиришса, устоз унинг инсоний қиёфасини шакллантиради. Шунинг учун ҳам ота меҳридан устоз жабри афзал дейилади.

Мутафаккир шоир А. Навоий ўз устози Жомийни ниҳоятда ҳурмат қилган. Ҳатто, у вазиралик лавозимидан кетмоқчи бўлганда ҳам устозидан маслаҳат сўраган. Шунингдек, ўз асарларини ёзишдан аввал устози билан маслаҳатлашган.

Ҳазратнинг ўзи эътироф этишича, фалсафанинг кўп сирларини, камтарлик ва сахийлик каби хислатларни устозидан ўрганган. Улар ҳамиша бир-бирига мададкор ва ихлосманд эдилар.

Абдурахмон Жомий ҳам, ўз навбатида, Навоийни беҳад ҳурмат қилар эди, у Навоий қиёфасида донишманд мутафаккир, улкан шоир тимсолини кўрар эди.

Навоийнинг ўз устозига нисбатан ихлоси ниҳоятда баланд бўлганлигини қуйидаги ҳикоядан ҳам билса бўлади: Бир куни Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро Ҳирот кўчасида кетаётган эди. Навоий тўсатдан отидан тушиб ариқ бўйида ўйнаб ўтирган болага тавозе билан салом беради ва яна отига миниб ўз йўлида давом этади. Бундан ҳайрон бўлган Ҳусайн Бойқаро: — Ажабо Алишер! Нега катта бошингиз билан она сути ҳали оғзидан кетмаган гўдакка таъзим ила салом бердингиз, бунинг боиси нима? — деб сўрайди. У бола

¹Оқилжон Ҳусан. Олимнинг ибратли олами: ҳужжатли-фалсафий қисса.—Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1999.—176-бет.

мавлоно Абдурахмон Жомийнинг неваралари бўлади, устозга хурматим зўрлигидан у болага салом изҳор этдим, — деб жавоб қилди Навоий¹.

Устозга юксак меҳр-муҳаббат ҳамда ихлосмандлик ўзбек халқи азалий қадриятлари билан туташ бўлиб, халқимиз, миллатимизнинг бу фазилатларини бошқа миллатда ўзимиз даражада кўра олмаймиз. Бу ҳеч бир муболағасиз, миллий эҳтирос, миллий нигилизмга берилмаган ҳолда чуқур мулоҳаза асосида айтилган фикр эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Ихлосмандлик хусусидаги фикримизни ривожлантириб, юқорида айтилган мулоҳазага монанд фарзандни ота-онага, унинг фазилатларига ихлосмандлиги масаласига тўхталмоқчимиз.

Мана шу масалада ҳам ўзбек миллий қиёфаси миллий менталитетига хос жиҳатлар ҳаётимизнинг деярли барча соҳаларида яққол кўзга ташланиб туради, фикримизга ойдинлик киритиш учун Юртбошимизнинг: “Биз шарқона тарбия кўрганмиз, ўз одатларимиз, анъаналаримиз, ўз бетакрор инсоний табиатимиз мавжуд. Айтингчи, биздагидай ранг-баранг, инсонпарвар қадриятлар яна қаерда бор? Андиша, мурувват, меҳр-оқибат, орият, ибo ва ҳаё, мулозamat, деган сўзларни бошқа бир тилга таржима қилиш мумкинми?”

Халқимизнинг инсонийлик фазилатларини ўзида намоён этадиган бундай атамаларни бир-бир санаб юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Шундай экан, барпо этаётган давлатимиз, келажагимиз илдизи теран тарихимизга, бетакрор маданиятимизга, ноёб қадриятларимизга, юксак мақсадларимизга монанд бўлиши лозим² — деган фикрларига алоҳида урғу бермоқчимиз.

Зеро, ота-онага меҳрибонлик, уларнинг фазилатларидан ибрат олиш, уларни кексайган чоғларида кўнглига қараб эъзозлаш ўзбек миллати маънавиятининг муҳим асоси ҳисобланади.

Чунки, йигитлар ер ҳайдаш, экин-тикин ишларини, ҳунармандчилик сирларини дастлаб ота-боболаридан, қизлар эса уй йиғиштириш, ҳовли супуриш, идиш-товоқ ювиш, таом тайёрлаш, хамир қилиш, нон ёпиш, сигир соғиш, қурт боқиш, кашта тикиш, бола тарбиялаш йўлларини эса оналари, табаррук онахонларидан ўрганадилар.

Шу боис ҳам йигитдир-қиздир ота-онанинг ажойиб инсоний фазилатларига ихлосманд бўлиб вояга етиши, уларни қадрлаши, босган изларини тавоф айлаши зарур ва бу уларнинг нафақат фарзандлик, балки, инсоний бурчи ҳам ҳисобланади.

¹ Қаранг: *Жавлиев Т.* Анъаналар — ҳаёт сабоғи. — Т.: Ўзбекистон, 1992.—74-бет.

² *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пиروvard мақсадимиз. 8-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2000.—471-бет.

Она қанчалик фарзанд учун азиз ва муқаддас бўлса, ота ҳам ундан кам эмас. “Отан ўтирган уйнинг томига чиқма”, деган нақл ҳам бекорга айтилмаган. Буларнинг барчаси “яхшилик, меҳр-шафқатли ва ўзаро муносабатларда сабр-тоқатли бўлиш, азалдан ҳаммага маълум “ўзбекчилик” — ўзбекларнинг бир-бирига ҳурматда бўлиши ва ҳамдардлиги эса инсонийлик ҳамда ишонч муҳитини вужудга келтирмоқда”¹.

Ҳар қандай мустаҳкам ишонч заминда, муайян маънода ихлос ва ихлосмандлик шаклланади. Ота-онага меҳр, уларга бўлган юксак ишонч ҳам ана шундай ихлосмандлик манбаидир.

Аммо назаримизда, давр силсиласи айна мана шундай халқимизнинг азалий қадриятларига ҳам маълум маънода соя солаётгандек, ёшларимиз тафаккури, фикрлаш тарзида ана шундай қадриятларга ихлосмандлик туйғулари шаклланишида номутаносибликлар юзага келишига сабаб бўлаётгандек туюлмоқда.

Фикримизнинг далили сифатида сеvimли адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг куйидаги мулоҳазаларини келтирмоқчимиз:

“Масалан, Америкада вояга етиб-етмаган бола эллик доллар пул таллашиб, отасини судга берсаю, судда ютиб чиқиб, отасини беш минг доллар тўлашга мажбур қилса, бу демократия тантанаси ҳисобланади.

Мабодо шундай ҳолат Ўзбекистонда рўй берса, бунақа бола “оқпадар” ҳисобланади. Негаки, ўзбекнинг фарзанди ўз падарини судга етаклаб боргандан кўра, ўлгани маъқул, ҳар нима бўлгани маъқул.

Яқинда Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирида бўлиб ўтган учрашувда шуни эслаган эдим, бир талаба “агар пулни ўша боланинг ўзи топган бўлса, отасини судга бериб тўғри қилибди”, деди.

Ростини айтсам бу гап менга жуда огир ботди. Наҳотки, ёшларимиз орасида шу қадар шафқатсиз тафаккур қиладиганлар бор бўлса? Наҳотки, мол-дунёни ўз падаридан юқорироқ баҳолаш мумкин бўлса?! Майли, бугунги муайян тақчилликлар ўтар-кетар. Бой-бадавлат ҳам бўлармиз. Аммо авлод-аждодаларимиз минг йиллар давомида авайлаб келган қадриятларни тиклаш, синган кўнгилни ямаш, йўқолган меҳрни топиш осон бўлармикан?”².

Хўш, мана шундай аянчли ҳолатнинг юзага келишига нималар сабаб бўлаяпти? Моддий етишмовчиликми ёки кишиларимизда бир-бирига бўлган меҳр-муруватни самимиятнинг сусайиши, маънавиятимиздаги нуқсонлар ана шундай фикрий таназзулга олиб келма-яптимикан?

¹ Каримов И. А. Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996. — 286-бет.

² Ҳошимов У. Ижод — кўнгил иши, ижтимоий ҳодиса // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. — 2003 йил 25 июль.

Қолаверса, биз ХХІ асрда, дунё миқёсида цивилизациялараро мулоқот асри, техника, технология, информатика асрида яшамоқдамиз. Оммавий ахборот воситаларидаги турли хилдаги ахлоқимиз, маънавиятимизга зид хабар ва лавҳалар, телесериаллар, жумладан, “Муҳаббат қаҳваси”, “Эсмеральда”, “Гвадалупе”, “Камилла” каби сериалларга ахлоққа, миллий маънавиятимизга зарар келтирмайдиган беозор восита деб қараб бўлмайди.

Айниқса, Фарбнинг жангари фильмлари ёшларнинг дийдаси қотишига, андишасиз, ориятсиз бўлиб қолишига олиб келмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Айрим ҳолларда, кинода роль ўйнаётган актёрларнинг кийиниши, хатти-ҳаракатлари ёшларнинг феъл-атвори, хулқи, маданиятига салбий таъсир қилаётганлиги ҳам сир эмас.

Мана шундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар, масалан, миллий либосларни тарғиб этиш, кийинишда шарқона метёрларга риоя этиш, Фарб маданиятига тақлид қилавермаслик ҳақидаги мулоҳазаларни, айрим олимларимиз “ўтмишга сажда” қилиш, деб тушунаётганлигини қандай баҳолаш мумкин. Демак, бугунги кунда миллий маънавиятимизни мустаҳкам заминга қўймоқ учун “ғоялар бозорига” ихлосмандларни турли ғояларнинг зарарли афсунига тушиб қолишдан сақлашимиз, уларни тўғри йўлга солишимиз, шахс маънавиятини юксалтириш учун миллий истиқлол ғоясига ёшларимизни ихлосманд қилиб тарбиялаш борасида жамиятимизнинг илғор қатлами бўлган зиёлиларни бу борадаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга сафарбар этмоғимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, кишиларимизни миллий ғояга ихлосини ошириш, мафкураимизнинг инсонпарварлик тамойилларига уларни ихлосманд қилиб тарбиялаб бориш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Маълумки, ихлос ҳар бир ғоя, тушунча, билимнинг эътиқодга айланишидаги ўзига хос бир босқичдир.

Модомики, ғоя ҳам ихлоснинг эътиқодга айланишидаги бир босқич экан, уни такомиллаштириш ҳамда кишилар онги, қалбидан мустаҳкам ўрин олишига эришиш учун ҳар бир инсонда унга нисбатан ишонч ҳосил бўлиши зарур. Ихлоснинг муҳим жиҳати шундаки, у кишиларда, аввало, қизиқиш, сўнгра эса интилиш тарзида шакллана боради. Аммо, ҳар қандай қизиқиш ҳам ихлос бўла олмайди, у муайян шахснинг эҳтиёж ва манфаати билан боғлангандагина ихлосга айланади.

Жамиятимиз кишилар учун етилган айни шундай эҳтиёж ва манфаат асоси миллий истиқлол ғоясида ўз ифодасини топган десак, хато қилмаган бўламиз.

Зеро, ҳар бир жамият халқни муайян мақсадлар ва манфаатлар йўлида уюштириб турувчи, сафарбар этувчи ғоялар ва таълимотлар-

га муқаррар равишда эҳтиёж сезади. Бу — қонуният. Одамларни, ижтимоий гуруҳларнинг бошини қовуштириб, бирлаштириб турадиган мафкуравий таъсир бўлмаса, парокандалик, бошбошдоқлик бошланади, жамиятда тараққиёт бўлмайди, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий инқироз авж олиб кетади. Кўриниб турганидек, жамият тараққиётини мафкурасиз тасаввур этиб бўлмайди. Бутун инсоният жамияти сингари, Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи учун ҳам мафкура сув билан ҳаводек зарур¹.

Биз тадқиқ этаётган мавзу бевосита ихлос ва мафкуравий иммунитет билан боғлиқ экан, аввало, мафкуранинг ўзи нима, деган масалани қисман ёритишни ҳам зарур деб ҳисобладик.

Рус олими В.И. Ковеленко ва А. И. Костинларнинг фикрича, (мафкура) идеология тушунчаси дастлаб илмий истеъмолга француз маърифатпарварларининг сўнги намояндаси Антуан Дестю — де Граси томонидан киритилган. У ўзининг “Фикрий қобилият ҳақида этюд” номли ишида “идеология” терминини ғоялар ҳақидаги фан, деб баҳолаган. Кейинчалик, ўзининг кўп жилдли танланган асарларидан бири — “Идеология элементлари” (1805—1815й.) да Дестю — де Граси ғоялар ҳақидаги фаннинг инсон тафаккурида қандай пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида батафсил тўхталиб, бу фан худди табиий фанлар каби аниқ бўлиши керак, деб ҳисоблайди².

Мафкура (идеология) термини ўша даврдаги бошқа француз олимлари — Кабанис, Гар, Жордано, Лапслин асарларида ҳам кенг қўлланилган.

Ўша даврлардаёқ мафкуравий жараёнлар инсон эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда юзага келиши ҳамда кишилар ўз фаолиятлари кўламини ижтимоий эҳтиёжлар доирасида такомиллаштириш асосида мафкуранинг ўзини ҳам шакллантириш мумкинлигини англаб етганлар.

Демак, мана шу жиҳатнинг ўзи ҳам мафкура соҳаси инсон феъл-атвори, интилишлари, мақсад-муддаолари асосида такомил топишини билдиради.

Алалхусус, барча мафкуравий жиҳатлар инсон, унинг тафаккури, эҳтиёжи асосида шаклланар экан, аввало, жамиятнинг ўзини ҳам инсонийлик фазилатлари билан безамоқ зарур. Инсонни олижаноб ишларга ихлосманд қилиб тарбиялаш жоиз. Аммо, бу унчалик осон иш эмас. Фикримизнинг далили сифатида Аҳмад Донишнинг инсон ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтирамиз.

¹Қаранг: *Бобоев Ҳ., Ғофурова З., Исмоилова З.* Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. — Т.: Янги аср авлоди, 2001. — 4-бет.

²Қаранг: *Коваленко В. И., Костин А. И.* История и современность. Вестник Московского университета. — Серия 12. — Политические науки. — 1997. — № 2. — С 15.

“Инсон зуваласи шайтоний, ҳайвоний ва малокони хислатлардан иборат қорилган хамирдан узилгандир”¹. Шу боис, у доимо хато қилишга, ёвузликларга изн беришга мойилдир.

Чунки унинг руҳида ижобийликдан кўра, салбийликка яқин бўлган 2 та хислат — шайтоний ҳамда ҳайвоний хислат устундир.

Шахсда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда аини мана шу ҳолатга алоҳида диққат-эътибор қаратиш лозим. Буни ўз вақтида англаган Юртбошимиз бу хусусда қуйидагиларни таъкидлаган эди;

“Аслида, менинг назаримда, одамнинг қалбида иккита куч-бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашда. Афсус билан таъкидлашим лозим; тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатида инсонийликдан кўра, ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ”².

Юртбошимиз қайта-қайта огоҳлантираётганларидек, агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни пайқамай-сезмай қолсак, ҳушёрликни қўлдан берсак, ёшларимизнинг мустақил, замонавий фикрлашларига эришмасак, кўп нарсаларни бой бериб қўйишимиз мумкин.

Бошқача айтганда, инсон табиатидаги қусурлардан фориғ бўлиш, миллий истиқлол ғоясига ихлос қўйиш ва уни эътиқод даражасига кўтариш — кишиларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг бирламчи асосидир.

Лекин, ижтимоий ҳаётда шундай ғайримантиқий ҳолатлар мавжудки, булар, кўпинча, жамият танасидаги нуқсон, зарарли ўсимта сифатида узоқ вақт сақланиб, даврдан даврларга ҳам ўтиб боради.

Жумладан, кўпинча, кишилар ҳаётдаги иллатлар учун бошқаларни айблашни яхши кўрадилар: ўзларининг айбларини ё билмайдилар, ё билишни истамайдилар.

Бу хусусда Ж. Ж. Руссонинг қуйидаги фикрини келтириш жуда ўринлидир:

— “Халқ ўз тақдирини сайлаб қўйиладиган идорага буткул, мутлақо ишониб топшириб қўйиши учун мазкур идора фақат фаришталардан иборат бўлмоғи даркор. Бироқ, ҳатто, уларда ҳам одамларни бошқаришга киришишлари биланоқ, шох ва тирноқлар ўсиб чиқади”. Демак, бундан келиб чиқадики, халқ ҳеч кимга ўзига ишонгандан кўпроқ ишонмаслиги лозим. Ҳаётий заковат, тафаккур, илм-

¹ *Аҳмад Донш*. Наводир-ул воқоё. — Т.: 1964. — 136-бет.

² *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 504-бет.

фанга ҳамда тегишли тарздаги ташкилий уюшмаларга таянмоқ зарур¹.

Демак, илм фан, маърифатга, шунингдек, ташкилий уюшқоқликка рағбатнинг юксалиши, шахс ва унинг фаолияти орқали, жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг ечимини топиш калитини беради.

Маърифатсизлик ва илмсизлик ва парокандалик, жаҳолат, худбинлик, ҳатто, ватанфурушликка қадар бўлган салбий иллатларнинг доясидир. Билимсиз, маърифатсиз одамда ихлос ҳам, интилиш ҳам бўлмайди.

Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида бундай кишиларни нодонлар қаторига қўшади. “Нодоннинг иши, — деб ёзади мутафаккир, — такабурлик, кеккайиш, хаёлида юз хил беҳуда ташвиш”.

Ҳеч қандай фикр, ўй талаб этмайдиган меҳнатга маҳкумлик нодонликнинг ибтидосидир, инсонийликнинг интиқосидир. Ҳаёт мўъжизаси, қадрияти, олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар, ўтмиш ва истиқлол олдидаги масъулият, деган тушунчалар бундай табиатдаги одам учун бегонадир.

Нодонлик ва хурофот ҳукрон жойда жаҳолат авж олади. Жаҳолат зўр келган жойда эса тараққиёт бўлмайди. Худди шунинг учун ҳам азалдан бизнинг она заминимизда нодонлик ва хурофот қораланган, маърифат ва тафаккурга кенг йўл очиб берилган.

Аҳмад Яссавий бундан тўққиз юз йилча олдин:

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлиб,
Бағрим қуюб, жондин тўйиб ўлдим мано;
Тўғри айтсам, эгри йўлга бўйин тўлғар,
Қонлар ютиб ҳам заҳрига тўйдим мано²,

деб бекорга фарёд чекмаган.

Чиндан ҳам, одам маърифат ва билимга қанчалик интилса, жамият ҳаётининг маънавий қиёфаси шунчалик кўркам бўлади. Шунинг учун аждодларимиз ҳамма вақт етукликка интилиб яшашган.

“Шунга аминманки, — деган эди Ислом Каримов, — одам биргина яхши сўз туфайли, мажозий қилиб айтганда, тоғни талқон қилиши мумкин. Афсуски, биз кейинги вақтларда одамларга бундай муносабатда бўлишни деярли унутиб қўйдик. Чунки, одамга ишонч уни улуғлайди, ўз кучига ишонч бағишлайди. Бошқача томондан, ишончсизлик, холисона муносабатда бўлмаслик одамлар-

¹Демократик Ўзбекистон: фалсафий-ҳуқуқий муаммолар. Истиқлолнома.—Т.: Ўзбекистон, 1997.—78-бет.

²Ватан туйғуси.—Т.: Ўзбекистон, 1996.—336-бет.

нинг ҳафсаласини пир қилади ва шу туфайли биз қанчадан-қанча истеъдодли кишиларни бой бермоқдамиз”¹.

Иккинчи томондан, кишилар ҳафсаласини пир қиладиган, уларни муайян ижобий жараёнга нисбатан ихлосини қайтарадиган бошқа сабаблар ҳам мавжуд. “Шунга кўра, инсон воқеликни доим ҳам ижобий тарафга ўзгартиради, деб бўлмайди. Ажойиб қасрлар бунёд этган, воҳаларни обод этган ҳам инсон, шахсларни тўпга тутиб, кулини кўкка совурган, ўрмонларга ўт қўйган ҳам одам боласи (зеро, ҳайвоннинг қўлидан бу ишлар келмайди). Дунёни ҳайратга солган кашфиётлар, кўнгилларни забт этувчи ғазаллар, дostonлар инсон ақл-заковати, истеъдоди маҳсули, аммо, китобларни гулхан қилиб ёқтирган, она тупроқни заҳарлаб, зилол сувни оғуга айлан-тирганлар ҳам жоҳил сарбозу саводсиз деҳқон эмас, ўзини табиат жамият устидан ҳукмрон билган уламою, кубаролардир”.

М. Имомназаровнинг ушбу мулоҳазаларида ибрат, тарбия ва ихлосга доир масалалар юзасидан мушоҳада юритишга чорловчи асос бор.

Хўш, нима учун оддий сарбоз ёки деҳқон эмас, айти маълум иқтидорга, билимга эга бўлган айрим кишилар бузгунчи ғояларга раҳнамолик қилади.

Бунинг боиси, ўз маслағи ҳамда билимига нисбатан эътиқоднинг суствлиги, ихлоснинг хаминқадарлигида эмасми? Ёки илми саёзлигию, унга амал қилишга рағбатнинг йўқлигида эмас-ми? Халқимизда: “Илмига амал қилмаган мулладан устига китоб юкланган эшак афзал”, — деган бир нақл бор.

Тил билан дил бирлиги, иш билан амал бирлигини таъминловчи омил эса кишилардаги билим, эътиқод ва ихлос бирлигидан иборатдир.

Аҳмад Югнакий ўзининг “Ҳибат-ул ҳақойиқ” (Ҳақиқатлар аргумони) номли асарида ёзганидек: “Билим билан бахт-саодат йўллари ўрганилади, билиб эгаллаб саодат йўлини топ. Билимли киши қимматли олтиндир. Жоҳил, билимсиз кишилар арзимас қалбаки (ақча)-дир”².

Демак, киши қалбини нурафшон қиладиган, уни яхши амалларга чорлайдиган, ажодлар меросини эъозлашга ўргатадиган раҳбари — нажот ҳам билимдадир. Шу боис, кишиларимизда мустаҳкам эътиқодни, юксак ахлоқий фазилатларни камол топтириш миллий ғоямизга ишонч ва ихлосни такомиллаштириш учун, аввало, улар-

¹Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз такомил босқичлари.— Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1996.—57-бет.

²Абдуллаев Ф. Х. Урта Осиё халқлари фалсафий меросидан лавҳалар. — Андижон, 1993.—34-бет.

ни билимли қилиш, ўз халқи ўтмишини, маънавиятини чуқур билиш асосида ўзлигини англаш зарурлигини бир чуқур ҳис қилишга ўргатмоқ зарур.

“Тарихдан маълумки, — деб уқтиради И. Каримов, — бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихдан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Табиий савол туғилади: бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?”¹.

Бунинг йўли — одамларимиз, авваламбёр, ёшларимизнинг имон-этиқодини мустақкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарининг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб гурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир².

Аввало, шунини қайд этиш лозимки, мафкура бир муддатда намоён бўлиб, сўнгра сўниб қоладиган тасодифий ҳодиса эмас, балки, у ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг таркибий қисми, уларнинг мақсад йўналишларини ифодалайдиган ғоялар мажмуасидир. Зеро, “мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар”³, деган юртбошимиз хулосаси мафкуранинг тарихий-ижтимоий зарурият сифатида умумий тамойилини ифодалайди.

Ва бу тамойил қуйидагича фикрга асосланади: “Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан мисоллар келтириш қийин эмас”⁴.

Демак, жамиятнинг маънавий ҳаётида мафкуравий бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Айни мана шу зарурият мафкуравий иммунитетни такомиллаштиришнинг муҳим шартидир.

Миллий истиқлол мафкураси, миллий эҳтиёжларни ўзида акс эттиргани боис, у, аввало, ёш авлод онгига ва қалбига сингиши, уларнинг маънавий, ғоявий дунёқарашига айланиши керак. Ёшлар тафаккурини бойитиш, дунёқарашини юксалтириш, уларни инсонийлик руҳида, умумбашарий меъёрлар асосида тарбиялаш учун тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш, бу муҳим ишга эса юксак савияли, адолатли, фидойи инсонларни жалб қилиш талаб қилинади. Тарғибот-ташвиқот ишлари ҳаётимизни янгилашга, ёш-

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2000.—506-бет.

²Ўша жойда, 494-бет.

³Ўша жойда.

⁴Миллий маънавият ва мафкура.— Т.: Меҳнат, 2000.—9-бет.

ларни ўзлигини англашда мустақил фикрлашга ўргатиш, уларнинг онгида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги, ёт мафкуравий таъсирлардан асрашга хизмат қилиши лозим.

Аммо, ҳозирча, бу борада самарали иш олиб бораётганимиз сабабли, айрим зарарли ғоявий оқимлар ёшларимиз қалби ва онгини эгаллашга уринмоқда.

Айтиб ўтилган сабаблар, заруриятлар ҳам миллий истиқлол мафкурасини кучайтиришни тақозо этади. «Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси ҳам, — дейди йўлбошчимиз, — маънавият, миллий мафкуранинг аҳамиятини янада кучайтиради. Чунки сир эмас, баъзан, беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интишлар ифодаланади.»

Ҳозирги асримизни қандай ном билан атаманг, юксак технологиялар асри дейсизми, ахборот асри дейсизми, барибир, бизнингча, бу тарғибот асри. Чунки, биз эшитаётган, кўраётган барча-барча нарсалар истакларимизни, дидимизни ўзгартиришга, фикримизга таъсир қилишга йўналтирилган. Тўғри, ҳаммамиз ҳам эрталаб юз қўлимизни юваётганда, реклама қилинаётган воситалардан фойдаланмасмиз, нонуштада кенг тарғиб қилинаётган “Nescafe” ичмай, ўзимизнинг жайдари чойимизни истеъмол қилармиз. Аммо, тан олишимиз керакки, биз томоша қиладиган сериаллардан тортиб, фарзандимизга айтиб берадиган эртагимизгача, боринги, ётиш олди-дан ўқийдиган китобимиз ҳам қандайдир мафкуравий юкка эга, уларда муайян ғоялар тарғиб қилинади¹.

Ҳар қандай тарғибот эса инсоннинг онги ва қалбини эгаллашга қарагилган.

Ана шундай шароитда ёшларда, умуман, жамиятимиз кишиларида миллий истиқлол ғоясига чексиз садоқатни муносабат ва мулоқотдан тортиб, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари, телерадиокомпанияларидан самарали фойдалана олишимиз керак.

Айниқса, бу ишда ёшларимиз ўқийдиган китобларнинг, адабиётнинг аҳамияти катта. Адабиётшунос Раҳмон Қўчқор адабиёт кучли мафкуравий таъсир воситаси эканини, лекин ундан унинг, кўпинча, холис ниятга эга бўлмаган намояндалари ғаразли мақсадларда фойдаланиб келганлигини француз ёзувчиси Маркиз де-Сад фикрлари асосида исботлашга ҳаракат қилади. Де-Сад “Фоҳишахонадаги фалсафа” — “Философия в бударах” китобида ўзининг (асар муаллифининг) асл ниятини ифода этиб, шундай ёзган эди: “Биз бутун дунёни эгалламоғимиз учун бундан буён катта мухорабаларда қатнашишимиз, жангу жадаллар юритиб, дунёнинг қарийб узоқ ўлка-

¹Қаранг: Умарова Н. Мафкура тарғиботи //Тафаккур.— № 3.—2001. 12-бет.

ларда фаранг аскарӣ ҳалок бўлишию, унинг жасади ва этиклари чириб битиши мутлақо шарт эмас. Агар биз бошқа мамлакатларга, хусусан, Шарққа ахлоқимизни (тўғрироғи, ахлоқсизликларни — Р.Қ) меникидай китоблар ва бошқа йўллар билан тарқата олсак, уни ўша халқлар турмуш тарзига айлантира билсак, жумлаи жаҳон оёғимиз остига ўзи юкиниб келади, бутун **одамзоднинг** қалбига эгалик қилишга муваффақ бўламиз”¹.

Шу боис, миллий мафкурага тамал тоши, энг аввало, уйда, боғчада, мактабда болажонларимиз қўлига тушадиган ўйинчоқлар, китоблар ўқув қуроллари билан қўйилади.

Бинобарин, ёшларимиз онги ва қалбида мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий истиқлол мафкурасини ёшларимиз дунёқарашининг асосига айлантириш мақсадида, ҳам тарғибот ишларини, ҳам амалий — тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйиш лозим.

Бу вазифаларни ҳал этишдаги энг муҳим ишлардан бири — ёшларда миллий ғоя орқали аجدодларимиз бой меросига ишонч, эътиқод ва ихлосни тарбиялашдан иборат бўлмоғи керак.

Бунда қуйидаги муҳим долзарб масалаларни ҳал этиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади;

— таълим муассасаларида болаларнинг ёшига мос дастурлар асосида миллий истиқлол мафкурасини уларнинг онгига сингдириш, дифференциал педагогик-психологик дастурни яратиш;

— ўқувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз тарзда олиб бориш;

— ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш;

— мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш;

— педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш.

Шунингдек, таълим муассасаларида яратилган ўқув қўлланмаларидан тортиб, синфлар ва аудиторияларгача барчасини мафкуравий таълим берувчи ижтимоий рекламалар билан қуроллантириш мақсадга мувофиқдир. Ёшлардаги соғлом дунёқараш ва илмга иштиёқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда, ҳомийлик ва васийлик ташкилотлари имкониятларидан тўла фойдаланиш ва шу орқали жамият кенг қатламлари вакиллари таълим тарбияни такомиллаштириш ишига сафарбар этиш зарур. Дунёвий илмларни мукамал билиш

¹ Қаранг: *Ҳожибоев А.* Миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси, уларнинг моҳияти ва вазифалари // *Конун йўлида.* — 2001. — № 1. 9-бет.

дахрийлик белгиси эмаслигини ҳар бир ёшнинг теран англаб етиши, муқаддас ислом динимизнинг имон-этиқодга, инсоф-диёнатга чорловчи кучини янада оширади. Кишиларимизнинг ва, айниқса, ёшларнинг миллий ғояга ихлоси ошишига, мафкурамизга мустақкам этиқоднинг шаклланишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, мафкуравий иммунитетнинг кучайишига яқиндан ёрдам беради.

Масаланинг моҳиятидан англашиладиган энг муҳим хулоса шуки, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини, ҳар бир шахсни, энг аввало, аждодларимизнинг маънавий меросига ихлосманд қилиб тарбиялаш зарур. Бунинг учун эса:

— кишиларимиз қалбига яқин бўлган, миллатимиз қадриятлар тизимини ўзида акс эттирган муаммоларнинг илмий ечимини оммабоп тарзда топиш ва изоҳлаш, унинг тарбиявий таъсири, самардорлигини оширувчи ўқув-услубий адабиётларни мунтазам яратиб бориш керак;

— ихлос, ихлосмандлик тушунчаларининг ижтимоий-тарихий негизларини халқимиз ўтмиш маънавияти, миллатимиз менталитетидан қидириш лозим;

— шахс имон-этиқодини мустақкамлайдиган, унинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган маданий-маърифий, диний-ахлоқий манбалардан ўз ўрнида, юксак саводхонлик асосида фойдалана олиш имкониятини яратиш керак;

— бундай муаммоларни ёритаётганда инсонни фикрлашга мажбур этадиган адабиёт ва санъат асарларидан, мусиқа, илм-фан, миллий қадриятлар, удумлардан, тарихий меъморчилик обидаларидан, халқ эътибор берадиган қадамжолар, маърифий масканлар, уй музейлари, хунармандчилик устахоналари, тарихий шахслар ҳаёти акс эттирилган манбаларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, тарғиботнинг мазмуни, шакл, усул ва воситаларига доимо миллий-маънавий руҳ беришга жиддий эътибор бериш керак. Шуни унутмаслик керакки, инсон комиллик ахтариб, унга етишмоқ умидида ҳамиша яхшилардан, ёши улуғлардан ибрат олади. Ибрат эса фақат тарихда, ўтмишда ўтган боболаримиз тимсолидагина эмас, бугуннинг ўзида, ҳар кунлик ҳаётимизда ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Биз ҳар куни ибрат намуналарига дуч келаемиз. Фақат уни қалб кўзи билан кўришимиз, юрак эҳтиёжи билан хис этишимиз керак.

— Кишиларни, айниқса, ёшларни машҳур аждодларимизнинг меросига ихлосмандлик руҳида тарбиялашга, уларни неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшашга ўргатиш;

— ҳар бир шахсда оқилона эҳтиёж ва манфаатни шакллантириш, манфаатлар тизимида ихлос, ихлосмандлик ва ибрат бирлигини таъминлаш;

ХОТИМА

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисани илмий тадқиқ этишининг долзарблиги ва тарихий аҳамияти уни мавжуд давр билан бевосита алоқадорликда ўрганилгандагина ёрқин намоён бўлади. Бугунги куннинг биз идрок этаётган муҳим хусусияти ҳам унинг ўзгарувчанлиги, янгиланаётгани ва шу билан боғлиқ воқеалар шиддатидир. Ҳар он, ҳар дақиқа узоқ йиллар давомида оқу қора номи билан иккига бўлинган, шу аснода шууримизга сингдирилган, эндиликда эса умуминсоний тамойиллар, умумбашарий қадриятлар асосида бир-бирига яқинлашаётган, яхлитлик касб этаётган дунёда тарихий, оламшумул воқеа-ҳодисалар юз бермоқда. Ҳали ҳеч қачон айтилмаган, идрок этилмаган ҳақиқатлар очилиб, халқ, миллат ўзлигини англамоқда.

Ўзгараётган, қайта қарор топаётган дунё олдида, эҳтимол, мана шундай шиддатга дош бериш, бу ўзгаришларнинг иқтисодий ва маънавий тўлғоқлари силсиласидан, машаққатларидан ўта олиш имтиҳони турар, лекин, нима бўлганда ҳам, узоқ йиллар давомида аввалдан белгилаб қўйилган йўналишлар қобиғида яшаб келган, олдиндан белгиланган чизиқлардан чиқа олмаган, мустақил фикр, ҳурлик истаги жиловлаб ташланган — кечаги кун одами учун бугун дунё миқёсида кечаётган тарихий оламшумул ўзгаришларни ҳазм қилиш осон эмас. Бу жараёнларни чуқур мушоҳада қилиш ва унинг ечимларини топиш учун эса мозийга қараб иш кўриш талаб этилади. Зеро, тарихни билмай туриб, аждодларимиз маънавий меросини мукамал ўрганмай, унга ихлос қўймай туриб, инсоннинг ўзини ҳам ўзгартириш, унинг маънавиятини юксалтириш мумкин эмас.

Инсоннинг ўзи ўзгармас экан, ҳар қандай номақбул, бадном тузумни янгилаш ёки ағдариб ташлаш билан ҳам мақсадга эришиб бўлмайди¹.

Шу боис ҳам, биз қураётган жамият фуқаролар эркинлигига асосланган демократик жамият бўлиб, у, асосан, инсоннинг ҳар томонлама эркин ривожланиши, ўзининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришига кенг имкониятлар очиб беради.

Тадқиқотларимизда таъкидланганидек, ҳозирги кунда инсон чуқур маънавият соҳиби бўлиш учун изчил феъл-атвор, мустаҳкам эътиқод, юксак дунёқарашга эга бўлиши керак. Бунинг учун биз: авлод-аждодларимизнинг инсонпарварлик ғояларидан; халқимизнинг тарихий анъаналари, миллий турмуш тарзи, одоб-ахлоқ талабларидан; насл-насаб, руҳият ва ирсият ҳақидаги миллий хулосалардан; ислом динидаги ижтимоий-тарбиявий ғоялардан; миллий истиқлол ғурури, ватанпарварлик, адолат ва маърифат туйғуларидан фойдаланишимиз кераклиги равшан бўлиб қолди.

Демак, бундан англашиладиган энг муҳим хулоса шуки, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини, ҳар бир шахсни, энг аввало, аждодларимиз маънавий меросига ихлосманд қилиб тарбиялаш зарур.

¹Қ а р а н г: *Мейлибоев А.* Фидойилар асрар Ватанни. Ватан саодати.— Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1998. 11-бет.

— ишонч, ихлос ва эътиқодни шахсда мафкуравий иммунитет-нинг шакллантиришдаги ўрни ҳамда аҳамиятини далиллар ва ҳаётий тажрибалар асосида кенг шарҳлаб беришдек. Бу ўта мураккаб ва масъулиятли вазифаларни уддалай олиш учун ҳар бир кишида шахсий фуқаролик масъулиятини юксалтириш, уларни миллий ғоянинг асосий тамойилларига ихлос-эътиқод билан қарашга одатлантириш зарур.

Шу боис, уни амалга оширишга доир қуйидаги таклиф ва тавсиялар шакллантирилди:

— шахс маънавий камолотига хизмат қилувчи аждодлар меросига ихлосмандликни ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ушбу йўналишдаги тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлигини юксалтириш;

— телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар дастурига “Маънавият-ибрат”, деб номланган, ҳеч бўлмаганда, бир ойда бир мартаба эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этиш;

— туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ва тегишли даражалардаги жамоат ташкилотлари тасарруфидаги ҳудудларда, миллий мафкура тарғиботи асосида, кишиларда миллий ғояга эътиқодни, маънавий меросга ихлосни, шакллантириш учун, аҳоли орасида тарғибот олиб борувчи, нотиқлар гуруҳини ташкил этиш, уларнинг билим савияси ва малакасини мунтазам ошириб бориш;

— жойларда намунали оила, ибратли хонадон соҳиблари билан ёш авлод учрашувларини ташкил этиш, бу ишларни йўлга қўйишда маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллигини ошириш айтилган муҳим вазифалардан бири бўлади.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3
<i>I боб. Ихлосмандлик, унинг миллий урф-одат, анъана ва маънавият билан алоқадорлигининг ижтимоий-фалсафий таҳлили</i>	6
1-§. Ихлос, ихлосмандлик тушунчалари, унинг ижтимоий-тарихий негизлари	6
2-§. Имон, эътиқод, ихлоснинг ўзаро бир-бирига таъсири ва уларнинг шахс маънавий қиёфасини шакллантиришдаги ўрни	19
3-§. Ихлосмандлик ва унинг юзага келишининг миллий хусусиятлари	31
<i>II боб. Шахс ахлоқий қадриятларининг такомиллашувида ихлосмандлик анъаналарининг ўрни ва аҳамияти</i>	40
1-§. Аждодлар меросига ихлосмандлик — ахлоқий қадриятларни тиклаш омили	40
2-§. Ихлосмандликнинг ўзгарувчанлик хусусияти ва унинг шахс фаолиятида намоён бўлиши	48
3-§. Тарбияда ибрат, ихлос ва ихлосмандлик бирлиги ва шахс маънавий камолотини юксалтириш йўллари	68
<i>III боб. Ҳоя, мақсад ва манфаатларнинг шаклланишида эътиқод ва ихлос бирлиги</i>	79
1-§. Шахсда маънавий меросга ихлосмандлик эҳтиёжининг ўсиб бориши	79
2-§. Манфаатлар тизимида ихлос ва ихлосмандликнинг ўзаро боғлиқлиги ва шахс тарбияси	98
<i>IV боб. Диний-ахлоқий қадриятларга ихлосмандликнинг маънавий негизлари ва уларнинг шахс амалий фаолиятига таъсири</i>	108
1-§. Диний-ахлоқий қадриятлар ва ихлосмандлик	108
2-§. Динга ихлосмандлик ва шахс дунёқараши шаклланишининг баъзи бир услубий муаммолари	118
3-§. Ихлосмандлик — шахс маънавий камолотининг муҳим омили	127
ХОТИМА	142

Очилова Бахти Муродовна

**ШАҲС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА
ИХЛОСМАНДЛИК ВА ИБРАТ БИРЛИГИ**

Рассом Ҳ. Меҳмонов

Техник муҳаррир Т. Харитоновна

Мусаҳҳиҳлар Ш. Мақсудова, Н. Умарова

Компьютерда тайёрловчи Г. Қулназарова

Босишга руҳсат этилди 16.01.04. Қоғоз формати 60 × 90¹/₁₆.

Офсет босма усулида босилди. Шартли босма т. 9,0.

Нашр табоғи 9,15. Нухаси 1000. Буюртма № 140.

Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашр № 162-03.

«Remaksa-matbaachilik QK» да босилди.

700011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.